

84(57)17

С 96 кр

404884 Исажон Султон

# БОҚИЙ ДАРБАДАР



Исажон Султон

---

# БОҚИЙ ДАРБАДАР

*Роман*

*Қисса*

*Ҳикоялар*



ТОШКЕНТ — «O‘ZBEKISTON» — 2011

УДК: 821  
ББК 84 (5Ў)6  
С 96

**Исажон Султон**

С 96 Боқий дарбадар: роман / И. Султон. — Т.: O‘zbekiston, 2011. - 280 б.

ISBN 978-9943-01-654-5

Ушбу тўпламда ёзувчи Исажон Султоннинг турли даврларда ёзилган сара асарлари жамланган.

«Боқий дарбадар» романида Муборак Зот тимсолида намоён бўлган мутлақ ҳақиқатга қўл кўтаргани учун абдий тириклик жазосига ҳукм этилган киши тимсоли орқали инсоният тарихидан то бугунги кунимизга қадар яшаб ўтган ва ҳаёт аро маъносиз дайдиб, қилар ишлари «ҳеч нарса ва фақат ҳеч нарса» бўлиб қолган кишиларнинг тақдиридан ҳикоя қилинади. Оламдаги ҳамма нарса кун келиб совурилиб, йўқ бўлиб кетар экан, фақат иймон, инсонийлик, меҳру муҳаббат ва юрт муҳим аҳамиятга эга экани, имоннинг ватансиз мавжуд бўла олмаслиги бадийий йўсинда қаламга олинади.

«Муножот» қиссасида эса ҳар бир инсоннинг фитратида жамланган, ўсиб барқ уриши инсоннинг ўзига боғлиқ бўлган ҳақиқий истъдод ҳамда оламни идрок қилиш қобилияти ҳақида сўз боради.

Шунингдек, турли даврларда ёзилган ҳикояларда ҳам дунёмиз ва атрофдаги воқеа-ҳодисалар ўзига хос тилда ва шаклда ҳикоя қилинади.

УДК: 821  
ББК 84 (5Ў)6

ISBN 978-9943-01-654-5

# БОҚИЙ ДАРБАДАР

*Роман*



## БИРИНЧИ ҚИСМ

*«Сен-ку авомнинг кўзида зоҳиран бир дуо туфайли шундай қисматга маҳкум этиласан. Аммо умринг мобайнида ўз ҳаётларида шлоҳий муждани рад этиб, дарбадарликни бўйинларига олган саноқсиз кишилар оломонини кўрасан. Уларнинг ҳаёти сеникидан бир зарра ҳам ўзга бўлмайди, бироқ сендан фарқ килиб, оғир ва азобли ўлим топадилар. Лекин тарихда сенинг номинг қолади, бошқалар эса айнан шу қисмат билан яшасалар-да, ер юзидан беному нишон супурилиб кетадилар...»*

---

---

## ИБТИДО

... Жазиранинг топ-тоза мовий осмонида бир парча оқ булут сузмоқда эди. Бу булут бундан етти ҳафта бурун Қизил денгизнинг чучук сувли оқимлари устида пайдо бўлган, тинимсиз эсувчи баҳри муҳит еллари уни Арабистон чўлларига қадар қанотларида *авайлаб* олиб келишиб, чўл шамолларига топширган эдилар.

*Саҳронинг қурғоқ шамоли ҳозир уни эҳтиётлик билан суриб бормоқда эди.*

Пастда, ер юзида — шаҳарнинг баланд-паст кўчаларида бугун оломон тўпланган эди. Пешоналарига ва садоқларига типпа-тик турган одам бошли шер тасвири туширилган, халқ «Махес»\* деб номлаган Ўлим лашкари бугун бир одамни қатл учун олиб кетмоқда эди. Номининг ўзиёқ кишиларда қўрқув ва даҳшат уйғотадиган бу аскарлар на ота-онасини, на қариндош-уруғини билар, гўдаклигидаёқ яқинларидан тортиб олиниб, номаълум томонларга — саҳро ичкарасига олиб кетилар, вояга етганидан сўнггина Ўлим лашкари сафига келиб қўшилар, уларнинг иблисона шафқатсизлиги ҳақида одамлар орасида бир-биридан мудҳиш турли гап-сўзлар юрар эди.

Қатл учун тепаликда махсус жой тайёрлаб қўйилган, маҳкумнинг оёқларига, қўлларига елкаси аралаш зил-замбил кишанлар урилган бўлиб, залворидан жуда қийналиб қадам ташлар, ҳансираб нафас олар, тева-

---

\* «Махес» — Фиръавнлар давридаги қадимий Мисрда маъжусийлар сигинган қонхўр бутнинг исми.

ракдаги одамларнинг ҳазил-мазах аралаш айтган сўзлари қулоғига гоҳ кириб, гоҳ эшитилмай қолар эди.

*Қизил денгизнинг чучук сувли оқимлари узра бино бўлган оқ булут парчаси ана шу маҳжумнинг боши узра соя ташлаб келаётган эди.*

*Маҳжум — бир Муборак Киши эди.*

Ким билсин, балки ҳозир унга Илоҳ фаришталари ёрдамга келгану чўян кишанларнинг оғирлигини балки сезмаётгандир ҳам? Теварақдаги оломон «Қани сенинг худойинг? Нега у сенга мадад бермаяпти?» деб қичқирар ва кулар эди.

Кулаётган бу бадбахт оломон орасида бир этикдўз ҳам бор эди.

\* \* \*

Этикдўз бугун азонда кулбасининг ёнидаги дарахт шоҳларида *қоп-қора чумчуқлар* тўпланиб олганини кўрди. Бошқа дарахтларда чумчуқлар йўқ эди. Булар эса айнан унинг лойсувоқ уйининг ёнига тўпланишган, на овоз чиқарар, на дон-дун терар, фақат синчков бсқишар ва ниманидир кутишарди.

*Аммо нимани?*

У туни билан мижжа қоқмай чиқди. Эрталаб турганида ҳам вужудида чарчоқ ҳис қилди. «Бугун энди ух-лолмасам керак, — деб ўйлади у. — Энди то кечгача мудроқ босиб юришга тўғри келади».

«Агар кундузи *нимадир* содир бўлмаса, — деди унинг ичидан совуққон ва шафқатсиз бир овоз. — Тўғри айтдинг, агар кундузи *нимадир* рўй бермаса, албатта мудроқ босиб юрасан.»

«Ҳеч нарса рўй бермайди, — деб эътироз билдирди этикдўзнинг ақли унга. — Ўлим лашкари бугун анави кишини қатл этади. Агар аскарлар қизиққонлик устида шаҳарнинг ҳам кулини кўкка совуришмаса...»

«Улар шаҳарнинг кулини кўкка совуришмайди, ўзинг ҳам яхши биласан, — дея яна эътироз билдирди овоз. — Сен ташқарида нимани кўрдинг?»

«Ҳеч нарсани».

«Ёлғон. Сен дарахтга кўниб олган қора чумчуқларни кўрдинг».

«Нима бўпти, ҳар кунги оддий чумчуқлар...»

«Аммо, Ҳазрат нима деган эди?»

«Ҳазрат деган эдики...»

«Ҳазрат деган эдики, ойнанинг ўн учинчи кунида, жума куни учиб келадиган қора чумчуқлар аслида мудҳиш ва қаттол бир қарғишнинг юкени олиб келишади...»

«Ўчир овозингни», — деди қатъий қилиб этикдўз, сўнг яна дарчага қаради.

Қора чумчуқлар ҳануз унга термилишарди.

Этикдўз қирқ уч ёшига нисбатан анча қаримсиқ кўринадиган, озғин, ҳаракатчан бир одам эди. Отасидан фарқли ўлароқ, унга омад кулиб боқди — отасидан қолган эски тегирмонни ижарага бериб, маблағ топди ва судхўрлик билан шуғулланди. У қаноатли ва тежамли инсон бўлиб, ҳар бир куни қатъий ҳисобкитоб ва ўлчов асосида кечгани боис, теваракдагилар ўта хасис, бировга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган одам сифатида билишарди. Шаҳарда бойлар ва камбағаллар кўп, қуллар ва чўрилар эса ундан ҳам кўп, бироқ этикдўз на бой, на камбағал — ўртамиёна бир одам эди.

Ҳазратнинг башоратини у ҳозир яна эслади.

## ҲАЗРАТНИНГ БАШОРАТИ

Ҳазратни у бундан ўттиз уч йил аввал учратган эди. Ҳазрат ёлғизоёқ йўлдан асосини тутганича келаркан, бола адир ёнбағрида қамишдан най ясаб ўтирар, сал нарида қўйлари ўтлаб юришарди.

Ҳазрат шу атрофдаги дарахт шохларида қора чумчуқларнинг тўпланиб олганини кўрди.

Бошқа қушлардан фарқ қилиб, булар на дон-дун терар, на сайрар, на шохдан-шохга учиб-қўнар, фақат, кичкина сарғиш кўзларини тикканча ниманидир сабр-тоқат билан кутишарди.



Ҳазрат ранг-қуғи ўчганча, болақайга қараб туриб:  
— Ўғлим, отинг нима? — деб сўради.

Болақай исмини айтди. Кейин ёлғиз бу йўлчиға қи-  
зиқиб қараб, сўради:

— Сиз узоқдан келяпсизми?

— Жудаям узоқдан, — деб жавоб қилди Ҳазрат, унинг  
ёниға ўтириб, қўлини болақайнинг елкасига қўяркан.

— Чарчадингизми? — деди бола.

Чол бош ирғади.

Қайдадир тўрғай сайради. Болақай кўкка боқиб, тўр-  
ғай Ҳазратнинг боши устида айланиб сайраётганини  
кўрди.

— Бу чумчуқлар кўпдан бери шу ердами? — деб  
сўради Ҳазрат.

Болақай елка қисди.

— Ҳимм... Бугун жума, оининг ўн учинчиси... —  
ниманидир ўзича ҳисоб-китоб қилди Ҳазрат. Сўнг бола-  
га ачиниб қараб турди-да: — Ўғлим, гапимға диққат  
билан қулоқ сол, — деди. — Оининг ўн учинчи куни-  
да, жума куни учиб келадиган қора чумчуқлар аслида  
мудҳиш ва қаттол бир қарғишнинг юкини олиб кела-  
дилар. Шу гапимни зинҳор ёдиндан чиқарма.

Бола бу гапни тушунмади, шу боис ҳам чолға ан-  
райиб қараб қолди.

Ҳазрат анча сукутдан сўнг:

— Худонинг даргоҳи кенг, ўғлим, тавба қил, —  
деди, оғир тин олиб. — Аслида ким ўйлабди, сендай  
маъсум, ишонувчан бир болақайға шунақа тақдир на-  
сиб этишини... Бу қисмат энди ўзгармайди, чунки бу-  
гун денгизнинг соҳилға яқин ерида, сув остида янги  
бир булоқ кўз очди, унинг сувлари шўр сув билан ара-  
лашмасдан, қирғоқ яқинида чучук оқимларни пайдо  
қилди. Тонгда эса муборак бир киши дунёға келди,  
унга соя солиш учун яратилган дарахт мева тугди...  
Вақт-соати етганида у билан албатта учрашасан. Сени  
дунёда ҳеч ким рўпара келмаган бир тақдир кутаётга-  
ни балки бежиз эмасдир, бир ҳикмати бордир... Тавба  
қил, шояд Парвардигорнинг ўзи раҳм айласа...

Сўнг ўрнидан турди.

— Сен-ку авомнинг кўзида зоҳиран бир дуо туфайли шундай қисматга маҳкум этиласан. Аммо умринг мобайнида ўз ҳаёти давомида илоҳий муждани рад этиб, дарбадарликни бўйинларига олган саноқсиз кишилар оломини кўрасан. Уларнинг ҳаёти сеникидан заррача ҳам ўзга бўлмайди, бироқ сендан фарқ қилиб, оғир ва азобли ўлим топишади. Лекин тарихда сенинг номинг қолади, бошқалар эса айнан шу қисмат билан яшашса-да, ер юзидан беному нишон сунурилиб кетишади...

— Сиз кимсиз, ота? — деб сўради болакай.

— Менинг отим — Ҳазрат, — деди чол. — Вақт-соати келиб, гапларимни ҳали яна эслайсан, бўтам.

Шу воқеадан сўнг бола то улғайгунига қадар бунақа қора чумчуқларни қайтиб кўрмади. Кўрганлари эса, учиб-кўниб дон-дун териб юрадиган оддий чумчуқлар эди.

## ДУОЙИБАД

Куюш найза бўйи кўтарилди. Шаҳардаги қатл томошаси давом этмоқда эди.

Атрофдаги дарахтларнинг шохлари қора чумчуқларга тўлиб кетган, улар оломонга ва этикдўзга маъносиз кўзларини тикканча, ниманидир кутган каби қинғайиб қараб туришарди.

Этикдўзнинг ғайрати жўшиб кетди, у ҳам оломонга қўшилиб маҳкумни мазах қила бошлади.

Маҳкум кўринишидан ҳаддан ташқари ҳолдан тойган эди. У шундоққина этикдўзнинг девори ёнига келиб қолди.

Мана, у бир дақиқа кўзларини юмди, ҳолсизликдан гандираклаб кетди.

— Имиллама, имиллама! — деб чуввос солар эди оломон.

Маҳкум бир дамгина нафас ростлаш учун этикдўзнинг деворига суянди.

— *Ҳали сен менинг деворимга суянадиган бўлдингми? Имиллама!* — деб қичқирди этикдўз ҳам ва шиддат билан олға интилиб, уни икки қўллаб итариб юборди. Муборак киши ерга йиқилиб тушди, аммо лом-мим демай келаётган Ўлим лашкарининг жаллодларидан иккитаси уни яна оёққа турғизишди.

Этикдўз ўзининг қилган ишидан мамнун, тиржайиб турар эди.

Шунда...

(... Эй Худо, шу ишни бекор қилдим... Балки, ростдан ҳам, Ўзига яқин бир одам бўлса-я? Осмондаги анави оқ булут изидан қолмасдан эргашиб юрганичи? Бу кишининг айтганлари шак-шубҳасиз амалга ошади... шу қадар муборакки, ҳали туғилмасиданоқ у сув ичадиган булоқ, унга соя солиб, меваси билан таомлантириши лозим бўлган дарахт яратиб қўйилган эди, деган гаплар-чи?.. Лекин менда ҳам айб йўқ. Ҳамма ёқда айғоқчилар изғияпти... уларнинг назарига тушмаслик учун номига бўлса-да койиб қўйишим керак. Аслида... бошқаларни хавф остига қўйиб мужда олиб келадиган киши муборак бўлармиди?! Амалдорлар қилмишимни кўришди, эрта-индин суриштирувлар бошланади, жосуслар барча воқеаларни оқизмай-томизмай етказишади... ва ҳеч ким менга тегмайди...)

Шунда Муборак Киши қуйи эгилган бошини кўтарди, унинг тиниқ ва нурафшон нигоҳи билан этикдўзнинг олазарақ кўзлари тўқнашди.

Ва у этикдўзга қараб шундай деди:

*Тургин ва бадар кетгин!*

(*«Мен-ку имилламайман, аммо сен маҳшар куни келишини узоқ кутасан...» — дейилди унга.*

*«...Энди сен то қиёматга қадар ер юзида бетиним дайдишга маҳкум этилдинг», — дейилди унга.*

*«Ҳамда сенинг қиладиган ишинг — ҳеч нарса, ҳеч нарса, фақат ҳеч нарса», — дейилди унга.)*

Шу кунни у шаҳар тепалигида ўзи судраб келган кишанларига ўраб-чирмаб қатл қилинди ва Тангри таолонинг яна бир маҳбуби ана шундай бир тарзда ўлдирилди.

Айтадиларки, қатлдан сўнг оломон унинг кимлигини аста-секин тушуниб ета бошлаган ва Муборак Зотга қўл кўтарган бадбахтни у ердан ҳайдаб чиқаришган. Этикдўз шу кетганича бадар кетган ва орадан юз йил ўтгачгина ватанига қайтиб келган. Аммо одамлар уни яна олдиларига солиб қувлашган. Йиллар ўтгани сайин у ўзининг қиёматга қадар ўлмаслигини англаб ета бошлаган, ҳеч бир юмушнинг унинг учун аҳамияти қолмаган. Неки қилмасин, бари беҳуда бўлиб чиқарган... Ва, асрлар бўйи унинг қисмати ер юзида фақатгина бесамар дайдишдан иборат бўлиб қолган.

## БАДАВИЙЛАР

Тарихда араб саҳроларида самум олдидан кезиб юрган бир одамни кўрганлари ҳақида гап-сўзлар бор.

Самум одами деган афсонавий одам аслида ўша — дуоибад этилган ва охири кўринмайдиган издиҳомнинг бу дунёга келиб кетишига то қиёматга қадар гувоҳ бўлишга *(ва ўзи ҳам кетишни орзу қилишга)* маҳкум этикдўз экани ҳақида ривоятлар бор. Аслида самум — Саҳрои Кабирда эсадиган ва жон зоти борки, барини куйдириб-эритиб ҳалок қиладиган қайноқ шамол, бироқ, айнан шу шамоллар орасидан чиқиб келгани учун ҳам араб бадавийлари уни самум одами деб атаганлар.

Айтадиларки, бир кунни самум одами саҳро бадавийларининг олдига келиб, ўзининг шамоллар ва ҳодисалар тилини билишини айтади. Бадавийлар унга ишонмайдилар. Самум одами ерда ётган япалоқ бир тошни кўрсатиб, дейди:

— Бу тош аслида Ҳиро тоғида бино бўлган, уч юз йил олдин қоядан ажралиб тушган, баҳор ёмғирлари-

нинг селлари оқизиб водийга олиб келган. У аслида, орангиздаги бир одамнинг ажалига сабаб бўлиши учун яратилган. Бу ердан етти кунлик масофада қоялардан узилиб, саҳронинг ўртасига келиб қолиши бежиз эмас. Кун келиб, шу қисмат албатта рўй беради. Балки кимдир бу тош билан кимнидир жонига қасд қилар, балки кимдир унга қоқиниб йиқилар? Ҳатто саҳродаги мана шу саноксиз қум зарраларининг ҳар бирининг ўз қисмати бор. Худди сизнинг ва менинг қисматим каби...

Бадавийлар айтдиларки:

— Ажабо, сенинг қисматинг бизникидан фарқи эмасмиди?

Деди:

— Унда сиз Иблиснинг яратилиш ва гуноҳ қилишининг тарихини биласиз. Қанчалар бадбахт бўлмасин, Иблиснинг борлиги инсон боласи учун яхшидир. Оловнинг мавжудлиги темирнинг тобланиши учун лозим бўлгани каби. Чунки оловда тобланган темир янада мустаҳкам ва ишончли бўлади.

Дедилар:

— Иблис алайҳиллаъна Парвардигоримизнинг синови эканини яхши биламиз. Сенинг қисматингдан ҳикмат нима?

Деди:

— Қанчалар узоқ умр берилса-да, бу оламдаги ҳамма нарса кун келиб совурилиб, йўқ бўлиб кетишининг тирик гувоҳи бўлишим менинг ҳикматимдир.

*(Айтадиларки, у ана шундай деб ёлғон гапирарди. Ёлғонига ўзи ҳам ишонмаса-да, Тангрига яқинроқ бир банданинг шафоатидан умидвор эди. Бироқ, кўп йиллик бу умидворлигининг саҳродаги шу қум зарралари каби совурилиб кетишини ҳам яхши биларди.)*

Бадавийлар дедилар:

— Сен бизнинг қисматимизни ўзингникига тенглаштирмагин. Бизнинг қисматимиз — шу саҳрода яшаб, Парвардигорга ибодат қилиш ва ажалимиз етганида,

жонимизни Ўзига топширишдир. Сен эса — Тўғри Йўлни билган одамга қўл кўтарган ҳамда жазоингни шу дунёнинг ўзида олган одамсан. Нарсаларнинг яратилиши ҳақидаги ҳикматларнинг аслида кераксиз, чунки ажал қай кўринишда бўлмасин, албатта етиб келади. Ўлимнинг қаерда ва қай тарзда етишининг кўпам аҳамияти йўқ — имонимизнинг бут бўлиши биз учун кифоя. Шу боис ўзингни илмли ва ҳатто, Пайғамбарларга бериладиган ҳикмат эгаси қилиб кўрсатмагин. Тургин ва бадар кетгин!

Ҳамма жойда у ана шундай қувғинга дучор бўлар эди.

У ибодат қилар эди, аммо ибодатининг қабул бўлмаслигини ҳам билар эди.

Чўлларни тўзғитган шамол тепага кўтарилиб эса бошлаганида уни кўриш мумкин эди — бунга шу ерда қўй боқиб юрган чўпонлар, қурту қушлар ва ўт-ўланлар гувоҳ бўлдилар.

Шамолда узилиб тушган бир шох-шабба ҳам уни кўрган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Денгизлар узра сузган булутлар унинг изтироблардан хабардор эсалар, не ажаб?

Тоғларнинг этагидан бошланиб, водийлар бўйлаб бир неча кунлаб эсадиган, денгиз юзасидан то қитъаларнинг этакларигача шўр ҳаволарни қанотларида олиб келадиган ёки саҳроларни яллиғлантириб-эрितिб, қайноқ ҳароратга кўмадиган самум шамоллари ҳам уни кўрганига шубҳа йўқ.

Айтадиларки, у яна бир неча юз йил Тангри Таолонинг бошқа бир билимли ва барҳаёт бандасини — Хизр алайҳиссаломни излаб лунё кезган. Шу боис уни яна Қизил денгиз соҳилларида кўришган. Мусо алайҳиссаломнинг саватидаги балиқ денгизга тушиб сузиб кетган жойда йиллаб ўтирган.

У ҳолда, Хизр алайҳиссалом оламда бундай балбахт яшаётганидан албатта хабар топгандир? Лекин рўпара келганларми-йўқми — ҳеч ким билмайди

Учрашганида ҳам — Хизр алайҳиссаломдан мужда кутолмаслигига унинг ақли етган, албатта. Чунки қисматларни фақат ва фақат Парвардигоргина белгилайди.

Балки, ёруғ оламда бир Иблис ва бир ўзи бундай тақдирга эгалигидан ваҳимага тушиб, юзлаб йиллар тавба қилгандир? Ва ўзининг яратилиши ҳам аслида бир ҳикматга ишора эканидан умидвор бўлиб, Парвардигордан раҳмат илинжида дунё кезар?

Иброний уламолари буни яхши биладилар. Биладилару аммо у ҳақда сўз очишдан ўзларини тиядилар.

\* \* \*

Умрибоқий бу чол ҳақида унчалик ишониб бўлмайдиган бошқа ривоятлар ҳам бор. Шунингдек, уйлангани ёки фарзандлари бўлгани ҳақида ҳам ҳеч гапирилмайди. Қалбида мудҳиш безовталиқ ва кўрқув ҳукм сурган одам учун кимнидир севиш, оила қуриш, бола-чақа кўриш каби инсоний неъматларнинг аҳамияти қолармикин?

Дарбадар чол ҳақида билганларимиз — шу. Балки тарих китобларини варақласак, йиллар чанги орасидан тақдири Иблиснинг тақдирига ўхшаб кетадиган бу бадбахт ҳақида бошқа маълумотларни ҳам топишимиз мумкин. Бироқ, билганларимизнинг ҳаммасини айтишдан биз ҳам ўзимизни тиямиз, қолаверса, буни ножоиз деб ўйлаймиз. Чунки...

*... чунки ҳозиргина саҳро бағрида бир карвон тўхтаб улгурди. Карвоннинг йўловчилари кўп эмас, уларнинг юзлари сафар машаққатларида қорайган, дағаллашган...*

## САҲРОДАГИ КАРВОН

Юксакларда оғир ва қат-қат булутларни ҳайдаб келиб, тоғларнинг юксак қоялари олдида қолдирган шамоллар ҳозир Осиё саҳролари узра эсмоқда эди. Жонсиз туюлган барханлар орасида тин олиш учун тўхтаган карвон чодирларини тикиб улгурган, энди

шамол ранг-баранг матоларни юлқаб ўйнар, сахронинг сариқ куми оғир кўзғалиб, тўлқинланарди. Оёқ остида ўрмаловчи тезчопар чумолилару калтакесаклар ғайриоддий бир сезги хусусияти билан бу шамолнинг оддий эмаслигини сезганлари боис кум остига кўмилиб олган эдилар, сахронинг бошқа фуқаролари — илонлар ва эчкемарлар ҳам ўз билганларича яшириндилар. Фақат ўжарроқ ва кескирроқ ўқилонгина саксовул шохида қимир этмай турар, бута шохи билан бирга чайқалар эди.

Шамол яна эпкин урғанида, саксонларни қоралаб қолган карвонбоши чол неварасига узоқларда қимир этмай туриб қолган булутларни кўрсатиб:

— Ўша ерда тоғлар бор, болам, — деди. — Булутлар чўққилардан ўта олмай туриб қолди, энди ёмғирларини ўша ёққа тўкади. Тангри нимани хоҳласа, ўша бўлади, — деди.

— Шамол-чи, ўта оладими? — деб сўради невара.

— Шамол ўта олади, чунки у кўзга кўринмас ҳаводан иборат. — деди Чол. — Аслида шамол ҳам, булуту ёмғир, ҳаво ҳам Худонинг махлуқи, болам. Улар Парвардигорнинг амрини бажарадилар. Жумладан, сену мен ҳам.

— Мен Худонинг амрини қандай бажараман? — деди невара.

— Фикрляяпсанми, демак, бажаряпсан, — деди карвонбоши. — Пилладан капалак чиққанини кўрмаганмисан?

— Жуда кўп кўрганман.

— Фикр ана шунақа нарса, — деди Чол. — Олдин ниманидир кўрасан, ундан ўша нарса ҳақидаги фикринг пайдо бўлади.

— Худди капалакка ўхшаб, а?

— Парвардигорнинг даргоҳи кенг, у кўп нарсаларни сирлар пардасига яширган. Одамлар уларнинг баъзиларини билладилар, баъзиларини билмайдилар. Дунёда кўзга кўринмас жонзотлару ҳодисотлар мўл. Уларни одам кўрмайди холос, лекин баъзи жонзотлар кўради.



— Сиз буларнинг тилини қандай англай оласиз? — деб сўради болакай.

— Одам боласидан бошқа ҳамма бир тилда гаплашади, ўғлим, — деди оқсоқол. — Аслида, бундай сирларни қанча кўп англаганинг сайин шунча чуқур сукутга толасан. Чунки баъзи билимлар ҳатто ҳалокатли бўлади, болам.

— Шамол ҳозир нима деяпти? — деб сўради ўғлон.

Чол мийиғида жилмайиб, деди:

— Шамолми? У гапирмайди, балки қанотида билимларни ташиб юради. Керак жойига қараб керак нарсангни олаверасан...

\* \* \*

... Отахон шамолнинг тоғларда авлиё билан суҳбат курганини, *шаҳри Ҳайбар* харобаларининг қумларини тўзғитиб-сочиб ўтганини неварасига айтмади. Зеро, чолнинг ҳадиғи бор эди. Шамолларнинг турларинию вазифаларини у яхши биларди. Лекин, буниси бағрида ёмғирларни олиб келувчи раҳмат эпкини эмасди. Гулларни тўкувчи ва меваларни чангланттирувчи ризқ шамоли ҳам, марҳамат шамоли ҳам, фаслларни ўзгартирувчи мавсум шамоли ҳам эмасди. Аксинча, бошқа экин эди, унинг эсишида жазо шиддати борга ўхшарди. Шу боис ҳам бу ҳақда индамади, аксинча, агар шундай бўлиб чиқса, ўзига ҳам, қавмига ҳам, шу болакайга ҳам марҳамат етажагидан умидланди.

Шунингдек, бу кеча, ҳамма ухлаган маҳали *сахро ичидан чиқиб келган бир одам* билан қурган суҳбати ҳақида ҳам лом-мим демади. Ҳолбуки, тунги суҳбат жуда кўп нарсаларни ойдинлатувчи суҳбат бўлган эди.

— Бизлар кўп йиллар аввал йўлга чиққанзимизни биласан, — деди Чол, тунги йўловчига. — Сен туғилмасингдан икки минг йил аввал бошланган бу *дарбадарлик*. Сафар манзилини биладиганлар ўша маҳалларда дунёдан ўтиб кетдилар. Тахмин қила оладиганлар ҳам аллақачон тупроққа айланганлар, балки уларнинг зар-

ралари ҳозир шамолга кўшилиб учиб юрган бўлса не ажаб... Биз учун ҳеч ерда кўним йўқ, дунёнинг қаерига борсак чодир тикиб, Аллоҳ хоҳлаганча вақт турамиз, кейин яна дунё кезишга равона бўламиз. Бола-чақаларимиз ҳам *дарбадарликда* туғилдилар ва шу қисмат билан ўладилар.

— Бир ерда муқим ҳаёт кечириш билан тинимсиз дарбадарлик ўртасида қанчалар фарқ бор? — деди меҳмон. — Буни менга Ҳазрат айтган эди. *«Сен-ку авомнинг кўзида зоҳиран бир дуо туфайли шундай қисматга маҳкум этиласан. Аммо умринг мобайнида ўз ҳаёти давомида илоҳий муждани рад этиб, дарбадарликни бўйинларига олган саноқсиз кишилар оломонини кўрасан. Уларнинг ҳаёти сеникидан заррача ҳам ўзга бўлмайди, бироқ сендан фарқ қилиб, оғир ва азобли ўлим топишади. Лекин тарихда сенинг номинг қолади, бошқалар эса айнан шу қисмат билан яшашса-да, ер юзидан беному нишон супурилиб кетишади»*, — деган эди.

404884  
— Ҳа, эшитганман, — деди чол, тин олиб. — Дарвиш бу гапида айнан бизни назарда тутмаганмикан деб кўрқаман гоҳо... Аслида кўпгина ҳикматлар мажозга ўралган бўлади. Сенинг бадавийларга айтган гапларингда ҳам мен бир ҳикмат кўраман. Ким билсин, балки кун келиб сенинг исминг ҳам муқаддаслашар? Ҳаётида қутлуғу муқаддас ҳеч нарсаси қолмаган одамларнинг ёхуд бизга ўхшаган қавмларнинг мисоли бўлиб қоларсан? Бизга эса, Тангри таоло шунча йиллик дайдишлардан сўнг, ниҳоят, бир марҳамат кўрсатар, ўзининг мулкидан энг кўримсиз, энг қақраган бир бурчакни ватан қилиб берар?

— Одам боласи борки, барҳаётликни орзу қилади, — деди меҳмон. — Мен эса абадият билан жазоландим. *Мен учун на ватан, на миллат, на элат, на тил қолди.* Дунёни кезаркан, бутун бошли миллатларнинг йўқ бўлиб кетганини, ўрнига бошқаларининг келганини кўрдим... Аслида, сиз мендан кўра хушбахтрқсиз. Чунки, қисматингизга *дарбадарлик* битилган бўлса ҳам, бир неча йилдан кейин Унинг *ниҳати* *қисми* *қисми*

на бўла оласиз. Менга эса у йўллар беркилган, қопқалар ёпилган, тавбамдан ва пушаймонимдан наф йўқ.

— Лекин ўзинг қачонлардир, бир мунажжим менинг дардимни энг ҳикматли йўсинда ифодалади, энди одамлар қисматимдаги ҳикматни шояд англаб етсалар, деган эдинг-ку?

— Унинг исми *Гвидо Бонатти*, — деди меҳмон. — Бонатти фоллар ва тушларнинг муаллақ эканини англаб етган илк киши эди. Умрининг охирида тафаккур ўрнига майхўрликка ва фолбинликка берилгани учун, черковнинг буйруғига кўра тириклай ёқиб юборилди. Афсуски, у ҳақиқатнинг юза қатламини кўра олди, холос. Фикр қилганида балки яна кўп нарсаларни фаҳмлаган бўларди...

— ... Сен билан бир неча марта учрашдик, аммо нима учун бундан энди гап очяпсан? — деб сўради чол, узоқ сукутдан сўнг. У меҳмоннинг мақсадини пайқагандек эди.

— Мен Тиёншон этагидаги яна бир одам билан ви-долашмоқ истайман, — деди меҳмон. — Ким билсин... қайта кўришиш балки насиб қилар, балки насиб қилмас...

## **ТИЁНШОН БАҒРИДАГИ ҒОРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ АВЛИЁ**

Айтишларича, бу авлиё Тиёншон этагида бир юзу йигирма йилдан буён ибодат қилар эди. Ғор оғзида анжир ўсган эди, у ҳар куни янги мева тугарди. Қилган ибодатларига мукофот ўлароқ ҳамда авлиёнинг тирикчилиги илинжида чалғимаслиги учун берилган бир иноят ёхуд мўъжиза эди балки бу анжир.

Бу ердан ўтганларнинг баъзилари, ғор оғзининг икки томонида икки баҳайбат шернинг турганини кўришган. Бошқалар эса кулча бўлиб ўралиб олган илонни, бургутни, ҳатто аждарни кўргани ҳақида ривоятлар бор. Баъзилар эса ҳеч қандай жонзот йўқлигини, бир ту-

тамгина, аммо нигоҳи ғоятда нурафшон қарияни кўрганларини айтадилар, қария шу даражада кексайган эдики, худди укпардай ҳилвираб қолган эди.

Бошқа бировлар эса, Тангрига яқин зотларнинг унинг ҳузурига суҳбат учун келиб турганларидан хабар берадилар.

Дарҳақиқат, авлиёлар — Парвардигори оламнинг марҳамати ва мукофотига сазовор кишилар эканига шак-шубҳа йўқ. Авом уларнинг ҳикматларини англашга ожизлик қилиши ҳам рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бизлар англаб ета оладиган даражада баён қилинган бошқа бир ҳақиқат эса мана бундай:

Бир куни авлиёнинг ҳузурига *баланд бўйли, узун сочлари елкасига тушган, ялангоёқ бир одам* кириб келади ва ундан мўъжиза кўрсатишини, агар кўрсатмаса, ўлдиражagini айтиб таҳдид қилади.

— Қандай мўъжиза кўрсатишимни истайсан? — деб сўрайди Авлиё ундан.

— Билмадим, ишқилиб, ғайриоддий бир нарса бўлсин, — дейди келгувчи.

— Унда, у мўъжизани нимага сабаб бўлишини хоҳлайсан?

— Сенинг ростдан ҳам авлиё эканингга ишонишим учун.

— Сен ўзинг дунёда нима ишашингни билмасанг, мен бечора банда қаердан ҳам билайин, — деб жавоб берган Авлиё. — Қара, оламда ҳамма нарса мукаммал бир тартиб билан ҳаракатланиб турипти. Баҳорда бу ердан турли-туман наботот униб чиқади. Саноғини Тангридан бошқа ҳеч ким билмайди. Шунча набототнинг униши учун керак бўлган сувни томчи-томчисигача ўлчови билан булутлар олиб келиб ёғдирса, ҳатто сен қудратини кўриб ҳайратланишинг ёки эски тупроқларни ичидаги бор-йўқ жасадлари билан ювиб, бошқа жойларга озуқа бўлиши учун олиб кетадиган ёхуд ҳар иккаласи учун ҳам бўронлар эсса, селлар оқса... Қуёш керагича қиздирса, дов-дарахту ўт-ўланнинг чанг-ланиши учун қанча асалари ва ҳашарот керак бўлса,

шунчаси яратилсаю гулларни чанглантеришидан ташқари яна бол ҳам тўпласа ва ўзининг мавжудлиги ва ҳаёти билан яна унинг қудратидан хабар бериб турса... Сен айтаётган мўъжиза мана шу низомга қарши равишда, шу тартибни бузиб пайдо бўладиган ҳодисадир. Айт-чи, эй Тангримнинг бандаси, биргина менинг авлиё эканимга ишонишинг мана шу низомнинг бузилишига арзийдими?

— Бу — кам, — деди чақирилмаган меҳмон, ўйлаиб. — Яна нималарни айта оласан?

— Унинг берган неъматларидан бемалол фойдалансанг, ихтиёрингга сенинг минадиган отингдан кўра минглаб карра мукамалроқ бошқа бир отни — вуждингни ато этган бўлса. Оламдаги ҳар бир жон ўзининг вазифасидан бошқа яна бир вазифани бажариб келаётганининг ҳикмати кўр. Мукамал бир лашкарга ўхшайдиган, гоятда ихчам яратилган асалари ўзининг эҳтиёжидан минглаб карра кўп бол тўпласа, бир дарахт, насл қолдириши учун керак бўладиган меваларнинг минглаб мислини тугса, бир балиқ минглаб увилдириқ ташласа, бир наботот ўзининг унибўсишидан ташқари ё емиш, ё даво бўлса... ва фақат сенгина буларнинг ҳаммасидан еб-фойдалансангу ҳосиланг бўлмаса... устига-устак, шу ҳолингда яна мўъжиза талаб қилсанг... Ҳаётингнинг бошидан охиригача, гўдаклигингдан то кексайгунинггача ҳаёт ҳикмати, Унинг марҳаматини англолмасдан, Унинг пардалари ортидаги сирларига бир марта боқолмасдан *дарбадар* кезсанг-у, сенинг бу тутуминг мўъжиза талаб қилишингга ҳуқуқ бера оладими?

Меҳмон ерга ўтирди, қиличини ҳам ерга қўйди.

— Бу гапларни олдин ҳам эшитганман, — деди у. — Мен сендан ҳақиқатни билишни иштайман.

— Унда эшит, — деди авлиё. — Мен ҳатто ўзимга емиш тополмайман, шу боис Тангрим раҳм қилиб, фор оғзида анжир ўстириб қўйган. Агар шу анжир қуриб қолса, унда менинг ҳолимни кўр. Соғлом ҳолимда ҳам

Тангрим яратган ҳавога, сувга, озуқага муҳтожман. Мабодо вужудимга бир касаллик илашса, ундан ўзим халос бўлолмайман, дарҳол дардимга даво истаб, Парвардигоримга ёлвораман. Халос бўлиш у ёқда турсин, бу касалликнинг аслида нима эканини ҳам билмайман, жоним қийноқда қолгани учун ҳам Тангримга йиғлаб-сиқтайман. Менинг бу горда эканиму емишим анжир экани — бечоралигимни кўрсатадиган ҳолат эмасми? Ҳамма нарсада ўзим Тангримга муҳтожману сен мўъжизани Ундан сўрашнинг ўрнига, мендан сўрайсанми?

— Энди тўғри айтдинг, гапларингга ишондим, — деди меҳмон, сўнг қиличини қинига солди. — Лекин яна битта саволим бор, шунга жавоб бермагунингча кўнглим ўрнига тушмайди. Айтадиларки, сенинг кўриқчи шерларинг бормиш, менга — сени ўлдиришга жаҳд қилган одамга уларни гиж-гижлашнинг ўрнига нега ҳурмат билан кутиб олдингу буларни битталаб тушунтирдинг?

Авлиё деди:

— Тангри таоло бир бандасига парчинланиш<sup>1</sup>, яна бирига мўғул аскарининг қиличи<sup>2</sup>, бошқа бир қулига эса дор ёғочи орқали<sup>3</sup> ўлимни раво кўрган эди. Яратган Эгам ажалимни сенинг тимсолингга юбордимкин деб кўрқдим...

Келгувчи узоқ ўйланди. Сўнг шундай деди:

— Унинг наздида қадр қиймат топган бандаларидан бири эканлигингга, олдий кишиларга билдирмаган сирларидан ўзи хоҳаганларини сенга билдирганига шак-шубҳа йўқ. Бироқ, менинг ким эканимни нега пинҳон тутганини англаб столмадим. Унинг бу иродасида яхшилик борлиги аниқ-равшан, шояд менга ҳам бир хайр етса деб умид қиламан...

---

<sup>1</sup> Исо Алайҳиссалом.

<sup>2</sup> Шайх Нажмиддин Кубро.

<sup>3</sup> Бобораҳим Машраб.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

*Уч соатдан сўнг, Атлантик уммони узра мисли кўрилмаган қудрат билан бўрон қўзғалиши олдидан дунёнинг тўрт бурчидаги тўртта маконда ана шу тарих ва ана шу воқеалар рўй берган эди.*

*Орадан уч соат ўтгач, сокин ҳаволарнинг кўзга кўринмас мавжларидан бошланган ва тобора кучайиб борган шамолнинг, осойишта тўлқинланаётган сувларни ўнлаб қулоч баландликка кўтариб гирдоблар ҳосил қилган ҳолда ичидаги жонзотларига қўшиб инсонлар маконига — қуруқликка қараб итқитувчи, йўлида учраган нарсани ғорат қилиб борувчи кучли бўронга айланиши кутилмоқдайди.*

---

---

## **BOEING 787 DREAMLINER.**

### **ЙЎНАЛИШ: АМЕРИКА — МАРКАЗИЙ ОСИЁ**

Замонавий қудратли ҳаво лайнери бир маромда гувиллар, салондаги уч юз чоғли йўловчининг кўпи мудрар эди. Ҳозир у Атлантика уммони узра тўққиз чақирим баландликда, соатига саккиз юз эллик километр тезликда учиб бораётган эди. Лайнер тўрт соат олдин автопилотга ўтказилган, шу боис унинг ўн икки кишилик экипажи дам олмоқда, фақат, салондаги тўққиз стюардесса қиз тушлик тарқатишга тайёргарлик кўрмоқдайди.

Учиш барча кўрсаткичларга кўра мўътадил кечмоқда эди.

Аслида, бундан уч соат аввал дунёдаги энг катта метеорологик кузатиш станциялари Атлантика уммони узра бўрон бошланаётганидан огоҳлантиришди, тахминларга кўра у мавсумий бўронлардан фарқ қилар, одатий «метеорологик рўйхат»даги пўртаналар тунда, Ойнинг тортиш кучи оқибатида сув сатҳининг кўтарилиши маҳалида рўй берарди, бу эса куппа-кундуз куни бошланмоқда эди. Хитой ва Мўғулистон узра гуриб қолган иссиқ ҳаво оқимининг шиддат билан юқори кўтарилиши оқибатида Япония ва Австралия саринликларининг ҳамда уммон юзасидаги совуқ ҳавонинг марказга интилиши оқибатида унинг «йўли» жуда узун бўлиши тахмин қилинмоқда, катта тезликда эсувчи шамолларни қўзғатиши кутилмоқдайди.

Соҳиллардаги турли давлатларга бу ҳақда ўз вақтида етарлича маълумот берилган, тўқсон олти миллион квадрат километр юзада сокин-осойишта тўлқин-



ланаётган уммондаги барча сайёҳлик, ов, илмий-тадқиқот, ҳарбий ҳамда сувости кемалари (*одатда, энг кучли бўрон маҳалида ҳам эллик метр чуқурликда сокинлик ҳукм сурса-да*) ҳамда йўналиши шу бўрон ҳудуди билан кесишадиган йўловчи ҳаво учоқлари огоҳлантирилган, фазодаги сунъий йўлдошларнинг баъзилари жосуслик ишидан ташқари, бўрон йўналишини кузатишга ўтказилган эди.

Бўрон ҳақидаги маълумотлар автоматик равишда учоқнинг компьютерига ҳам етиб келди, автопилот учоқ йўналиши ва учиш қуввати меъёрларига керакли ўзгаришларни киритиб, бу ҳақда мониторга ёзув ҳам чиқариб улгурди.

Хуллас, ўз бағрида турли сирларни сақлаган бу асов уммоннинг бугун жунбушга келиши кутилмоқдайди.

Ҳаво лайнерининг бизнес салонидаги мониторга огоҳлантирувчи ёзувлар турли тилларда қалқиб чиқди, лекин бу йўловчиларга хизмат кўрсатиш савиясининг қай даражада юқори эканини кўз-кўз қилиш учун қилинган тadbир эди, турли табиий офатлар вақтида учоқни бошқаришнинг энг самарали усуллари бундан эллик йил олдин ишлаб чиқилган, шу боис у оз-моз чайқалишлардан бошқа хавф туғдирмасди, бироқ, йўловчилар учун авиакорхона ишининг қай даражада йўлга қўйилгани ва учувчиларнинг қай даражада моҳирлигининг аҳамияти катта бўлгани учун, компания шунақа Пи-Ар\* тadbирини йўлга қўйган эди.

Лайнердаги уч юз чоғли йўловчининг бири, инсонни такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро анжумандан юртига қайтаётган киши — бутунжаҳон Генетик тadbқиқотлар ассамблеясининг фахрий аъзоси профессор Зиё ҳам бу огоҳлантиришни ўқиди-да, кенг дарчадан ташқарига қаради.

---

\* Пи-Ар — Public Relations сўзларининг бош ҳарфларидан олинган, жамоатчилик билан алоқалар маъносини билдиради, яъни турли ширкатларнинг омма фикрини ўрганиш ва керакли томонга йўналтириш учун амалга оширадиган тadbбирлари.

Улар ҳавога кўтарилган Денвер шаҳри аллақачоноқ кулранг пастликларда қолиб кетган, учоқ аллақачон Атлантика уммони ҳудудига кириб келган эди.

Уфқ топ-тоза, тўққиз чақирим пастда эса кулранг тусли уммон, бағридаги наҳанглирию миллионлаб тур ва кўринишдаги жонзотлари, сув юзасида сузиб юрган ва қачонлардир *теранликларга ғарқ бўлган кемалари, шаҳарларию қишлоқлари, балки Нуҳ алайҳиссалом тўфонидан қолган харобалари билан ...* ястаниб-тўлқинланиб ётар эди.

Уммон гўё тарихга ўхшар эди! Гўё бутун кечмишлар ана шундай сокин ва тил-забонсиз, бепоён тарзда, вақтсизу маконсиз долғаланмоқдайди.

*Қайлардадир олис-олисларда, сийрак туман билан қопланган ва бундай юксакликдан элас-элас кўзга ташланадиган материкнинг сарғиш саҳросида лўлилар карвони тин олиш учун тўхтаган эди.*

Бироқ, учоқ ҳозир саҳро узра учиб ўтаётган бўлганида ҳам бундай баландликдан уларни кўриш амри-маҳол эди.

Саҳродан кейин водийлар бошланар, яна минглаб чақирим масофада эса оқ қорларию кўк музликлари билан бағрида бутун дунё тараққиётининг сирларини яширган Тиёншон тоғлари виқор тўкиб турарди.

*Тиёншон тоғларининг бағридаги бир горда авлиё тафаккур билан машғул эди. Сал олдин ёмғир савалаб ўтган, гор оғзида ўсган анжирнинг яшил баргларида ва жигарранг меваларида катта-катта томчилар туриб қолган эди.*

Маданиятлар, цивилизациялар, сиёсатлар, фикрий ва ғоявий курашлар, улкан ижтимоий ҳодисалар, мегаполислар, тутунга ўралган шаҳарлар ва яшил қишлоқлару далалар қаторида майда-чуйда тирикчилик ташвишлари билан тинимсиз ҳаракатланаётган одамлар издиҳоми... бутун олам тортишиш кучини енгиб, фазога йўл олишга тайёрланаётган фазовий кемалар, ниначилардай ҳар томонга имиллаб учиб бораётган маҳал-

лий учоқлар, инсон боласининг аянчли гердайишларига сабаб муҳташам қасрлару автомобиллар... тўққиз чақирим пастда, материкларда қолиб кетган эди.

Унинг назарида дунёнинг айланиши тезлашиб кетгандек, тушуниш ва бошқариш қийин бўлган ғалати жараёнлар қайнаб-тошаётгандай туюлди.

Халқаро анжуман унинг қалбини ларзага солган ва орадан ўн икки соат ўтганига қарамасдан, ҳануз таасуротларидан қутулолмаётган эди. Анжуман уйғотган ҳаяжонлару шов-шувлар ҳали-вери тинадиганга ўхшамасди. Дунёнинг энг машҳур олимлари ҳам ҳайрат ва ҳатто саросима ичида эдилар.

Инсонни такомиллаштириш йўлидаги уринишлар минглаб йиллардан бери давом этиб келаётган бўлсада, бугунги ҳодиса башариятнинг барча изланишларини хотималаб, янги паллага қадам қўяётганидан далолат бериб намоён бўлган эди.

Ҳамма гап, бир томони Хитойга ва иккинчи томони Мўғулистонга туташиб кетган, Тиёншондан Олтой тоғларига қадар бир ярим минг чақирим масофага чўзилган ёй мисоли ястаниб ётган Гоби чўлидаги Инсон такомилли марказида етиштирилган сунъий жонзотларда эди. Куйтэн-Найрамдал чўққиларидан ва Отгон-Тенгри Уул водийсидан юзларча чақирим масофада жойлашган мазкур марказда кўп йиллардан буён инсонларни сунъий урчитиш, генларини такомиллаштириш ва клонлаштириш борасидаги тадқиқотлар олиб борилаётганини кўпчилик биларди. Шунингдек, бу тур тажрибалар дунёнинг кўпгина ўлкаларида қатъиян ман этилгани боис, ҳали қонунлари заиф мамлакатга атайин кўчирилганига ҳамманинг ақли етиб турарди. Дунёга ёйилиб кетган мазкур тадқиқот тизимининг она бўғини бўлмиш бу марказ инсониятга кутилмаган бир натижани тақдим этган ва «Хўш, ана энди нима қиласан?» деб саҳролар аро боқиб турган улкан бир кўз мисоли, жимит инсон болаларининг тутумларига қизиқсиниб қараётгандай туюлмоқдайди.

Сунъий урчитилган одам аслида ким? Уруғланган бир она ҳужайранинг шиша идишларда мукаммал ривожланиши учун керак бўлган ҳар қандай шароит яратиб берилган ва муттасил кузатувлар остида инсон боласининг пайдо бўлиш жараёни ғоят аниқлик билан кузатиб бориладиган бундай изланишлар доимо боши берк кўчага кириб келмоқда, башар ақли етмаган қандайдир таъсирлар боис улар мажруҳ, қар, соқов ва яшашга ноқобил равишда олам юзини кўрган бўлсалар, улардан бири ҳеч кутилмаганда мукаммал бўлиб ҳаётга келган эди.

На отасини, на онасини биладиган бу жонзотнинг ҳужайраларидаги қартайишга сабаб ген олиб ташланган — унинг вужуди ўз-ўзини тўлдириш орқали муттасил янгиланмоқда ва тахминларга кўра, ғоят узоқ умр кўриши кутилмоқда эди.

Бошқа барча чақалоқлар каби йиғлаган, инжиқлик қилган, гўдаклигида теграсига қизиқсиниб боққан мурғак зеҳнида «у ким — бу нима» деган саволлар бемисл кўп ва тез содир бўлган, ўзининг қайдан бино бўлганию ким эканини юзларча марта сўраган, хуллас, барча чақалоқлар каби униб-ўсган бўлса-да, бу ҳодисадан азбаройи илмий тажриба юзидан ҳамма нарсани сир тутган олимларнинг ўзлари ҳам ҳангу манг эдилар.

Гўё инсониятнинг тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтаётган бу сунъий урчитилган одам балоғат ёшига ега бошлаганида, ўзининг фавқулодда мантиқ ва фикр қувватига эга эканлигини намоён қилган эди. Ҳали фанга маълум бўлмаган қандайдир бир хусусият ила у теграсидаги нарсаларнинг молекуляр бутунлигини буза олиш қобилятига эга бўлиб, қаршисида на пўлат, на темир, на шиша тўсиқ бўла оларди. Шунингдек, ўзак ҳужайраларни ўстириш борасида олинган барча ютуқлар унда жамулжам бўлган эди. Аслида оддий инсон боласига ўз-ўзини тиклаш салоҳияти азалдан ато этилган, масалан, бирор жойини кесиб олса, бу жароҳат

маълум вақтдан сўнг битиб кетади. Сунъий одамда мазкур хусусият такомиллаштирилган, ҳатто ички аъзоларини ҳам тиклай олишига умид боғланмоқда эди.

Аввалбошда на отаси, на онаси, на ватанию миллати, на қариндош уруғию ака-укаси бўлган бундай мукаммал жонзотларни оммавий равишда кўпайтириш йўлга қўйилароқ, хатарли ҳудудларда, конларда, ҳаёт учун хавфли маконларда, вулқон тубларидаю сув остида — хуллас, ҳақиқий инсонларни кўллаш ҳам эстетик, ҳам инсоний қадриятлар туфайли мумкин бўлмаган ишларда ишлатиш кўзда тутилган эди. Ген соҳасидаги ютуқлар уларни ҳали ҳомила эканликларидаёқ нурланишларга, касалликларга ёхуд бошқа таъсирларга чидамли қилиб ўстириш имконини бермоқда эди. Ижтимоий қадрият қозонишларига ҳақ-ҳуқуқлари йўқлигини таъкидлаш мақсадида ҳатто исм бериш ҳам кўзда тутилмаган, рақамлар билан ифодаланишлари етарли эди.

Одам боласини исм билан эмас, рақам билан ифодалаш ўтган асрдан: Польшанинг Дахау қамоқхонасидан ҳамда Япониянинг Хитой чегарасидаги Харбин яқинида жойлашган исмсиз зиндондан одамзотга маълум. Уларнинг ижтимоий аҳамият касб этмасликларини ўзларидан ҳам кўра атрофдагиларга таъкидлаш муҳимроқ эди. Бироқ, қамоқхоналардаги тажриба одамлари — азалдан давом этиб келгани каби, ота ва онадан туғилган, ҳақиқий инсонлар эдилар, тажрибахоналарда сунъий равишда дунёга келтирилган ва генлари ўзгартирилган жонзотлар эса, гарчанд кўринишию тутуми инсондан фарқ қилмаса-да, барибир амфайриинсоний мавжудот деб ҳисобланмоқдайди.

Бундай тажрибалар муваффақиятли тугагач, дунёда инсоннинг олий ирқ бўлиб қолиши ва яна бир ирқ — на исми, на тили, на қадриятлари ва на миллати номаълум, аммо ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан инсондан бир неча баравар устун қуллар ирқининг пайдо бўлиши кутилмоқда эди!

Бироқ, анжумандаги олимларни, шунингдек, Профессор Зиёни саросимага солган нарса бошқа! Шовшувлар, ген ва ўзак ҳужайра муҳандислиги эришган ютуқлар ортидан чўмган жимлик... мангу барҳаёт инсон яратиш йўлидаги уринишларнинг ҳисоботлари ортидан, мукаммал ирқ яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг илк ютуғи ҳисобланган бу мукаммал жонзот ақлни шоширувчи ва ҳеч қутилмаган бир хулосага келган эди!

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Шимолий Америкадаги улкан аэрокосмик марказлардан бирида, сўлим дарё ёқасидаги уч қаватли муҳташам саройда келажак инсонини яратиш борасидаги тадқиқотларнинг навбатдаги якуни ўқиб эшиттирилмоқда эди. Анжуманда инсон генетикаси ва руҳияти борасида донғи кетган энг машҳур олимлар иштирок этаётган бўлса-да, нутқлар ҳамда ҳисоботлар жуда сушт бормоқда, салқин залда кенг-қулай оромкурсиларда ўтирган илм ақли нурланишларнинг ҳамда янги технологияларнинг одам генига ва эмбрионига таъсири ҳақидаги узундан-узоқ нутқларни анчайин зерикиш билан тингламоқда эдилар.

Анжуманнинг шов-шувли қисми Гобидаги Инсон такомилли марказининг ҳисоботи эканини ҳамма биларди. Шу боис, бир неча йиллардан бери боши берк кўчага кириб келаётган масофавий бошқариш ва руҳиятга оммавий таъсир усуллари ҳақидаги ҳисоботлар, айтарли янги гап йўқлиги учун ҳам қизиқиш уйғотмаётган эди.

Осиёдаги Инсон такомилли маркази юқори технологияларни қўллаш орқали инсон вужудини такомиллаштириш муаммолари билан шуғулланишидан кўпчилик хабардор эди. Марказ жойлашган чўлнинг Олтойга туташ жойи фазо нурланишларини кузатиш учун энг мақбул, шунингдек, ғайриоддий ҳодисалар энг кўп

содир бўладиган жойлардан бири эканлиги ўтган асрдан бери фанга маълум. Бир неча мамлакат ҳудудига кириб борган ва мўғуллар Шамо, хитойлар Алашан, уйғурлар Жунғор деб атайдиган бу улкан чўл қишда қирқ даража совуғию ёзда эллик даражали жазирамаси билан ҳам машҳур эди. Ер юзида турли-туман иқлимларни яратиб қўйган Парвардигори олам, мана шундай саҳроларни ҳам яратиши билан, кишиларга «Бас, ер юзини кезинг ва тафаккур қилинг» деб огоҳлантираётган эди гўё.

Ўзидан жуда кучли электр қуввати чиқариб, ён-веридаги ҳар қандай жонзотни кўмирга айлантирадиган улкан тўмтоқ саҳро қурти — олғой-хорхой ҳақидаги хабарлар келди Профессорнинг хаёлига. Олғой-хорхой фақат Гобида яшайди. Тана тузилишини шаффоф ҳолга келтира олади, гоҳ кўриниб-гоҳ кўринмаслигининг сабаби шунда...

Марказ вакилининг ҳисоботи соат иккига белгиланган эди. Белгиланган вақтда саҳнага қотмадан келган мисрлик занжи олим чиқиб келди, унинг чиқиши қарсақлар билан қаршиланди. Бу одам сунъий урчиш ва клонлаштиришнинг генетик муаммолари борасида тенги йўқ даҳо экани ҳаммага аён эди.

— Муҳтарам анжуман аҳли, — деб сўз бошлади даҳо, сокин ва осойишта овозда. — Мен, генетика мутахассиси Георг Мендел, умримнинг қирқ йилини шу фаннинг турли чигал масалаларини ечишга сарфладим. Жонли борлиқларнинг ген ўрамлари қаршисида соатлаб термилиб ўтирган онларимда доимо шуурумда «Яратган Парвардигоримнинг низомини бузишга уриниб, хато қилмаяпманми» деган савол кўндаланг турди. Миллионлаб вариантларни таҳлил қилар эканман, исталган ҳар бир комбинациядан ўхшаши йўқ бир махлуқ бино бўлишидан ҳар дам чўчиб яшаганимни сизларга билдирмоқчиман...

Салонга жимлик чўкди. Ҳамманинг диққат-эътибори генетиканинг шу даҳосига қаратилди.

— Умрим ўтгани ва ген тилсимларига қадам-бақадам яқинлашиб борганим сайин, у гуноҳ қилмаяпманми, деган саволга айлана борди, — деб давом этди олим. — Зотан, бу ерга тўпланган мухтарам жамоанинг ҳар бирига мазкур савол кўпдан таниш эканига шубҳам йўқ. Умрининг уфқларини кўриб турган бир олим учун эса бундай саволларнинг аҳамияти ғоят улкан ва ҳатто мудҳиш тус олишини ҳаммангиз яхши биласиз. Генларни ўзгартириш борасидаги тадқиқотларимизда муттасил олға силжиётганимизни эътироф этиш билан бирга, кутилмаган натижаларга рўпара келаётганимизни сизга маълум қилмоқчиман. Бу натижаларни шарҳлашни ўзингизга ҳавола қилган ҳолда, диққатингизни экранларга қаратишингизни сўрайман!...

Шу орада қолган чироқлар ҳам ўчиб, саҳнадаги улкан монитор ёришиди.

Мониторда шиша хона ичида кўзлари катта-катта бир одам кўринди. У тевааракка олазарак аланглар, нимадандир жуда безовта эди.

— Бу — олти юз олтмишинчи рақамли одам, — қоронғилик ичидан овози келди олимнинг. — Тўртинчи ҳалқа DNA\* ўрамларига ўтказилган таъсирлар натижасида у нурланишларга чидамли бўлиб дунёга келди. Бу геномнинг нуқсони — у кўр. Чунки оддий шароитда яшай олмайди, куёш нурлари вужудига ҳалокатли таъсир кўрсатади.

Монитордаги тасвир ғойиб бўлиб, ўрнида бошқаси пайдо бўлди.

— Мазкур жонзот фавқулодда қобилиятларга эга ҳолда дунёга келиши кўзланган эди. Дарҳақиқат, унинг суяклари ғоят эгилувчан, лекин вужуди бундай эгилувчанлик учун лозим бўлган катта миқдордаги бўғим суюқлигини етказиб беролмагани учун ҳалокатга маҳкум.

---

\* DNA — *Deoxyribose Nucleic Acid*, яъни дезоксирибонуклеин кислота (ДНК), хужайра ичида жойлашган, организмнинг ривожланиши ва фаолияти дастурини назорат қилувчи, ўзида сақловчи ва авлоддан авлодга узатувчи, ҳар бир жонли вужуднинг ҳар хужайрасида бўладиган органик модда.



Тасвирлар алмашар, манзара ҳам нохушлашиб бормоқда эди.

— Мана буниси эса барҳаёт жонзот, — деб давом этди олим. — Австралия тошбақасининг генлари билан чатиштириш орқали дунёга келган бу одам жуда узоқ яшайди. Афсуски, тескари қонуниятлар яна панд берди — ҳарчанд узоқ яшаса-да, унда ақл нишонаси йўқ.

Тасвирлар бирин-кетин алмашар, ҳар бир сунъий етиштирилган одамда яшай олишига тўсқинлик қилувчи бир нуқсон намоён эди.

— Ўтган йигирма йил мобайнидаги изланишлар натижасида мингдан зиёд мана шундай жонзотлар дунёга келтирилди, — деб давом этди олим. — Кўриб турганингиздек, муваффақиятлар билан енгилишлар нисбати теппа-тенг. Сирасини айтганда, ақл даражаси бугунги кун одамидан бир неча баравар юксак ва мангу умр кўрадиган одам яратиш фикри шу қадар жозибадорки, бу кўрганларингиз мажруҳларнинг ва ноқисларнинг дунёга келтирилишининг гуноҳу савоби ҳақида ўйлаб кўришга на вақт бор, на истак.

Гуноҳ деганимизда, наинки бизнинг аралашувимиз туфайли дунёга мажруҳ бўлиб келган жонзотларни, балки уларнинг йўқ қилинишини ҳам назарда тутялман — тасвирда кўрганингиз бу жонзотларнинг аксарияти ҳозир ҳаётда йўқ, баъзилари ўз-ўзидан ҳалок бўлган, баъзиларини эса азоб-уқубатга қолмасликлари учун ўзимиз йўқ қилганмиз. Эвтаназия\* масаласи дунёда ҳануз ҳал қилинмаган муаммо бўлиб тургани чоғда, ушбу жонзотларни йўқ қилиш одам боласининг жонига қасд қилиш билан бараварми-йўқми, деган саволимиз ҳам ҳануз ечилмасдан қолмоқда. Табиийки, ҳаво мавжуд бўлмаган жойларда, сув остида, кучли нурланишларда, вулқонларнинг тубларида бемалол ишлай оладиган ва тадқиқотларимизга кўмак берадиган бир насл бунёд этилса, инсониятнинг кўп

---

\* Эвтаназия — тузалмас касалликка мубтало бўлган одам боласини азобдан қутқариш учун дорилар ёрдамида ўлдириш.

мушкуллари енгиллашган бўлур эди. Масаланинг эстетик томонларини ҳам ҳал қилишимиз, бутун дунёдаги барча халқлар билан биргаликда якдил қарорга келишимиз лозим — булар инсонми, инсон эмасми? Бугунги кунда тажрибахоналарда сон-саноқсиз жонзотлар устида турли-туман тадқиқотлар ўтказилмоқда, минглаб ҳайвонларнинг тана хусусиятлари, ички аъзолари, ҳар хил таъсирларга муносабати ўрганилмоқда. Биз бу жонзотларга илму фан тараққиёти йўлида қурбон қилиниши лозим бўлган тажриба материали деб қараймизми ёхуд инсон дебми? Тадқиқотларимиз янги, барҳаёт насл олиш йўлидаги заҳматлар сифатида олқишланадими ёки инсоният устидан ўтказилган ғайриинсоний тажрибалар деб лаънатланадими — бу савол ҳам очиқ қолмоқда...

Тасвирда шиша хонадаги ғоят катта бошли одамнинг сурати қалқди, ён қисмида унинг тартиб рақами, дунёга келтирилиш вақти ҳамда ёзувлар пайдо бўлди:

*«Мен кимман?»*

*«Отим нима?»*

Лабораторияларда, зирҳли шиша идишларда дунёга келган ва ғайриоддий хусусиятлари билан бир қаторда, нуқсонлари билан ҳам одамни қўрқитадиган турли-туман сунъий одамлар анжуман аҳлига, балки бутун инсониятга ана шундай — *нигоҳларида тушунмовчилик, азоб, қийноқ акс этган ҳолда* жим, изтироб ила боқмоқда эдилар.

*«Мен кимман?»*

*«Отим нима?»*

Балки уларнинг тадқиқотлар натижасида айқаш-уйқаш бўлиб кетган мияларида бошқа турли саволлар ҳам кўпдир, лекин энг асосий савол барибир шу бўлиб қолмоқда ва бутун инсониятга қарата берилмоқда эди.

*«Мен кимман?»*

*«Отим нима?»*

Бир оз вақт ўтгач, уларнинг ўрнини баланд бўйли, сочлари узун, кўркам бир йигитнинг тасвири эгаллади.

— Бу тадқиқотларимизнинг энг юксак чўққиси, оддий инсонга нисбатан гоят узоқ умр кўрадиган барҳаёт жонзот, — деб давом этди олим. — Сиз узоқ йиллардан бери орзиқиб кутган ва илмий орзуларингизни ўзида мужассам этган мукамал мавжудот шу! Аввалги нусхаларнинг барча фазилатлари унда мужассам. Ген турли-туманликларнинг бундай зафарли ҳалқасини топишда осиелик бир ҳамкасбимизнинг жуда катта кўмаги бор, у одам ҳозир орангизда, барҳаёт инсоннинг вужудидаги DNA ҳалқасининг сири ҳозирча шу одамгагина аён. Бу кишининг фан тараққиётига қўшган ҳиссаси, бир маҳаллар Осиёдаги кичкинагина ҳужрасидан чиқмаган ҳолда, ақл кучи ила уммон ортида яна бир қитъа борлигини кўра олган\* ёки турли ҳисоб-китоблар орқали фазода Урандан сўнг яна бир сайёра борлигини илғаган\*\* икки буюк олимнинг ҳиссасидан кам эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мен тилга олиб ўтган кишилар нигоҳ етмас олислардаги нарсаларни ва ҳодисаларни ақлу тафаккур кучи билан кўра олган эдилар. Тадқиқотларимизни боши берк сўқмоқлардан олдинга олиб чиққан киши — генетиканинг асосчиси Грегор Мендел кашф этган қонуниятлар билан Шарк шеъриятидаги аруз вазни баҳрларидаги феъл турланишлари орасидаги боғлиқликни мантиқий моделлаштириш орқали кашф этган ва ген ўрамларининг энг мақбул комбинацияларидан бирини топган ҳамкасбимиз профессор Зиёдир. Мен муҳтарам профессордан ўрнидан туришини илтимос қилмоқчиман. Айни дамда, илм ва тафаккурнинг бундай юксаклигига етиб келган шу заковат қаршисида бош эгмоқчиман, сизлардан ҳам бу кишини шарафлашингизни сўрайман.

---

\* Абу Райҳон Беруний.

\*\* У. Леверье — Ураннинг айланиш чизигидаги оғишларни ҳисоблаб чиқиш орқали ундан кейинги яна бир сайёрани — Нептунни кашф этган француз олими.

Профессор даҳонинг бу сўзларидан таъсирланиб ўрнидан қалқди. Даҳо минбарнинг ён тарафига ўтиб, саҳнадан туриб таъзим қилди. Олқишлар ва шовқин тиниб, профессор Зиё ўз ўрнига қайтиб ўтиргач, даҳо минбарга қайтиб, сўзида давом этди:

— Диққатингизни шу масалага қаратмоқчиман: барчамиз ҳозир инсоният келажагини ўзгартириб юборишга қодир улкан ва таҳдидли бир жараён қаршисида турибмиз. Бу жараённинг аҳамияти ва хавфи шунчалар улканки, яқин истиқболда ҳукм-ронлик янги ирқ кўлига ўтиб, ривожланишнинг мисли кўрилмаган палласига кирамизми ёки одамзот икки ирққа — ҳақиқий ва сунъий инсон деб номланган ирқларга бўлинган ҳолда тараққиётда давом этадими — айтолмаймиз. Бироқ, ҳаяжонланишингизга ҳали эрта. Чунки ақлда ва ҳаёт кечиришда оддий инсонлардан устун бўлиб дунёга келадиган бундай жонзотларнинг фикрлаш мантигини ҳам олдиндан айтиб бера олмаймиз.

Мен сизга хабарини берганим барҳаёт киши, илму фаннинг бутун тарихи давомида Тангрининг *иродасига исён ўлароқ, яъни, у белгилаб берган ҳаёт-мамот ва тақдир чегараларидан жасуруна сакраб ўтиб*, ҳалокатли барча таъсирларга чидамли ва жароҳатланган аъзосини тезда тузата оладиган, боз устига, ақлу тафаккур жиҳатидан сизу биздан бир неча баравар устун ўлароқ дунёга келди! Бу геномнинг DNA ҳалқаларида австралия калтакесагининг генлари мавжуд, фавқулодда регенерация қобиляти ана шу генлар боисдир.

Бошқа ҳалқада сиз Осиё чўлларида гоҳ-гоҳ пайдо бўлиб турувчи улкан тошбақа генларини кўрасиз, калтакесак генлари билан чатишгани боис улар ҳам ўзларини янгилаш хусусиятига эга — янгиланиб турадиган DNA ҳалқалари бу одамнинг барҳаётлигини таъминловчи асосий омилдир.

Шу ўринда сизларни — кунимиз илму фанининг энг закий ва истеъдодли кишиларини чин юракдан

ғалаба билан табриклаш ўрнига, барҳаёт кишининг кутилмаган қарори ҳақида хабардор этишни лозим топдим.

Гап шундаки, барҳаёт одам анжуман бошланишидан бир неча кун аввал тажрибахонамизнинг бетон деворларидан ва қўриқлаш қурилмаларидан бемалол ўтиб озодликка чиқиб кетган, ҳозир Осиё чўлларининг қайсидир қисмида дайдиб юрган бўлса, эҳтимол. Хамелеон генлари унга тана тузилишини ва кўринишини ўзгартира олиш хусусиятини ато этган — фазовий қурилмаларнинг кучли камералари уни саҳродан излаб топа олмади, инфрақизил «кўзлар» ҳам кўра олмади. Шу боис уни ҳозир Гоби ҳудудида деб фақат тахмин қила олишимиз мумкин, холос.

Тажриба хонасига кирганлар қалин ва мустаҳкам зирҳли ойнанинг ҳам, тўқсон сантиметр қалинликдаги бетон деворнинг ҳам бус-бутун эканини кўрдилар. Улар пиша идиш ичида сунъий одам қолдирган электрон хатни топдилар, ижозатингиз билан, ҳозир сизга шу мактубни ўқиб эшиттираман.

## МУРОЖААТ

«...Мен бу мурожаатимни оламдаги барча тафаккур қилувчи жонзотларга қарата йўлламоқдаман.

Мазкур мурожаатни йўллашдан аввал, ўзимнинг яратилишим ҳақида кўп фикр юритдим.

Бутун бу теваракнинг мукамал бир низом ва тартиб асосида ҳаракатланишини, набототнинг, сув ости дунёсининг, табиат ҳодисаларининг қатъий ва мукамал ўлчовларини кўриб-англаб, мулоҳаза қилгач, мазкур силсила аро ўз ўрнимни топишга ҳаракат қилдим.

Ўзимнинг мукамал эканимни, бутун ер юзи ақл бовар қилмайдиган тарзда менга бўйсунётганини, табиатда бундай тафаккур қобилиятига эга бошқа бир жонзот йўқ эканини кўрдим.

Бироқ, нақадар мутафаккир эсам-да, Ер юзи ва Коинот ичра ўз аҳамиятимни англаб олишга қийналдим.

Узоқ муддатли ва чуқур мулоҳазаларим сўнгида шуларни айтмоқчиман.

Аввало, ушбу теваракнинг, самоларнинг, табиатнинг ва охир-оқибат фикрловчи инсон наслининг ўзидан пайдо бўлиб қолиши эҳтимолдан ғоятда узоқ нарсадир. Бу оламни албатта к и м д и р яратгандир!

Дунё — мислсиз эврилишлар, ўзгаришлар ва огоҳлантиришлар маконидир. Ҳар нарса, ҳар ҳодиса бир огоҳлантириш, бир тимсол бўлиб хитоб қилиб турмоқдадир.

Бунчалар қувватли тартиб берилган ва қатъий қоидалар асосида ҳаракатланаётган табиат бизсиз ҳам мукамал равишда ўз ҳаётида давом этмоқда, ўзгартиришларимизга ва кашфиётларимизга муҳтожлиги йўқ.

Асрларни тўзгитиб эсаётган вақт шамолида инсон бунёд этган ҳар қандай нарса албатта бузилиб-пайҳон бўлиб кетмоқдадир. Ҳаёт учун қулайлик туғдиради деб ҳисобланган нарсалар табиатнинг мутлақ низомини бузмоқдадир. Атрофдаги ҳар бир нарсанинг низоми ва муроди бўлгани ҳолда, мен ўзимнинг мавжудиятимдан бир мақсад кўрмаётирман. Теваракдаги ҳар нарсанинг ҳосиласи бўлгани ҳолда, мен нима ҳосила беришим кераклигини билмайман!

Бутун бу борлиқларни яратган к и м д и р менинг дунёга келишимни нечун истади, деган саволга ҳам жавоб тополмаяпман!

Ўзимдаги мукамал қобилиятлар, ғайриоддий хусусиятларнинг барча-барчасини мушоҳада этган ҳолда, уларнинг менга бежиз берилмаганини англасам-да, яратиш ва яратилиш каби улкан жараён ичида нималар қилишим кераклигини англай олмаяпман!

Шу боис, бу маконни аввало Уни излаб топиш ва бутун олам яратилишининг сабабларини Ўзидан сўраш учун тарк этмоқдаман.

Бу маконда бўлишим Унинг мени яратишдан кўзлаган иродасига мос келгани тақдирда, албатта қайтаман. Мос келмаган тақдирда эса, мос келадиган макон ва замон излайман...»

Монитордаги тасвир ўзгаришлари тўхтади.

Ҳамма жим эди — нотик ҳам, аҳли анжуман ҳам.

Дунёнинг энг истеъдодли олимлари чуқур ўйга толишган, дунёвий интилишлару ташвишлар унутилган, бу барҳаёт одам излаётган ҳақиқатнинг ҳайбатидан қалблари ларзага тушиб ўтирар эдилар.

## **ОСИЁ. F-22 «RAPTOR» ҲАРБИЙ УЧОҚЛАРИ**

Айни шу маҳалда Гоби узра занжи даҳонингу анжуман аҳлининг етти ухлаб тушига кирмаган воқеалар содир бўлмоқдайди.

Йиғин бошланишидан бир соат аввал, Гобига туташ мамлакатлардан биридаги муваққат ҳарбий базадан «Ваҳший» деб ном олган бешинчи авлод F-22 Raptor русумли жанговар учоқлар ҳавога кўтарилди. Ҳозир улар саҳрони аниқ катакларга бўлган ҳолда, турли-туман кузатиш қурилмалари орқали ҳар бир қадамни жуда синчковлик билан кузатиб-ўрганиб бормоқда эдилар.

Кўриниши баҳайбат ваҳший қушга ўхшагани учун ҳам уларга шундай ном берилган эди, кичкина қанотларнинг ост қисмидаги саккизта жанговар ракета худди улкан қушнинг чангалига ўхшаб осилиб турар, бурун қисмидаги компьютерли мўлжал тизимининг қуроллари баҳайбат тумшуқни эслатарди.

«Ваҳший»нинг ўз-ўзидан нишонга олувчи ўта синчков қурилмалари саҳродаги ҳар бир жонзотнинг ҳаракатини инсон нигоҳидан юзларча бора сезгирлик билан қайд этар, компьютердаги нишон билан таққослар ва нишон теграсидаги қизил ҳалқа кўк рангга алмашар, яъни қайд этилган нарса хотирадаги қиёфага мос эмаслиги билдирилар, учоқларнинг ҳар бири бир вақтнинг ўзида камида бешта нишонни мана шундай «ушлаб» тура олиш қобилиятига эга эди.

Айни вақтда қандайдир йўллар билан воқеадан ҳа-бар топган бошқа ўлкаларнинг ҳарбий машиналари ҳам Гоби ҳудудига кириб келмоқда эдилар. Улар ора-сида «Қора ақула» деб ном олган, қанотларида икки-та «ҳаво-ҳаво» ва олтига «ҳаво-ер» типигаги ракеталар осиглиқ машҳур «Миг» ҳам, «Кфир» ҳам, «Торнадо» ва «Мираж» ҳам бор эди.

Қизиғи шундаки, жанговар машиналарнинг бирон-тасида танув ишоратлари кўринмас, фазо алоқаси орқа-ли фақатгина ўз раҳбарияти билан алоқа қилар, бош-қа ҳар қандай чақирувларга жавоб беришлари тақиқ-ланган эди.

Бу учар ўлим машиналарининг мукамал қурилма-лари ҳаво ҳудудида бир-бирларини аллақачон кўрган-ларига қарамай, гўё беҳабардай учиб бормоқда эди-лар.

Уларнинг ҳар бирига саҳродаги номаълум кишини топиш, иложи бўлса тутиб келтириш, иложи бўлма-ган тақдирда эса барча қуроллардан фойдаланган ҳолда тамомила йўқ қилишга буйруқ берилган, номаълум кишининг давлат хавфсизлигига таҳдид қилаётгани, жуда хавфли экани айтилган эди, шунингдек, унинг бошқа мамлакатларнинг ҳарбий кучлари қўлига ўтиб кетишининг олдини олиш, мабодо шундай бўлгани тақдирда, номаълум кишини қўлга киритган бегона ҳарбий учоқни ҳам тамомила йўқ қилиш вазифаси юклатилган эди.

Гоби бўйлаб шу маҳал ўттиздан ортиқ ҳарбий ҳаво кемаси турли кенгликларда, бир-биридан турлича узоқ-ликда ва турлича баландликда учиб бормоқда, мах-фий алоқа каналлари орқали турли тилларда нур тез-лигида маълумот алмашилмоқда эди.

«Ваҳший» саҳро ҳудудига кириб боргач, марказ билан боғланди:

— Pharaoh, i am Mahes. («Фиръавн», мен — «Махес»).

— Mahes, i am Pharaoh. Report me about the situation! («Махес», мен — «Фиръавн». Вазиятни маълум қилинг»).



— Pharaoh, course is forty five, altitude is thousand miles. («Фиръавн», курс қирқ беш, баландлик минг мил»).

— Ok. Continue the fly. («Яхши. Учишда давом этинг»).

Ер юзидан бир неча юз километр баландликда, яқин фазо кенгликларида жим айланаётган ўнлаб сунъий йўлдошларнинг кузатиш қурилмалари ҳам Ердан олинган буйруқ асосида ўз «кўз»ларини Гоби томонга тиккан, илм-фаннинг турли янгиликларини мужассам этган мураккаб техника ҳозир сахро узра учиб бораётган ҳарбий учоқларнинг йўналишини қайд этиб, маълумотларни Ердаги учини бошқариш марказига пайдар-пай билдириб бормоқда эди.

Орадан икки соат ўтганига қарамай, кутилган натижага ҳали ҳеч ким эришолмади. Яқинлашаётган офат ҳақидаги хабар учоқларнинг пилотларига ўз вақтида етказилган бўлса-да, булар турли оғир шаротларда жанг қилишга мўлжалланган ҳарбий машиналар бўлгани боис, бўрон ҳеч кимни ташвишлантормаётган эди.

— Mahes, I am Pharaoh. If target detection inform as soon as possible. Turn on tracking system. («Махес», мен — «Фиръавн». Нишонни кўрган заҳотингиз хабар беринг. Таъқиб тизимини ёқинг).

— Yes, sir. (Хўп бўлади, сэр).

— Report the air speed. (Учоқ тезлигини билдиринг).

— Air speed is two hundred twenty miles. (Учоқ тезлиги соатига икки юз йигирма мил).

— Ok. (Яхши).

— Mahes, the sand storm is approach to you. Angle is sixty six degrees, storm speed is thirty eight miles. («Махес», сизга қум бўрони яқинлашмоқда, олтмиш олти даража, бўрон тезлиги ўттиз саккиз мил).

— I see. (Тушундим...)

Гоби бўйлаб жунбушга келаётган бўроннинг илк учини биринчи бўлиб «Ваҳший»нинг учувчилари пайқадилар. Файритабий сарғиш-қизғимтир булут ердан кўкка ва чапдан ўнгга, кўз етадиган ерга довура энлаган ва бу қум бетиним чирпирак бўлиб айланганча тобора юксалиб бормоқда эди.

— Pharaoh, we see the approaching of sand storm. («Фиръавн», биз қум бўрони яқинлашаётганини кўряп-миз).

— Mahes, please continue the performance of tactical task. And report the information about the storm. («Махес», жанговар вазифани бажаришда давом этинг. Бўрон вазияти ҳақида билдириб туринг).

— Yes, sir... (Хўп бўлади, сэр...)

\* \* \*

«Фиръавн» — аслида, қудратли бир мамлакат ҳарбий разведкаси бошлигининг махфий исми бўлиб, ҳозир у сунъий йўлдош алоқа марказининг зирҳли ертўласида ўтирар, унинг қаторида яна ўн икки киши турли манбалардан келаётган маълумотларни таққослаш билан банд эдилар.

Гобидаги Инсон такомили маркази тадқиқотлари кўп йиллардан бери шу ҳарбий қисмнинг назоратида ва ҳомийлигида эди. Илм-фаннинг асосий мақсадларидан фарқли ўлароқ, генетика марказига ҳарбий хусусиятга эга, турли таъсирларга чидамли сунъий урчитилган одамларни оммавий равишда кўпайтиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган бўлиб, олтинчи авлод жанговар учоқларида ана шундай жонзотлардан фойдаланиш режалаштирилмоқда эди. Нурланишга чидамли, босим ўзгаришларига ва ҳаво етишмовчилигига парво қилмайдиган, ўз-ўзини фавқулодда тез тиклай оладиган ва энг асосийси — ғайриинсоний бундай мавжудотлар ўлка ҳарбий қудратини мисли кўрилмаган даражада орттириши турган гап эди, шу боис, муваффақиятли етишиб чиққан сунъий одамнинг тажрибахонани осонликча тарк этиши «Фиръавн»ни қаттиқ ташвишга қўйди, боз устига, бошқа мамлакатларнинг жанговар учоқлари ҳам танув белгиларини яширган ҳолда мазкур мамлакат ҳудудига

кириб келмоқда эдилар, мабодо улардан биронтаси барҳаёт кишини қўлга олса борми, у ҳолда инсонни мукаммаллаштириш йўлидаги барча ютуқлар ва шунга боғлиқ куч-қудрат бошқаларнинг қўлига ўтиб кетиши мумкин эди. Гобига бир эмас, бир нечта ҳарбий машина юборилишининг ва ҳар қандай шароитда ҳам у одамни топишга буйруқ берилишининг сабаби мана шунда эди. Ҳаво ҳудудига бегона жанговар учоқларнинг кириб келиши эса фавқулодда ҳолат бўлиб, мабодо барҳаёт одам бошқаларнинг ихтиёрига ўтиб кетса, у ҳолда бегона учоққа қарата ўт очиш ва йўқ қилишга буйруқ берилган эди. Учоқлар ҳозир «ҳаво-ер» русумидаги ракеталар ва термик бомбалар билан қуролланган, бундан ташқари, етти мингта электромагнит ўқ заҳираси билан катта калибрли пулемётлар ҳам уларнинг тумшуғида таҳдидли осилиб турар, буларнинг бари биттагина эмас, минглаб кишиларнинг кулини кўкка совуришга етадиган бемисл қудратга эга эди.

Аксига олиб, Гоби узра қумнинг жунбуши кутилмоқда, Атлантикадан келган ҳаво оқими тобора шиддатланиб, саҳрода қум бўронларини ҳосил қилмоқда эди. Бу ҳолат жанговар вазифани амалга оширишни оғирлаштирарди, дунёдаги ҳеч бир кузатув қурилмаси ҳали қум бўрони остидаги нишонни кузата олиш қобилиятига эга эмас, бунинг устига, қумлар учоқлар учун ҳам жиддий хавф туғдирарди — «Фиръавн», учоқларнинг бўрон ҳудудига кирмаслигига ва бўрон шиддатланганига қадар ишини битиришига умид қилаётган эди.

Ҳозир инфрақизил, радар ҳамда нейтрон мониторларида Осие чўллари узра «Ваҳший»ларнинг шарпалари кўриниб турарди, улар худди бургут мисол шовқинсиз ва тез, ўзаро бир хил масофада ва бир хил тезликда учиб борар, улардан тахминан икки юз мил масофадаги бегона ҳарбий учоқлар ҳам шу ҳудуд сари катта тезликда йўналмоқда эдилар.

## BOENG 787 DREAMLINER. ПРОФЕССОР ЗИЁ

Лекин бу воқеалардан ҳали ҳеч кимнинг хабари йўқ... профессор Зиёнинг қулоғи остида ҳали-ҳануз мурожаатни ўқиб эшиттирган занжи олимнинг сокин ва бир оз тушкун овози жаранглаб тургандек эди.

Дарҳақиқат, сўнгги технологиялар ва илму фан ютуқлари татбиқ этилиб урчитилган, касалликларга чалинмайдиган, оддий кишилардан кўра узоқ умр кўрадиган, мантиқ ва фикр қуввати ҳам кучлироқ бўлган сунъий урчитилган инсоннинг ана шундай хулосага келиши гоят кутилмаган ва фавқулодда бир ҳолат эди.

Барҳаёт одам бу ҳаётни рад этиб, Яратганни излаб топишни ихтиёр қилган экан, бошқа томондан, Парвардигори олам истаган тарзда дунёга келган инсонлар келажак сари мутлақо бўлак бир йўлдан илгарилаб бормоқда эдилар. Пул ва бойлик ўйинлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳийлалар, маъдан, нефть, газ ва ҳарбий ўйинлар қаторида кишиларни шайтоний худудлар сари тортқиловчи оммавий кўнгилхушликлар, умумий маданият ғоялари, бутун-бутун халқларнинг, миллатларнинг ва юртларнинг ихтиёрига қасд қилишдан то ақл бовар қилмайдиган ғайриинсоний алдамчиликларгача — ҳамма-ҳаммаси инсониятни иблисона келажак ва абадий жаҳаннам сари етаклаб кетмоқда эди.

«... Яна бир қанча вақт ўтгач, дунёда на ватан, на миллат ва на тил тушунчаси қолади, деган башоратлар наҳотки ҳақ бўлса? — деб ўйлади Профессор. — Бу жараён балки аллақачон бошланиб улгургандир? Араб давлатлари ҳам, Европа ҳам бирлашди. Яна қанчадир вақт ўтиб рўй берадиган иқтисодий ва ахборот хуружларидан кейин мамлакатларнинг чегаралари йўқолиб кетса, бошқариш иплари тўғридан-тўғри капитал кўлига ўтса, яъни ер юзини қитъалараро ширкатлар бошқарса-чи? Ҳақиқий глобаллашув ана шунда авж олса, қаерда иқтисод гуллаб-яшнаса, одамлар ўша ерга тўплана бошласа... ва вақт-соати келиб, қадриятлар емирилиб-тамом бўлса-чи?..»

Булар — профессорни ташвишлантирган ҳалокатли тараққиёт йўлининг дебочаси, бор-йўғи бир қисмигина эди, холос.

\* \* \*

... Профессор Зиё тиззасига қўйиб ўтирган кичкина компьютернинг монитори ва учоқ монитори барава-рига огоҳлантирувчи овоз чиқарди. Профессор эгилиб, уларнинг бири — учиш хизматининг огоҳлантириши, иккинчиси эса ўғлидан келган хат эканини кўрди.

Учиш хизмати *Атлантика уммони устида бўрон бошланганидан* хабар берган эди. Орадан ярим соат ўтмай, унинг тезлиги соатига икки юз километрга чиққан ва энига тахминан беш юз километрни энлаган ғоятда кучли ҳаво оқими шиддат билан қуруқлик томонга ҳаракатланмоқда эди.

Профессор Зиё самолларнинг ҳосил бўлиш сабабларини яхши биларди. Бу аслида Европа, Хитой ва Мўғулистондаги жазирама ёз туфайли рўй берди. Европада қирқ, Хитойда қирқ олти ва Мўғулистонда эллик икки даража ҳарорат икки ҳафтадирки туриб қолган, бу мисли кўрилмаган кўрсаткич эди. Бугун кундузи миллионлаб куб километр қайноқ ҳавонинг Австралия, Хитой ва Атлантика ҳудудларидан Гоби томон силжий бошлагани қайд этилди, табиийки, уммонлар ва ҳатто мамлакатлар устида бўрон ва гирдобларнинг юз бериши кутилаётган, қурбонларнинг олдини олиш учун эҳтиёт чоралари ҳам зудлик билан кўрилаётган эди.

Профессор ўғлининг мактубини очди.

## АВЛОД

«Ассалому алайкум!

...Бугун онамнинг хокисор ва азиз қадамларининг изи қолган ҳовлимизда эканман, Парвардигори оламга имон келтирган барча кишиларнинг, аввало сизнинг ва онаизоримнинг ҳаққига кўзларимда ёш билан дуо қилгач, ушбу мактубни битмоқдаман.

Ота, сиз аввало — кимлигим ва нималигим ноён бўлган, бир бурда нонимни на ўзим ея оладиган, на бир қултум сув ича оладиган ҳолимда, йиқилсам тура олмай чириллаб йиғлаганимда, узун кечалару кундузларингизни менга бағишлаб, нимагалигини ўзим ҳам билмай кулганимда қувонгансиз, инжиқлик қилиб йиғлаганимда кўзингизга дунё тор бўлган, ўзингиз емай менга едирган, ичмай менга ичиргансиз, оёққа қўйиб, тарбия бергансиз.

Тангри Таоло фитратимга сиздай муҳтарам зотга таслимият хусусиятини ҳам сингдирибдики, шу кунгача айтганларингизнинг ҳаммасини имконим бори-ча, қўлимдан келганича адо этишга уриниб келдим.

То эсимни таниб, қутлуғ нарсаларнинг нима эканига ақлим етгунига қадар мен учун имоннинг, виждоннинг, инсофу адолатнинг, кучу қудратнинг тисоли ҳамда қўрғони бўлдингиз. Ҳар сўзингизни, иродангизни ва ҳукмингизни мутлақ адолат деб билдим.

Эсимни танигач эса, зотингиз ҳақида Аллоҳ Таолонинг буйруғидан хабар топдим. Болалигимдан бери эшитадиганим «отангга тик боқма, сўзига сўз қайтарма, қаршисида қўлингни қовуштириб, бошингни эг», деган оддий ҳақиқатларнинг моҳиятини шундагина тушуниб етдим. Қўлимдан келганича хорлик қанотини паст тутдим, айтилганларнинг барини адо этишга уриндим.

...Найлайинки, сизга бир бечора ўғил бўлсам, Тангримнинг бир бечора қулиман. Баҳорда теварак жўшиб, гулу гулзорлар барқ уриб, ўт-ўлан жонланганида... бир ҳукми илоҳий ила тупроқ қаъридаги маъданлар бирданига ҳаракатга келсаю бирлашиб ўт-ўланлару дарахтлар илдизидан юқорига кўтарилса, турли-туман бирикмалар ҳосил қилиб, қон томирларига монанд томирларида оқса, тўпланиб суву шарбат бўлса, ҳаммасининг тағзаминидаги қудратни сезиб-илғаб турсам... осмондаги сокин-оғир булутлар бирданига тузилишларини ўзгартирсалар... турли шамоллар уларни турли томонларга олиб сурсалар... уммонларни самоларда

кездириб қўйган бу қудратни кўрганимда ҳар сафар ваҳимага тушаман.

Кенглигига ақл бовар қилмас улкан курраи заминни муаллақ суздириб қўйсаю қайноқ сувларда, дарахт танасининг ғоваклариди ва ҳатто тошларнинг ичида ҳам ўзининг қудратига далолат бўлсин ва инсон бола-си кўрсин учун жонзотларни яратган бўлса, тева-рақдаги ҳамма нарса бир иродадан жамланганига далолат қилса ва фақат Ўзининггина бир эканини намоён қилиб, энг кичик заррани ҳам бўлақларга бўлиб ташлаган бўлса... ақлим бу ҳайбат ва қудрат қаршисида кўрқувдан зир-зир титраса... еру кўкларни бир қилиб ўраб, сувлардан қуруқликларни чиқарган, сувлардаю қуруқликларда саногини ёлғиз ўзигина биладиган тур ва сондаги миллионлаб махлуқларни миллионлаб кўри-нишда яратиб қўйган ва буларнинг барини одам бола-сига ватан қилиб берган бўлса... шуларни англасаму ўзимнинг ҳақирлигимдан хабардор бўлсам... қандай кўрқмасдан тура олай?

Шу ҳолимча, барча аъзоларимни менга билдир-май тарбият қилиб камолга етказса, вужудимга бир хасталик илашса, ўзим сезмаганим ҳолда вужудимга жойланган ҳимоячиларим у балолардан асраса, боз устига, улар туфайли мен чеккан азият ва сабр учун мукофоту ажр берса, осмонлару ердан ризқимни ко-мил қилиб юборгани ҳолда.... яна бир нарсага шукр-лар қиламанки, мендай ожиз бир бандасини Ер юзи-нинг исталган жойида ва ер юзи бино бўлганидан то қиёматга қадар истаган вақтида дунёга келтира олар-дию аммо, авваламбор, ваҳший қабилалар орасида эмас, динсизу инсофсизлар орасида эмас, мўминлар мамлақати бўлмиш шу юртда, шу тупроқларда бино-га келишимни ихтиёр қилди, абадий музликлар ёки сахрою чўлларни эмас, жаннатмонанд мана шу юрт-ни Ватан қилиб бериб, шу юртда дунёга келишимни истадики, бу ҳам ҳикматсиз эмаслигига ишончим комил.

Ҳикматларининг яна бири шундаки, Парвардигори Олам баъзи инсонларини бошқаларга мукофот қилиб яратган. Баъзиларнинг дунёга келишлари, ҳаётлари бошқалар учун ўнлаб-юзлаб хайрлар келтиради. Сиздай кишини менга ота қилиб танлагани ҳам Тангримнинг менга бир мукофоти, марҳаматидир. Бутун оламга донғи кетган, инсоният тарихининг зулматларида нур таратиб турган улуг мутафаккирлар ҳаётга келиб яшаб ўтган тупроқда олам юзини кўришимни ирода этганида яна бир ҳикмат, яна бир рамз кўраман.

Не мукофотки, ҳақирлигимга қарамай, мени Ўзи севган, амалларидан Ўзи рози бўладиган халқ орасида бунёд этди. Балки мен Унга шу тилда мақбул сўз айта олишим учун мана шу миллатдан қилиб, шу тупроқда яратгандир?

Улуг Тангри дунёда ҳеч нарсани қолдирмайди. Ҳатто қиёмат келмасидан туриб ҳам водийу тоғларни, сахрою қумларни, шаҳару қишлоқларни, маданиятлару тамаддунларни, сайёралару юлдузларни супуриб ташлайди. Энг қаттиқ ва мустаҳкам маъданлардан энг гўзал ва кўркам чечакларгача — ҳаммасини тупроққа қориштиради. Халқлару миллатларни, давлатлару элатларни ҳам тўзонга айлантиради.

Бир уни ҳамма нарса туб-тубидан ўзгаради. Ер ер бўлмай қолади, осмон ҳам, тоғу уммонлар ҳам, набототу ҳайвонот ҳам, қуёш ҳам бўлмайди. Барча маданиятлар, тамаддунлар, инсон боласи эришган барча ютуқлар хас-хашакка айланиб йўқ бўлиб кетади. Ҳақиқатлар ва сирлар пардалари очилади, кўклардан фаришталар тушиб келадилар. У кунда биз бошқача кўринишда, бошқача бир шаклда бўламиз.

Ана шу кунда мен ўз жонажон тупроғимда, ўз жонажон миллатим билан бирга бўлишни орзу қиламан.

Менга юрт шу имонимни ҳимоя қилишим, уни ёт таъсирлардан сақлай олишим, шоядки Тангрим фарзанд ато этса, уни айнан шу руҳда, айнан шу ҳақиқатлар билан тарбиялашим учун керак. Шу жойда Имон билан Ватан деган нарсаларнинг бирлашганини кўра-



ман. Зотан, руҳ танасиз бу дунёда мавжуд бўла олмаганидай, имон ҳам Ватансиз мавжуд бўла олмаслигини кўраман.

Ватаним дея жон таслим қилганлар, «Эй Ватан» дея денгиздай тўлқинланган халқлар, душман тажовузи остида «Ватан» дея қирилиб кетган минглаб инсонлар тақдирида шуларни кўраман: улар бир парча тупроқ учун эмас, бу тупроқларда унган дов-дарахтлару бағридаги маъданлар учун эмас — айнан шу — имонининг ва миллат руҳининг қўрғони бўлгани учун ҳам жон таслим қилганлар, деб ўйлайман...

\* \* \*

Менинг назаримда, бу тупроқлар ўзининг сирларини ҳаммага ҳам очавермайдигандек туюлади.

Жоҳилларнинг кўзига кичкина пастак хужралару қум босган шўрхоқ ҳовлидан бошқа нарса кўринмайди. Шу кичкина хужрада шу халқнинг битта боласи ўз тафаккури билан фазони қамраганини тасаввур қилиши маҳол.

Бутун дунё маҳдудлик қоронғилигида экан, чўлу биёбондаги кишиларнинг ақл кучи нима сабабдан бунчалар кучли эканига ҳайратланаман.

Авваллари жангу жадаллар ва шаҳарлар тарихига қизиққан бўлсам, эндиликда улардан ҳам юксакдаги тафаккур тарихи мени ўзига тортмоқда. Дунёвий илму фан тадқиқотларидан бошланиб самовий илмларгача қамраб олган ўша сўқмоқларда давом этмоқчиман.

Менимча, бу айтганим ҳам маънавий бир мамлакатдир. Шундай бир мамлакатки, ҳеч ким у ерга ҳеч қандай қўшин билан кириб келолмайди. Кириб келса ҳам, саратон ҳароратида чўғда бозиллаб турган қумғону пастак лойсувоқ уйдан бошқа нарсани кўрмайди. Чунки, ҳамма ерда кўзга кўринмас Искандар девори бор. Унинг ортидаги фозиллар шаҳри, ундаги нафис мажлислар фақат шу ерда ўсиб-унган, шу маданият булоғидан қонган одамгагина намоён бўлади.

Айтадиларки, бир шам атрофида уч парвона айланаиб учмоқда эди. Улар шам алангасининг нима эканини билмоқчи бўлдилар. Биринчиси шам томон учди ва қайтиб келиб деди: «У — жуда ёруғ бир нарса экан!» Иккинчиси янада яқинроқ учиб борди, аланга унинг қанотларини куйдирди, қайтгач айтдики: «У — куйдирувчи бир нарса экан». Учтинчиси аланга ичига кириб, оташ ичра ғойиб бўлди. Нимани кўрганидан ва нимани ҳис қилганидан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Аслида у, нимани билишни истаган бўлса, ўшанга ета олди!

Бундай билимларга эришувчилар ўзлари эришган билим ҳақида гапира олиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Шу боис ҳам билувчи сукут сақлайди.

Мен ана шу учинчи парвонага ҳавас қиламан.

...Теварагимиз рамзларга ва тимсолларга тўладир. Ҳар бир ўт-ўлан ақл қулоғига, сиз назарда тутган тафаккур боис, баланд овоз билан хитоб қилиб турмоқдандир. Тошларнинг ва жамики махлуқларнинг ҳам имон келтириб қичқиришини эшита олиш учун илм ва тафаккур керак.

Инсонлар узоқ умр кўришни истайдилар, лекин бу оламда узоқ умр машаққат ва заҳматдан иборат эканини ҳам яхши биладилар. Дунёда узоқ муддат қолишни истаганлар тобора яқинлашиб келаётган кексалик заҳматларидан қутулиш йўлини тополмайдилар. Топганларида ҳам дунёнинг ўзи бир куни йўқ бўлиб кетишини идрок қилмайдилар.

Ота, абадий дарбадарликка маҳкум бир одам ҳақида айтган ривоятингизни эслайсизми? Мен ҳозир *дунёнинг ҳар бир мамлакатида, ҳар бир гўшасида, ҳалол ва имонли кишилар билан бир қаторда, ана шундай дарбадар инсонларни ҳам кўрмоқдаман...* Шундай дарбадарликка мубтало бўлмасликнинг йўлларини изламоқдаман. Кун келиб, руҳим самоларга қараб йўл олганида, мукамалликка эришган зотлар билан бир қаторда бўлишни орзу қиламан.

Такомилга эришганлар нега сукут сақлаган эканлар? Тангрим ўз хоҳишини инсонлар хоҳиши билан бирлаштиришини биламан. У бир қулини меърожга, яъни фазо бўшлиқларига эмас, ундан ҳам юксакка — ўзининг аршига кўтаради. Унга «Дунёда истаганингча қол», дейди, қул эса бор-йўғи олтмиш уч йилгина яшашни афзал кўради. Бирига бутун бойликларини берадики, бойликлар у ўтган ерда ўзидан хабар бериб-нидо қилиб туради, жамики ҳайвоноту қушлар тилини билдиради, ҳодисаларни бўйсундиради... бирини сувда ёки ҳавода ҳаракатлана оладиган қилиб қўяди, бошқаси бир вақтнинг ўзида қирқ жойда ҳозир бўла олади, яна бири қудрат фаришталари билан, яъни зилзила ҳосил қилувчи, бўрон кўтарувчи, тошларни ёрадиган ўсимликларни қулоғидан тортиб чиқарувчи, шамоллар уфурувчи, сайёраларни ва юлдузларни маҳкам ушлаб турувчи бандалари (*ёхуд Тангри таолонинг биз билмайдиган ва биздан яширилган бошқа жонзотлари*) билан суҳбат қуради, бирига мангулик билан қўшиб ҳеч кимга ато этмаган билимларини беради ҳамда ўзининг пайғамбарларидан бирини у билан учраштирадики, барҳаёт бандасининг борлигидан одамзот фақат шундагина хабар топади...

Буларнинг олдида дунё нима? Тараққиёт нима? Ҳаммаси бирлашганида ҳам оддийгина қум зарраси каби аҳамият касб этармикин?

Ер юзида бундай мукамалликка эришган неча киши бор эканини билмайман. Лекин, айнан шу йўл орқали — тафаккур ва илм орқали Яссавий горига кириб боришни, Фавсул Фиёс ким эканлигини билишни, чилтанлар билан суҳбат қуришни истайман. Нақшбандий билан хунармандчилик қилиб, Бухорий хизматиға қўл қовуштирамоқчиман. Улуғбек билан кўкка боқиб, ибн Сино қошида хасталиклар билан гаплашмоқчиман. Машраб билан пиёда кезиб, Амир Темур ҳарбларини ўз кўзим билан кўрмоқчиман, Бобурнинг изтиробларини англаб, аёлга бўлган муҳаббати ва эҳтироми ила бутун дунёни лол қолдирган Тожмаҳалга — катта бобом бино қилган шоҳ асарнинг остонасига бош қўймоқчиман.

Бутун шу тарихнинг руҳимда жўш уришини, томи-римда қон бўлиб оқишини, юрагимни, ҳужайраларимни ана шу қон тўлдиришини хоҳлайман.

Отажон, бу билимларни эгаллаб, ўша билимлар сари чуқур кетмоқчи эмасман, балки шуларнинг ҳаммасини ўрганиб, яна миллатимга ва ватанимга хизмат қилмоқчиман. Зеро, ўзингиз болалигимдан қулоғимга қуйганингиздай, то ёруғ дунёда эканман, қувончиму армонларимни, бахту саодатимни шу азиз халқиму миллатим билан, кўзимни очганимдан бери амал қилиб келаётганим тутумларию урф-одатлари, одобию тарбияси билан битта менга эмас, бутун оламга минглаб дарслар берган мана шу оддий ва самимий кишилар билан баҳам кўриб, уларга хокисорлик билан бош эгмоқчиман, дуоларини олмоқчиман. Муборак зотлар эришган ҳикмат қопқалари халқимнинг дуою Тангримнинг мустажоби туфайли очилишига аминман.

Чуқур ўйлаб кўрсам, илдизлар деган гапнинг маънисига ақлим етаётгандай. Назаримда дилимнинг илдизлари шу ер ости булоқларига боғлаб қўйилгандай, узилса қурийдигандек.

Сиз имконингиз бўлса ёз ойларида келишингизни айтган эдингиз. Ҳозирча ёзни интиқлик билан кутяпман. Келганингизда фурсат топсангиз, дилимда ўйлаб юрган гапларимни сизга тўкиб солсам... агар хато қилаётган бўлсам, оталик ва мураббийлик марҳаматингиз билан тўғри йўллارни кўрсатсангиз, мабодо ўйларим маъқул бўлса, менга оқ фотиҳа берсангизу дуоингизни олсам, деб интизорман...»

## **ТИМСОЛЛАР ЧАРХПАЛАГИ**

Профессор Зиё компьютерни ўчириб, узоқ ўйга толди.

Юраги унга ўғлининг ҳақ эканини, бутун олам илгарилаб бораётган турли-туман йўллар орасида ўғлининг тутган йўли аниқроқ ва ҳақиқатга яқинроқ эканини сездириб турарди.

Кимлардир «инсон боласига бутун ер юзи ватан қилиб берилган, истаган жойида яшасин, истаган жойига борсин», деб айюҳаннос солаётган бўлса, ўғил, инсон боласи ватансиз аҳамият касб этолмаслигини билдирмоқда эди.

Бошқа кимлардир: «қаерда яшаш қулай бўлса ўша ерга бориб яшаш керак», деб даъво қилса, ўғил, тушунчаларнинг ва руҳнинг ўша ер одамлари ичига сингиб йўқ бўлиб кетиши хавфини ҳам англаган эди.

Бироқ, не ажабки, муқаддас тушунчалар ҳам турлитуман бўлақларга бўлиб ташланган эди! Бутун олам мувозанат ичида бўлгандагина ҳамма нарса қадр-қиммат касб этар, мувозанат бузилганида қадр-қимматлар ҳам ўзгариб кетмоқдайди.

Дарҳақиқат, одам боласи дунёга келиб ўсиб-унади, ейди-ичади, айюҳаннос салади, кибру ҳавога, ғурурга кетади, лекин бир куни қарабсизки, бутун дунёни алғов-далғов қиламан деган одам ҳаёт саҳнасида секингина, мутеъгина бўлиб четга чиқади, супурилади. Бир куни қарасангиз, тўплаган бутун сарватларию мулкларининг вужудида ўса бошлаган биттагина бегона хужайра қаршисида ожиз, ўзи ҳам ўша хасталик чангалида мўлтираб ётган бўлади. Тузалишга ҳеч қандай умид йўқ, дунёнинг тўрт бурчида миллионлаб соғлом кишилар ҳаёт завқини сураётган бир маҳалда бу одам кўрқув ва даҳшат ичра жони ҳалак: мабодо... умр тугаган бўлса-я?

Дафъатан... ҳамма нарса дафъатан рўй беради. Дафъатан кулфат эшик қоқади, дафъатан зилзила рўй беради, дафъатан мусибат мўралайди.... дафъатан жон чиқади...

Лекин ўғил унга, мангуликнинг ҳам бўлақлаб ташланганини билдирмаяптими!

Қадимда Олий ҳақиқатга қўл кўтарган ва қиёматгача ер юзида бесамар дайдишга маҳкум этилган барҳаёт чол ҳақидаги афсонани эслади у.

Йўқ, умрбоқий чол бор-йўғи бир тимсол, холос. Тимсолга айланганидан кейин унинг ҳаётда яшаб-яшамаётганининг ҳам аҳамияти қолмаган. Кўрган кунидан

мамнун, аммо дарбадар бўлиб юрган қанча кишилар бор дунёда? Фоялар ва фикрлар орасида у қирғоқдан бу қирғоққа сурилиб яшаётганлар... ўз кўнимини тополмасдан, бор ҳаёти ҳиссий ва фикрий дарбадарликда ўтаётганлар... севгию ишқ деб дарбадар бўлганлар... истеъдодини йўлга сололмаганлар... ва ҳатто маълум бир мақсадни ўз олдига қўйиб, қатъияту сабот билан олға интилаётган ва шу ҳолида ҳам дарбадарликка маҳкумлар... ёшлар... қариялар... аёллар... дарбадарлик дарслари мияларига қуйилаётган беозору беғубор болакайлар, жамалаксоч қизчалар... жаннат илинжида дарбадарликни касб қилиб олган зоҳидлар... тарих бўйлаб сочилиб кетган халқлару элатлар...

Муборак кишига қўл кўтарган осий не сабаб айнан дарбадарликка маҳкум бўлди? Не сабабдан қўли шол, кўзи кўр, тили соқов бўлмади? Не сабабдан унга айнан *дарбадарлик* қисмати раво кўрилди?

... Дунёда икки умрибоқий банда Тангри хоҳлаганча вақт кезмоқда. Бири — Хизр алайҳиссалом бўлса, иккинчиси — ўша умрзоқ осий. Зоҳиран иккиси ҳам дарбадар. Фақат бири Тангри таоло ирода этган ботиний юмушларни бажармоқда... иккинчиси *бесамар* дайдирик экан, бу бесамарликдан мурод не? Осийлиги туфайли олган жазоси боисгина Тангрига ва пайғамбарига имон келтирган иккинчи умрибоқийнинг ҳикмати, боз устига, унинг одамзот наслидан экани — янада ҳайбатлироқ ҳикмат эмасми?

Ким билсин... шу маҳал балки дунёнинг қаеридалир ўша бечора чол ҳануз бесамар дайдимокда... ва умрлари боқий бўлмаган, аммо Абу Лаҳабдан минг бора оғирроқ гуноҳларни содир этаётган бошқа кишиларни кўриб, ўз жазосининг бу оламда берилганига ҳамду санолар ўқиётган бўлса не ажаб?

Инсоният тарихи — дарбадарлик тарихи ҳамдир. Борар ерларини йўқотиб, то авлодлар алмашгунига қадар саҳродан чиқа олмай кезган бир қавмдан то қиёматга қадар дунё кезиб қиладиган иши «Ҳеч нар-

са, ҳеч нарса ва фақат ҳеч нарса» бўлган дайди чол ҳамда у билан тўқнаш келиши башорат берилган Даж-жол... буларнинг бари тимсолларга айланиб, халқлар ва миллатларнинг онгига хитоб қилмоқда эди.

Бироқ, маъшаргача ҳали анча вақт бор. Ҳозирча эса...

*...Гуруҳ-гуруҳ кишилар ҳануз қўлларида қурол билан тўқнаш келмоқдалар, ҳар икки томон ҳам ватан учун, дин учун, имон учун дея қон тўкмоқда.*

*...Ҳанузгача баъзи инсонлар атрофдаги ҳамма нарса-нинг тенги йўқ мўъжиза эканини фикрлаб кўрмасдан... дарёда оқиб келган бир тошдаги, бир қўйнинг юнгидаги, бир товуқнинг тухумидаги тасодифий нақшлар муқаддас ёзувларни эслатгани боисгина гуруҳ-гуруҳ бўлиб имонга кирмоқда ва айнан шу тарзда, гуруҳ-гуруҳ чиқиб кетмоқдалар...*

*Ҳозир ҳам одамлар зиёратга гоҳ-гоҳ бориб турадиган Бобо Тошбақа мақбарасининг гужумларидан ҳануз сув томчилаб турибди.*

*Мангу барҳаётлар макони деб ном олган шаҳри Ҳайбар эса, айнан шу мақбара яқинида жойлашган эди, деган тахминлар бор...*

## **БОБО ТОШБАҚА МАҚБАРАСИ. ҲИЖРАТНИНГ 190-ЙИЛИ**

...Узорида Аллоҳ калимаси бўлган тошбақанинг пайдо бўлиши хабари бир мўъжиза янглиғ яшин тезлигида тарқалди. Одатда мўъжизалар ва ғайриоддий нарсалар қандайдир улкан бир ҳодисанинг бошланишидан дарак бериб намоён бўлади. Тошбақа ҳам ниманингдир даракчиси экани аён.

Бироқ, ниманинг?

Сомон амирининг аскарлари тошбақани қирқ кун қидирди, лекин тополмади. Умуман, бу махлуқнинг пайдо бўлиши нақадар ҳайратангиз ва мўъжизакор бўлса, гоҳ кўриниб-кўринмаслиги ҳам шу тарз ҳайратланарли эди.

Миш-мишлар эса урчиб бораверди. Баҳорнинг ўрталарига бориб, Сангинак девори харобалари ёнида бир чўпондан хабар келди. Айтишича, *тошбақани узун бўйли, сочлари елкасигача ўсиб тушган, ялангоёқ бир одам* етаклаб юрган экан.

Сомон амири шон-шуҳратни яхши кўрадиган одам эди. Бу беозор махлуқнинг саройга олинishi албатта унинг обрўсини оширарди. Дарҳол аскар юборилди, борганлар ҳақиқатан ҳам девор харобалари ёнида ғалати тошбақани топишди, лекин чўпон айтган номаълум кишини учратишмади. Аслида ўша сирли одам ҳақидаги гап-сўзларнинг ўзи шубҳалироқ эди: тошбақадай имилловчи махлуқни ким ҳам етаклаб юрарди?

Мўъжизага атаб маҳсус бир хона бино қилинди, унинг саҳни мраммардан эди, жило берилган мраммарлардан ҳовузча ҳам ясаб қўйилган эди. Тошбақа ана шу хонага жойлаштирилди.

Кўшниларга қарши урушларнинг маслаҳатлари, салтанат машваратлари айнан шу жойда ўтказилар, мўъжиза тошбақа эса муқаддас нақшларини кўз-кўз қилганча, асрий сокинлиги ила гўё гап-сўзларга қулоқ солаётгандай, бу ерда қилинган дуоларнинг ижобат бўлишига сабабчидай эди.

Дарҳақиқат, тошбақа дарагини эшитган кишилар бутун теваракдан оқиб кела бошладилар. Араб ёзувини унча-мунча тушунадиганроқлар уни кўриб саросимага тушдилар. Ҳатто кўзларида дув-дув ёш ила фарёд урганлар бўлди. Юзлаб кишилар шу тошбақа туфайли имонга келиб, Аллоҳ таолонинг динига кирдилар. Буларнинг бари амирга хуш ёқар, фароғат бахш этар ва ўзини ҳатто соҳибқирон Искандардай хаёл қилар эди.

Боз устига, ғоятда узоқ умр кўрадиган ва одамни ҳайиқтирадиган қисмат соҳиби бўлмиш бу махлуқ кишида фалсафий хаёлларни ҳам уйғотарди. Чунки у ўзининг қисматини ортмоқлаб юрган кишиларни эслатарди. Ёхуд гуноҳлари елкасига юкланганларнинг тим-



соли бўлиши ҳам мумкин — балки қиёмат кунда кимлардир ўз гуноҳларини елкасида худди шу беозор махлуқ сингари ортиб юрар?

Гуноҳларидан ҳам кўра... илмларини дейиш балки тўғрироқ бўлар? Чунки, барча халқларда ва барча замонларда тошбақага донишмандлик рамзи ўлароқ таъриф бериб келинмоқда-ку? Илмларини елкасига ортоқлаб юрган, аммо у илмлардан самар топмайдиган, ғоят узоқ умр кўрадиган имилловчи бир жонзот...

Шаъбоннинг бошларида тошбақага нимадир бўлди, у овқат емай қўйди. Ўтларнинг турли-туманини олди-га солиб кўрдилар, сувини алмаштирдилар. Ҳатто ҳовузга муқаддас булоқ сувидан ҳам қўйдилар — тошбақа қараб қўймади. Ғамгин нигоҳини бир нуқтага тикканча қимир этмай ётаверди.

Унинг ғамгинлигининг, бундай қисмат ила яратилишининг боисини очиқ-равшан қилиб изоҳлаб берадиган биронта кимса топилмади.

Ниҳоят, бу ҳодиса ҳам дунёдаги барча ҳодисалар сингари яқун топди — бир кун тонгда машваратхонага кирганлар табиат қонунларига зид ўлароқ пайдо бўлган тошбақанинг жон таслим қилганини кўрдилар. Одамлар уни кўмишга келганида иккилана-иккилана, ҳурмат-эҳтиромини жойига келтириб, бир тепалик устига кўмиб, устига туғ қадаб қўйдилар.

Йиллар ўтиб, тошбақа ҳақиқатини биладиган авлод дунёдан ўтиб кетди. Кейинги авлод эса фақатгина ривоятлардан эшитиб катта бўлди. Тошбақа кўмилган ердан бир дарахт ўсиб чиқди, гужумга ўхшагани билан унинг баргларида сув томчилаб турарди, лекин бу сув аччиқ ҳамда тахир бўлгани боис лаб ҳўллашга ҳам ярамади.

Сувсиз, қурғоқчил бир ердан дарахт ўсиб чиққани бежиз эмас, шу боис кишилар у ерга бориб ҳожатларини сўрай бошладилар, гужум шохларига турли латталарни боғладилар. Ишонувчан кимдир эса тошларни қалаштириб бир дахма кўрди, ўзи эса у ернинг

шайхи бўлиб олди. Кейинги йилларда у ер Бобо Тошбақа мақбараси деб аталадиган бўлди, тошбақаларастлар кўпайди.

Авомнинг, айниқса ҳарбу зарбларда умрини ўтказган кўчманчи кишиларнинг эътиқодларини тушуниш қийин эмас — уларнинг бу эътиқодининг замирида ҳам Аллоҳга ўзига хос муҳаббат яшириндир. Теградаги мўъжизалар кишининг ақлу шуурига хитоб қила бошлаши учун муайян бир билим ҳамда даража лозим. Авом кундалик ҳодисаларни туғилганидан буён кўра-кўра кўникиб кетгани учун ҳам, ғайриодатий ҳолатгина унинг онгига қаттиқ таъсир қилади. Теградаги ҳар бир нарса «мана-ман» деб қичқириб турса-да, кишилар бу нидоларни эшитмайдилар, аммо қалблари ғайриодатий нарсадан дарҳол кўрқувга тушади. Ғайриодатий ҳолат бир нарсанинг даракчиси эканини сезади кишининг қалби.

Одамлар у ерга келиб, чироқ ёқадиган ва ҳожатларини сўрайдиган бўлдилар.

...Бобо Тошбақа мақбараси Марв яқинида деган тахминлар бор. Айнан шу атрофда Сомон шаҳрининг қолдиқларининг топилиши ҳам буни исботламоқда эди. Сомон шаҳри эса араблар Шаҳри Ҳайбар деб ном берган, одам боласининг кўзидан яширинган саодат шаҳри ёнида экани тарихдан маълум.

## ШАҲРИ ҲАЙБАР

Поёнсиз сариқ кумлар аро *шамол* тентирайди. Тўзғитади, айлантириб-сочиб ўйнайди, шўхлик қилади.

Баҳорда бу ҳадсиз саҳрода ёмғирлар ёғади, кумлар жўшиб-жонланади, ранго-ранг майсалар гиламдай бўлиб, эпкинларда тўлқинланади.

Саратоннинг қизғиш, яллиғланувчи жазирама осмонда гоҳ-гоҳ жонзотларни умидлантириб, оқ ва кулранг булутлар адашиб келиб қолади. Кум аро униб чиққану ипдай ҳолида саргайиб-қувраган гиёҳлар олов эпкинида ҳилпиллайди.

Беш йилдирки, бу сахро барханлари аро бир тадқиқотчи афсонавий мангулик шаҳрини излаб кун ўтказади.

Юзларча чақирим шарқда қозоқ чўпонларининг ўтовлари бор. У ерга эски-туски аробалардан ташқари, ҳафтада бир кўча дўкон ҳам келиб туради. Кўча дўкон тадқиқотчининг ҳомийларидан егулик, сув, ширин ҳилли қоғоз сочиқларгача олиб келади, кучли «Тойота Лэндкрузер» ҳафтада бир қозоқ ўтовига бориб-келиб туради. Чодирда кўш ҳарорати билан ишлайдиган митти электр генератори, сунъий йўлдош антеннаси ва кичкина ноутбуккача — ҳамма нарса ҳозир нозир.

Дунёда иккита яширин шаҳар бор. Бири — тахминан Бобил ҳудудларида кўкларга кўтарилган Боғи Эрам бўлса, иккинчиси — Осиё чўлларида инсон боласи кўзидан ниҳон Ҳайбар шаҳри...

Ҳар икки шаҳар ҳам инсонлар кўзига ўқтиң-ўқтин кўриниб туради. Баъзан бир неча дақиқа, баъзан бир неча соатга аниқ-ойдин кўринади. Эрам боғлари аслида афсонавий Ҳефсимания осма кўшқларидир деган даъволар, ер юзиде жаннат муқобилини бино қилишга уринилгани учун ҳам осмону фалакка олиб чиқиб кетилган ёхуд қай бир сиру синоат ила инсонлар кўзидан яширилган, деганга ўхшаш фикрлар бир неча юз йилки, олимларни ва қизиқувчиларни саҳроларда бе-самар кезишга ундайди.

Умрибоқий ва масъуд одамлар макони бўлмиш абадият шаҳри — Ҳайбар ҳақида эса тадқиқотчилар ихтиёрида жуда оз манба бор. Бу манбалардан бирида унга «Искандар девори ортидаги шаҳар» деб таъриф берилган. Бошқасида эса фозиллар шаҳри деб номланган. Яна, андалусиялик бир ўрта аср сайёҳининг қисқа таассуротлари. Бор-йўғи шу, холос.

...Бу шаҳар чинларнинг хангзу (чангзу) қабиласининг босқини пайтида ғойиб бўлган, деган тахмин бор. Бироқ, у маҳаллар шаҳарнинг номи бошқа бўлган, Ҳайбар исмини унга араблар берганлар. Аллоҳ таоло юбор-

ган ҳақ дин ғалабасининг тимсоли бўлмиш бу шаҳар номини истило қилинган бошқа ўлкадаги бошқа бир шаҳарга беришга ва иккинчи, сохта Ҳайбарни бунёд қилишга ундаган нарса, балки ўша ғалаба уйғотган фажру сурурдир? Билиш қийин... Лекин, милoddан бир неча аср аввал бу тупроқларга бошқа душман — хангзулар ҳужум қилгани ҳам ҳақиқат. Икки маданият тўқнаш келгани он, аслида инсониятга улуғ мутафаккирларни етиштириб берган бу қабилаларнинг ваҳшати қадим элатлар учун кўрқинч бўлиб туюлгани бор гап. Узун ўрилган сочларини ҳилпиратиб, қийқира-қийқира келаётган хангзунинг қиёфаси, яъжуж-маъжуж келаётир, деган ҳаёлга етаклаши табиий. Бироқ, яъжужлар ва кейингилар — араб ривоятлари, ҳақиқий ривоятлар эса уларнинг соясида қолиб кетган.

У — фаровон, обод, адолат шаҳри бўлган. Халқ, хангзу тимсолида бостириб келаётган жаҳолат қарши-сида не қиларини билмай довдираб қолган маҳал. Ҳали-ҳозир улар шаҳарга ёпириладилар. Ҳатто отларининг туёқлари остидан кўтарилган чангу тўзон ҳам кўрина бошлади.

Ўша маҳал биёбон ичидан икки киши чиқиб келади. Бири *узун бўйли, сочлари елкасигача ўсган, яланг-оёқ*, иккинчиси эса нуруний бир чол эди. Яланг-оёқ одам шаҳарнинг кунчиқиш томонидан келади, тепалик устига чиқиб *ҳеч нарса қилмасдан* ўтиради. Чол кунботиш томонидан келади, шаҳарнинг энг баланд мақбараси устига чиқади, Кўк Тангрисига ҳамду санолар айтади. Шу қадар узоқ ибодат қиладики, тиззалари шилинади. Қўллари қотиб қолади.

Шундан сўнг нима юз берганини ҳеч ким билмайди. Шаҳардагилар ҳеч нарсани сезмайдилар. Мана ҳозир етиб келиб деворларни ва дарвозаларни бузиши, ҳайқира-ҳайқира эркакларни ва кексаларни ўлдириб, болаларни ва аёлларни асир олиши кутилган аскардан дарак бўлмайди. Ҳатто чанг-тўзон ҳам кўздан ғойиб бўлади.

...Хангзу лашкарбошиси Ҳайбарни етти кун излайди. Еттинчи кун у кунботар томонда намоён бўлади. Мўрилардан осмонга қўтарилаётган тутун, ёнбағирларда ўтлаб юрган қўй-қўзиларгача аниқ кўринади.

Лашкар тун бўйи йўл босади. Субҳ юз кўрсатганида уфқда ҳеч қанақа шаҳар қиёфаси кўринмас эди. Хангзулар хангу манг бўлиб қоладилар. Сўнгра эса, «бу кўрганларимиз сароб», деб ортга қайтадилар. Саробий шаҳар ҳақидаги ҳикоялар хангзу сулоласи солномаларидан ўрин олади ва бизгача етиб келади.

... Кўҳна Шарқ ҳар доимо сиру синоатларга тўла бўлиб келган, лекин ўз сирларини ҳаммага ҳам очавермайди, деган ҳақиқат бутун дунёга ўрнашиб қолган. «Шарқ сирлари» деган иборанинг ўзиёқ кишиларни андак чўчитса, андак саросимага солади, ҳайиктиради, қизиқтиради ва беихтиёр жиддий тортишга ундайди. Ҳазрат Сулаймон тилсимларининг Шарқда экани, ифритлару гапирувчи қум-тошлар, кўздан ниҳон шаҳарлару қишлоқлар, абадий лашкарлар, тушунарсиз, аммо гўзал нақшлар... ўрта асрлардаги маҳдудлик ва жоҳиллик ботқоғида уйғонолмай инграган Европа учун халоскор ҳаёлотдай туюлиши турган гап.

Шу боис ҳам ушбу сатрлардан айнан сирлар ва тилсимлар руҳи уфуриб туради.

Сайёҳ бу мавзуни чуқур ўрганган эди. Токи Чин ҳоқонлари сулолаларининг Осиёга босқинидан тортиб араб истилоси давридаги илмий ва шеърӣ манбаларгача шоён қизиқиш билан ўқиб, манбалардаги маълумотларни бир жойга тўплагач, осмони ял-ял ёнадиган, қора узумларини оқиш тўзон пардаси қоғлайдиган бу сирли юртдаги афсона ва ривоятларни ҳам ўрганишга аҳд қилди. Беш йил давомида у қадимий Сомон шаҳрининг харобаларининг ўрнини топишга муяссар бўлди, Кушон подшоҳлиги даврида учрамаган ривоятларнинг айнан араблар истилосидан кейинги даврда кўпайганига эътибор қаратди, турли чўл ҳаёлотлари, марвлик Ҳаким ёхуд Ҳаниқоб тутган бўёқчи ҳақидаги тахминларни ҳам ўрганди.

...Инсонлар кўзидан ниҳон бу шаҳар ўз сирларини очавермагач, тоқати тоқ бўлган сайёҳ энг баланд тепага чиқади ва муножот қилади. «Мен у фазилатлар шаҳрига умримнинг беш йилини бердим», дейди у. «Беш йил давомида шу биёбонда кун кечирдим. Шамолларнинг овозига қулоқ тутдим, қора совуқлардану баҳорий ифорлардан дарагини сўрадим, қумлар аро беш йил дарбадар кездим, бироқ бари зое кетди. Эй, муножоти билан Тангри марҳаматига сазовор бўлган зот! Мен бир мажусийман, сенинг кимлигингни, исму зотингни билмайман. Бироқ, модомики Тангри Таоло мендай бир гуноҳкор бандасининг илтижосини қабул этмас экан, Унинг ҳузурида юксақроқ даражага эришган сенинг дуоингни қабул айлар? Яширин у шаҳарни дуоинг боис бир кўрай, фақатгина бир бора кўрсам бас!!!»

Ажабо, бу илтижолардан руҳи енгиллашган сайёҳ шу кунни хотиржам ва енгил ором уйқусига чўмади, уйқу аро эса кимдир уни уйғотади. Кўзини очганида уфқдан кўёш ял-ял ёниб чиқиб келмоқда эди. Кўёшнинг ялиғлари аро у қўл узатса етгулик масофада шаҳри абадияни кўради.

Шаҳар шу қадар очиқ-ойдин намоён бўлган эдики, ўйноқи чўл шамолининг енгил эпкиннида деворидан шувиллаб тўкилган тупроққача аниқ кўринарди. Улкан, баланд дарвозаси қалин деворлар орасига мустақам қилиб ўрнатилган эди. Сайёҳ бу зухуротдан саросимага тушиб қолади, ўзига келгач, саодат деворлари ортида яшаётган хуррам кишиларни кўриш ҳаяжонида, шоша-пиша дарвоза томонга югуради...

...Сайёҳ ўз юртига қайтгач, Осиёда кўрган-билганлари ҳақида «Менинг шаҳри Ҳайбарим» деган хотира китобини ёзади.

«Тушлар, фоллар ва қуръалар эртанги куннинг қанотларида муаллақ турувчи нарсалардир, — дейди у. — Бу муаллақлар йўйилган томонига қараб ўзгариш хусусиятига эгадирлар. Абадият шаҳри ҳам ана шундай хусусиятли шаҳардир. У ерга ким қайси ниятда

борса, ўша ниятига кўра зуҳур этади. Менинг ниятим у ердаги боқийликнинг сабабларини ўрганиш эмас эди... у ерда яшаш ва камолот даражаларига эришиш ҳам эмас эди... топсам бас эди... айнан айтганимдай, уни топиш менга насиб этди, бироқ, топганларим саҳронинг сариқ қуми каби бармоқларим орасидан шувиллаб тўкилди... топганим билан топмаганим орасида фарқ қолмади... Лекин, бу воқеа менинг сокин ҳаётимни остин-устун қилиб юборди, барча билганларим ва тасаввурларим тамомила ўзгариб кетди, ҳаётимга тимсоллар ва ишоратларнинг гирдоблари *бўрон янглиғ* уфуриб кириб келди...»

### **«МЕНИНГ ШАҲРИ ҲАЙБАРИМ» КИТОБИНИНГ СЎНГИ БОБИДАН ПАРЧА**

«...Ҳа, бу воқеа менинг сокин ҳаётимни остин-устун қилиб юборди, барча билганларим ва тасаввурларим тамомила ўзгариб кетди, ҳаётимга тимсоллар ва ишоратларнинг гирдоблари *бўрон янглиғ уфурилиб* кириб келди... чунки мен азалдан орзу қилган нарсаларнинг пуч эканини ва аҳамият бермаганим нарсаларнинг гоятда қадрли эканини айнан шу — абадий саодат шаҳрига кирганимда англаб етдим.

...Шаҳарнинг кўчаларига қора мрамар ётқизилган, йўлаклар устини қалин чанг ва қуриб, тақирга айланган лой қатлами қоплаган эди. Бу, балки ёмғирларнинг ишимикин? Қалин чанг устига ёққан ёмғир лой ҳосил қилгану устига яна чанг ўтирган, шу тариқа қуруқ қатлам юзага келган... Лекин деворларни ҳам ғуборми, чангми қоплаб олган. Ҳеч қаерда одам шарпаси кўринмас эди.

Бу шаҳарда бинолар қалаштирилиб, бир-бирининг устига мингаштирилиб қурилган эди. Бизлар кўниккан меъморий гўзаллик деган нарсадан асар ҳам йўқ, кичкина эшикчалар ҳайҳотдай биноларнинг ост қисмида қинғир-қийшиқ бўлиб кўзга ташланар, кичкина

кулбачаларнинг деворларида эса улкан ва қийшиқ дарчалар бор эди. Мен кўчаларни кўриб ҳам ҳайратга тушдим, бу шаҳарчадаги биронта кўча, биронта бино мулоҳаза билан қурилмабди. Фаройиблик ақлни шоширарди, мангу барҳаёт инсонлар яшайдиган шоду хурамлик шаҳрининг бундай бўлиши ақлга сиғмасди.

Кўчалар бўйлаб ўтиб борарканман, оддий кишилик ҳаётининг биронта нишонасини кўрмадим. На болаларнинг шодон қичқиришлари, на кулгилар, на мусиқа... Наинки овоз, одам шарпасининг ўзи кўринмасди. Гўё мангу одамлар бу шаҳарни ташлаб қайларгадир чиқиб кетишганга ўхшарди. Балки ер остида қасрлар қуришган ва ўша ерда яшашаётгандир? Бироқ ер усти турганида, ер остида яшашнинг не маънисини бор? Дарахтларнинг япроқлари оз эди, баъзиларининг шохларига *гала-гала қоп-қора чумчуқлар кўниб олишган бўлиб, улар на овоз чиқарар, на дон-дун терар, фақат синчиклаб боқишганча, мени жимгина кузатишар эди.*

Ҳаммаёқда ёввойи ўтлар ўсиб ётарди, ажабо, булар ҳам мангу ўтлармикин, деган хаёлга бордим ва бирининг япроғини юлқаб олдим, сал ўтмай япроқ сўлигач, нимагадир енгил тортиб, яна олға илгарилардим.

Шаҳар охирига яқинлашгунимга қадар ярим соатча вақт ўтди. Нимадир содир бўлишини ақлим сезибпайқаб турарди. Бир ерда ярим айлана шаклида ерга ботган кўҳна арк кўрдим, энгашиб қарасам, қоп-қора сув ялтираб оқмоқда эди, сув лабида *баҳайбат тошбақа ҳам бор эди, унинг кўзи кўр бўлиб, узоридаги нақшлари муқаддас ёзувларни эслатарди...*

Шаҳар тугаганида эса, катта ялангликда бир тўда одамлар кўринди!

Булар қаровсиз алфозда, жим ўтирар эдилар. Баъзилари ерга аллақандай шакллар чизардилар, шаклларнинг маъноси йўқ эди. Болалар, қариялар бор эди уларнинг орасида. Кийимлари титилиб-эскириб кетган, тирноқлари, сочлари ўсган эди. Баъзилари ердан потраб бўй чўзган барги кичкина ўсимликларни эриниб



чайнардилар. Назаримда, уларни ҳам шаҳарни қоплаган каби чанг қоплаган, сўник ва рангсиз эдилар.

«Кимлар булар?» — деган ўй хаёлимга урилди дафъатан. Мангулик шаҳрида бундай афтода кишиларнинг учраши ақлимга сиғмаётган эди. Оёғи остида ўтирган болачага онаси қарамасди, ажабки, бола ҳам сўник, жим ўтирарди.

Яқинлашганимда уларнинг баъзилари бошларини буриб қарадилар... боқишларида ҳеч нима акс этмади... нигоҳларида ҳеч бир ифода йўқ... бўм-бўш эди.

*«Барҳаётларми булар?!»*

Ҳа, булар — бутун инсоният яралганидан бери орзу қилгани масъудликка эришган барҳаётлар эдилар! Тўп-тўп бўлиб, ҳеч нарса қилмасдан, совуқлару жазира-маларда, ёмғиру қорларда масъудлик онини — ўлим саодатини шу тариқа жим... қўрқитувчи итоаткорлик билан... хомуш... кутмоқда эдилар.

Сал ўтмай сезганим — улар қуёшни кузатар эдилар. Қуёш ботганида, ойга қараб ўтирардилар. Оёқ остларида ҳаёт жонланмоқда ва хароб бўлмоқда, теварак туғилиб-ўлмоқда... лекин бу кишилар зериктирувчи боқийликка дучор бўлган эдилар.

*На тил қолган эди. На миллат... на маданият...*

Юрагимни даҳшат босиб келди, бу даҳшат ҳаётинг эмас, совуқ ва хўмрайган, сассиз эди. Мангуликнинг совуқ даҳшатими бу? Балки умрибоқийлар менга — ҳаёт одамига илтижо билан боққандирлару кўзлари ҳеч нарсани ифода этмай қўйганини билмаслар? Мангулик ичра гапиришни, фикрларини ва ҳиссиётларини ифода этишни унутгандирлар? Балки мангулик қаршисида фикрларнинг ҳам, ҳиссиётларнинг ҳам аҳамияти қолмагандир? Шаҳарнинг сўник кўчаларидан ортга қараб чопганим эсимда... қопқадан отилиб чиққан ҳам эсимда... ҳаёт уфуриб турган кумлар кўзимга жуда азиз кўрингани, ич-ичимдан тошиб келган қувонч ва шукроналик билан тиз чўкканим эсимда... ўша пайтда ҳароратли ва қадрдон бўлган «қуёш аллақачон ботиб бўлган, шафақлари ҳам кўздан йўқолмоқдайди...»

Хотираларнинг асосий қисмини сайёҳ бундан етти юз йил муқаддам Луврда юз берган воқеа билан яқунлайди, у воқеа ҳам айнан шу сўзлар билан бошланади.

**ЛУВР. МИЛОДИЙ 1312 ЙИЛ.  
«МАНГУ ДАРБАДАРНИНГ ҚАЙТИШИ»  
ПЬЕСАСИ ПРЕМЬЕРАСИ**

...Куёш аллақачон ботиб бўлган, сўнгги шафақлари кўздан йўқолмоқдайди.

Бир соат аввал бошланган шов-шувли пьеса премьераси поёнига етиб қолган эди.

Луврнинг казо-казолари, боёнлари, банкирлари ва машҳур кишилари ўтирган ложада зерикиш ҳукм сурмоқда эди. Хокисорлик ва поклик тимсоли бўлмиш муборак зотга қўл кўтарган одам ҳақидаги пьеса урф бўлганига қарамасдан, ҳаётдан узоқ, ғайриодатий мавзуда бўлгани учун ҳам, қай бир сўлим гўшада муסיқа эшитиб роҳатланиш уларга афзалдай туюлмоқдайди.

Пьеса муаллифи, астролог Гвидо Бонатти боёнлар ложасида май ичиб ўтирарди. Ҳаётининг кейинги йилларида у майхўрликка берилиб кетди, эрталаб ҳам, тушда ҳам, ҳатто қирол базмларида ҳам сархуш бўлиб юрар, бугун эса пьеса бошланмасиданоқ анча-мунча отиб олган эди.

Мана, чироқлар ўчди. Биттагина хира нур толаси қолди.

*Саҳнага узун бўйли, сочлари елкасига тушган бир одам чиқиб келди.*

Бонатти уни таниёлмади, лекин энсаси қотиб, «пьесадаги қахрамон аслида қариб-қартайган, аянчли бир чол бўлиши керак эди... ўрнига нечун бу бақувват актёр чиқиб келди?» — деб ўйлади норози бўлиб.

Мангу дайди ролида чиқиб келган нотаниш бу одамнинг овози ҳам фавқулодда ўткир ва ҳаётий эди.

«...Мен Парвардигоримнинг имонли бир бандаси-ман! — деб ўз монологини бошлади у. — Унинг абадий барҳаётлигига ва бемисл куч-қудрат эгаси эканлигига, вужудимга кирган зарра тикан бадалига ақл бовар қилмас мукофотларни ато этадиган ва ҳамма нарсани ўраб-чулғаб олувчи ҳикматларгача бино қиладиган муборак зот эканига ҳеч қачон шак келтирмаганман... Аммо сиз мени, Азозилдан ҳам малъунроқсан, деб маломат қилдингиз!»

Залда жонланиш сезилди.

«Сиз Тангримнинг, ўзи яратган барча неъматларига яна бир чалғитувчи нарсани ўраб қўйганини кўрма-япсизми? Нарсалару ҳодисаларни, сабабларнию на-тижаларни, шубҳалару ҳақиқатларни бир-бирига чир-маштириб ташлаганини кўрмаяпсизми? Ҳамма нарсаси ғорат бўлиб кетадиган бу дунёга вужуди фоний, аммо руҳи боқий инсонни юбориши билан абадиятни ҳам ўраб олганини, Унинг абадиятдан-да юксак эканинию ҳатто мангулик ҳам унинг махлуқи эканини кўрмаяпсизми?»

Энг чиройли лаззатлар остига чиркинликни яшир-ганини, беўхшов нарсаларнинг бағрида ажойиботла-рини сақлаганини кўрмаяпсизми? Ҳар нарсага етган ақлингиз буларга келганда оқсаб қолдию мени бад-бахтликда айблаб, Азозилга тенг қўйдингизми? Асли-да мен — қиёматда олиши керак бўлган жазосининг бир қисмини шу дунёда олганлардан биттасиман, хо-лос.

Сиз саҳро ва чўлларда *гуноҳларини елкасига ортиб олганларнинг тимсоли* монанд бир махлуқни кўрмадин-гизми? Рўзи маҳшар кунида унинг қай кўринишда бино бўлишининг хабарини қайдан билақолдингизки, шу аҳволингизда масхаралаб, мени ҳам, уни ҳам ўзингиз-дан паст кўрмоқдасиз?

Уммон бағрида яшовчи яна бир махлуқни кўрма-дингизми? Уларнинг юзтасини ёрсангиз ҳам ичи бўм-бўш чиқади, бироқ баъзиларининг ичидан сиз мақта-

ниб-гердаядиганингиз марварид донасини топасиз! У махлуқлар шундай кўринишда ҳамда бундай феълу атворда беҳудага яратилди, деб ўйлайсизми?

Бу дунёни маълум вақтга қадар кезиб юришга маҳкум эканим сизни адаштирдию оламнинг бир куни чанг-тўзонга айланиб кетишини билатуриб, менга мангу деб ном беряпсизми? Иблис сизга турли найранглар кўрсатиб, турли нарсаларни кўзингиз олдида ранго-ранг жилвалантириб ҳийлалар қилади. Мен юзлаб йиллардирки, юрган йўлимда Парвардигоримга илтижо қилиб гуноҳимни кечиришини сўраб ёлвораман, юлдузлар учган кечаларда, қаҳратоннинг совуқларида, шамол ва бўронларда тавба-тазарру қиламан. Шу ҳолимча, бутун туриш-турмушим билан Унинг олий ҳукмининг ва ҳақиқатининг бир тимсолиман. Тангрим ўзининг мутлақ адолати билан кимларнидир бутун инсониятга яхшилик ва тўғрилиқ рамзи қилиб қўйган бўлса, мен Олий Ҳақиқатга қўл кўтарганларнинг рамзиман. Агар Ўзи истаса, мени ўша уммон махлуқининг ичидаги фикрловчи қум зарраси ёхуд гуноҳларини ортиб юрувчи махлуқнинг елкасидаги мутафаккир тош шаклида яратиб қўя олмасмиди?

Сиз Тангри таолонинг қудрати ва илми нима эканини қайдан билақолдингизки, барча нарсани ўраб-чирмаб, бошқа бир нарсанинг ичига тиқиб ташлашидан ёки истаса, бутун шу кўклару самоларни сиқиб-ғижимлаб, майда қум шаклига келтириб қўя олишидан чўчимадингиз? Бир қурт келиб, кўз ўнгингизда кафанга киярпти, ҳамда вақти келганида кафанидан капалакка айланиб қандай учиб чиқишини сизга кўрсатиб-намоён қиярпти-ку! Ер бағридан олов отилиб чиқиб, атрофини эриган маъданга тўлдириб оқиб турипти-ку?

Сиз Тангри таолонинг жазоси нима эканини қайдан билақолдингиз? Оловда ёниш деган нарсани фақатгина ўзингиз таом пишириб-исинадиган олов деб ўйладингизу У сизнинг гуноҳларингизни тўксин деб яратгани касалликларнинг бири боис иситма хуруж қилганида, сиз билган оловдан кўра фарқли табиатга

эга бошқа бир олов ич-ичингизни ёндираётганига шоҳид бўлатуриб шундай деяписизми?

Сиз Тангри таолонинг лаънати нима эканини қайдан билақолдингизки, тоғлару сувларни, самолару ер остини зир-зир титратадиган бу сўзни менга қўлладингиз? Айшу сафо ичида, май хилватларида, Тангрим яратган сўлим боғларда сархуш бўлиб ағанаб ётган ҳолингизда, қайга бош урарини билмай юрган, аммо сиздан кўра кўпроқ нарсани биладиган бир бечорани бундай дейишга қандай ҳадингиз сиғди? Тилингиз қандай айланди? Дилингиз қандай қабул қилди?

Мен Парвардигоримдан, сиздангина паноҳ беришини сўрашдан бошқа сўз демайман. У қисматимга шуни битибдими, истасам ҳам, истамасам ҳам — албатта шундай бўлади!..»

Саҳна тамомила қоронғилик қаърига чўмди ва зулмат орасидан гулдурос қарсақлар янгради.

Қулай курсиларда ястаниб ўтирган боёнларга бу гаплар ёқиб тушган эди.

— Ажойиб! Ажойиб! — деб қичқирарди оломон.

... — Лекин бу гаплар пьесада йўқ-ку? — деди ҳангу манг бўлиб Гвидо Бонатти, ютоқиб май ҳўплаб, томоғидаги куруқшашни босиб олгач. — Ё Парвардигор! Бундай сўзларни ким қўшди пьесага?

— Сархуш бўлиб қолибсиз, Гвидо, — деб кулимсиради ёш бир боён, у тилла занжир тақиб олган, ёнидаги соҳибжамол эса тилладан ҳам товланувчанроқ ва башангроқ эди. — Лекин ажойиб сўзлар, бунинг учун яна битта қадаҳ кўтарсак арзийди!

Бонатти, қалбидаги безовталиқни май билан босиш ўрнига, анави номаълум актёрнинг ортидан тезроқ бориб-тўхтатиб, бу сўзларни қайдан олганини сўрагиси келди, бироқ нимагадир фикридан қайтди, бирданига унга пьеса ҳам, актёр ҳам бемаъни бўлиб туюлди, шашт билан суроҳийни олди-да:

— Ҳа, жин урсин, ҳардамхаёл бўлиб қоляпман шекилли, — деди ғўлдираб. — Кўяқолинг, азизим Ротшилд!

— Мен Ротшилдлардан эмасман, — деб эътироз билдирди боён, шунда Бонатти унинг ҳечам француз яхудийларидан эмаслигини, балки норвег ёхуд швед эканини кўрди, ёнидаги соҳибжамол ҳам аллақайга ғойиб бўлган, ўрнида бақалоқ бир одам ўтирарди.

Гвидо суроҳийни бир кўтаришда бўшатди.

— Қорахаёл... қорахаёл... — деб ғўлдиради у ва яна бир марта «Жин урсин!» деб хитоб қилди, бироқ унинг бу қичқириши бўғзидан тушунарсиз ғўлдираш бўлиб чиқди, оромкурсининг ёғоч тахтасига бош қўйганида парку ёстиқдан ҳам юмшоқ туюлди, у тамомила мастлик уйқусига чўмди... мастлик уйқуси аро эса буржларнинг ғаройиб бир тарзда учбурчак ҳосил қилганини кўрди, етти юлдуз бир ерда ғуж бўлиб олган, саккизинчи юлдузни ер эдилар... «юлдуз юлдузни ҳам ер эканми», деб ҳайрон бўлди у уйқу аро, ҳамда етти юлдузнинг тўпланиши *фалокатдан, зилзиладан ёхуд бўрон яқинлашишидан* дарак экани эсига келди... унинг ақли шу ерда саҳна чироғи каби ўчди ва ўзи ҳам мастлик зулматига тамомила шўнғиб кетди... *саҳнадаги нур толаси... номаълум одам... яқинлашаётган бўрон...*

•...Мен Парвардигоримнинг имонли бир бандаси-ман! — деб ўз монологини бошлади у. — Унинг абадий барҳаётлигига ва бемисл куч-қудрат эгаси эканлигига, вужудимга кирган зарра тикан бадалига ақл бовар қилмас мукофотларни ато этадиган ва ҳамма нарсани ўраб-чулғаб олувчи ҳикматларгача бино қиладиган муборак зот эканига ҳеч қачон шак келтирмаганман... Аммо сиз мени, Азозилдан ҳам мальунроқсан, деб маъомат қилдингиз!»

Залда жонланиш сезилди.

•Сиз Тангримнинг, ўзи яратган барча неъматларига яна бир чағитувчи нарсани ўраб қўйганини кўрма-япсизми? Нарсалару ҳодисаларни, сабабларнию натижаларни, шубҳалару ҳақиқатларни бир-бирига чир-маштириб ташлаганини кўрмаяпсизми? Ҳамма нарсаси торат бўлиб кетадиган бу дунёга вужуди фоний, аммо руҳи боқий инсонни юбориши билан абадиятни ҳам ўраб олганини. Унинг абадиятдан-да юсак эканинию ҳатто мангулик ҳам унинг махлуқи эканини кўрмаяпсизми?

Энг чиройли лаззатлар остига чиркинлики яширганини, беухшов нарсаларнинг бағрида ажойиботларини сақлаганини кўрмаяпсизми? Ҳар нарсага етган ақлингиз буларга келганда оқсаб қолдию мени бадбахликда айблаб, Азозилга тенг қўйдингизми? Аслида мен — қисматда олиши керак бўлган жазосининг бир қисмини шу дунёда олганлардан биттасиман, холос.

Сиз сахро ва чўлларда гуноҳларини елкасига ортиб ақлларнинг тилмаси монанд бир махлуқни кўрмадингизми? Рўзи маҳшар кунида унинг қай кўринишда бино бўлишининг хабарини қайдан билақолдингизки, шу ақлингизда масхараляб, мени ҳам, уни ҳам ўзингиздан паст кўрмоқдасиз?

Уммон бағрида яшовчи яна бир махлуқни кўрма-...нинг юзтасини ёрсангиз ҳам ичи бўм-...нинг ичидан сиз мақта-





минларига «Улар жаҳаннамда абадий қолур... магар Парвардигорлари бошқа нарсани ихтиёр қилмаса...» мазмунидаги оятларни асос қилиб олдилар...»

«...Шунингдек, Мисрда қояларни йўниб ишланган уйлардан топилган анжомлар у ерда яшаган кишиларнинг дарҳақиқат баҳайбат гавдали, кучли кишилар бўлганини тасдиқлади. Ривоятларга кўра, уларни **кучли шамол** ҳалок қилган эди...»

«...дунёда қитъалараро ширкатларнинг пайдо бўлиши тахмин қилинмоқда, бунга ер юзидаги асосий капиталнинг якка кишилар қўлига ўтиб кетиши сабаб бўлиши мумкин...»

«...бутунжаҳон Овчилар Жамияти барча овчиларни Хитойдан келган қора чумчуқларни қириб ташлашга чақирди. Марказий Эпидемиология хизмати вакилининг таъкидлашича, улар қуш ўлатини тарқатишлари мумкин... Оддий ва одатий сарғиш чумчуқлардан фарқ қилиб, улар на дон-дун теришади, на сайрашади, қоп-қора кўзларини жавдиратганча **ниманидир** сабр-тоқат билан кутишади...»

«... Машҳур тарихчи олимлардан бири, лўлиларнинг қачонлардир Ҳиндистондан йўлга чиққани ҳақидаги тахминини эълон қилди. Ривоятга кўра, улар жуда улкан мақсад билан сафарга чиқадилар, аммо карвонга озиқ-овқат муаммоси кўндаланг бўлади. Ов қилиб ёхуд бошқа йўл билан бу эҳтиёжни қондиришга вақт йўқотмаслик учун сафарни тиламчилик қилиб давом эттиришга аҳд қиладилар. Йиллар ўтавергач ва авлодлар алмашгач, бутун бошли халқ нима мақсадда йўлга чиққанини унутади, улар дунё бўйлаб ватансиз ва маконсиз бесамар дайдишга маҳкум бўладилар...»

«...Урдундаги қадимий харобалардан бирида абадиётга гирифтор бўлган киши ҳақидаги ёзувлар сақланиб қолган тери парчалари топилди. Азалий ҳақиқатларга қўл кўтаргани учун қиёматга қадар дарбадарликка маҳкум этилган бу киши ҳақидаги ривоятлар

ўрта аср қўлёмаларида, шунингдек, Брокгауз ва Эфрон қомусида учрайди. Тадқиқотчилар бу ривоятнинг тимсолий эканлигини, имон ва ишончнинг мутлақ ҳақиқатларига қарши чиққан кишиларнинг фикрий ва қалбий сарсонликларга дучор бўлишларини таъкидламоқдалар».

«...Ер юзидаги энг шўр денгиз — Қизил денгизнинг Арабистон ярим ороли соҳилларига яқин ерида, сув остида чучук сувли улкан булоқлар борлиги аниқланди. Бундан икки минг йил аввал пайдо бўлгани тахмин қилинаётган мазкур булоқларнинг суви ғоят тоза ва шифобахш бўлиб, денгизнинг шўр сувига аралашиб кетмасдан то соҳилга қадар оқиб боради. Соҳилдаги турли сайёҳлик ширкатлари бу сувлардан фойдаланиб, катта тижорий лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқдалар...»

«...Сидней шаҳри яқинида жойлашган келажак технологиялари марказида оламшумул кашфиёт қилинди. Бугунгача табиатда мавжуд бўлган зарраларнинг акси бўлган анти-зарралар мавжудлиги фан томонидан ўтган асрда исботланган эди. Тахминларга кўра Коинот ҳам ўзининг аксидан, яъни анти-Коинотдан иборат. Фазонинг қаеридадир Коинот ва анти-Коинот бирлашгани ва бир-бирини узлуксиз акслантиргани фазонинг чексизлиги назариясига ойдинлик киритиши мумкин. Бугунгача махсус шароитларда олиб борилган тажрибаларнинг натижаси ўлароқ, умри сониянинг миллиондан бир улushiга тенг бўлган анти-электрон ва анти-протон зарраси ҳосил қилинди! Ҳозирча бундай зарра табиий шароитда нималарга олиб келишини тахмин қилиб бўлмайди, чунки анти-зарра анти-муҳитдагина мавжуд бўла олади...»

«...Ўлим тўшагида ётган барҳаётликка даъвогар ёзувчи, Нобел мукофотининг лауреати Гарсиа Маркес ўзининг видо мактубини эълон қилди. Машҳур ёзувчи бир неча ойдирки, саратон касалидан азоб чекмоқда...»

## МУТАФАККИРНИНГ ВИДО МАКТУБИ

Мабодо Тангри Таоло менинг тақдиримдан кўз юмса-ю, латга монанд ҳилвираб қолган шу вужудимга яна бир парчагина ҳаёт ҳадя этсайди, ҳойнаҳой, ўйлаётганларимнинг ҳаммасини айтмасам ҳам, гапираётганларимнинг ҳаммасини ўйлаган бўлардим.

Шунда... теварақдаги нарсаларни нархларига қараб эмас, қийматига қараб баҳолардим. Кўзим юмуқ маҳалда ўтказилган ҳар бир дақиқада ёруғликнинг олтимиш сониясини йўқотаётганимни идрок этган ҳолда камроқ ухлаган, кўпроқ орзу қилган бўлардим. Қолган ҳамма тўхтаб турган маҳалда юрар, ҳамма ухлаётган маҳалда ухлалмасдим. Бошқалар гапираётганларида, уларнинг гапларини худди шоколадли музқаймоқнинг ажойиб мазасидан лаззатланган каби, лаззат ила эшитган бўлардим.

Агар Тангри Таоло менга яна бир он ҳаёт берса... камтарроқ кийинган, қуёшнинг иссиқ нурларига фақатгина танимни эмас, қалбимни ҳам тоблаб ётган бўлардим. Эй Парвардигорим! Агар менда юрак бўлсайди, барча нафратларимни музга ёзиб, қуёш чиқишини кутардим. Уйқум билан (*Ван Гогнинг орзуси*) юлдузларга хуррият поэмасининг сувратини чизардим, озодлик қўшиғи эса менинг Ойга қилган туҳфам бўлиб қоларди. Тиканларининг аччиғини ва гулбаргларининг қирмизи ўпичларини ҳис қилиш учун кўзёшларим билан атиргулларни суғорардим.

Эй Қодир Эгам! Агар яна бир парчагина ҳаёт бўлаги танимда қолсайди, бир кунимни ҳам теварагимдаги ўзим суйган инсонларга уларни севишимни айтмасдан ўтказмасдим. Мен учун қийматли бўлган ҳар бир кишини муҳаббатимга ишонтирган, муҳаббатни севиб яшаган бўлардим. Қартайганда дилни муҳаббат тарк этади деб адашганларга, муҳаббатни тарк этганлари учун қариллик келишини тушунтирардим.

Болақайларга қанот ҳадя қилар, аммо учишни ўзлари ўрганишларига имкон берардим. Қарияларни эса, ажал

кексалик туфайли эмас, хатолар ва янглишишлар туфайли келишига ишонтирардим.

Инсонлар, мен сиздан шу қадар кўп нарса ўргандимки... лекин англаганим энг буюк ҳақиқат — бутун олам тоғларнинг чўққиларида яшашни истар экан, ҳақиқий саодат у ерда яшаш эмас, у ерга кўтарилишда экан!

Шуни тушуниб етдимки, мурғак болакай кичкина бармоқчалари билан отасининг бармоғини қисимлагани он, уни ҳеч қачон қўйиб юбормасин!

Англадимки, инсон боласи бошқа бировга, фақатгина юқорига кўтарилиши учун ёрдам бераётганидагина баланддан қарай олар экан!

Инсонлар, сизлардан ўрганишим мумкин бўлган яна шунчалар кўп нарса борки... аммо уларнинг менга зарурати қолмайдиганга ўхшайди... чунки, мени мана шу ёғоч отга миндирганларида, афсуски, жонимни Ҳаққа топширган бўламан.

Ҳар доим ҳис қилганингизни гапиринг, ўйлаганингизни амалга оширинг! Агар... сенинг шу ухлашингни бугун сўнгги бора кўриб турганимни билсам, маҳкам бағримга босган ва Тангри Таолодан мени, сенинг кўриқчи фариштанга айлантиришини илтижо қилган бўлардим. Эшикдан қандай чиқаётганингни охири бор кўраётганимни билсам, бағримга қаттиқ босиб ўпган ва янада кўпроқ меҳримни бериш учун яна қайтадан ўзимга чорлаган бўлардим. Овозингни сўнгги бор эшитаетганимни билсам, мен ҳамма гапирган гапларингни қайта-қайта, бениҳоя эшитиш учун ёзиб олган бўлардим. Агар сени кўриб турганимнинг сўнгги дақиқалари эканини билсам, шундай деган бўлардим: «Мен сени яхши кўраман, аммо буни шусиз ҳам билишинг мен аҳмоқнинг хаёлимга ҳам келмабди. Ҳар доим эртанги кунимиз бор, ҳаёт бизга, ҳамма-ҳаммасини изга солиш учун яна бир фурсат бермоқда, бироқ, янглишган бўлсаму бугун ҳаммаси тугаса, сенга шуни айтган бўлардимки, сени жуда қаттиқ яхши кўраман ва ҳеч қачон унут-

майман! Кекса ҳам, ёш ҳам эртага нима содир бўлишини билолмайди. Балки суйган инсонларингни сўнгни бора кўриб тургандирсан?! Шу боис, ниманидир кутма, бугуноқ бажар, чунки эртанги кун ҳеч қачон келмас бўлса, сен — биргина жилмайиш, биргина бағирга босиш, биргина ўпиш учун вақт тополмаганинг, сўнгни истакни бажаришга келганда жуда-жуда банд бўлган кунингга лаънатлар ўқийсан. Ўзингга яқин инсонларни қўллаб-қувватла, қулоқларига сенга қанчалар керак эканликларини шивирлаб айт, уларни эҳтиёт қил, «афсус», «мени кечир», «раҳмат» ва «марҳамат» деган сўзларни ва ўзинг билган ҳамма хуш каломларни айтиш учун вақт топ. Ҳеч ким сени фикрларинг боисгина эслаб ўтирмайди. Парвардигори Оламга, ҳиссиётларингни тилингга чиқара олишинг учун донолик ва куч-қувват сўраб илтижо қил. Дўстларингга улар сен учун қанчалар қийматли эканларини айт. Агар сен буларни бугун қилмасанг, эртанги кунинг ҳам худди кечаги кунинг каби бўлиб қолади. Ва агар сен буларни амалга оширмасанг, ҳеч нарсанинг аҳамияти қолмайди, қиладиган ишинг ҳеч нарса, ҳеч нарса ва фақат ҳеч нарса бўлиб қолади!

Бунинг вақти соати етди...

## **БЎРОНДАН ЎН БЕШ ДАҚИҚА АВВАЛ**

Профессор Зиё хабарларнинг қолган қисмини ўқишга улгурмади, учувчилар хонасининг эшиги очилиб, стюардесса қиз кўринди, у жилмайганча ҳаммадан камарларни боғлашларини илтимос қилди, сўнг эса ҳаво ёстикчаларидан қандай фойдаланиш, ҳалокат чоғида ўзини қандай тутиш ҳақида тавсиялар берди.

Профессор бетоқатланиб, қиздан нима гаплигини сўради.

— Бўрон яқинлашиб келяпти, — деб жавоб берди қиз. — Лекин учувчиларимиз маҳоратли, озгина ёқимсиз чайқалишлардан бошқа ҳеч қандай безовталиқ сезмайсиз, жаноб.

Профессор унга жилмайиб бош ирғади-да, дарчадан қаради.

Учоқ уммондан ўтиб, материк ҳудудига кирган эди. Пастда сийрак туман бўлгани боис ҳеч нимани кўриб бўлмасди. Учоқ канотларидаги қудратли моторларнинг бир маромда ишлаши унга ишонч бахш этди. Лекин, уфқда аллақандай тушунарсиз булут пайдо бўлган, у нима сабабдандир қизғимтир-сарғиш тусда бўлиб, боз устига, шитоб билан ёйилиб бормоқда эди.

\* \* \*

Ҳавонинг турли таъсирлари натижасида эфирда пайдо бўлаётган шитирлашлар ва шовқин аро тўсатдан «Ваҳший» яна алоқага чиқди:

— «Фиръавн», мен «Махес». Нишонни кўряпман.

— «Махес», сизни тушундим. Нишон йўналишини ва тезлигини билдиринг.

— «Фиръавн», у жанубий йўналишда ҳаракатланмоқда, масофа беш мил.

— «Махес», махсус тизимни ёқинг.

— Тушунарли.

— «Махес», нишонни кузатяпсизми?

— Ҳа, кузатувда.

— Тушунарли, ракурс икки тақсим тўрт!

— Сизни тушундим. Орқа томондан яқинлашмоқда-да.

— Ёнилғи миқдори?

— Уч тонна.

— Тушунарли, йўналиш ўнгга икки юз йигирма!

Нишонгача масофани билдиринг.

— Масофа уч ярим мил.

Нишон — *баланд бўйли, ёш ва забардаст, ялангоёқ бир йигит* бўлиб, у бошини эгганча *кунботар* томонга кетиб бормоқдайди. Кетма-кет бошқа ҳарбий учоқлар ҳам уни пайқадилар, улар ҳам ўз марказларидан шундай буйруқ олганларига шубҳа йўқ эди — барча тизимларини жанговар ҳолатга келтирганча тезликларини

ни ошириб, нишон кетиб бораётган жой сари йўналдилар.

Бу орада «Ваҳший» билан радиоалоқа давом этмоқда эди:

— «Махес», мен — «Фиръавн», нишонни кўряпсизми?

— Кўряпман, мўлжалда тутиб турибмиз.

— «Махес», нишон йўналишини билдиринг.

— Нишон ўша йўналишда ҳаракатланмоқда, кунботарга кетиб бормоқда.

— Икки милгача яқинлашинг.

— Тушунарли.

— «Махес», мен — «Фиръавн», ўт очишга ҳозирлик кўрилсин, тайёр туринг.

— Тушунарли. Форсажга рухсат беринг.

— Форсаж фақат буйруқ билан!

— ... «Махес», нишонни «ушлаб» турибсизми?

— «Нишонни тутган ҳолда» учиб боряпмиз.

— «Махес», ёнилғи миқдорини билдиринг.

— Ёнилғи — иккию етти.

— Сизни тушундим... Нишон йўқ қилинсин!

— Такрорланг!

— «Махес», нишон йўқ қилинсин!

— «Фиръавн», унга яқинроқ бориш керак! Нишонни тутиш тизимини ўчириб, яқинлашмоқдамиз.

— Замбараклардан кетма-кет ўт очинг!

— Нишонни тутиш тизимидан чиқдик, замбараклардан кетма-кет ўт очамиз!

— Ўт очилдими, «Махес»?

— Худди шундай, буйруқ бажарилди!

— Нишонни кўряпсизми?

— Ҳа, унга яқинлашяпман.

— Тушунарли.

— Нишон пасаймоқда, унга яқин келдим, масофа ярим мил..

— Нишон пасаймоқда? Бу нима дегани?

— У ўтириб олди.

- У ўлдими?
- Аниқлашнинг иложи йўқ. У ўтирибди.
- Тушунарли. Тезликни камайтиринг. Барча жанговар машиналардан нишонга қарата ўт очилсин!
- Бу ҳавфли, атрофда танув белгилари бўлмаган бошқа жанговар учоқлар ҳам бор.
- «Махес», вазиятга қараб ўт очишга тайёрланинг!  
Нишоннинг ўзингизга нисбатан ўрнини билдириг.
- Чапдан етмиш даража.
- «Махес», нишоннинг вазиятини билдириг.
- У қумга ётиб олди... Кўриш қийин, тўзон кучаймоқда... «Фиръавн»?.. «Фиръавн», у ибодат қилмоқда!
- «Махес», нишонни ракеталар билан йўқ қилишга ҳаракат қилинг.
- «Фиръавн», десант туширишга рухсат беринг!
- «Махес», нишонни ракеталар билан йўқ қилинг!
- Тушундим, нишонда «ушлаган» ҳолда яқинлашяпман.
- Масофани билдириг.
- Масофа чорак мил.
- «Махес», форсаж!
- Форсажга ўтилди!
- Ўт оч!
- Ўт очилди.
- Нишон йўқ қилиндими?
- Ҳеч нарса кўринмайди, ҳамма ёқ тўзон.
- Зарба чизиғидан ўнг томондан чиқилсин, курс етмиш беш.
- Зарба чизиғидан ўнгга чиқяпман, курс етмиш беш!..
- «Махес», қуроллар жанговар ҳолатда тутилсин. Бегона ҳарбий учоқларни нишонда тутган ҳолда, ўн беш даража ғарбга ҳаракатланилсин!
- Хўп бўлади!
- Бўрон олдидан турган шамол аллақачон қумларни кўтарган, номаълум одам «ҳаво-ер» русумли ўлимчил



ракеталар зарбаси ва шамол кўтарган қум тўзони ичида кўзга кўринмай кетган, ҳозир уни махсус қурилмалар ҳам кўролмаётган эди. «Ваҳший»нинг ўт очганини кўрган бошқа ҳарбий учоқлар яқин масофада турганларича тўзоннинг тарқалишини ва номаълум кишининг чиқиб келишини кутмоқда эдилар. Бу орада «Ваҳший» «Фиръавн»нинг навбатдаги буйруғини ҳам бажариб улгурди, яъни яқин орадаги «Миг»ларни лазер мўлжалига олди.

Ҳар ҳолда, бошқа жанговар учоқларга ҳам шу мазмундаги буйруқ келган бўлса керак, «Миг»лар, «Мираж»лар, «Кфир» ва «Торнадо»лар ҳам ўз вазиятларини «Ваҳший»га нисбатан хужумга қулайроқ бўлиши учун мослаб, айланиб ола бошладилар.

Энди бу ўлим машиналари турли қурооллардан бир-бирларини мўлжалга олганча буйруқ кутмоқда эдилар. «Ҳаво-ҳаво» русумли ракеталар аллақачон жанговар ҳолатга келтирилган, ҳимоя воситалари ва чалғитувчи термик воситалар жангга шай ҳолатда эди.

Дунёнинг энг кучли бир қанча мамлакатининг ҳарбий учоқлари ана шу тарзда бир-бирига қурол ўқталиб турар эди.

Махсус радиоканалда эса «Ваҳший» билан «Фиръавн»нинг сўзлашуви давом этмоқда эди:

- «Махес», нишонни кўряпсизми?
- «Фиръавн», шамол кучайиб бормоқда, ҳаммаёқ кум... тепа ҳам, паст ҳам... ҳеч нарса кўринмайди.
- «Махес», нишонни қидиринг!
- «Фиръавн», бунинг иложи йўқ, ҳеч нарса кўринмаяпти, экранларда ҳам... Бегона учоқлар бизга нисбатан жанговар йўналишга ўтдилар.
- «Махес», бошқа учоқларга эътибор қилинмасин. Биз уларни фазодан «ушлаб» турибмиз. Излашни давом эттиринг!
- Тушундим, излашда давом этамиз...

## BOENG 787 DREAMLINER. БЎРОНДАН ЎН ДАҚИҚА АВВАЛ

Орадан ўн дақиқа ўтганида, бағрига Профессорни ва уч юз чоғли йўловчини олган баҳайбат Boeng Dreamliner учоғи бўрон ҳудудига етиб келди.

Метеокузатув марказларининг тахминлари ҳақ бўлиб чиқди, Атлантика уммонидан то Осиё соҳилларигача бўлган ҳудудда мисли кўрилмаган шамоллар ва гирдоблар пайдо бўлган, айти пайтда Тинч, Ҳинд ва Шимолий муз уммони устидаги ҳаволар ҳам Гоби томонга сурила бошлаган эди. Шамолнинг йўли қинғир-қийшиқ илон изини эслатарди — Атлантиканинг уфққа қадар энлаб ётган охири кўринмас сув ҳудудларидан бошланган бу ғалаён негадир Ўрта ер денгизининг жазирама ҳудудини четлаб ўтмоқда, абдий музлар ўлкасида ҳосил бўлган эпкинлар эса, асрий қорларни тўзғитиб ва музтоғларини синдириб, йўлида қуюнлару қасирғаларни ҳосил қилганча, улкан жонли илон сингари саҳро сари ҳаракатланмоқда эди. Япония томонда эса тескари ҳаракат рўй берди — дунёнинг бу четида ҳосил бўлган эпкинлар ҳам бошқа бир илон сингари Гоби томонга тобора зўрайиб борувчи шиддат ила интилар, чўл узра туриб қолган қайноқ ҳаво юқорига кўтарилиб, тепа қатламларда тескарисига эсувчи янада кучлироқ бошқа эпкинларни ҳосил қилган эди.

Эни етмиш-саксон, юксаклиги ўн километрга етган улкан айланувчи қуюнлар — илон бошлари ўзида мислсиз қувватни жамлаган эди. Инсонлар нафас оладиган ва майин эганида роҳат келтирадиган бу неъмат тўсатдан шаклу шамойилини ва яратилиш мақсадини ўзгартириб, офатга айланган, бўрон марказида ҳавонинг юқори ўрлаши оқибатида ўнлаб ана шундай гирдоблар ҳосил бўла бошлаган, қуюнларнинг ўзагида шамолнинг эсиш тезлиги сонияда икки юз метргача етган эди.

Қуюнларни четлаб ўтиш мақсадида, Voeng Dreamliner учувчилари ва учишни бошқариш маркази мутахассислари янада юқори кўтарилишга қарор қилдилар — бу учоқ ўн икки километргача кўтарила оларди, бўронларнинг баландлиги эса одатда ўн километрдан ошмас, бундай юксакликдаги эллик беш даража совуқда ҳаво совиб, қуюн шиддати ўз-ўзидан пасайиб кетар эди. Кучли моторлар зўриқиб гувиллади — учоқ бу қадар юксакликка тиккасига кўтарила олмас, кўтарилиши учун яна юз эллик километр масофани учиб ўтиши керак эди.

...Бу орада ахборот агентликлари бир файласуфнинг Маркеснинг мактуби ҳақидаги фикрларини, ортидан унинг ўзининг баёнотини ҳам тарқатди.

Файласуф, бу дунёда шу қадар билим ва тажрибадан ташқари, фавқулодда фикрий қувватга эга бўлган Маркесдай кишининг дунёдан кетар чоғи бундай гапларни айтишига шубҳа билдирган эди.

Ортидан келган хабарда Маркес бундай видономани ёзмаганини, бедаво дардга гирифтор эканига қарамасдан, мабодо ўлим они яқинлашганини сезгани тақдирда ҳам сафарга жим, лом-мим демасдан жўнашини айтган эди.

\* \* \*

Лўлилар карвонбошиси саҳрода итини эргаштирган бир девонаваш одамни кўрди, у ялангоёқ, сочлари ўсган, қўлида асо, *кунботар* тарафга — ғарбга қараб илдам кетиб борарди.

*Бу тани хокийнию руҳи равонни на қилай,  
Бўлмаса қошимда жонон, бу жаҳонни на қилай?*

*Уройинми бошима етти беҳишту дўзахин,  
Ломакондан хабар олдим, бу маконни на қилай?*

Бу — сароб эди, лекин шу қадар ҳаққоний ва аниқ эдики, карвонбоши ортига тисарилди. Уни бошқалар ҳам кўрдилар, аммо карвонбоши қатъий қилиб:

— Кўрганингиз сароб, ишингизда давом этинг, — деб буюрди.

Ва тескари томонга ўгирилганида, осмон бўйи келадиган, еру кўкни энлаган бир қуюннинг шу томон ёпирилаётганини кўрди.

\* \* \*

Бўрон олдидан содир бўлган ғалати ҳодисалар Авлиёни ҳам четлаб ўтмади.

Итини эргаштириб кетиб бораётган мажнунваш кишини у ҳам кўрди, фарёдини ҳам эшитди:

*Ажаб Мажнун эрурман, дашт ила сахрога сиғмамдур,  
Дилим дарёи нурдир, мавж уриб дунёга сиғмамдур.*

*Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мандадир мавжуд,  
Чу султони азалдурман, ки аршу аълога сиғмамдур.\**

Шунингдек, авлиё унинг ортидан бораётган бошқа бир бандани ҳам кўрди...

Бу икки одам шу кез *кунботар томонга* кетиб бормоқда эдилар.

Шундан сўнг авлиё ғор оғзида ўсиб чиққан бир қамишни қирқиб олди, ичини тозалади, бағридан тешикчалар очди ва лабига қўйиб пуфлади, найдан дунёдан ўтиб кетган барча кишиларнинг, халқларнинг ва миллатларнинг умум армонларининг, яшаш мақсадларининг ва ҳаёт ҳикматларининг ҳикояти монанд мунгли ва қайғули нидо таралди:

*Истаганлар бизни сахрои балодан истангиз,  
Водийи ҳижрон ила дашти фанодан истангиз...\*\**

---

\* Бобораҳим Машраб мисралари.

\*\* Ҳазрат Алишер Навоий сатри.

## МЕЗОНУЛ-АВЗОН

Профессор уфқдаги бўроннинг чирпирак бўлиб айланишига ақлу шуури лол бўлиб боқмоқда, бу асов хайбат ва қудрат қаршисида унинг ич-ичидан тийиқсиз ва бошқариб бўлмас хавотир бош кўтариб чиқмоқда эди.

Бу — ғайриихтиёрий хавотир эди. Теваракдаги оддий ҳодисаларнинг ўз низомидан хиёлгина четга чиқиши киши кўнглида ақлга итоат қилмайдиган ҳиссиётларни ва кўрқувларни бино қилар, онг ҳарчанд уринмасин, юрак япроқдай дир-дир титрашини қўймасди.

Унинг назарида, сахро ҳудудларида бино бўлган ва ҳозир қайлардадир Парвардигорини излаб юрган барҳаёт одам, шусиз ҳам мукамал низомлардан ташқарига чиқишга уринаётган изланувчилар, тобора тўстўполони чиқиб бораётган замонавий дунё билан мана шу шамол жунбуши ўртасида элас-элас илғанар бир боғлиқлик бор эди гўё. Инсонлар ва табиат нафас оладиган, ер юзидаги ҳаётни мудҳиш ва ўлимчил таъсирлардан қўриқлаб турадиган, улкан уммонларни ўз бағрида майин суздириб, лозим бўлган жойларга ҳеч кимга зарари тегмайдиган, балки одам боласининг завқини келтирадиган тарзда ёмғир қилиб ёғдирадиган, юзларни сийпалаганида роҳат бахш этадиган ҳаво деб аталмиш бу неъматнинг тўсатдан офатга айланиши бежиз эмас эди! Оламлар Парвардигори, агар истаса, ёруғ дунёдаги ҳар қандай неъматни балога ёки ҳалокатга айлантириб қўйиши мумкинлигини намоён қилаётгандай эди. Гуллаб-яшнаётган тирикликнинг она унсурларидан бири бўлмиш сув ҳам гоҳ-гоҳ долғаланиб, теварак-атрофни ғорат айлагувчи баҳайбат бало қиёфасига кирмоқда, бағридан саноксиз неъматларни чиқариб-муҳайё қилиб тургувчи ер юзи гоҳ-гоҳ шиддат ила кўзғалиб, зилзилалар ҳосил қилмоқда, теранликларидан олов ва эриган маъданлардан иборат вулқонларни уфурмоқда, инсонларни совуқдан ҳимояла-

нишига, лаззатли таом тайёрлашларига, ҳаётлари учун лозим бўладиган турли-туман асбобларни яшашларига имкон берувчи аланга ҳам гоҳо теграсидаги барча нарсани куйдириб-кул қилувчи баҳайбат фалокат шаклига кирмоқда эди. Дунёнинг тамали бўлмиш тўрт унсур ана шу тарзда — Парвардигори оламнинг қудрат-иродасига тамомила бўйсунган ҳолда ўзгармоқда ва ер юзидаги тафаккур қилувчи ягона жонзотга — одам боласига қарата ўз тилида хитоб айламоқда эди.

Тафаккур қилувчилар учун эса янада чуқурроқда бошқа ҳақиқат яширинган эди! Яъни, бундай фалокатлару офатларсиз ҳам, ҳар дақиқада юзлаб инсонларнинг боқий руҳлари фоний вужудларинию ёруғ дунёни тарк этиб, тасаввур ета олмас абадий маконларга унсиз ва жим жўнамоқда эдилар. Бундай фалокатлар ва тўфонлар мангулик сафарига йўл олаётган кишиларнинг қалбларида ҳам рўй бераётган бўлса не ажаб? Ҳа, инсон боласи учун қиёмат жон таслим қилган онидан бошланмоқда... инсонлар ана шу қиёмат кунига дуч келмаслик учун дунёда иложи борича кўпроқ муддат туришни орзу қилмоқда... Ўзларининг шусиз ҳам барҳаётликларини англаёлмасдан, вақт ўтгани сайин жулдурлашадиган вужуд либоси ичида мангу қолмоқни ихтиёр этмоқда эдилар. Бир томондан, замонавий илмларнинг чўққиси ҳисобланмиш ген муҳандислиги тадқиқотчиларга мангу одам яратиш имконини бераётган бўлса, иккинчи томондан, кашф этилган барча ҳужайралару генлар ўша кун келганида туб-тубидан парчаланиб, нобуд бўлиб кетар, янада ҳайбатлироқ ҳақиқат мана шунда эди! У кунда мезонлару вазнлар тубдан ўзгарар, барҳаётлик бошқа шакл ва мазмун касб этар... бу ҳақиқатларни олам яратилганидан то маҳшар кунигача дунёга келадиган инсонлардан фақат биттаси — энг муборагигина ўз кўзи билан кўрган эди, холос!

Ақлу тафаккур англаб ололмайдиган ана шу ҳодисаларнинг ёруғ дунё қонуниятлари каби ўз қонуниятлари бўлиб, уларни оддий одам болалари фақат ҳис-

лари ва юраклари билан сеза олардилар. Инсонлардан мангуга яширинган бу ҳодисалар заминидаги маъноларга эришиш тафаккур тарихида жуда оз сонли кишиларгагина насиб этган эди.

Профессорнинг ёдига ана шундай муборақлардан бирининг мисралари келди. Санъатининг теранликларига турли ишораларни ва ҳикматларни яшириб кетган бу киши, умр шоми яқинлашаётганини олдиндан сезаркан, келажакдаги барча инсон болаларига асрлар ортидан, мисралар аро илтижо қилмоқда эди. Ночор қаламим остидан чиққан ва ўзим дуру гавҳар деб тахмин қилганим сатрларни ўқигувчи киши ила мени бақамти қилганинг — сенинг иноятингдир, юрагимдан ситилиб чиққан мисраларимга нигоҳ ташлаган ҳар бир кишини ўз марҳаматинг соясига олгил деб, ўқувчининг ҳаққига олдиндан дуо айламоқда ва ўзи ҳам дуодан умидвор ҳолда муножот қилмоқда эди:

*Ё Раб, ушбу турфа шўхи дилфириб,  
Ким онинг васлин манга қилдинг насиб.*

Ё Раб, бу зарбулмасалнинг турли шўх ва дилга фириб берувчи маънолари васлини менга насиб айладинг. Энди уни:

*Эл кўзига доғи маҳбуб айлагил,  
Барча хотирларга марғуб айлагил.*

Маъниларини элга маъқул ва марғуб қилганинг рамзларни эса:

*Гарчи мақсудиға мубҳамдур баён,  
Куш тилин эл кўнглига қилгил аён.*

Шундан сўнг эса бу мангу зот хокисорликнинг ва самимиятнинг ажойиб намунасини туҳфа этган эди:

*Кимга ондин ҳосил ўлса муддао,  
Лутф этиб Фонийни ҳам қилса дуо.*

*Айла онинг ҳам дуосин мустажоб,  
Иккимизни оллидин олғил ҳижоб.*

*Табъима тушса хато бирла зилал,  
Килкима саҳв ўлди эрса ё халал.*

*Лутф ила, ё Рабки, борин афв қил,  
Номаи аъмолидин ҳам маҳв қил.*

*Ҳар паришон сўзки ёздим, ё Карим,  
Баридин астағфируллоҳ, ал-азим.\**

Буюк истеъдод ва бемисл фикрий қувват ҳосиласи бўлмиш бу мисралардан орттириб сўз айтиш маҳол эди.

Дунёдан кетар кишининг бундан марғуброқ сўз айтиши ҳам маҳол эди.

Профессор Зиёнинг кўзларига ёш қуйилиб келди. Ёдида эса улуғ мутафаккирнинг сўнг мисралари худди куюн каби чирпирак бўлиб айлана бошлади:

*Ҳар паришон сўзки ёздим, ё Карим,  
Баридин астағфируллоҳ, ал-азим...*

## БҶРОН

Бағрида раҳмат ёмғирларини олиб келувчи булутларни ҳайдаб эсадиган шамол бу гал бошқа булутни — фалокат булутини олиб келмоқда эди.

Уммон устида у шу қадар зўрайдики, баландлиги ўттиз метрлик тўлқинларни ҳосил қилди, соҳилга яқин жойларда эса гирдоблар кўкка аждар каби сапчиди, миллионлаб балиқлар шу тўлқинда ҳалок бўлдилар,

---

\* Ҳазрат Алишер Навоий. «Лисонут-тайр» достонининг хотимаси.



гирдоб уларни бир неча километр баландга кўтариб, соҳилдан юзларча чақирим ичкарига — чорва майдонларига олиб бориб ташлади.

Таиланд соҳилларига дам олишга келган сайёҳларнинг кўпчилиги тўфон остида қолиб кетди. Бир томондан ёпирилиб келган тўққиз қаватли уй баландлигидаги тўлқинлар, иккинчи томондан ҳосил бўлган улкан гирдоб соҳилнинг ичкари қисмида жойлашган отелларни ҳам вайронага айлантирди. Қизиқиш туфайли бўронга қарши чиққан ва унинг қаршисида тили калимага келмай қолган аллақандай замонавий ёшлар тўдаси ҳам хасдай совурилиб кетди, уларнинг жасадлари кейинчалик ҳам топилмади.

Дунёнинг кайфу сафо марказларидан бири ҳисобланган Таиланд соҳиллари тамомила вайронага айланди.

Шамол ва куюн шундан сўнг Осиё чўлларидаги миллионлаб тонна қумни ичидаги жонзотлари ва набототи билан қўшиб самога кўтариб кетди, бутун самони қум булути энлади. Шунингдек, Куйтэн-Найрамдал чўққиларидан юз эллик чақирим масофада жойлашган Инсон такомилли марказининг бир қаватли бетон биноси-ни ҳам синдириб-парчалаб, хизматчиларию ертўлалари, тажрибахоналарию ақли ноқис, майиб-мажруҳ сунъий урчитилган одамлари ва фазовий алоқа қурилмалари билан қўшиб кўкларга кўтариб кетди, уларнинг ҳаммаси қум бўрони аро кўздан ғойиб бўлди.

Ичида хас-хашаклару шох-шаббалар майда-чуйда чўл жонзотларига қўшилиб чирпирак бўлиб айланаётган, гирдоблари улкан жонли илонлар каби ердан кўкка чўзилган бўрон, саҳронинг ҳар бир қадамини ғоятда синчковлик билан «титиб» чиқиб, ҳозир нишонини «йўқотиб» қўйган ва бир-бирларига ташла-нишга шай турган ҳарбий учоқлар томон шиддат билан яқинлашиб бормоқда эди. Ана шу тўс-тўполон ичра заминдан янги бир гирдоб «ўсиб-бош кўтариб» чиқди, унинг туби ингичка, юқориси эса эни етмиш километрлик баҳайбат аждарни эслатарди, Гоби ҳудудида

жанговар ҳолатда турган ҳарбий учоқларни ана шу гирдоб бирпасда ўраб-чирмаб, ўз домига тортиб кетди.

Парвардигори оламнинг ғазаб қудратини ожизона тамсил этган бу асов ғалаён ичида қудратли ҳарбий машиналарнинг қанотлари ўша заҳоти синиб-парчаланди, қуюн уларнинг замонавий қуроллари мис қоғоз каби эзғилаб-парчалаб ташлади, зирҳларини ракеталари билан қўшиб узиб-юлқиб олди, ўқ ўтмас ойна ортида саросимага тушган ҳарбийларнинг қўрқувдан буришган юзлари бир лаҳзагина липиллаб ўтди холос, сўнгра учоқларни ақл бовар қилмас тезликда ғоят юксаклардан ерга опкелиб уриб, ер қаърига — камида эллик қулоч чуқурликка аёвсиз тиқиб юборди, чуқурлар ҳам ўша заҳоти қум ва тупроқ остида кўмилиб-йўқ бўлиб кетди.

Гобига хуфёна кириб келган барча ҳарбий учоқларнинг тақдири ана шундай яқун топди.

Энди бўроннинг бир учи Тиёншон кемтигидан ўтиб, янада ғайриоддий куч билан эсмоқдайди. Чўл жонзотларининг бари яшириниб улгурган эдилар. Теварак худди уммон каби тўлқинланар, саҳро бир китоб каби варақланар, балки қумларнинг янги саҳифалари очилмоқдайди.

\* \* \*

Бағрида уч юз чоғли йўловчини олиб Атлантика уммонидан ўтиб келган ва ҳозир саҳро узра учиб бораётган Boeing Dreamliner ўн минг метрга қадар кўтарилганида, даҳшатли бўроннинг бир учи унга етиб келди.

Қум икки юз йигирма тонналик улкан ҳаво лайнерининг моторларига кириб тиқилди, дарчаларни энлади, ҳаво филтрларини тўлдириб, ҳатто филдирақлар турадиган жойгача ва қанотларнинг бошқарув қурилмаларининг ичигача кириб борди.

Оддий қумлардан фарқ қилиб, бу қум шувиллаб тўкилиб кетаверар, энг кичик тирқишга ҳам кириб

тўлдираверар эди. Орадан бир дақиқа ўтиб-ўтмай, учоқнинг тўртала мотори ҳам ишдан чиқди, учоқ мувозанатини сақлай олиши учун моторлар тананинг қоқ ўртасига ўрнатилган бўлса-да, дум қисмидаги юк босиб кетди, учоқ шитоб билан пастга оғиб берди — у қулай бошлади. Бошқарувнинг йўқолгани ва моторлар ишламаётгани боис шамол эпкиннида гир айланди, тескари йўналишда урган бошқа бир эпкиннида унинг лонжеронлари қарсиллаб узилди, сўнг ўнг қанот синди, унга ўрнатилган икки моторнинг оғирлиги боис ҳавода чирпирак бўлиб айланганча, қум қоронғилиги ортида пастда ғойиб бўлди. Роппа-роса уч сониядан сўнг иккинчи қанот ҳам узилди ва у ҳам бўрон шиддати аро кўздан йўқолди.

Шунга қарамай, қанотсиз қолган учоқ учишини давом эттирмакда эди.

Бор-йўғи ўттиз икки сонияда у ерга келиб урилди, урилган жойида улкан чуқур ҳосил қилиб, тепага қайта сапчиди, тезлик катта бўлгани учун у бир неча қисмга бўлиниб кетди, бўлақлар урилиш кучи оқибатида яна бир қанча юз метр жойгача учиб-парчalandи, парчалар орасида одамларнинг таналари ва юклар ҳам кўзга ташланар эди. Шамол учираётган қум зарралари майда парчаларни шу заҳоти кўмиб ташлади, каттароқ бўлақлар олдида эса қум уюла бошлади. Бу ҳалокатда бировнинг тирик қолганини тахмин қилиб бўлмасди — қулаш чоғидаёқ кўпчиликнинг юраги ёрилиб кетган, бақувватроқлар эса урилиш чоғида жон таслим қилган эдилар.

Тиёншон ёнбағридаги горда истиқомат қиладиган авлиё ҳам кўрқувга тушган эди. Парвардигори олам кучкудратининг бир тимсоли бўлган бу офатнинг нима эканини у яхши биларди. Унинг билгани тарихга кўра, азобу уқубатлар ҳам, раҳмату баракотлар ҳам айнан шамолларнинг қанотларида келар эди.

*Бир оздан сўнг урилган янада шиддатлироқ эпкин ғор оғзида ўсган анжирни — ризқ дарахтини тағ-томири билан суғуриб олди ва пастликка қараб ҳасдай учуриб кетди.*

Саҳродаги лўлилар карвони ҳалиям ўз жойидан қўзгалмаган эди. Карвонбоши шамолнинг зўрайиб бораётган ғалаёнини кўриб, ҳаммани бархан ортига кўчирди, ухлаётган неварасини кўтарганча, бархан ёнбошидаги чуқурлик ичига авайлаб ётқизди, устидан тўнини ёпиб қўйди. Қолганлар лом-мим демасдан шамолнинг ҳайқиришига қулоқ тутиб турардилар, шамол уларнинг кийимларини юлқилаб-узгудай бўлиб эсмоқдайди.

Лўлилар карвонбошиси унинг, шу шўрлик кавмининг ватан илинжида *бесамар дайдишларига* чек қўйиши керак бўлган шамол эканидан умидвор эди.

Карвонбоши турли халқларнинг турлича ибодатларини билар, бироқ, қайси бирининг ибодати қай тарзда қабул қилинишидан беҳабар эди. **Шу** боис ҳам у *энг сўнгги пайгамбарнинг ибодатини* қилди: кўзларига қум тиқилган ҳолида кунботарга қараб шундоққина қум узра чўк тушди. Ва агар бу шамол умрларига ниҳоя кўядиган бўлса, ҳаёти дунёдаги умрини хотималайдиган бир ибодатни адо этишга киришди.

\* \* \*

Шамол еру кўкни энлаб роппа-роса бир кеча эсди. Шундан сўнг ғалаён аста-секин тинди.

Тиёншон ва Олтой ёнбағирларидаги ўрмонларнинг аҳволи ачинарли эди: сарвқомат арчалар қоқ бўлиниб-синиб кетган ва айқаш-уйқаш бўлиб уйилиб ётарди, уларнинг остида ҳалок бўлмай қолган ва яраланган ҳайвонларнинг бўкиришларию чийиллашлари теваракни тутиб кетган эди.

Саҳродан келган қум бўронлари авлиёнинг ғорини абадийн бекитиб ташлади. Бироқ, шу маҳалда ичкарига кирган одам ҳайрат бармоғини тишлаши шубҳасиз эди: ичкаридаги ҳаво сарин ва енгил, гулларнинг ислари анқиб турар, авлиё эса сажда қилган ҳолида жонини Ҳаққа топширган, балки кўпчилик орзу қиладиган гўзал ўлим эди бу.

Олтой тизмаларининг этагидаги Отгон-Тенгри Уул водийсидан юз элик чақирим масофадаги Инсон такомили маркази жойлашган ерни ҳам қум теп-текис босиб тушган эди. Қум узра гоҳ кўриниб-гоҳ кўринмовчи улкан тўмтоқ қурт — олғой-хорхой, тушунар-сиз равишда имиллаб ўрмалаб борарди.

...Тенериф саҳроларида яна бир баҳайбат тошбақа пайдо бўлди, у ортмоқлаб олган тошнинг узоридаги нақшлар муқаддас ёзувларни эслатарди... ким билсин, балки яна минглаб кишилар шу ёзувни кўриб, имонга келсалар не ажаб?

Саҳрода ҳеч қандай из қолмади, барчаси худди тарих каби супурилиб кетди.

Шамол лўлилар карвонини ҳам қум билан тамоман кўмди, уларнинг аёллари, болалари ва ҳатто уловлари ҳам қалин ва оғир қум қатлами остида қолиб кетдилар.

Лўлилар карвони кўмилган жойдан юз элик километр ғарбда улкан учоқ қолдиқлари саҳро бўйлаб сочилиб кетган эди, қум уларни ҳам теп-текис қилиб босиб тушди. Қараган кўзга шу топда ҳеч нарса кўринмас, уфқларга қадар сарғиш-қизғимтир қум энлаб ётарди: *на учоқ, на учоқнинг йўловчилари, ва на Профессор Зиё...*

## ХОТИМА

Янги очилган қум саҳифасида саҳро бўйлаб бир банда ёлғиз кетиб бормоқдайди.

У баланд бўйли, узун сочлари елкасига тушган, ялангоёқ бир одам эди.

Бу одамни кейинги асрларда янада кўпроқ эслайдилар. Уни гоҳ дарбадарликка маҳкум инсонларнинг, гоҳо эса тақдирларнинг ва халқларнинг тимсоли сифатида тилга оладилар.

Ва унга «*Боқий дарбадар*» деб ном берадилар.

# «МУНОЖОТ» туркумидан

*Қисса*



«Оламдаги барча нарса бир мўъжиза эди гўё. Ғариб бунни кўнглининг ич-ичи билан ҳис қиларди. Ҳар қандай одам кўкда булутларнинг сокинлик билан сузиб юришига, ёки қора булутларнинг шитоб билан тўпланиб, мо-моқалдироқ гумбурлашига ва осмону кўк ораллиғида шиддатли чақмоқ чақнашига табиатнинг оддий бир ҳодисаси сифатида қараши мумкиндир, аммо Ғариб бу ҳодисаларнинг ортида тасаввурга ҳам сиғмайдиган бениҳоя улкан бир қудрат ниҳон эканини сезарди. Шундай пайтларда уйнинг бир бурчагига тиқилиб олиб, дағ-дағ қалтираб ўтирарди, ёмғир олдидан экин урган намчил шамол эса қайлардандир узоқ-узоқлардан лойқа исси билан биргаликда, яна неларнидир хабарини олиб келарди... Бунинг нима эканлигини у билмас эди, ҳис қилгани — бу хабарнинг жуда ҳам узоқлардан келаётгани эди. Яна, булар — шуур билан англанадиган ва ақл билан тасдиқланадиган нарсалар эмас эди — улар фақат ҳис қилинар эди, холос. У яна, ҳозирча бу нарсаларнинг моҳиятини аниқ-таниқ билмаётган бўлса ҳам, бир кун келиб албатта билиб олажagini сезар эди. Унга тушунарсиз хабарларни олиб келадиган шамол ҳам аслида бу дунёдан келадиган бир нарса эмасди. Ғариб ҳозирча унинг пайдо бўладиган ва дунёга чиқиб келадиган ерини билмасди. Хабарларни эса фақат ёмғир шамоли олиб келарди, булутларни ҳайдайдиган, гулларни тўкадиган, чанг-тўзон кўтарадиган ва дарахтларни эгиб-букиб синдирадиган шамоллар ҳам бор бўлиб, бундай шамоллар ҳеч қандай хабар олиб келмасдилар, чамаси, уларнинг вазифаси бошқа ва шошилинчроқ эди...»

---

---

## МУНОЖОТ

«... Бало кутилмаганда келди.

Ой тўлган тунда, зовур четидаги мирзатеракларнинг хира сояси тупроққўчани буткул энлаган чоғда шундай бўлди. Тагин ҳам бир нима дейиш қийин, ахир, у ўз номи билан бало эди-да. Рўй бераётган ҳодисалар эса бир фалокатнинг бошланишини билдирарди, хўроз иккинчи бора қичқираётган пайт эди, нима ҳам бўлдию овози худди бўйни узиб ташлангандек гиппа ўчди. Ҳеч қанча вақт ўтмай Тошкелинчак тепасида осмон бўйи келадиган қорамтир нарса жонланди. Юлдузли осмон тоқида уни бемалол кўриш мумкин эди. Шарпа тез ҳаракатланиб, тунги самони тобора энлай бошлади. Бир учи тўлин ойга етай-етай деганда иккинчи учи ерга — худди ўша, мирзатераклар сояси тушиб турган жойга етиб келди. Бу ер қишлоқнинг энг хилват чеккаси, жингиллар ва ажинагуллар тўдалашиб ўсган чакалакзор эди.

Теварак-атроф худди сув қуйгандек жимжит эди, ҳатто теракларнинг барглари ҳам шитирламасди. Зовурдаги қурбақаларнинг уни ўчди, шабада тинди. Борлиқ оғир ва мудҳиш таҳлика ичида қолди.

Қорамтир нарсанинг бир учи осмондан узилиб заминга чўзилиб туша бошлади. Ҳаял ўтмай, жингилзорни қора кўланка қоплаб олди. Шу сонияда чакалакзорга нигоҳ ташлаган ҳар қандай кишининг шайтонлаб қолиши аниқ эди: қора маскандан қора ҳовур кўтариларди.



Сиру синоат ана шу тарзда рўй берди. Қора қўланка аста-секин кичрайиб, қуюқлашиб бораверди, чакалакзор тобора ўзининг аввалги ҳолига қайтаверди, ниҳоят, гайриоддий соя зиғирдаккина бир нарсага айланди ва шу ҳолича қотди. Ҳали унинг қандай махлуқ эканлиги гумон эди. Жинқарча жингил шохчасида қимир этмай ўтирар ҳамда мунчоқдай жавдироқ кўзларини бир нуқтага қаттиқ қадаган, аъзойи баданидаги ҳар бир мўй найзадек тиккайган, ўзидан читирлатиб кўкиш-яшилтоб учқунчалар таратар эди. Табиат худди оғир уҳ тортиб юборгандай бўлиб, шабада эсиб ўтди.

Жингил шохчасидаги жинқарчага эса жон кирди — у эпкинда чайқалган бута баргини бир ҳаракат билан узиб олди ва кафтчасига қўйиб, бор кучи билан пуфлади. Япроқ чирпирак бўлиб айлангандан-айланаверди, пировардида миттигина қуюнга эврилди-да, жинқарчани устига миндириб, юлдузли осмон томон шидат билан учиб кетди.

Шабада тагин эсмай қўйди.

Жинқарча осмону фалакдан туриб ерга назар ташлади: қишлоқ, атрофидаги бошқа қишлоқлар билан қўшилиб яхлит битта ўрам ҳосил қилган, ҳозир чуқур гафлат уйқусида бўлиб, ой нурида фақат сойгина илондай йилтираб жимжит оқмоқда эди. Сайҳонликда ой ёғдусини танасига сингдириб кулча бўлиб ётган сеҳргар илон ҳам кўзга ташланди, у осмонда изғиётган жондорни сизди ва бошини залворли тебратиб, бир кўзғалиб қўйди. Жинқарча гирдо-гирдига бир аланглаб олди, сўнг кунботар ёққа ўгирилди ва шодлигидан чинқирганча ирғишлаб юборди. Кунботардан булутга заррача ўхшамайдиган мудҳиш бир шарпа шу томонга силжиб келмоқда эди. Жинқарча япроқни тагин чириллатиб айлантириб пуфлади, қуюнчага қўниб, қора шарпа томон учди. Ниҳоят, туннинг чегарасига етиб борди. Бу ерда манзара тамомила ўзгача эди: пастда, ўлик рангда бўзариб ётган кенгликларда бадбашара жондорлар биқсиб ётар эди. Жинқарча янада баландроқ учди, жингил япроғи борган сайин тезроқ

чириллайверди ва айланиб-айланиб, кўзга кўринмай кетди. Жинқарча шарпанинг этагига етиб борди.

Тун ярмидан оққан эди.

Жинқарча ердан узилгани ҳамоно мирзатерак япроқлари ўзларининг азалий суҳбатларини бошлаб юборишди. Шабада тагин эсди. Тожибойнинг хўрози чирана-чирана уч марта қичқирди.

Қизиғи шундаки, бу тушга ҳеч ўхшамас, жинқарчанинг тунги саёҳати нақадар ғайриоддий ва ёлғон бўлса, шунчалик оддий ҳамда рост эди. У шарпа этагига етиб борган вақтда пастда — ўлик кенгликларда тентираб юрган бир қонхўр махлуқ чатаногини кериб туриб, бор овози билан бўкириб юборди, оғзидан вошиллаб тупроқ сочилиб кетди. Махлуқнинг товуши ўралиб-чирмалиб айланаётган гирдобча шаклини олиб, осмон тоқига етиб борди ҳамда тўппа-тўғри шарпанинг қулоғига урилди.

Шарпа шу заҳоти сесканиб қимирлади, сўнг тун салтанатининг ичкарисси томон шитоб билан учиб кетди.

Жинқарча жони борича чийиллаб, унинг кетидан эргашди.

Бало юз бериб бўлган эди, энди у инсонлар бошига қай даражада кулфат келтира олади, дабдурустан бир нима дейиш қийин. Шарпа нақ қишлоқ тепасига келиб ҳаракатланишдан тўхтади ва узалиб-чўзилиб пастга туша бошлади. Чакалакзор тагин қора кўланка ва ҳовур ичида қолди. Худди шу чоғ, ҳадемай тонг отажагидан дарақ бериб, Тожибойнинг хўрози яна қичқирди.

Қора шарпа худди супуриб ташлангандек ер юзидан ғойиб бўлди, жинқарча эса шошиб, оёқ остидаги чинор япроғи томон ташланди. Баргнинг бир четини кўтариб, кечаси адашиб қолган катта қизил бошли кўрқоқ чумолини қувиб чиқарди, мушти билан бир уриб банд тарафдан тешик очди-да, ўша ердан туриб атрофга тикилиб ўтираверди.

Тонг отаётган, теварак-жавониб саҳарнинг кўрғошинтус ёруғи билан ёриша бошлаган, тун пастқам-пучмоқлар аро аста-секин кетиб бормоқда эди...»

... У ажойиб баҳор кунларининг бирида, шом чоғида дунёга келди. Кўзи ёриган хотин — Адол опа эликдан ошиб қолган. Эри бундан олти ойча бурун трактори билан зовурга ағдарилиб ўлган, шўрлик аёл ёлғиз ҳомиласини ўйлаб, ҳатто далага ҳам чиқмай қўйган эди.

Янги инсон дунёга келган чоғда ёмғир ўрик гуллари тўкиб, лойга қориштириб шаррос қуя кетди Доя — қўшни Малика хола шоша-пиша эшик-деразаларни маҳкамлади ва ёмғирнинг совуқ шабадасидан эти жунжикиб, яна Адол опанинг ёнига қайтиб борди. Кўп ўтмай аёлнинг кўзи ёриди, хола чақалоқнинг киндигини қирқиб, йўргакка ўраётганида, у кўзларини очди ва биғилаб йиғлаб юборди.

— Суюнаверинг, Адолхон, ўғил, ўғил! — деди Малика хола ва чақалоқни қўлига олиб кўзларига қарадию «Лаҳавла валақуввата...» деди ҳайратланиб, сўнг онаизорга: — Бу болангизда бир ҳикмат бор, ўргилай. Насиб қилса, ҳали катта ишларнинг бошини тутади... Умрим бино бўлиб бунақа ақлли кўзларни кўрмаганман, — деди, сал муболаға қилиб.

— Ўзи, қорнимдаёқ йиғлаган эди, — деб жавоб қилди она, беҳолу бемажол, қони қочган лабларига табассум қалқиб.

— Унда отини Машраб қўйинг, — деди кампир. — Шояд эл суйган одам бўлиб, кишиларнинг дардини олиб ўсса...

— Илоё айтганингиз келсин, — деди она. Кампир кўлларини кўкка очди, икковлашиб дуо қилдилар, шу тариқа боланинг келажагига фотиҳа ўқилди.

Аммо унинг исмини, доянинг хоҳишидан фарқли ўлароқ, Ғариб қўйдилар. Исм танлашнинг ўзи бир ғалва бўлди, жиянлик бўлганидан терисига сиғмай бир қўй етаклаб келган тоға «Ёдгорбек бўлсин, поччамдан ёдгор», деб туриб олди, Адол опа эса қоринда йиғлаганларга Машраб деб ном қўйилишини айтиб оёқ

тиради, ниҳоят, бир юзу етти ёшга кирган Фотима эна ҳассасини бир дўқиллатиб, «Эковийижаммаш, Файиб бўсин», деди. Бу кампирнинг сўзини икки қиладиган киши қишлоқда йўқ эди, ноилож кўндилар.

\* \* \*

Вақт елдай ўтди. Фариб етти ёшга тўлгунига қадар ҳамма тенгдошлари қатори ўсди. Аммо улардан фарқ қилиб, озгин ҳамда хаёлчан эди.

Кунларнинг бирида...

Кунларнинг бирида болакай ялпизлар орасида, ариқча бўйида хаёл суриб ётиб, ноҳос поядан ўрма-лаб бораётган улкан бошли қизил чумолини кўриб қолди. Чумоли қари эди, гавдасининг катталиги, рангининг тўқлашиб, айниётганлиги ва қорамтир кетидаги кўпдан-кўп ажинсимон ҳалқалар шундан далолат бериб турарди. У боланинг шундоққина кўзи рўбарўсидан ўтиб борар, салом-алик ўтининг узунчоқ уругини қийнала-қийнала сургаётган эди. Енгил уруғ пўстлогининг ўткир учи ялпиз поясининг гўдириш жойига тиралиб қолган, уни судраш учун аввало орқага хиёл итармоқ лозим эди, чумоли эса жони борича кучанган кўйи тортишда давом этарди. Болани даҳшатга солган ҳол ҳам мана шу бўлди, у ўрнидан қўзғалишга ҳам ботинмай, кўзларини катта-катта очганча қари чумолига тикилиб қолди.

Ёз охишлаб бормоқда эди, теварак-атроф сездирмасдан таназзул фаслига тайёргарлик кўрар, ялпизнинг сарғая бошлаган банди, сувнинг эндиликда тўқ зангор тусга кириши, жийда баргларининг бирма-бир тўкилиши ва ниҳоят, ҳаддан ташқари тиниқ, зангори осмондан кузнинг сокин нафаси уфуриб турарди. Болакай бир зумга чумолидан нигоҳини узиб, ялпизнинг ҳам жуда қарилгини кўрди, шўрликнинг танаси йўғонлашиб-семириб, кўпдан-кўп бачки шохчалар чиқариб юборган ва иси ҳам аввалги сингари нозик-

нафис эмас, куюқ ҳамда ачқимтироқ эди. Ҳатто салом-алик ўтининг уруғида ўсимликнинг қариганини, шунинг учун ҳам уруғини ерга сочиб юборганини таъкидлаб турарди. Чумоли тинмай чиранаверди ва пировардида, туйқусдан сип-силлиқ орқаси ёрилди, ёриқларидан оқиш-сарғиш суюқлик отилиб чиқа бошлади, ҳавони чумоли заҳрининг ўткир иси тутиб кетди. Шунда ҳам уруғни тортиб олмоққа тиришар эди. Бирдан боланинг онгида нимадир ярқиллаб очилиб кетгандай бўлди, томирлари бўйлаб алланима оқа бошлади. Теварак-атроф жуда кекса, ҳаддан ташқари кекса эди, олам худди мункиллаб, қариб қолган чолга ўхшарди. Баҳорда ердан униб чиққан майса ҳам аслида миллионлаб йиллар аввал туғилиб бўлган эди. Унда... унда нима боқий? Азал-абад ёш ва навқирон нима бор бу гардуни дунда? Абад ёшлик худди абад қарилик сингари мазмунсиз эмасми? Боланинг дилини аввалгисидан ҳам кучлироқ бўлган даҳшат эгаллаб олди ва тура солиб, хўнграб йиғлаганча онасининг ёнига чопиб кетди.

Онаизор бу ҳолдан озмунча хавотирга тушмади. Фарзандининг худди чолларга ўхшаб фикрлаши унинг ақлини шошириб қўйган эди.

— Дунё шу-да, болам, — деди у ўғлининг жинглак сочларини ун юқи қўллари билан силаб. — Ҳали катта бўлсанг, ҳаммасини тушунасан, ҳозир айни ўйнаб-куладиган вақтинг. Чумолилар, ўт-ўланларнинг ҳаммаси майда-чуйда нарсалар, аҳамият берма.

— Мен ёш эмасман, она, — деди Ғариб, бошини волидасининг иссиқ бағрига босиб. — Назаримда, худди минг йил яшаб қўйганга ўхшайман. Ҳамма нарсани биладигандекман. Ростдан, — у жонланиб кетди, кўзларида учкун чақнади, онасига қараб: — Мен билман, она, — деди, — бир маҳаллар дарахт бўлганман, шунинг учун ҳам дарахтларни яхши кўраман. Дарахтлар ҳам менга ўхшашади — кеча ариқ бўйидаги тол йиғлади. Назаримда, мен ҳам қачонлардир шунақа... ариқ бўйида йиғлагандекман.

— Оҳ, — деди она, кўнгли хавотирга тўлиб. — Мени кўрқитмасанг-чи, жон болам...

Бола шу куни кечгача онасининг ёнидан жилмади.

— Ўғлингизнинг отини Машраб кўйишингиз керак эди, — деди доя хотин, онанинг сўзларини эшитиб. — Энди умр бўйи қийналиб яшайди. Болага уч исм оғирлик қилади.

— Билмадим, — деди она. — У бошқача. Одамларнинг болалари бунақа эмас. Сиз гапларини эшитинг. У ёш болага ўхшамайди, ғалати... кўрққулик.

— Мен ҳам разм солиб юраман. кўп хаёл суради. Индамай ўзига кўйиб беринг энди. Булар бежиз эмасдир, бир ҳикмати бордир, худо хоҳласа...

— Ҳалиям индамайман-у, — деди она. — Вой, элака чиққандингиз-а? Олиб бераман. деб ёдимдан чиқипти.

— Мениям чолим сўкиниб ўтиргандир, — деди Малика хола. Кетаётиб, тағин таъкиллаб қўйди: — Кўп ўйламанг, Адолхон, ҳали бу болангиз ҳаммани ҳайрон қолдиради. Отасининг ўрнини босиб, юрт сўрайди ҳали.

— Илоё айтганингиз келсин, холаси, — деди Адол опа.

\* \* \*

Онанинг кўнгли сезган, Ғариб ростдан ҳам бошқача эди. Тунлари ухламай чиқарди, хавотирланиб бориб қараса, пешонаси тиришганча ўйланиб ўтирганини кўрарди.

Ёзнинг дим кечаларидан бирида сўрида ётган она, ўғлининг хонасидан келаётган қандайдир овозни эшитиб қолди. Товуш жуда мунгли ва аллақандай ўзгача, худди самолардан келиб ерга тугашганга ўхшарди. Қизиғи шундаки, у ток баргларининг шивири, ариқ сувининг шилдираши ва оламнинг тунги сукунати билан уйғунлик ва яхлитлик касб этарди, онанинг кўнгли-

да қизиқиш уйғонди ва феъли ажабтовур ўғлининг тақдиридан ташвишланган кўйи ўрнидан туриб, аста деразага яқинлашди. Дарпардани товушсиз суриб, ичкарига киши билмас мўралади.

Ўғил, озғин елкаларини деворга тираган кўйи кўзларини маҳкам юмиб ва дунёдан ажралиб, аллақандай оҳангни хиргойи қилаётган эди. Она дераза ёнига келиши биланоқ оҳанг тинди, аммо ўғил ҳолатини ўзгартирмади, бир нафасга жуда залворли ва қисинқи сукунат чўкди, ҳатто сувнинг шилдираши ҳам эшитилмай қолди.

Она, энди юрак ҳовучлаганча «Қани, нима бўлар экан», — деб кутиб турарди.

Бу қандай оҳанг? Онаизор умри бино бўлиб бунақа маъюсликни туймаган эди, у бутун оламнинг қарилиги ва чарчаганлигига ўқилган марсия янглиғ хонани тўлдирган эди. Ўн бир яшар бола буни қайдан биларди? Нега ақли тўлган, катта ёшдаги кишиларгина англаб ета оладиган нарсалар унинг тасаввурига кириб келди экан? Ва ниҳоят, бундай оҳанг боланинг кўнглига қайдан келиб ўрнашди — нега у бунчалар маҳзун?

Фарибнинг қонсиз юзига қизиллик югурди, кўзларини очмасданоқ ўзига қатъий ишонч ва тетиклик билан янги оҳангни бошлади. Бола бунга мос сўзларни ҳали тополмаган эди, сўзлар бўлмагани учун ҳам оҳанг тантанавор ва таъсирчан эди, у хона деворларига урилар, тўлдиар ва она кўнглининг туб-тубигача бориб етарди. Бу оҳанг, аввалгисидан фарқли ўлароқ, бошқа нарсалар тўғрисида ҳикоя қиларди. Онанинг хаёлига инсон умрининг чексизлиги ҳақидаги ўй келди, шу заҳоти бу ўйдан ўзи кўрқиб кетди: одам боласи қанақасига ўлмасдан яшай олади? Калима қайтариб, ўғлига термулганча унинг ҳаёт кечиришга ноқобиллиги тўғрисида ўйлади — ўн бир ёшга кирганига қарамай, у авлоднинг азалий мероси — деҳқончиликни умуман билмас эди, қовун билан бодринг уруғини бир-биридан ажрата олмасди.

Она, ўглининг рангпар юзига қараб туриб, «ишқилиб, боши тошдан бўлсин-да», деган хаёлга борди.

Ҳозир Фарибнинг ранги сарғайиброқ қолган, руҳи кўпдан буён тиним билмаганиданми, юзи ҳам кичрайиб, ёноқ суяклари туртиб қолган эди. Онаизор боласини тўхтатмоққа жазм қилиб оғиз жуфтлади ва эндигина отини айтиб чақирмоқчи эдики, оҳанг тинди. Фариб, онасини кўрмай, ўзини тўшакка ташлади.

— Нега ухламаяпсан, болам? — сўради она оҳиста, уни бирдан чўчитиб юбормайин деб. Фариб онасига ялт этиб қаради-да, жилмайиб:

— Ўзим, — деди. — Уйқум қочиб кетди. Хиргойи қилгим келди.

— Анчадан бери шунақами? — деб сўради она. Аммо Фариб:

— Йўқ, — деб жавоб берди. — Шу бугун кўнглим сиқилиб кетдию аста хиргойи қилавердим. Энди яхши, тинчгина бўлиб қолдим. — Сўнг ўйланиб ва жиддийлашиб: — Она, — деди. — Биласизми, мен ҳозир ким биландир гаплашдим.

— Гаплашдим? — онаизорнинг капалаги учиб кетди. — Ким билан гаплашдинг, жоним болам? Нега кўрқитасан мени?

— Билмайман, — дея жавоб қилди Фариб. — У менга ўзи ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Юзини кўрдингми, кимга ўхшар экан? Туш кўрган бўлсанг... Балки отангдир? — сўради она, эти увишиб.

— Йўқ, кўрмадим. Овозини эшитдим, қандайдир мулойим, сал хириллаган.

— Нима деди у?

— Ҳеч нима. У миямнинг ичида, мана бу ерда, — Фариб икки чаккасини ушлади, — хиргойи қилиб турди, мен унга қўшилдим... Кейин кетди.

— Тавба қилдим-эй, ким экан у? — безовталанди она.

— Аввалига йиғлагим келди, кейин, кейин... билмадим, ҳамма нарсаларни яхши кўриб қолдим.



Она не деярини билмай: «Мунча ғалати гапларни гапирмасанг, ўғлим? Нега бошқаларнинг болаларига ўхшамайсан?» деди ич-ичида.

Ғариб онасининг мижжаларидаги ёшни пайқамади, ҳомуза тортди-да:

— Уйқум келди, она, — деди. — Сиз нега ухламаяпсиз?

— Мениям уйқум келяпти, — деди онаизор ва ўғлининг ёнига кириш ниятидан айниб, дарпардани тортди-да, ўрнига қайтиб борди.

Ўғлининг хонасида чироқ ўчди.

Тоғлар силсиласи томондан эсан шабада узум баргларини оҳиста селпимоққа бошлади, ялпиз ва райҳон иси келиб турган муздай ҳаво ҳовлини тўлдирди. Адол опа сўрига ўтирди-да, чуқур сўлиш олди. Бунда тақдирга тан берганлик аломати сезилар эди...

\* \* \*

Ой ўтди. Осмон юлдузга тўлди, улар худди биров сепиб юборгандек бодраб кўпайиб кетди, ваҳоланки, иссиқ ёз кечаларида кўкда нари борса ўттизтача юлдуз милтирарди, холос. Осмон самовий нурларга беланиб, музайян бўлди.

Ғарибнинг кўзлари худди катталаштириб кўрсатадиган ойна монанд эди, бундан ўзи ҳам ҳайратга тушарди. Кузги тутқаторлар ёқалаб ўроқ-қопини кўтариб кетиб бораркан, сал-пал нам ва қорамтир ерда сакраб юрган қора чигирткалар унга йўл бўшатишарди, гоҳ-гоҳ Ғариб шундоққина оёғи остидаги қаноти нам ниначини босиб олмаслик учун тўхташга мажбур бўларди. У аввалига ҳеч бир жонзотни ўлдирмаслик керак, бунинг уддасидан чиқаман, деб ўйлаган эди; кейинчалик фикридан қайтди ва бир-икки кун тушкун кайфиятда ҳам юрди: ўлдирмасликнинг иложи йўқ экан. Кўзга кўринадиганларидан ташқари, шаффоф ёхуд заррадай жондорлар сон мингта, одам оёғи ҳар туш-

ганда уларнинг юз мингтасининг абжағини чиқариб ташлайди... Бу ҳолда саховатга ва ҳалолликка интилишнинг маъниси қолмайди-ку! Фотима энанинг «Ўлдирма, болам, худонинг қаҳрини келтирма» деган панди шу тариқа мазмунсизлик касб этди. Мазмунни эса Ғарибнинг ўзи топиб олди: ҳеч бир жонни ғараз билан ўлдирмаслик лозим, тасодифий ҳоллар эса гуноҳга кирмайди...

Қарама-қаршиликлар ортса ортардики, сира камаяй демасди: одамзод, масалан, нега тирик жонни сўйиб ейди? Агар бу ғараз ҳисобланмаса, унда нима? Ахир, у жонлиқни нафс йўлида қурбон қиляпти-ку? Ўйнинг давоми эса баттар даҳшатли эди: кимнингдир руҳи шу сўйилажак жонда яшаётган бўлса-чи?

Ғариб қишлоқ тонгини айниқса ёқтирар эди: то кўз илғагунча бўлган кўк-зангор кенгликлар, ниҳояси сезилар-сезилмас нозик ва ёрқин ранглар билан безалган уфқ аста-секин янада ёрқинлаша бошлайди, ниҳоят, қип-қизил қуёш ер чеккасига кўтарилиб, тин олади. Ҳали унинг йўли узоқ, шу сабаб ҳам тонг палласи уфқда бир оз туриб қолади, сўнгра йўлга тушади, ҳаракати сезила қолмайди ҳам. Қуёш фақат куздагина ана шундай тиниқ, катта ва маънос бўлади...

Нафақат булар, балки «кичик» ҳаёт ҳам қизиқарли маъни касб этарди: шабнам инган паллада, намхуш ҳавода қанотларини ҳилпиратиб учиб келган сарғиш, катта ниначи, гўнғиллаб юрган қўпол қовоғари, шабнам томчисига мўйловини теккизаётган қўнғиз — буларнинг барида кўрилмас ва қайтарилмас ажиб гўзаллик бор эдики, Ғариб уларга соатлаб тикилиб ўтириши мумкин эди. Унинг учун буларнинг бари улкан, соҳир бир қўшиқ эди — уни тинглай олиш учун туғма салоҳият ёки катта тайёргарлик лозим эди. Ғариб эса буни дилининг туб-туби билан ҳис қиларди.

Шундай бўлса-да, у бошқа қўшиқ айтмади — энди улғая бошлаган, ўткир ҳис ва сезимлар билиниб-билинмай йўқолиб бораётган эди. Мактабда эса у жуда

ёмон ўқирди — маъниси очик-ойдин, яққол кўриниб турадиган жумлаю таърифларидан кутилмаган, кўпинча, ўқитувчиларининг таъбирича, аҳмоқона хулосалар чиқарар эди. Бу хулосалар фан исботларини рад этган ҳолда, ўзининг тушунчаларига яна бир далил бўлиб қўшилар, бойитарди.

Ғариб ана шундай тарзда шўраларнинг ҳаракатла-нишини билиб олди.

Сентябрнинг охирларида Ғарибнинг ўқитувчиси — куйканаккина жувон эшик қоқиб келди. Узоқ ҳол-аҳвол сўрашишдан ва «олинг-олинг» қабилидаги манзиратлардан сўнг, ўқитувчи:

— Ғарибжон қайда, овсин? Бир гаплашиб олай деган эдим, — деди.

Она унинг ташрифи сабабини тушунган эди. Аммо ҳозир Ғарибнинг қайдалигини ўзи ҳам билмасди.

— Билмасам, — деди у елка қисиб. — Менга айтмайди, аллақаерларга бориб келади. Кечқурун қайтади, — деди шикоятмуз оҳангда. — Нима, тагин икки олдим?

— Унинг тасавури ғалати, сезган бўлсангиз керак, — деди ўқитувчи. — Бугун, айниқса, ошиб тушди. Дарсимиз биология эди, дабдурустдан кўлини кўтариб «муаллим, балки ўсимликлар ҳам одамга ўхшаб ўйлар?» деб савол берди. Мен, албатта, ундай бўлиши мумкин эмаслигини тушунтирдим. У нима деди денг? Гўё шўраларнинг у ёқдан-бу ёққа юрганини кўрган эмиш. Ҳеч жаҳонда ўт ҳам юрадим?

Она жувоннинг кўлидан тутиб, ажиндор кўз жияк-лари намланган кўйи, овози титраб:

— Мен ҳам шундан хавотирдаман, синглим, — деди ёлворувчи оҳангда. — Ҳар хил гапларни айтади, кўрқаман. Қартайганда топган боламнинг миясида нимадир бузуққа ўхшайди? Ё катта бўлса йўқолиб кетармикин?

— Йўқолса, шу вақтгача йўқоларди, — деди жувон қатъий қилиб. — Ғарибнинг фикр юритиш мантиғи жудаям ўзига хос. Айтишига қараганда, шўра ўти фақат шўриш келган ерда ўсар эмиш...

Онаизор умидвор кўзларини жувонга тикиб:

— Энди нима қилдик-а, сингил? — деб сўради.

— Сиз кўнглингизни тинч қилинг, — деди ўқитувчи. — Мен ундаги ўзгаришларнинг боиси нима эканлигини билгани келувдим, холос. Унга қаттиқ гапирманг, телба хаёлларини айтса, ётиғи билан тушунтиринг, опа. Мен тез-тез келиб тураман, — деб ўрнидан қўзғалди.

\* \* \*

У кетгач, онанинг қўли ишга бормай, сўрида ўтирганича узоқ хаёлга толди.

Ғариб қуёш ботиб, соялар узайган ва қуюқлашган чоғда уйга кириб келди. Унинг ҳаммаёғини чанг қоплаган, ҳатто киприкларигача оқариб кетган, аммо ўзида йўқ хурсанд эди.

— Она, — деди у терисига сигмай. — Топдим, ахийри топдим. Шунақа зўр-ки.

— Нима топдинг? — сўради она. — Китобми?

— Мана, ўзингиз кўринг, ажойиб, — Ғариб шимининг бўғзига қистирилган китобчани олиб, онасига узатди. Бу — Бобораҳим Машрабнинг юпқагина девони эди.

— Менинг ичимдаги бор гап шунда экан, — сўзларди Ғариб. — Ўқиб, галати бўлиб кетдим... Айтмоқчи, ўқитувчимиз келдими?

— Сен қайдан билдинг? — сўради она.

— Билдим-да... Боя уйимизни сўровди.

— Ҳой, ўтнинг юрганини қайда кўрган эдинг? — деди она. — Опангни роса хафа қипсан-ку? Шунча берган дарсларим қор қилмабди, деб кетди.

— Ростдан ҳам юради-да, — деди Ғариб ишонч билан. — Фақат ҳеч кимга билдирмайди. Қарамай турганингизда пойлаб туриб, шип этиб бошқа ёққа ўтиб олади. Жудаям айёр.

— Унда нимага мен кўрмайман? — деб сўради она, ўқитувчининг гапларини эслаб. — Шунча йилдан буён бир мартаям кўрганим йўқ, бошқалардан эшитганим йўқ?

— Билмасам... Ҳеч ким кўрмаса керак-да, — деди бола ўйланиб. — Одамлар кўрса, бунақа сурбет бўлиб кетишмасди. Улар ҳатто гаплашишади ҳам.

— Нима деб гаплашишади? — калаванинг учини йўқотиб қўйди она.

— Тушунмайман, доим пичирлашишади, бир бегона тилда, — деди Ғариб. — Юрадиган фақат шўралар эмас. Ернинг шўри бор-ку, шуям юради. У айёр, ёмон, нукул одамларни пойлайди.

— Балки девор ҳам юрар? — деди она, аччиғи чиқиб.

— Йўқ, у юрмайди. Шўр юради. Кеча Улфат хола-нинг уйининг орқасидаги шўр бор-ку, ўша ерда ўтирсам, югуриб келиб деворга чиқиб олди. Шўралар ҳам унинг орқасидан етиб келишибди. Ҳадемай Улфат хола-нинг уйига ҳам кириб олишса керак... Майли, мен мана буни ўқийман, — деб у китобчани олди-да, хонасига кириб кетди.

— Билганингни қил, — деди она, ўғлига гап топиб беролмаганидан хун бўлиб. — Отанг тирик бўлганида эди, бу гапларинг учун қулоғингни узиб оларди.

— Ҳеч-да, — эътироз билдирди Ғариб, айвондан туриб. — «Яша, ўғлим», дерди.

Онанинг бирдан кўнгли эриб, борақол дегандай бош силкитди ва анча хотиржамланиб, сигирлардан хабар олгани ўтиб кетди.

\* \* \*

Кеч кирди. Ғариб деразанинг шундоққина ёнида, гириллаб эсиб турган шабадага юзини тутиб, Машрабнинг девонини варақлар, дилида улкан бир ҳайрат ва ҳурмат юксалиб борар эди.

Бу илоҳий мисралар қайдан бино бўлган? Асли нима у — сўзларнинг у ёки бу даражадаги қоринмаси наҳот дилга шунчалик таъсир эта олишдек қудратга эга? Бу улуғ жафоқаш ким ўзи, қайдан дилига бунчалар куч-

ли ишонч ва дадилликни топа қолди? Нега унинг учун у дунёю бу дунё бир пул? Фарёд чека-чека оламдан нени излади у? Ишқ деганда кимни назарда тутаётир — жамолига ақл бовар қилмас бир парирўними, бани одамними ёхуд... ёхуд... кимни, ахир? «Дунё ясаниб, жилва қилиб олдима келди. Борғил нари, деб кетига бир шатталаб ўтгим...» деса, «жаннату ҳуру филмонни фучак пулга сотиб ўтса», мақсади, маслаги не эди у зотнинг? Бу қадар дарду алам, оҳу гам қайдан, қайдан ахир? Нега у яккаю ягона? Нега ҳеч ким шеъриятнинг бундай юксакликларига кўтарила олмайди? Не сабабдан ҳозир Машраб сингари одамлар йўқ, ахир дунёи дун ўша-ўша — ҳануз бебақо-ку? Бу кекса олам, бир қанча фоний лаззатлардан бўлак нима берди одам боласига? Қани энди иложи топилсаю бу табаррук зот оёғининг муборак чангларини кўзингга суртсанг, жамолини кўриб, бир оғиз ҳам сўз айтолмай тўйиб-тўйиб йиғласанг?..

Ўзини тавоф қилган бандаи мўъминларни «қоч нари» деб итариб-суриб, у кимнинг жамоли сари интилган?..

Фарибнинг кўнглида яна бир сирли оҳанг бино бўлди, у дилни тўлдиргандан-тўлдираверди, қаршисида, кўз ўнгида деворлар сурилиб, кимдир дунёга лаънатлар ёғдирганча кела бошлади:

*Кўрдимки вафоси йўқ экан ушбу жаҳонни,  
Миндим ажал отини мен қамчилаб ўттим,*

гўё куйи илоҳий таралди:

*Нафс кофири бирла куну-тун тинмай уруштим,  
Танҳо қиличи бирла уруб ҳай-ҳалаб ўттим...*

Фариб, ҳозир юраги ёрилиб кетажагини ҳис қилганча бу куйни титраб эшитиб ўтираберди. Яноқларини недир куйдириб ўта бошлади.

Ҳайҳот, ҳатто кеча-да дардманд эди — тун бу кўҳна олам устини беҳолгина чулғаган, осмон йиртиқларидан юлдузлар зўрға милтиллаб туришарди. Шабада-да ўлимтик, рангсиз дарпардани ожиз ҳилпиратарди.

Шуур қатламлари аро чалинаётган куй — бу асрлар оша етиб келаётган нидо, ҳаво — шу асрлар оралиғида яшаб ўтган зотларнинг зарралари, овоз соҳиби — улуг жафокашнинг нақ ўзи эди... гўё.

«Эй йўловчи, — деб куйлар эди ҳаво зарралари мисли кўрилмаган бир уйғунлик билан, бесасу бесадо, — эй йўлчи, гар вақтинг зиқ бўлса ҳам бизлар сари бир қадам ташла, аждодларингни ёд эт, улар қошида бир нафас тек тур ҳам руҳларига тинчлигу ором, ўзингга умр-фаровонлик тила — кўнглинг ёришгуси... Бизлар ҳам бир вақтлар худди сендайин эдик, шуни идрок қил-да, имонингни покла, ахир бир вақтлар бизнинг юзимиздан ҳам худди сеники янглиғ шафоат ёғдуси балқиб турар эди, дилларимиз ҳам худди сеники каби, яхши ниятлар наҳридан баҳра олган эди, билсанг, олам фақат яхшилардан иборатдир, эй саховатли киши, шуни дилингга жо эт ва бизларга алвидо айтиб, йўлингга давом эт. Илло дилинг юмшагуси, дарду ғуборлардан фориг бўлгуси, руҳинг тозаргуси. Йўлингнинг ўнгу сўли интизор кўз тикиб турган аждодларинг билан лиммо-лим тўлуғдир ва сенинг йўлинг ҳам уларнинг йўли янглиғ бир ерда ниҳоя топгусидир. Имонинг басаломат бўлғай, эй яхши одам...»

Фариб, кўзларини арта-арта йиғидан тўхтай олмай, тўлиққан кўйи хаёлидаги нуроний чехранинг тасвирини чизишга жазм қилди ва қаламни қоғозга теккизган сониядаёқ дилини кўрқув чулғаб олди, чулғаган ондаёқ оҳанг тинди, тинган дақиқадан бошлаб теварак азалий кўриниш касб этди. Осмон юлдузларга тўлиқ, дарпарда бетиним ҳилпирар, шабада унинг юзига урилиб, нам изларни қуритарди. Шу ондан

бошлаб Ғариб ўзининг нақадар ожиз ва нотавон эканлигини ҳис қилди, қаламни отиб урди, қоғозни гижимлаб итқитиб, бошини хонтахтага қўйганча инграб юборди. Назарида, шу сония жон бераётгандек эди.

Энди у улуг зотнинг девонини қўлга ололмас эди — жафокашнинг башоратларини уқмоққа на куч, на журъат бор эди. Вужудида бениҳоя безовталиқ бошланди, бармоқлари титрар, кўзлари ёнар эди. Бу ҳолда уни онаси кўрса, қўрққанидан фарёд уриб, одамларни чорлаши тайин эди: шунақанги аҳволга тушган эди Ғариб! Боягина ўзи отиб юборган қаламни олишга ботинолмасди, қолган-қутганларни чизишга уриниб кўрса, ҳаммаси нурсизланиб, жўн бўлиб қоладигандек туюларди. Шу дамдагина у ўзининг ёшлигию омилигидан ўкиниб кетди: ўзича қилган кашфиётларининг бари бир пулга қиммат, хашаки нарсалар эканлиги аён бўлди. Олий билим бу ёқда — энг қадим асотирларда эканки, уларнинг буюклиги, ростлиги ҳам мубораклигида экан... Не андишлар билан қаламни қўлига олиб, титрай-титрай тасаввурдаги сиймонинг сувратини қоғозга туширишга урина бошлади. Тўлиб-тошиб кетган эди, гўё недир уни бошқариб, йўлга солиб турарди, ҳатто қош чизикларининг бири салгина қийшайиб чиққанди, янги қоғоз олиб қайтадан бошлашга ҳам ботинолмади, алоҳал сўнгги чизикни ҳам тортдию қўлидан қалами тушиб кетди, сирли-соҳир куч қайгадир ғойиб бўлди, вужудини чарчоқ, дилини ғашлик эгаллади, наздида, сувратни чизиб катта, кечирилмас хатога йўл қўйган эди. Тасвирга қарашга ҳам журъат қилолмай, руҳи абгор бўлиб ўзини ўринга ташлади ва анчадан сўнггина оғир ҳамда безовта уйқуга чўмди.

Ташқари эса субҳнинг қўрғошинранг ёруғи билан ёриша бошлаган, қушлар сабуҳий наволарини чалмакка тутинган эдилар.



Кўп ўтмай қуёш чиқди, самонинг олтин заврақи кўк узра сузиб, музаҳҳаб кенгликларни ҳаётбахш нур билан мунаввар қилди. Она саҳар туриб ҳовлини сурпурган, энди сўрининг бир четида муштдек бўлиб ўтирганча ўғлининг уйғониб, нонуштага чиқишини кутмоқда эди. Кун ёйилиб кетди ҳамки, Фарибдан дарак бўлмади. Она ташвишланиб ўрнидан турди, дастурхонни ўраб, совиб қолган чойни тўкиб ташлади-да, ичкарига кирди ва ўғлининг ёноқлари бир кечадаёқ туртиб қолганини, худди азобланаётган сингари, кўрпани маҳкам чангаллаб ухлаётганини кўрди. Хонтахта устида эса кимнингдир суврати... Аёл ўғлини уйғотиш фикридан қайтиб, сувратни қўлига олди-ю, эрта ажин тушган юзида таажжуб ифодаси пайдо бўлди. Унда кўзлари алланечук бошқача бир қариянинг тасвири нақш этилган эди. Бундай кўзларни она умри бино бўлиб учратмаган эди — чолнинг нигоҳида ғайриоддий бир сокинлик ҳукмрон эди. Чехра тасвири қоғоз юзини буткул энлаган, агар яқинроқдан қаралса, кўзнинг ич-ичида чўк тушиб самога қараб нолаю афғон чекаётган кишининг тарҳи сезиларди. Ҳаттоки дарахтлар ҳам сажда қилаётган каби замин узра энгашган эдилар, оловранг мевалар кўз ёшлари каби ерга дувиллаб тўкилар, дунё эса улкан ёнғин ичра ловуллаб ёнарди. Она «ё тавба» деб эшик томон юрди, қизиқиши қўймай, яна қаради: ажабки, узоқроқдан туриб кўз ташланса, бу тасвирлар сезилмай қолар, қариянинг нигоҳи эса яна сокинлик касб этарди. Бола бунда икки бир-бирига қарама-қарши нарсани бирлаштирган эди. Она тамом лол бўлиб, қайтиб бориб сўрига ўтирди-да, ўғлининг уйғонишини кута бошлади.

Адол опа мойбўёқ билан ишланган сувратларни шу вақтгача учратмаган эди. Баъзан қишлоққа учоёғини елкасига ортиб, кекса татар расмчи келар, мактаб болаларини қатор қилиб ўтиргизиб қўйиб «ана, қараб

турғиз, ҳозир попишак учиб чиқади» деб, ўзи бошига қора мато ёпиб оларди. Попишакнинг учиб чиқмаслигини у худо раҳмат қилгур эри билан никоҳланган кезларидаёқ билиб олган эди. Ҳозир бу сурат ичкари уйда, оқ рўмол остида турипти. Эр-хотин суратга бош-қа тушишмади. Татар киши аҳён-аҳёндагина келади, шунда Адол опа ҳам мактаб болаларининг суратга тушишларини томоша қилади. Улар қандай келишимсиз тушган бўлсалар, расмқоғозда ҳам шу акс этади.

Она ўглининг чизганларидан кўра ўша чолнинг расмлари яхшироқ эканлиги ҳақида ўйлади: ҳаммаси аниқ-таниқ, ҳаётда қандай бўлса шундай. Ғариб чизган сурат эса ғалати: одамнинг кўзида ҳам одам яшайдими? Яна, бу чол одамга унча ўхшамайди ҳам: аллақандай бошқача.

Қуёш билиниб-билинмай кўк тоқига кўтарилиб борар, кун тобора исир эди. «Кечаги айтган гапларининг таъсирида чизган бўлса керак», — деб ўйлади Адол опа, ўглининг ўша пайтдаги ҳолатини кўз олдига келтириб.

Кеча она Ғарибнинг чорбоғда кўп қолиб кетганидан хавотирланиб, уй ортига ўтган, унинг кўра ёнида ўсган қуюқ бутазор ёнида ким биландир суҳбат қураётганини кўрган эди. Пешин пайти, кун иссиқ, гармсел эсарди. Адол опа ўғлига яқинроқ бориб, толнинг ғадирбудур танасига хиёл суянганча қулоқ тутди. Ғариб уни пайқамади, бошини солинтириб, ниманидир маъқулади.

У ким билан суҳбатлашаётган бўлиши мумкин? Буталар орасида ҳеч ким йўқ, яшил шох-шаббалар гармсел домида оҳиста чайқаларди, холос.

— Ҳа-ҳа, — деди Ғариб, деярли пичирлаб. — Кўрганман. Ҳаммасини кўрганман...

Унинг қошлари саволчан чимирилди, кўзлари чақнаб, лаби яна сўзга жуфтланди:

— Ҳавода ҳам, одамларда ҳам, дарахтларда ҳамми? Унда мен-чи?

— Аммо, бу руҳ эмас-ку?

— Танми? Ўткинчи бир матоҳми?

— Билар эдим ҳаммасини. Билар эдим... — тагин шивирлади бола, беадад ғуссаю армон билан. — Тушиммикин, дер эдим. Наҳотки рост бўлса...

У индамай қолди. Ариқчадаги сув қаттиқроқ шилдираб оқа бошлади. Адол опа «нима бўлган ўзи бунга?» деб ўйлаб, чақирди:

— Фариб...

Бола ялт этиб онасига қаради.

— Нима қилаётибсан бу ерда?

— Яна гаплашаётибман, — жавоб қилди бола.

— Ким билан, тентак?

— Анави бута билан, — рўпарасидаги барглари исикдан сўлинқираган жингилни кўрсатди Фариб. — У ўзининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб берапти.

— Дам ўтларнинг юрганини кўрсанг, дам жингуллар билан гаплашсанг... Қанақа боласан ўзи? — койиди уни Адол опа.

— Эгатга кирсам, кимдир чақираётганга ўхшаб қолди. Атрофимга аланглаб ҳеч кимни кўрмадим. Паллақларга энгашсам, яна овоз келди. Қарасам, шу бута. Биласизми, у бир вақтлар одам бўлган экан. Жуда қадим замонларда... Мен зоҳид эдим, шу ерда, дарахт остида туну кун ибодат қилардим, деяпти. Ўша вақтларда бир авлиё яшаган экан. Шаҳар амирининг буйруғи билан уни ўлдирмоқчи бўлиб, ордидан қувишибди. Зоҳид ибодатини тугатиб жойига қайтаётганида от чоптириб ўша авлиё ўтибдию кунботарга қараб йўл солиб, кўздан гойиб бўлипти. Бир оздан сўнг, қувловчилар етиб келишибди. Изни йўқотиб, гангиб туришибди-да, зоҳидга кўзлари тушиб: «Эй покдомон, шу ердан бир одам ўтиб эди, қай тарафга кетди? Оллоҳ номи билан қасам ичиб, фақат ростини айт» дейишибди. Зоҳид ўйланиб қолибди. Авлиё ҳеч бир гуноҳ иш қилмаган покиза зот эди, ундайлар энди туғилмайдилар, деяпти бута. Қувловчилар тоқатсизланиб дўқ ура бошла-

шибди. Шунда зоҳид худога мурожат қилиб, ўша авлиёга заҳмат етмаслиги учунгина ёлғон гапиришга мажбур эканлигини, бунинг учун мағфират этишини ёлворибди, сўнг қувловчиларга жавоб берибди: «Аллоҳимнинг номи билан айтаманки, у кун чиқарга томон йўл олди...» Шу заҳоти ерга йиқилиб жон таслим қилибди...

Ғариб бир нафас тин олди, онасининг оқаринқираган юзига қараб гапни давом эттирди:

— Шу бутада ўша зоҳиднинг зарралари бор экан. Мен ҳам аввалига тушунмадим. Кейин ўйлаб қарасам, бари рост — зоҳид шу ерда ўлган, она. Сўнг бутага айланиб, ўсиб чиққан. Ўлганлар ҳавода, ўт-ўланларда, ҳатто одамларда ҳам яшар эканлар. Кимнингдир қабри устидан униб чиққан олмада ўша кишининг зарралари бор эмасми? Кейин улар олмани еган кишига ўтиб қолади. Мана бу сувга қаранг. Бу сув эмас, дунёдан ўтиб кетган одамларнинг умри-ку, ахир?

— Сени ажина чалғитибди, — деган эди она ўшанда, кути ўчиб. Ғариб эса кулган эди:

— Йўқ, ажина бунақа ақлли эмас. У кундузлари соянинг ичига кириб олади-да ўша ерда ўтиради. Кечалари эса азбаройи зерикканидан одамларни довдиратади... Бу бута эса асли файласуф. Ўзининг дунё тўғрисидаги фикрларини менга айтиб берди.

Ўгли чизган суврат онага шу воқеани эслатди. Суврат билан Ғариб сўзлаган ҳодисалар орасида илғаб етиб бўлмас боғлиқлик бор эди, кўз ичидаги хира тасвирлар умр ва унинг мазмуни эди гўё... Адол опа «қатта бўлса бунини ўша татар чолга шогирд қилиб берсак бўлар экан, мунақа сувратлар чизгунча, мактаб болаларини расмга олсин, савоб бўлади. Амакиси келса, бир нарса дер. Агар маъқулласа, майли, бир илож қилиб расмга оладиган асбобини ҳам олиб берарман» деб хаёлидан ўтказди. Шунга қарамай, теваракдаги ҳамма нарсалар вафот этган кишилар хоки туробининг зарралари деган фикр унга ўз таъсирини ўтказди, у ҳатто шу кунини сув ичишдан ҳам тортиниб юрди...

Куёш найза бўйи кўтарилган пайтда Ғариб уйғонди. Унинг кўзлари қизарган, руҳи абгор эди. Юзини ювиб келиб, нонуштага ўтиргач:

— Расм чизибсанми, ўғлим, — деб сўради она.

— Уми, Машраб... — деди бола. — Нега эртароқ уй-ғотмадингиз? Пешин бўлиб қолибди-ку?

Бир дақиқа ўтгач, худди нимадир эсига тушгандек, илкис:

— Бояги киши яна келди, она, — деди хўрсиниб. — Ҳали ухламаган эдим. Ҳаводан сузиб-қалқиб чиқиб, бош томонимга ўтириб олди. Кийими ҳам, юзи ҳам оппоқ... Ҳадеб бошини чайқайди. Балки бобомми? У ҳофиз бўлган-а?

— Ҳа, бобонг ҳофиз эди, болам. — Адол опанинг дилида ўтмиш хотиралари уйғонди.

— Қизиқ... Биласизми, она, кўзим уйқуга кетай-кетай деганда кўрина бошлайди шунақа шарпалар. Туш билан ҳушнинг орасидан қалқиб чиқишади. Бир маҳал ўзимга келиб, ярқ этиб кўзимни очаман — кейин юрагим шувиллаб кетади: ахир, ухламаган эдим-ку, дейман ўз-ўзимга... Ўша одам тепамда узоқ ўтирди. Бирам ачиниб термиледи-ки. Аниқ-таниқ эсимда — кўзлари катта-катта эди... Қарасам... йўқ-йўқ, уйғонганимдан кейин ўйладим — у менга жуда ҳам ўхшар экан. Ё ўзимманми, она? Келажагимни кўрдимми?..

— Бобонгни отиб ташлашган, — деди она, кўнгли вайрон бўлиб. — Тўйдан, қўшиқ айтиб турган еридан олиб кетишган. Шу-шу қайтиб келмади. Гўри қай ерларда экан, билиш қийин...

— Нега отишган? Қўшиқ айтгани учунми?

— Мен қайдан билай? Билсам шунчалар куярмидим?

— Нега ўтган кишилар ғалати қўшиқлар куйлашган? — деб сўради Ғариб туриб-туриб. — Уларга нима керак бўлган ўзи? Мен жуда кўп китоб ўқидим, она. Ҳаммасида шунақа...

Она индамас эди.

Ғарибнинг кўз ўнгида чордана қуриб ўтирган давра, унинг ўртасидаги шижоатли чол намоён бўлди. Еру осмон баб-баравар оқ чекар, нолавор қўшиқ кўкка бетиним ўрлар эди: «Хуш қолинг, ман эмди кеттим, эй ёронлар, алвидо, Тушуб шоми ғариблик, дилда армонлар, алвидо...» Аҳли давра юм-юм йиғлар, қўшиқ кўнгилларни тиф мисол бўлақлар ва руҳнинг бетартиб парчаларидан ҳам азим бир нидо отилиб чиқаверарди: «Ҳажр аҳли келди, тутги ёқамдин, Бағримни тилгил пайкони ғамдин, Минг доду фарёд ушбу аламдин, Ёрга етар кун борму, ёронлар?..» Сўнг давра қаёққадир чекинди, ўрнини маҳобатли панжаралар, совуқ ва зах ҳибсхона, қип-қизил туман эгаллади. Энди ҳофиз осмонлар оша қаёққадир учиб борар эди: «Банданг эрурман, валлоҳу биллоҳ, Шому сахарлар мен сенга шайдо. Келдим эшикка деб «шайъалиллоҳ», Кўрдум юзунгни, алҳамдулиллоҳ...»

Бул нидо шу қадар таъсирчан эдики, боланинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди ва ўзини онасининг бағрига отиб, бўзлаб юборди: «Она, менга бир нарса керак, онажон? Нималигини ўзим ҳам билмайман, кимлардир мени тушимда узоқ-узоқларга олиб кетадилар. Осмонлар оша учаман, етдим деганимда кўнглим шунақанги тўлиб-тошадики, чидаёлмай уйғониб кетаман. Кўзимни очсам, йиғлайвериб ёстиқни жиққа ҳўл қилиб юборган бўламан... Менга нима бўляпти ўзи, онажон?..»

\* \* \*

Вақт ўтган сайин Ғариб бундай ҳолатларга камроқ туша бошлади. Ҳар ҳолда, онанинг ўтинчи рўёбга чиқди — Ғариб «ғалати» гапларини бас қилди, бироқ, кечалари ухламай чиқишини канда қилмади. Онани шоён хурсанд этиб, бирданига хўжалик ишларига қизиқиб қолди, энди у мол-қолга қарашни буткул ўз зиммасига олган эди. Мактабда таътиллар бошланган кун-

дан эътиборан, у ҳар куни ўроқ-қопини олиб далага чиқиб кетар ва бостирма остини оламжаҳон ўт-хашак билан тўлдириб ташларди. Бунақа ўтқир исли ўтларни у қайдан топиб келарди — онага қоронғу эди, қишлоқ атрофидаги ўтларнинг иси эса бунчалик эмас. Ғариб қопини ағдарганидаёқ чучмал, тиниқ, димоқни қитиқлайдиган ис ҳовлини тутиб кетарди, гўё чўл шабадаси эсгандек бўларди.

Чамаси, оламнинг қарилиги уни ортиқ безовта қилмай қўйган эди: бунинг сабаби, балки, Ғарибда балоғат даври бошланганидан бўлса керак. Аксарият ўсмирлар бу даврда гап кўтармайдиган инжиқ ва ичимдагини топ бўлиб қоладилар. Ғарибда ҳам шу ҳол юз берди.

Кунларнинг бирида эса онасининг олдига маъёо ҳолда келди ҳамда индамай ўтириб-ўтириб:

— Она, мен яна расм чиздим, — деди. — Кўрасизми?

— Чизмайман деган эдинг-ку? — деди она, ўғли узатган қоғозни оларкан. Ғариб жавоб бермади.

— Бу қиз ким? — она ўғлига ҳайрат билан боқди. — Кимнинг қизи, бўйларингдан айланай?

— Ким билади? — елка қисди Ғариб.

— Яна сир ҳам сақлайдилар, — эркалаб койиб қўйди она уни. — Билмабман, кап-қатта йигит бўлиб қолибсан-а, Ғарибжон. Мен сени ҳалиям ёш бола деб юрипман.

— Хаёлимда, тасаввур қилиб чиздим, — деди Ғариб. — Ўзи кўриниб турди, олдингисини қандай чизган бўлсам, буниям ўшандай... Роса қийналиб кетдим. Жуда кўп чизиб қўйганман, она. Ҳеч тўхтамай олмадим. Нимага шунақа экан-а?

— Илҳом деганлари шу-да, — деди она. — Илҳом келса, одамлар дунёни ҳам эсидан чиқариб қўяр экан. Бошқа расмларинг қани?

Ғариб ҳозир олиб келаман, деб ичкарига кириб кетди. Она расмга қайта разм солди. Бу ёш бир қизнинг суврати эди. Кўзлари қоп-қора, тиниқ, латиф юзидан софлик уфуриб турарди. Қандайдир паришон тикилиб

турганга ўхшайди, она расмнинг қаеридир бошқача, шу вақтгача кўрган сувратларига ўшамаслигини пайқаб турарди, аммо қаери? Гўё сувратдан билинар-билимас бўлиб узоқ асрларнинг қатланиб ётган бўйи келиб турарди. Она афсус билан бу қизни Ғариб ёқтириб қолган деган хаёлидан қайтди — қиз бу оламга бегона, на кўл, на нигоҳ ета оладиган олис-олислардагина мавжуд, яъни тасаввурнинггина маҳсули эди.

Ғариб бир даста суратлар билан қайтиб келди. Уларнинг бари қора қалам билан чизилган, барида ўша қизнинг чеҳраси тасвирланган эди.

Ғариб суратларни дастурхон устига қатор қилиб териб қўйди.

— Энди қаранг, — деди у. — Мана буниси биринчи марта ишлаганим. Тугатишим биланоқ яхши чиқмади, бошқатдан бошлайман деб ўйладим. Иккинчисидан сўнг учинчисига ўтдим, ундан тўртинчисига... кейин қарасам, ҳаммаси яхши чиқибди. Энг яхшисини олиб қолиб, бошқаларини ташлаб юбормоқчи эдим, қўлим бормади. Сиз айтинг, қайсиниси яхши?

Она уларни фарқламоқ учун узоқ тикилди ва елка қисди:

— Билмасам, болам. Бари бир-биридан бошқача.

— Мен ҳам шунга доғман-да, — деди куйиниб Ғариб. — Буларнинг ҳаммаси бирикиб битта одамни ҳосил қиляпти, биттасини ташлаб юборсам ҳам кемтик бўлиб қоладигандек худди... Яхшилаб қаранг-чи, Нўъмон аканинг қизи Зарофатга ўхшамайдими?

— Ўхшайди, — иккиланиброқ жавоб қилди она суратдан кўзини узмай.

— Э, ўхшаганда қанақа денг? — Ғариб тўлқинланиб кетди. — Шунақанги ҳайрон бўлдимки, асти қўяверасиз. Қизиқ-да, менинг хаёлимдаги одам шундай ёнгинамизда яшаб, сув ташиб, эшик супуриб юрса... Нақ бўлмаса, ўшанинг расмини чизиб қўйишимга сал қолди. Одамнинг қиёфаси ҳар етти авлодда бир такрорланади дейдилар-ку, балки Зарофат хаёлимдаги қизнинг неварасининг неварасимикин?



— Э, тавба, — деди она ёқасига туфлаб олиб. — Хаёлингга нималар келмайди-я? Бунақа бекорчи ўйларингни қўй энди, ўғлим. Одамови бўлиб қола-сан-а?

— Рост, она. Дарс пайтидаям ундан кўзимни узолмайман. Худди ёнимда, мен билан битта хонада жуда қадим замонларда яшаган суворий хотин ўтирганга ўхшайди... Балки Тўмарисми?.. Қошлари туташиб, тигдай қайрилган, қирра бурун, юзи шиддатли, худди шартта ўрнидан туриб «Мана, эй Кайхисрав, сен қон истаган эдинг, энди тўйгунингча ич», деб юборадигандек худди...

«Ҳали бу бола Нўъмоннинг қизини яхши кўриб қолган бўлса-я?», — деб хаёлидан ўтказди Адол опа, беихтиёр истиффор айтиб. Сўнг:

— Бошқаларини ҳам бер-чи? — деди қизиқиб.

Фариб яна иккита қоғоз узатди. Уларнинг бирида хув ўша, аввалги суратлардаги нуроний чехра тасвирланган, иккинчиси эса жуда озғин, қилтириқ бўйинли, кўзлари ҳайратомуз катта ўспириннинг расми эди.

— Бу менинг ўзим, — деди Фариб. — Наригиси эса Машраб. Ишни тугатганимдан кейингина хаёлимга келди, мен ҳадеб Машрабни чизаётган эканман.

Аmmo Адол опа нуроний чехрага қайтиб қарамади, ҳайрат билан:

— Сен бунақа эмассан-ку. Нега бунақа қилиб чиздинг ўзингни? — деб сўради.

— Мен шунақаман, — жавоб берди Фариб. — Сиз билмайсиз, ичимда шунақаман.

— Нега унда ўзингни хафадай чиздинг?

— Ўзим ҳақимда ўйласам, кўз олдимга шу бола келади, — деди Фариб. — Келиши ҳам қизиқ. Хаёлимда эмас, ўнгимда келганга ўхшайди. Кўзимни юммасам ҳам кўриб тураман, ҳавода осилиб-чайқалиб кўринаверади. То чизиб бўлмагунимча кетмайди, агар бирор ерда хато қилсам, тўғриламагунимча безовталанаверади.

— Қачон чизган эдинг буларни? — сўради она.

— Ҳар хил. Чолни чизганимга бир ойча бўлди, қизга ҳам. Ўзимни икки кун аввал чиздим.

— Сен нима чизмагин, менга ёқаверади, — деди она. — Чунки, менинг боламсан, битта бўлагимсан. Амакинг келса, бир нима дер?

— Амаким келгунича яна беш-олтита расм чизиб қўйсам керак, — деди Ғариб кулиб. — Роса ишчан бўлиб кетдим ўзиям...

\* \* \*

Онанинг кўнглида энди ўглининг мусаввир бўлиб етишажагига ишонч уйғонган эди. У қайниси келгач, маслаҳатлашиб Ғарибнинг сувратларини кимгадир кўрсатишни ният қилиб қўйди. Бироқ, Ғарибни мавҳум хаёллар буткул тарк этган деган фикр нотўғри эди — у ҳануз дунёни ўзгача ҳолда кўрарди. Юзаки ташланган назарга худди ўзаро мутаносибдек туюладиган олам ичра тенгсизликлар бунчалар кўп? Нега унинг сарвари ҳисобланган инсон бунчалар ёвуз? Нега бундан ҳатто Ғарибнинг ўзи ҳам мустасно эмас? Наҳотки, ғорат қилмасдан яшаш мумкин бўлмаса? Мутлақ покликка қай йўл билан эришиш мумкин?

Ғариб бу оламда мутлақ покликка эришиб бўлмайди, деган тўхтамга келди ва тагин гўшт ея бошлади. Бундан бир ойча аввал у, қўшнининг бевақт қичқириб қўйган хўрозини сўйишга ёрдамлашган ҳамда шўрликка азбаройи ачинганидан, бундан бу ёғига минбаъд гўшт емайман деган хулосага келган эди. Ҳолбуки, ҳатто жон-дилиг билан софликка интилган тақдирингда ҳам барибир ёвуз бўлиб қолавераркансан, яшаш учун курашнинг маънисини ўзинг учун бошқаларни қурбон қил, деган гап экан. Бундай хулоса Ғарибни танг аҳволга солиб қўйди, у ҳатто кўрқиб кетди — унда, одамнинг мавжудлиги у келтирган офатларнинг ўрнини боса олармикин? Бошқа умрлар ҳисобига умр кечириш ҳаром эмасми? Унда... Унда...

Ана шу тариқа Ғариб яшамоқ — буюк фожиадан бошқа ҳеч нарса эмас, деган ўтган аср файласуфларига хос тўхтамага етиб келди.

Орадан тўрт кунми, беш кунми ўтиб Ғариб ғалати бир туш кўрди. Бу туш уни ҳазилакам саросимага солмади. Бир неча кунгача унинг таъсиридан қутула олмай юрди. Хобида зоҳир бўлган манзара — осмонни энлаб, борлиққа даҳшат солиб беун сурилиб келаётган ғайризаминий мудҳиш кўланка дам-бадам шуурида кўрқув уйғотиб, теваракни ўз исканжасига олганча ҳар ер-ҳар ердан — гоҳ янгигина ағдарилган тупроқ орасидан, гоҳ дарахтнинг қуруқшаган шохларию кўкдаги увода булутлар оралиғидан ўз аломатларини намоён қилаверди.

Бу туш аллақандай ўзгача қонуниятлар ҳукмрон бўлган, ақлу тасаввур қамраб ололмас даражадаги сирли оламнинг даракчиси эди гўё. Бу олам қайларда мавжудлигини ва унда қандай жонзотлар яшашини ўйлашнинг ўзиёқ йигитчанинг кўнглида бемисл бир кўрқинч уйғотар эди. Унинг бетийиқ тасаввури атрофдаги ҳар бир ҳодисадан қора кўланканинг аломатларини излаб топаверди, шунга монанд, руҳи баттар чўкаверди — ниҳоят, ўзи чизган суратлардан ҳам ҳайиқа бошлади. Худди жони бордай туюладиган қатор тасвирлар ортида улкан, сирли, англаб етиб бўлмас қудрат ниҳондек эди.

Туш бир неча кундан бери Ғарибнинг хаёлини банд этиб юрган сувратни чизишни бир оз орқага сурди. Ғариб уни «Муножот» деб номлашни ният қилиб қўйган эди. У қай йўсинда яратилади ва нима ҳақда бўлади — ҳали аниқ эмасди, аммо кўнгли сезиб турардики, бунёдга келажак янги сурат шу чоққача чизган барча машқларидан ўн карра, юз карра юксак ва ажаб бўлади... Бу сурат Ғариб кўнглининг нақ акси бўлиб қоғозга михланади! Бу сурат чини билан муножот сингари, бир нолавор кўшиқ сингари оламни энлаб-чулғаб парвоз этади!.. Ҳозирча Ғарибга аён бўлгани фақат шугина эди, холос. Сирли туш уни бу ишга қўл уришдан пича чўчитди.

Туш нозил бўлган куннинг эртасига руҳида тагин бир ўзгариш рўй берди.

Ярим кеча. Осмон худди тушдаги сингари қоп-қора, юлдузлардан асар ҳам кўринмасди. Фарибнинг юраги сиқилгандан-сиқилаверди ва дераза ёнига бориб, тунга тикилди. Йўқ, бу тун эмас, сирли-соҳир бир мўъжиза эди — у худди тирикдай, билинар-билинмас нафас олаётгандай, хўрсинаётгандай, оҳ чекаётгандай... туюларди. Ниҳояси йўқ қоронғилик ичра тун жондорлари изғиб юришарди.

«Қани айт, кимсан ўзинг? Нечун яширинсан? Мақсадинг не?..» — хаёлан мурожаат қилди Фариб ва интиқ бўлиб кута бошлади. Наздида, қаердандир, қандайдир бир йўсинда жавоб берилиши керак эди — бу ўй-хаёлини шу қадар эгаллаб олган эдики, дераза ёнидан бир қадам нари жилишга ҳам журъат қилолмасди.

Туннинг ранги борган сайин қуюқлашаверди ва алоҳа, бағридаги жондорларнинг ҳаракати ҳам сезилмай қолди. Энди бутун олам уйқуга чўмган эди. Фақат замин бағридаги зарра мисол бир вужудгина тун қаъридан саволига жавоб кутаётган эди. Бироқ, ҳеч қандай ишорат содир бўлмади. Ўзидан туш орқали хабар берган сирли дунё жим, сукут сақларди.

«Сен менинг руҳимдамисан...» — деди хаёлан Фариб ва дераза ёнидан кетиб, ухламоқ учун ўринга чўзилди. Аммо уйқуси буткул ўчган эди. Вужудида ўзи илғарилғамас галаён уйғонди. У қайтиб ўрнидан турди, хон-тахта қаршисига тиз чўкди, мўйқаламни қўлига олди ва...

Энди Фарибни тўхтатиб қолишга қодир куч бу оламда йўқ эди!

Мўйқалам остидан бирин-кетин тасвирлар қалқиб чиқа бошлади. Қоғозда ҳаёт барқ урди, жондорлар пайдо бўлди, ерда илк ҳаёт нишонлари юз кўрсатди. Бу ҳақиқий илҳом эди! Қаламнинг бир ҳимоси билан янгигина ниш урган куртаклар абад завол сари кетдилар, энди буюк бир тўфон юзага келди — у бениҳоя

қудратли ҳам даҳшатли эди... Барча тўс-тўполоннинг сўнгида худди ёғду сингари балқиб ва тенг ярми нурдан мосуво бўлиб бани одам тасвири яралди, ёруғлик ва зулмат кураш бошлади. Вақт елдай ўтар, дақиқалар тиним билмай қайгадир учар — уларнинг қаёққа йўқолаётганини ўйлаб кўрмоқ учун заррача фурсат йўқ эди. Бани одам тасвири муттасил улканлашиб бораверди ва бирдан жуда ҳам нуроний бир зотга айланди — уни хочга михладилар. Нуроний зот қонларидан яна бир зот дунёга келди — уни қатағон этдилар, дорга осдилар, терисини тириклайин шилдилар, тирноқлари орасига ғаров тикдилар, оловда куйдирдилар — ул зот аввалгидан ҳам нурлироқ бўлиб маҳдудлик қаъридан соғ-омон чиқиб келаверди ва... ва...

— Менинг тобим йўқми, она... — шивирлади Ғариб иситмадан алангаи оташ бўлиб ёнганча, тасвирлардан ҳайратга ва кўрқувга тушиб. — Она, менга нима бўляпти, онажон?..

Ва ниҳоят, тасвир тенг иккига ажралди — бир томонидан шафоат ёғдуси таралиб, кўзни қамаштирар ва руҳни аллалар, иккинчи томонида эса ўлик кенгликлар акси қорайиб турарди. У ерда жирканч жондорлар тўдаси қайнаб-биқсиб ётар эди. Тўда қоқ ўртасидан иккига айрилди, ер ёрилиб, ҳамма ёққа тупроқ сочилди ва жуда ҳам бемаъни бир башара зоҳир бўлди...

— Оҳ, бўлди... Билдим!.. — деб қичқириб юборди Ғариб қалт-қалт титраганча.

Бу нафс эди! Бу — маккорлик, доғулилик, номардлик рамзи, барча олчоқлар ва пасгкашлар қонининг бирикишидан бунёдга келган мудҳиш нарса — Шайтон Алайҳилаъна эди!

Ғариб иситмаси тобора кўтарилиб бораётганини ҳис қилганча, бунинг жавоб эканлигини англаб етди...

Энди рўпарасида тасвирдан асар ҳам йўқ, унинг ўрнида ҳар турли бўёқларнинг алмойи-жалмойи чап-ланмасидангина иборат бўлган қоғоз ётар эди, холос.

Эртасига Адол опа уни ариққа энгашиб пичирлаб ўтирганини кўрди. Сув шарқираб, тезоб оқар эди. Фариб ариққа энгашганча узоқ ўтирди, сўнг руҳсиз бир ал-позда бетини ювиб, дастурхон ёнига келди.

— Ариқ бўйида мунча қолиб кетмасанг, — сўради она кулиб. — Тағин ухляяпсанми дебман. Сувга тушиб кетадигандек бўлиб ўтирувдинг.

— Кўрган тушимни сувга айтдим, — деди Фариб. — Кўшилиб, қайтиб келмас бўлиб оқиб кетди.

— Нима, ёмон туш кўрган эдингми?

— Э, жуда ёмон, — деди Фариб. — Бир тушуниб бўлмайди. Нималардир бўлди. Худди биров гапириб тургандек... Ишқилиб, кимдир гапиравердию унинг айтганларини мен тушда кўрдим.

— Айтиб бер-чи, болам, — деди Адол опа бетоқатланиб.

— ...Бир бало эмиш, — деди Фариб. — Шундай кўзимнинг олдида турипти. Ой тўлган паллада, у сузиб-сузиб нақ теракларнинг учгинасига етган пайтда рўй берибди. Хўроз қичқирган чоғ экан. Хўроз овози тинган заҳоти, хув нарёгда, Тошкелинчак устида осмон бўйи келадиган қора нарса пайдо бўлибди. Юлдузли осмонда уни бемалол кўрса бўлар экан. У тез ҳаракатланиб, самони энлай бошлади, бир учи ойга етай-етай деганда иккинчи учи ерга — мирзатераклар сояси тушиб турган жойга етиб келди... Теварак-атроф худди сув қуйгандек жимиб қолди, ҳатто теракларнинг барглари ҳам шитирламасди. Зовурдаги қурбақаларнинг уни ўчди, шабада тинди. Борлиқ мудҳиш сукунат ичида қолди. Худди шу чоғда қорамтир нарсанинг биринчи учи осмондан узилди-да, узайиб-чўзилиб ерга туша бошлади...

Фариб ҳаяжонланиб ҳикоя қиларкан, она ҳатто чойини ичишни ҳам унутиб қўйди. Ўғлининг ранги янада оқариб кетган эди. Она тунги осмон тоқида

куюнчага миниб учиб юрган жинқарчани, ўлик кенгликлар узра бор овози билан бўкирган қонхўр махлуқни, осмондан аста сурилиб келиб, чўзилганча ерга тушаётган мудҳиш шарпанию қора ҳовур кўтарилаётган қора чакалакзорни аниқ-таниқ тасаввур қилди ва эти жимирлаб кетди.

Ниҳоят, Ғариб сўздан тўхтади ва пича сукутдан сўнг:

— Уйғондиму ўзимни худди ухламагандек сездим, — деди. — Ухлаган одам карахтроқ бўлиб уйғонади-ку, тўғрими? Мени эса миям тиниқ, кўзларимда ҳам уйку йўқ эди.

— Тушга нималар кирмайди, болам, — деди она, таскин берувчи оҳангда. — Бир хил вақтлар мен ҳам босинқираб қоламан. Парво қилма, ҳамма ҳар хил туш кўради-да. Бўлар-бўлмас китобларингни ўқийверганингдан бу. Мияннга жойлашиб қолгану тушингга кирган...

— Ўзим ҳам ҳайронман, — деди Ғариб. — Қизик нарса-да. Тушимда нима деб ўйлабман денг? То шу вақтгача тушим эмишу ухлаган пайтимдагина ҳақиқий ҳаётга қайтганмишман.

— Кўрган тушинг курсин, гапирма, — деди Адол опа, чой қуйиб. — Мен ҳам маҳлиё бўлиб ўтираверибман, тезроқ нонуштангни қил, ҳали тандирга ўт ҳам қўйишинг керак. Бугун чоликча вақтлироқ чиқмасам бўлмайди, ҳали бир гектар ер шундоқ турипти.

— Келган бало шайтон эди, она, — деди Ғариб маъюс бир оҳангда, гўё унинг гапларини эшитмагандек. — Она, одам ҳеч қачон ёмон бўлиб туғилмайди-ку? Шайтон кўнгилга кирса, нафсни уйғотади, кейин одам ҳам ёмонга қараб кетади... Буям ҳар доим эмас, шайтон қилар ишини қилиб бўлгандан кейин шундай бўлади, сўнг одамнинг умри фақат азоб ва ғашлик билан ўтади. Аввалига, маккор кишилар нега тўкис яшашади, деб ўйладим. Ахир, ёмонлик кишини абгор қилиши керак-ку, ўзингиз шунақа дегансиз. Кейин билсам, минг тўкис бўлгани билан дили ғаш тортиб қолар экан, шу юз-кўзига ҳам ураркан. Абгор бўлгани ҳам шу экан-да. Ўзи, шайтон ростдан ҳам борми, она?

— Бор, — деди она ичида «Худоё, ўзинг сақлагин», деб олиб. — У одамнинг ичида бўлади. Ундан кўра чойингни ичсанг-чи, молларинг ҳам бўкиришни бошлашди.

Фариб ўйланиброқ, нонни ушатиб ея бошлади:

— Ўзим ҳам шунақа деб турувдим, — деди.

Она ўрнидан турди.

«Агар ҳозир кечаги рўй берган ҳолни онамга сўзлаб берсам... нима деркан? — деб ўйлади Фариб, Адол опага қарамасликка ҳаракат қилиб. — Кўрқиб кетар? Мендан хавотирланиб, ҳар турли ўй-хаёлларга борар?

— Сен дарров тандирга ўт қалаб юбор-да, кейин бориб амакингникидан кунжара олиб кел, — деди она рўмолини қайта ўраётиб. — Бунақа гаплашиб ўтиравсам, кеч кириб, тонг отиб кетади-ку? Тур, тез-тез қимирла, болам.

— Хўп, — деди Фариб ва кўчага йўналган онасининг ортидан ўйчан тикилиб қолди. У шу ҳолича яна бир кашфиёт қилган эди, не ажабки, онасининг ана шу кетиб боришида, қуёшда қорайиб, жингиртоби чиқиб кетган юзида тасавуридаги сувора аёл билан англаб етиб бўлмас ўхшашлик бор эди...

\* \* \*

Оламдаги барча нарса бир мўъжиза эди гўё. Фариб бунинг кўнглининг ич-ичи билан ҳис қиларди. Ҳар қандай одам кўкда булутларнинг сокинлик билан сузиб юришига, ёки қора булутларнинг шитоб билан тўпланиб, момоқалди роқ гумбурлашига ва осмону кўк оралиғида шиддатли чақмоқ чақнашига табиатнинг оддий бир ҳодисаси сифатида қараши мумкин дидир, аммо Фариб бу ҳодисаларнинг ортида тасаввурга ҳам сиймай диган бениҳоя улкан бир қудрат ниҳон эканини сезарди. Шундай пайтларда Фариб уйнинг бир бурчагига тикилиб олиб, дағ-дағ қалтираб ўтирарди, ёмғир олдидан эпкин урган намчил шамол эса қайлардан-



дир узоқ-узоқлардан лойқа иси билан биргаликда, яна неларнидир хабарини олиб келарди... Бунинг нима эканлигини у билмас эди, ҳис қилгани — бу хабарнинг жуда ҳам узоқлардан келаётгани эди. Яна, булар — шуур билан англанадиган ва ақл билан тасдиқланадиган нарсалар эмас эди — улар фақат ҳис қилинар эди, холос.

У яна, ҳозирча бу нарсаларнинг моҳиятини аниқ-таниқ билмаётган бўлса ҳам, бир кун келиб албатта билиб олажагини сезар эди. Мана шу уни чўчитаётган эди — ҳар сафар қанақадир янги ҳиссиёт, келажакда уни кутиб турган билимларнинг ғоятда ўзига хос бўлиши билан бирга, қўрқинчли эканини ҳам сездирарди.

Нимадан қўрқмоқ керак? Нимадан севинмоқ керак? Билилмаган нарсаларнинг сони ортса ортардики, ҳеч камай демасди.

Ғариб, теваракни ҳаракатга келтирувчи, шамол ҳосил қилувчи, қора ва оқ булутларни бир-биридан ажратувчи, уруғни айни баҳорнинг маълум кунида ҳаракатга келтирувчи ва уни ип каби яшилтоб бир ўсимтага, ўсимтани эса ям-яшил япроқли ниҳолга айлантирувчи ва шу ниҳолдан анвойи гулларни чиқарувчи кудратни ўзича *к ў р и н м а с* деб атади. Аммо кун келиб, уни албатта кўришини билар ва бунга шубҳа ҳам қилмас эди. Боз устига, туш ва ўнг оралигида қандайдир оппоқ кийинган кимсаларнинг келиши ва уларнинг инсонга ўхшамаслиги, тасаввурда майсаларнинг гапириши ҳамда гўё жонсиздай туюлган нарсаларнинг ҳам аслида жонли эканлиги каби воқеаларнинг бежиз эмаслигини у аниқ-таниқ билиб турарди.

Масалан, тун ҳам аслида жонли бир нарса эди. Буни Ғариб болакайлигидан бери биларди. Тун, кечаси борлиқни энлаб, сездирмай келар эди, унинг келишини Ғариб кўриб турар эди. У аввало сояларга бекиниб олар эди, қуёш ботиб, соялар узайгани сайин у ҳам улкан-

лашиб борар эди. Шом кира бошлагани маҳал тун, буталар ва деворларнинг остида қоп-қора кўзчаларини жавдиратиб, сабру тоқат билан кеч киришини кутар эди, қуёш ботиб, теварак туссизлашган маҳали эса, қора-кулранг ҳарир қанотларини ёйиб ўзини йиғиштирар ва теваракка бирдай ёйилиб оларди.

Аслида, катталар ҳам буни билармиди — Ғариб бу ҳақда аниқ бир гап айтолмаса ҳам, болаларни шом маҳали ўйнашга қўймасликларидан, ҳар ҳолда бу гапнинг бежиз эмаслигини ўйларди.

Ғарибга тушунарсиз хабарларни олиб келадиган шамол ҳам аслида бу дунёдан келадиган бир нарса эмасди. Ғариб ҳозирча унинг пайдо бўладиган ва дунёга чиқиб келадиган ерини билмасди. Хабарларни эса фақат ёмғир шамоли олиб келарди, булутларни ҳайдайдиган, гулларни тўкадиган, чанг-тўзон кўтарадиган ва дарахтларни эгиб-букиб синдирадиган шамоллар ҳам бор бўлиб, бундай шамоллар ҳеч қандай хабар олиб келмасдилар, чамаси, уларнинг вазифаси бошқа ва шошилинчроқ эди.

Баъзан шундай туюлар эдики, Ғариб истаса, теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисалар ўзлари яширган сирларни Ғарибнинг хоҳишига кўра сўзлаб берадигандай туюларди.

Хулласки, буларнинг ҳаммаси келажакда ҳамма нарсани ойдинлаштирадиган ва балки, Ғарибни яна ҳам чўчитадиغان бир ҳодисанинг рўй беришидан далолат эди.

Нимадир рўй бериши керак эди.

Аммо нима? Қачон? Қаерда?..

\* \* \*

Бир куни у, қишлоқ адоғидаги бедазорга сигирини ўтлатгани олиб борди. Бу сигир асли бир оз бевошроқ эди, аммо нимагадир Ғарибни ёқтирарди. Бошқа одам ёнига келса бошини силтаб-пишқиради-

ган бу ҳайвон, Фариб яқинлашиши билан ювош тортиб қолар ҳамда етаклаган томонига итоаткорлик билан кетаверар эди.

Кеч кира бошлаганида у сигирини етаклаб, уйига қайтаётганида, Латофат холанинг эшигининг ёнида бир кишини кўриб қолди. Бу киши жойида қимир этмасдан, Фариб томонга қараб турарди.

Ора узоқ эканидан Фариб унинг кимлигини таниёлмади. Аммо негадир кўнгли хавотирга тўлди, митти юраги тез-тез ура бошлади.

Бу одам кимгадир ўхшар эди!

Фариб унинг кимлигини эслади. Қишлоқда Абдурауф бобо оламдан ўтганида, жаноза маҳали кўрган эди бу одамни. Ўша куни ҳамма жаноза намозига сафланганида бу одам намозга қўшилмаган эди, аммо тобутнинг бош томонига ўтиб, Фарибга худди ҳозиргидек — индамасдан қараб турган эди.

Фариб кейинроқ биронтасидан бу одамнинг кимлигини сўраб олмоқни дилига тугиб қўйди-ю аммо қайтиб уни кўрмади. Чамаси, мархумнинг оиласининг қариндошларидан бири бўлса керак, маросим тугаганидан кейин у қайтиб кетган бўлса ҳам эҳтимол.

Яқинлашганида эса у янада эътибор билан қаради. Бу одам ёш ҳам, қари ҳам эмасди. Кўринишидан ҳамма сингари, аммо кўзлари тиниқ, нурафшон, масъум ва ўйчан боқар эди.

Фарибнинг юраги тез-тез ура бошлади, кўнгли хавотирга тўлди. Хаёлига келган фикрдан унинг эти жунжикиб кетди, вужудидан чумоли ўрмалаб, пешонасидан муздай тер чиқиб кетди ва қадамлари ўз-ўзидан тезлашиб, сигирига ҳам қарамасдан чопиб кетди.

Адол опа ҳовлига ўқдай отилиб кирган ўғлининг аҳволидан турган жойида қотиб қолди. Сўнг:

— Фарибжон, нима бўлди, нега рангинг бўздай оқариб кетди? — дея, ўғли томонга пилдираб югурди.

Ғариб онасининг бағрига бошини кўйдию бўғиқ овозда:

— Онажон, одамларга хабар қилинг, — деди. — Ҳозиргина Латофат хола оламдан ўтди...

— Вой ўлмасам... — Она довдираб қолди. — Ҳай, нима деяпсан? Боягина эшигининг олдидаги супада ўтирган эди-ку? Вой ўлай... Боягина уйидаги ўригидан менга бериб юборган эди-ку, ана, айвонда турипти ҳалиям... Сен кимдан эшитдинг?

— Ҳеч кимдан... — деди шивирлаб Ғариб, шу аснода она ўғлининг ранги янада оқариб кетганини ва вужудининг ҳам бирдан бўшашганини сезиб. — Ҳай, ҳай, болажоним! — деб юборди.

Ғариб ҳушидан кетган эди.

\* \* \*

То амакиси келгунча Ғариб жуда кўп расмлар чизиб ташлади. Ҳатто тушида кўрган манзарасини ҳам тасвирлашга уриниб кўрди, у худди тундагига ўхшаб чиқди: юлдузли осмон ва ой, сутдай ёғдуга бурканган мудроқ қишлоқ, сой бўйидаги сайхонликда нурга чўмилаётган сеҳргар илон ва самонинг ярмини энлаб, сурилиб келаётган кўланка — қора хаёлотнинг қора шарпаси...

Суратлар ичида Ғарибга энг ёқадигани — жунунваш Машрабнинг яна бир тасвири эди. Бу ўша, Ғариб орзу қилиб юрган манзаранинг нақ ўзи эди... Буюк жафокаш ҳадсиз-худудсиз биёбонда, гўё «Қонимни эттинг лолаи сахро» деб йиқилган сингари юзтубан тушиб ётар ва бу ҳол беҳолликдан эмасди. Шоир дардугамнинг зўридан сеторини отиб синдириб, бошини заминга урган эди. Озгин бармоқлар бошини маҳкам чангаллаган, то уфққача қонталаш биёбон, ҳатто осмон ҳам қизғиш эди... замин кўнгил қони билан бўялган ва ажабки, мунаввар бўлган эди. Само мунаввар-

лиги эса ерда бир нуқта каби ётган жоннинг қирмизи қонидан эмас, балки олис-олислардаги, булутлардан ҳам юқоридаги нурли сиймонинг жамолидан пайдо бўлган, бу сиймо шу қадар азиз ва севимли эдики, чизган расмини қўлига олганида, ҳар сафар бадан-бадани жимирлаб кетарди. Уни тасвирлаш эса мислсиз азоб ва қийноқлардан иборат бўлди, қўлига қалам олганданоқ Ғарибнинг дилини қўрқув босди, хаёлида эса фақат шоҳбайтлар айланарди, холос. То шоирнинг ўзини ва саҳрони чизиб бўлгунча дилини қўрқув, тушкунлик тарк этмади, шундай бўлса-да, чизмакдан тийилмоққа ўзида на куч, на истак топа олди... Булутлардан юксакдаги чеҳрани чизишга бошлаганданоқ, қўрқув ишонч билан алмашди, алқисса, сўнги чизиқни ҳам тортгани чоғида шунақанги руҳафзо ва энгил бўлиб кетдики, худди ўзини фазоларда юргандек ҳис қилди...

Бу суврат гўё муножот эди.

Сенга етишмоқ учун, дилимни илоҳий осойишга тўлғазмоқ учун жонимни не азобларга солдим, дунё кезиб фарёд айладим, шу ният билан сенинг йўлингга кирдим, севгилим. Мунаввар жамолинг нуридан бир марта баҳраманд бўлмак учун оламда не борки, баридан кечдим. Қандай етишмоқ мумкин сенга, илоҳим? Қайларда мавжудсан, қайдан туриб дилга бунчалар ўт ёқасан? Биргина ҳимонг билан ошиғинг кўзида ўн саккиз минг олам пайдо бўлур ҳам йўқолур, қулингни ҳар кўйга сола олурсан ва бу иноят фақат сенинггина илоҳий хоҳишингдур. Кўрсат, бир бора кўрайин жамолингни... бу озурда руҳ тан бирла азобукубатлардан фориг бўлсин, энг тиниқ юксакликларга кўтарилсин ва мусаффо ўлсин, илоҳим!..

Не қисматки, илоҳ юз кўрсатган чоғда шоирнинг кўзлари тупроқ оралиғида юмилиб ётар, руҳи ҳам ўзи сингари тупроққа қоришган, кўнгил кўзи беадад дарду ҳасрат билан мангуга юмилган эди...

Амаки уйга Ғариб йўқлигида кириб келди ва сув-ратларни кўриб лол қолди.

— Ў, қурмағур-эй, — деди у улардан кўзини узолмай. — Шу сенинг болангми, Адол?

— Ҳеч ким ўргатгани йўқ, йўл-йўриқ ҳам кўрсатмаган? Оббо сен-эй.. Буни албатта Салимхонга кўрса-тиш керак.

— Шундай қилинг, амакиси, — деди Адол опа севиниб. — Мен қариб қолган бўлсам, рангли бўёғини олиб беришга зўрға кучим етди, бизнинг дўконда йўқ экан, ўлгир. Шу бола отасининг ўрнини босиб, йўли очилиб кетсайди, ука, — кўнгли бузилди унинг.

— Э, суюниш керак, йиғламасдан, — деди амаки. — Мен эртага шаҳарга бораман, буларни ҳам опкетаман. Кўрасан, Салимхон катта рассом, албатта ёрдам беради. Ўзи зўр одам, мукофотлар ҳам олган. Ўтган йил танишиб қолувдик, уйга ўтинг деб адресларини ҳам берувди. Ҳа, мана кўрасан, келин, ўғлингда бир нима бор. Битта газет бер, ўраб олай.

— Ғариб мени сўкмасмикин? — деди она андиша қилиб.

— Бе, нега сўқади? Суюнади, суюнади. Салимхондай катта рассомнинг назарига тушади-ю, ноз қилармиди?

Она ўрнидан туриб, токчадан эски газета олди ва қайнисига узатди.

— Катта бўлса, шунақа расм чизишни ўргатадиган мактабга берамиз, — деди амаки, кетаётиб. — Бизни авлоддан ҳам битта чиқсин, бундай кўкрак кериб юрайлик, а?

Она, худди ўғли шу бугуноқ ўқишга кетаётгандай кўнгли ўсиб, қайнисининг елкасидан олиб, миннатдорчилик билдирди. У кетгандан кейин ҳам анчагача хаёл суриб, кулимсираб ўтирди.

... Дунёда мўъжизавий қудрат борми? Агар йўқ бўлса, оламни нима бошқариб турипти? Одамнинг ўзими? Инсоннинг умри худди ўз думини ўзи тишлаб олган балиқни эслатади, у қаёққа қараб юмалаётганини олдиндан билолмайди, нари борса, жуда тахминий ва саёз фикрларга таяниб, ўн йил олдинни кўра олиши мумкин, шунда ҳам ўз ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлишини айта олмайди, фақат чамалайди, холос. Бу эса яхшиликка интилиш ва ёмонликдан қочишнинг нисбийлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Фариб Машрабни ўқиб, мағзини чаққандан сўнг ўз тахминларининг ҳақ эканлигига яна бир бор амин бўлди. Эй азиз ва қадрдон зот, ўз огоҳлантиришларинг билан нақадар рост кароматлар қилган экансан?..

Фариб энди ўз ҳолича, ҳеч қандай тайёр билимларсиз «оламни билиш мумкинми» деган азалий масалага етиб келган эди. Бу масалани ҳал этишга уришиш уни чўчитарди: фанний билимларни мавжуд чегарагача ўзлаштирган киши, охир-оқибат, совуқдан-совуқ сукунат ва мудҳиш музликлар ҳукмронлик қилаётган чексиз фазо салтанатида ёлғизлигини, барча эришган натижалари коинот олдида ҳечлигини, ҳар қандай ҳаракат, шунингдек, умр ҳам фазовий ўлчовлар олдида йўқдай бўлиб қолишини англаб, тушкунликка тушмасмикин? Билишнинг охири нимага бориб тақалади? Ўз-ўзини билишдан оламни билиш сари бориш лозимми ёхуд оламни билишдан ўз-ўзини англашга қайтмоқ зарурми? Инсон нақадар ёлғиз! Чексизлик олдида у йўқ, ҳеч нарсага арзимамайди, чексизлик уни эзиб-янчиб, абжақ қилиб ўтиб кетади, худди этик пошнаси тагида йўқолиб кетган миллионлаб зарражондорлар сингари. Аммо, йўқлик ичидаги ҳаёт — бир неча ўн йиллик умр нақадар лазиз, фароғатли, завқбахш?

«Инсон, — дея ўйларди Ғариб, — ўзининг ҳаёти билан чексизликни рад этади, бутун умри давомида унга қарши курашади. Яхшики, ҳеч ким фазо олдида на умр, на вақт ҳеч нарсага арзимаслигини ўйламайди, бунга уни турмуш мажбур қилади, агар ўйласа, ростдан ҳам тушкунликка тушиб, ўзини-ўзи хароб этарди... Балки, ўз-ўзини англаш кишиларни тағин ҳам бир-бирларига жипслаштирар? Ахир, узлуксиз тараққиёт йўлларида одамнинг ўз-ўзини маҳв этиш сари бориши жуда ҳам мумкин ҳол эмасми? Тараққиёт чексиз давом этаверса, бениҳоя юксак камолотга эришган одамзод яна бошланғич ҳолига қайтадимиди-йўқми?»

Хуллас, боши-кети йўқ фазо ва зулмат ичра инсониятга шундай бир таянч лозим эдики, у ҳам юпанч вазифасини ўтасин, ҳам кишиларни тушкунликка тушишга йўл қўймасин. Дин, шунингдек, фан ҳам ана шу йўсинда юзага келган эди. Ғариб ўз ҳолича уларнинг тахминий кесишув нуқталарини ҳам топди: оламнинг яратилиши бўйича хулосаларда фан коинотнинг, азал ва абад мавжудлигини даъво қилар, дин ҳам олий руҳнинг боқийлигини исботларди. Яъни шу нуқтада фан ва дин бирлашиб, таёқнинг икки учини ҳосил қилган эдилар.

Алалхусус, фандан ҳам, диндан ҳам кўнгли совиди. Ўқитувчиларнинг берган билимлари уни қониқтирмасди, улар илмий тушунчаларни тинмай тўтидай такрорлашар ҳамда агар аҳвол шундай давом этаверса, Ғарибни мактабдан ҳайдаяжакларини айтиб пўписа қилардилар.

У инсон ёлғизлигини ифодаловчи бир неча сувратлар чизди, бироқ кўнгли тўлмади, ранглар жуда туссиз ва қуруқдай кўринди кўзига ҳамда улардан воз кечди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Адол опа ўғлининг алла-нечук қисинқи ва тажанг бўлиб қолганлигидан хавотирланиб қолган эди, далага кетаётган чоғида, очик деразадан қараб ўғлининг «ишлаётганини» кўрди ва жойида тўхтаб, индамай қараб турди.



Фарибнинг заҳил юзи оқариб, қовоқлари шишиб кетган эди, ҳатто юзидаги терни артиш ҳам хаёлига келмасди, уст-бошию қўллари бўёқдан турфаранг бўлган, тинмай қоғозга чизиқ тортарди.

Она ўғлининг қандай расм чизишини биринчи бора кўриб турарди, Фарибнинг азоби унга ҳам кўчди, «бола бечора-я», деб пичирлаганча валиш остидан ўтиб, дераза яқинига келди. Узум новдалари орасидан Фарибнинг юзи ва у чизаётган расм яхши кўри-ниб турарди. Фариб ўзини чизмоқда эди. Оппоқ кийимли, елкасига жанда ташлаган озурдажон кимса — Фарибнинг ўзи... Бошидаги кулоҳ сурилиб, чаккасига келиб қолган, соқол-мўйлаби ўсган, унинг ортида эса тун, қоп-қора зулмат... Қўлида сетор, ҳолсиз бармоқлар симларга сўнгги бор тегмоқдалар, сеторнинг бир сими эса узилиб, чувалашиб кетган. Куюқ ёй қошлар чимирилиб, юзда ва кўзда нидо ҳам фарёд ифодаларини ҳосил қилган, юпқа, қони қочган лаблар эса мим янглиғ юмуқ ва очилмас эди. Ортда, сувратнинг юқори қисмида тунги осмон хаёлий ёғду билан ёришиб, жуда ҳам нозик-нафис бир илоҳнинг сура-тини ҳосил қилган, унинг ёғдуси теваракни мунаввар қилиб турарди. Расмдаги Фарибнинг кўзларида эса мангу дард ҳоким...

Фариб сувратни асосан чизиб бўлиб, энди рангларни ростлашга ўтган эди. Тобора ранги қизариб борди, ниҳоят уни тугалламаёқ хонтахтага бошини қўйиб, чуқур хўрсинди. Чамаси, недир яхши чиқмаётган эди.

Она ижоднинг бунчалар дардли кечиши мумкин эканлигини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эди, бир кўнгли, озурдажон ётган ўғлининг сочларини силаб, ширин сўзларни айтмоқчи бўлди, аммо юраги дов бермади.

Шу куни кечқурун амаки келди. Костюмини сўрига илиб, райҳон ва жамбил солинган айронни бир кўтаришда симирди-да, косани дастурхонга тўнкариб:

— Ҳой келин, бир гап айтсам ишонмайсан, суюн-ганингдан юрагинг ёрилади, — деди.

— Ҳай, нима? — сўради она, кулиб.

— Ҳаҳ, шошмай қол-а, — деди тоға. — Салимхон ўғлингга хат бериб юборди. Чақир болангни.

Адол опа пилдираб, Ғарибни бошлаб келди.

— Келинг, амаки, — деди у, дўриллаб.

— Мана, ука, сенга катта бир рассомдан хат, — деди амаки, саховатпешалик билан. — Кун келиб катта одам бўлиб кетсанг, қишлоқда бир амаким бор эди, кўп ёрдами текканди, деб эслаб қўясан-да.

— Менга? — тушунмай сўради Ғариб. Унинг кўзлари қизарган эди.

— Сенга-да, сенга, — деди амаки, хурсанд. — Очиб ўқи, биз ҳам эшитайлик.

Ғариб конвертни йиртиб, бир варақ қоғоз олди.

— Ўқи, болам, — деди Адол опа эшитишга чоғланиб.

«Салом, — деб ўқиди у, юзу кўзига ҳайронлик ифодаси инган ҳолича. — Машқларингизни олдим. Очиғи, хафа бўлдим. Эндигина ижоднинг сермашаққат йўлига қадам босаётган йигитча учун бу расмлар янглишишдан, алмойи-жалмойи алаҳсирашлардан бошқа нарса эмас. Сиз рассомлик нима эканлигини умуман тушунмайсиз!.. Зўр бериб йўқ эканлигини фан аллақачон шак-шубҳасиз исботлаган нарсаларни тасвирлашга уриниб ётипсиз. Хаёлот кучи билан яратиладиган шоҳ асарлар бунёд этиш сизга ҳеч қачон насиб қилмас эди, деб қўрқаман. Сизнинг тутган йўлингиз чалкаш ҳам қоронғудир. Саробдан нимани кутса бўлар? Бу йўлнинг охири йўқликдир. Барча моҳир мусаввирлар ўз ижодларини энг оддий нарсаларни тасвирлашдан бошлаганлар. Улар ҳар доим катта муаммолар юкидан кўрқиб ҳисси билан қалам юритганлар. Сизнинг бу уринишларингиз кўрқинч бир туш, ғалат бир қора-хаёл!.. Яна билмадим, балки, бошқа бир йўл тутарсиз? Балки, сиздан мусаввир эмас, ўз ишига моҳир чилан-

гар ёки деҳқон чиқар? Бу хусусда жиддийроқ ўйлаб кўрарсиз. Сизга бошқа маслаҳат беролмайман. Республикада хизмат кўрсатган рассом Салимхон Солижонов...»

Орага қисинқи сукут чўкди.

— Нега? — сўради Ғариб бир маҳал, кўзларида олов ёлқинланиб. — Шунақа... ёмонми менинг расмларим?

— Ўша сиз айтган рассом шуми? — сўради она аммакидан.

— Нега? — деди яна Ғариб. — Нимага бунақа деб ёзипти?

— Катта рассом бўлса, бир нимани билиб ёзгандир, ука, — деди амаки хижолатпазлик билан. — Шунақа қилиб ўрганасан-да, энди. Бошқачароқ қилиб чизиб кўр. Бирда бўлмаса бирда яхши чиқиб қолар?

— Қандай қилиб бошқача чизаман? — деди Ғариб ўксиниб. — Кўнглимга келганини чизганман-да. «Муножот» ҳам, «Сароб» ҳам, «Дийдор» ҳам... бари шунақа.

Она ҳам, амаки ҳам унга ортиқча бирор сўз демакка истиҳола қилиб турардилар. Ғариб ўйланиб ўрнидан турди ва ичкари уйга қараб кета бошлади.

— Ғарибжон, — деди она ўрнидан хиёл кўзғалиб.

— Индама, — уни қайтарди амаки енгидан тортиб. — Ўзига қўйиб бер энди..

\* \* \*

Ана энди ҳикоянинг сўнгига ҳам етиб келдик. Ғарибнинг бундан кейинги кечинмалари ҳақида ёзиш мушкул, айтмоққа тилу тасаввур ожизлик қилади.

Кейинги кунларда Ғариб худди йўқотиб юрган нарсасини излаётган одамдай гарангсиб юрди. Ўтирса ҳам, турса ҳам хаёли паришонлиги сезилар эди. Она, укасининг гапларига амал қилиб, унга халақит бермади, рассомнинг хати таъсир қилиб, энди нима қилиш ҳақида ўйлапти, деб индамади.

Кечқурун то тонггача ўғлининг хонасида чироқ ўчмади. Бу ёқда Адол опа ҳам ухлаёлмади. Орада икки-уч марта оёқяланг ҳолича бориб, унинг нима қилаётганини билиб келди: Фариб оқ қоғоз қаршисида қўллари мушт ҳолича пешанасини тириштириб ўйланиб ўтирар эди.

Эртасига тонгда у онасининг ёнига келди ва муздай шабадага юзини тутиб, чарчоқ овозда:

— Бошқача чизолмайман, она, — деди. — Туни билан уриндим, бўлмади. Ҳеч нарса қилолмадим...

Индинига ҳам, ундан кейин ҳам шу ҳол такрорланди. Фариб жуда қийналиб кетди. Воқеанинг бундай тус олганидан ташвишланган Адол опа изтироб билан, «Э худо, энди нима бўлади», деб ўйлади куюниб. Дарҳақиқат, энди нима бўлади?

Энди...

...Бир неча ой ўтиб, обрўли санъат журналида «Муножот» деган сурат эълон қилинади. Зарварақнинг орқа томонидаги мақолада унинг янгича услубда ва юксак маҳорат билан яратилганлиги, таниқли рассом, қатор мукофотларнинг соҳиби Салимхон Солижоновнинг бу асари буюклик шоҳсупасига кўтарилажаги башорат қилинади. Беҳзоддан ва Сальвадор Далидан кейин бундай таъсирчан ва тиниқ суратлар яратилмаганлиги, «Муножот» эса муносиб баҳоланиб, бутунжаҳон танловига юборилажаги айтилади.

Фариб журнални варақлаган заҳоти:

— «Муножот»-ку бу, она, — деб хитоб қилади. — Менинг «Муножот»им-ку ахир, она?

Она ўзини тутолмай йиғлаб юборади ҳамда:

— Кўй, болам, кўй. Шу расмни ўлганда гўрига кўйишсин, илоё... — дейди ўғлининг ўзгаришидан кўрқиб.

Фариб шундан сўнг емак-ичмакни бас қилади. Туну кун бир нуқтага тикилиб ўйланиб ўтираверади. Она ва амаки унинг атрофида тинмай парвона бўлади-лар.

Алоҳал амаки чидай олмайди, жиянининг елкасидан силтаб:

— Тур-э, ўрнингдан, ука, — дейди овозига дағалроқ тус бериб. — Хотин кишига ўхшаб лаллаяверасанми? Арзимаган нарсага шунчаликми, Фарибжон?

— Жон болам, қўй шу расмларниям, — дейди она шўрлик. — Бир йўлингни топиб кетарсан-да, куйинма, Фарибжоним...

Тўсатдан Фариб ўрнидан туради, кўзларида ғалати бир жунун ёлқинланиб,

— Қочинглар, тегманглар менга, — деб бақиради худди телба сингари.

Шундан сўнг тоганинг куфри кўзгайди, у «отаси иблис бўлган» рассомни чапаничасига боглаб адабни бериш учун, сўкина-сўкина шаҳарга жўнаб кетади.

Яна кун ўтади. Фариб ўзининг ухлаганини ҳам, уйғонганини ҳам билмайди. Кўз олдида фақат «Муножот» гавдаланади, тупроққа қоришиб ётган шоирнинг овози кулоқларига ғаров мисоли санчилиб кираверади. Шу алфозда у туш кўради. У эса аввалги тушининг давоми бўлиб чиқади.

...Тунги қишлоқнинг қора ҳовур кўтарилаётган чакалакзоридан шарпа қуюн янглиғ ўралиб-чирмалиб тагин юқорига кўтарилиб кетди ва осмоннинг ярмини тўсиб қўйди. Бутун борлиқ худди афсун қилингандек ботиний сукутга чўмди, ҳаммаёқ тинчиб қолди.

Кўп ўтмай шарпа ўзини аста-секин йиғиштира бошлади ва жуда қуюқ қоп-қора нарсага айланиб, кунботар томон мисли кўрилмаган тезликда учиб кетди. У узоқлашгани сайин самода юлдузлар кўпая борди, ногоҳ ой пайдо бўлди ва теваракни илиқ ёғду билан тўлдирди.

Шарпа уфққа етай деганда, сой ёқасидаги жуда кўп воқеаларни биладиган сеҳргар илон оғир кўзгайлиб, инига кириб кетди. Бақалар ўзларининг вақир-вуқур

кўшиқларини яна бошлаб юборишди. Бало даф бўлган эди. Аммо... унинг келишию кетишидан мақсади не? Нима ёмонликлар қилишга улгурди у?..

Гарчанд шарпа кўзга кўринмай кетган бўлса-да, ҳануз учаётган эди. Вақт ва маконлар сарҳадларини кўз очиб юмгунча ортда қолдирди ва тагин кеча билан кундузнинг чегарасига етиб борди. Пастда, ўлик тусли кенгликларда уймалашаётган жондорлар уввос тортиб юбордилар. Ер остидан чиқиб келган бесўнақай қонхўр махлуқ чатаноғини йирганча мамнун қаҳқаҳа урди.

Шарпа чуқурлик устида ҳануз чириллаб айланиб турарди. Жондорлар тўдаси гўё қайнаб кетди, қандайдир таҳлика бошланди. Шу заҳоти тўда қоқ ўртасидан иккига айрилди, қоп-қора ҳовур бурқсиб турган ер ёрилиб, жуда ҳам бемаъни бир башара зоҳир бўлди.

Шарпа уни кўриб, севинганидан сакраб ва чийиллаб юборди.

— Одамнинг ва Ҳавонинг болалари яна битта авлиёдан айро тушдилар, — деди башара, ҳамма ёққа тунроқ сочиб, вошиллаб.

Шундан сўнг башаранинг оғзи бир ёнга тортилиб қийшайди ва расво бир ишшайишни намоён қилди, шу ондаёқ теварак-атрофда гўё қиёмат-қойим юз берди - жондорлар ер тепиниб чийилламоққа ва қичқирмоққа, ўйин тушмоққа бошладилар. Бу ҳақиқий байрам эди...

Шундай қилиб воқеа ниҳоя топди, аммо туш ҳалиям давом этаётган эди.

Кенгликлар сурилиб, жирканчликлар аллақасққа гумдон бўлди ва ўрнини тип-тиниқ само эгаллади, айрича манзара юз кўрсатди. Бу ерда ҳур-ҳур қишлар парвоз этардилар, фақат кўнгилнинг ўзиниша тишиқлик ичра кезиб юрар ҳам нурафшон эди. Лангилчаган куёш худди ярадор жангчи каби, қин-қизил уфққа йиқилган, қон томчилари булутларга-да сачраган ва

мунаввар қилган эди. Шу чоғ, теварани енгил ва қайноқ эпкин тўлдириб юборди, олис-олисларда, булутлардан ҳам юқорида кимдир фарёд уриб муножот бошлади:

*«На дарди фалак бўлди, на тақдири қаламдур,  
Бу ғуссадин ўлсам, бошимга оҳим аламдур...»\**

1989 йил

---

\* Бобораҳим Машраб.

«ҚАЙДАСАН,  
ЖАННАТ»  
туркумидан

*Ҳикоялар*





«... Ҳозир ҳам, унинг сўнги манзилида тинч, ором олиб ётганига ишонгим келмайди. Гоҳо қишли-қировли кунларда, куз мезонлари учган, рутубатли ҳавода, кимсасиз далаларда, баргсиз-хазонсиз сўппайган тутлар тагида эски тўн кийган, озғин бир кишининг ўтин кўтариб кетаётганини кўриб қоламан. Бу одам сира тинмайди, совуқ бўлишига қарамасдан, зовурлар ичида сув кечиби, сабзиўтларни ўради, қонга солиб, қайгадир ташийди. Куз шамоли қаҳ-қаҳ отиб кулаётган пайтларда тўкилган хазонларни тўплайди. Шамол унинг тўплаганларини ҳар тарафга сочиб ўйнаса-да, у қунт ва матонат, сабр ва бардош билан яна абадийдек туюлган шу ишида давом этади...»

---

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ АСРНИНГ САККИЗ ЯШАР БОЛАСИ

Вақт шомга яқинлашиб қолган эди.

Дунёнинг бир бурчида туғилиб, эндигина саккиз ёшга кирган болакай телевизор томоша қилмоқда эди.

Телевизор ҳозиргина Германияда Пауло деган саккизоёқнинг оламдан ўтганини маълум қилди. Бутун оламни ўргимчак тўридай эгаллаб олган телеканалларнинг машҳурларидан бири — National Geografik дастурларидан у саккизоёқларнинг бор-йўги уч-тўрт йил умр кўришини билиб олган эди. Аллақайси мамлакатда ўтказилаётган футбол мусобақасида кимнинг голиб чиқишини бутун инсониятга айнан мана шу саккизоёқ билдирган, бироқ, афсуски, икки соат олдин бу ғаройиб жонзот жонини Ҳаққа топширган, эниям, бўйиям олти қулочлик улкан шиша идиш ичида ҳозир ифодасиз кўзларини бақрайтириб ҳаракатсиз ётар эди.

Телеканаллар уни салкам авлиё деб эълон қилиб юборишди, ўтган йилги мусобақани ҳам у беҳато айтиб берган эди. Юзлаб кишилар алвон ёпинчиқли қутига солинган саккизоёқ жасадини тантанавор кўтариб борар, қайғули мусиқа чалинар, қисқаси, дунёнинг турли бурчакларидаги минглаб кишилар ҳозир уни сўнги йўлга кузатар эдилар. Хиёл ўтмай, алвон ёпинчиқли қути денгиз сувларида чайқала бошлади, тўлқинлар уни одамлар ташлаган гулчамбарлар билан кўшиб узоқларга олиб кетди.

Бола бошқа дастурга ўтди, бу ерда Колумбияда рўй берган сув тошқини кўрсатилмоқда эди. Юзлаб бегона, кишилар ўз тилларида бақриб-чақришар, семиз бир аёл хўнграб йиғларди, онасининг этагидан ушлаб олган саккиз ёшлар чамаси болакай камерага анграйиб қараб турарди.

Сўнг Африканинг экваторга яқин ўлкаларидан бирида рўй берган воқеа намойиш қилина бошланди. Эти бориб устихонига ёпишиб кетган саккиз яшар болакай жизғинаги чиқиб кетган тупроқ устида зўрға судралиб қаёққадир ҳолсиз-ҳолсиз интилмоқда эди. Ортада, катта бир тош устида баҳайбат ўлаксахўр қуш болага қилт этмай қараб турарди. Сурат остида ёзув қалқиб чиқди: «Африканинг курғоқчил ўлкаларидан биридаги бу болакай ҳозир икки чақирим наридаги озиқовқат тарқатиш маркази томон эмаклаб бормоқда. Ортадаги ўлаксахўр эса боланинг жони чиқишини кутмоқда...» Тантанавор бир овоз мазкур фотосуратнинг халқаро Пулитцер мукофотини олганини таъкидлар, боланинг тақдири нима бўлгани эса ноаён эди.

Кейингисида қанақадир япон профессори куйиниб ўз тилида гапирмоқда эди. Сурат остидан ингичка чизиқ шаклида ўтаётган инглизча субтитрларни у бемалол ўқиди: инсониятнинг технологиялар таҳдидига йўлиққани учун у қадим японларнинг сёппуку анъанасини адо этишини билдирмоқда эди. Сёппуку нималигини бола билмас эди, ёнидаги кичкина компьютернинг тугмасини босиб кўргач, англади: харакири\* экан.

Ҳозир телеканал япон профессорининг тутумини шоу-дастурга айлантириб юборди, бир қанча тилларда жар солаётган сухандонлару турли ранглардаги ёзувлар бугун соат тўртда амалга ошириладиган бу анъананинг жуда қизиқ бўлишига ваъда берганча, томоша қилишни тавсия этар, «биз билан қолинг!» дея бонг урарди.

\* Харакири — ўз жонига қасд қилиш.

Кейингисида Будда маросими кўрсатилаётган бўлиб, бир киши бутун инсониятни Будда таълимотларини адо этишга чақирмоқдайди. Ортда ярим яланғоч, семиз бир кишининг улкан тош ҳайкали кўриниб турарди. Гапирувчи қадим санскрит тилида бир нималарни жони ачий-ачий уқтираркан, шу аснода турли тутатқиларини ҳам тутатди, сўнг ҳайкал қошига бориб, ора-сира томошабинларга ўгирилганча, ибодатни қандай адо этишни намоён эта бошлади.

\* \* \*

Бола кейинги дастурга ўтди. Унда кўрқинчли фильм намоёиш этиларди.

Қанақадир тушунарсиз йўллар билан тирилиб, нима учундир ваҳшийлашиб кетган ғалати махлуқлар тирикларга даф қилмоқда, ақлни шоширар даражада кучлилиги ва янаям кўрқинчлиси — ўлмаслиги билан кўрқитмоқда эди. Бола манзараларни бирпас томоша қилиб ўтирди-да, зерикди. Кўрқинчли фильмларнинг қай йўсинда суратга олинишидан у яхши хабардор эди. Бу кўрқинч воқеаларда мантиқ йўғийди — илму фан кашфиёти ёхуд бўлар-бўлмас жодулар натижасида тирилган ўликлар нима учундир тирикларни ейишга жуда-жуда қизиқар эдилар. Бола, мабодо ўлган киши тирилса, нима истагини ўйлаб кўрди — қовоғини солиб, бошқа каналга ўтди.

Навбатдагиси — Space дастури эди. Олти ойдирки, уч фазогир зирҳли фазо кемасининг ичида, Ер атрофида вазнсизлик шароитида яшамоқда эдилар. Улар инсониятга қарата, сувда сузган каби ҳавода сузганча қўл силкитдилар, бола ҳам ҳазиллашиб қўл силкиб қўйди. Фазо кемасига ёндош сузиб бораётган бошқа сунъий йўлдошдан олинган суратда фазогирлар кемасининг бир четигина кўринар, поёнсиз бу бўшлиқлардаги мана шу уч киши инсоният Ватанидан четга чиққани ҳолда ғоят гўзал ва мафтункор Ерга маҳдиё бўлиб боқмоқда эдилар. Бироқ, гўзалликлардан завқ-

ланишдан ҳам кўра уларнинг муҳимроқ бошқа вази-  
фалари борийди: бу кишилар тупроқ остидаги нефть  
конларини фазодан излаш дастурини эндигина тугал-  
лаб, ундан ҳам муҳимроқ бошқа дастурга — ҳарбий  
кузатув дастурига киришишлари лозим эди.

\* \* \*

Кейинги дастур — ТВ-қиморхона экан. Юзлаб киши-  
лар муҳташам ва шовқинли бир саройга тўпланишган,  
қичқиришар ва бақирар, пул тикишар, кўзлари  
ҳаяжондан чақнар эди. Ютуққа катта пул қўйилган бўлиб,  
унга эга чиқадиган киши умрининг охиригача роҳату  
фароғатга кўмилиши ваъда қилинмоқда эди. Ўйиннинг  
ҳалол ва ҳаққонийлигини исботлаш учун кечаги ўйинда  
ғолиб бўлган болакайни ҳам студияга таклиф қилишиб-  
ди. Дунёнинг энг ёш миллионери ҳозир жуда яқиндан  
кўрсатилмоқда эди. Энг ёш миллионер эса жилмайиб,  
аммо кўзлари жавдираганча томоша аҳлига қўл силки-  
тарди. Ёнидаги ота-онаси эса бахтиёрликдан кўзлари чақ-  
наб, шоша-пиша нималардир дер эдилар. Бола тенгдо-  
шининг жуда-жуда зерикканини, сиқилганини ва чар-  
чаганини, ютуқ-путуқ уни заррача қизиқтирмаётганини  
сезди. Ўйчан қараб туриб, яна бошқасига ўтди.

\* \* \*

Бу ерда бокс мусобақаси бўлаётган экан. Экватор-  
га яқин мамлакатлардан бирида ўтказилаётган бу мусо-  
бақага ҳам юзлаб кишилар тўпланишибди. Мана, ат-  
рофи арқонлар билан ўралган рингга икки бақувват  
йигит чиқиб келди, бонг чалинган, улар бир-бири-  
ни шафқатсизларча дўппослашга тушиб кетишди. Сал  
ўтмай, биттасининг оғзи-бурни қонга беланди, тева-  
ракдаги томошаталаблар эса урган кишини олқиш-  
лаб, қийқириб сакрай бошладилар, буларнинг ора-  
сида оқбилак аёллар, танноз ёш қизалоқлар ва ҳатто  
болакайлар ҳам борийди.

Сўнг Америка соҳилларида ҳалок бўлган юзлаб дельфинлар кўрсатилди, сочларини шамол юлқиляётган, қўлида микрофон тутиб олган ўрта яшар бир киши ҳеч бир сабабсиз ҳалок бўлган дельфинларнинг чеки кўринмас жасадлари аро бир нималарни безовталаниб гапирмоқда эди. Нима учундир дельфинлар оилавий ҳалокатни афзал кўришган, баҳайбат бу балиқларнинг ёнида кичкина мурғаккиналари ҳам борийди...

Бутунжаҳон технологик канали дунёда қалинлиги бир микрон бўлган зирҳ кашф этилганини билдирмоқдайди, олмосдан икки карра мустаҳкам бу зирҳ кўзга кўринмас даражада юпқа бўлиб, одам терисининг остига жойлаштирилиши мумкин эди. Японияда эса ген ўзгартиришлари орқали қуш каби сайровчи каламушлар бинога келтирилганлигини айтардилар, ҳақиқатан ҳам, чирқилловчи бу каламушлар катакчаларда питирлаб сайрамоқда эдилар.

«Дунё мутантларга тўлиб бормоқда!» — дер эди диктор. «Бугун кунимизда теварагимиз сунъий юракли, сунъий буйракли ва ҳатто сунъий кўзли кишилар билан тўла, улар биз билан ёнма-ён яшамоқдалар. Йигирма биринчи аср — мутация ва мисли кўрилмаган ўзгартиришлар асри бўлажак!» — деб хитоб қиларди олим.

\* \* \*

Бола бундан ҳам зерикди. Пульт тугмасини яна босган эди, экран бир липилладию тарихий саҳналар кўрсатила бошлади.

Экранда тўсатдан қуролланган ёш болалар пайдо бўлганида, у қизиқсиниб қараб қолди.

Бу ерда бир диннинг икки оқими урушмоқда эди. Бериги тараф, душман ёш болаларни ўлдирмайди, деб ишонгани боис, мингдан зиёд ўн-ўн икки яшар болани қуроллантирган, ҳозир бу бола аскари душман тарафга бостириб бормоқда эдилар.

Қизиқ лашкар эди бу: шон-шарафли юришни зафар ила тугаллаб, дин учун ё шаҳид, ё фозий бўлиши

лозим бўлган бу лашкарнинг баъзи аскарчалари гоҳ капалакларнинг ортидан қувлаб кетар, гоҳ бир-бири билан уришиб қолар, калтак егани ҳатто «Отамга ай-тиб бераман», деб йиғлар ҳам эди. Мана, улар қирдан ҳам ўтдилар. Қаршиларида ҳақиқий лашкар — душман лашкари намоён бўлди. Болакайлар лашкари эсанкираб, нима қиларини билмай қолди.

Катталар аскари ҳам пўлат зирҳли отлари, кескир найзалари ва манжаниқларини жангга тайёр тутган ҳолда, ҳайратда эдилар: жангга кирмай дейишса, бу болакайларнинг кўзларида саваш учқунлари алангаланиб ёняпти, кирай дейишса — ҳали балоғатга етиб-етмаган мурғаклар...

Ахийри кўмондондан шундай буйруқ ва фатво келди: бу болакайлар ҳаққа қарши жанг қилмоқдалар, шу сабаб ҳам душмандирлар. Ўлдирган ғозийдир, ўлган шахид! Мабодо тирик қолишсаю соғ-саломат ўсиб-улғайишса, у ҳолда ҳақиқий таҳдидли душманларга айланишлари турган гап. Ана шу тарз жангга рухсат берилди.

Бурғулар чалинди, карнайлар ўқирди. Катталар аскари селдай бўлиб ёш болалар лашкари устига оқди.

Кичкиналар лашкари бирпасда тумтарақай бўлиб кетди. Бирини хўнграганча қочиб бориб, дарахт ортига яширинди, бошқаси рўпарасида ҳайбат солиб келаётган баҳайбат аскарни кўриб, кўрққанидан иштонини хўл қилиб қўйди, бошқаси «Ота! Ота!» дея чириллаб йиғлаганича қоча бошлади, яна бири яраланган отнинг ортига яширинмоқчи бўлган эди, ҳайвоннинг жон чиқар пайтидаги типирчилашларидан кўрқиб кетди ва ўша заҳоти ортига қараб тирақайлаб қочишга тушди...

\* \* \*

Бола яна дастур алмаштирди.

Ҳалок бўлган маданиятлар ва тамаддунлар ҳақида эди бу дастур. Бутун бошли халқлар ва маданиятлар кучли шамол, зилзила, чақмоқ, бўрон ва ҳоказо балолар туфайли ер юзидан тамомила супурилиб кетгани

ҳақида ҳикоя қилинар, ўзи кўринмаётган бир киши шундай деб хитоб қилмоқда эди:

*«Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни арзон баҳога сотиш учун: «Бу Тангерининг ҳузуридан», дейдиганларга ҳалокат бўлсин!»*

*«Уларга ўз қўллари билан ёзган нарсаларидан ҳалокат бўлсин! Уларга топган фойдаларидан ҳалокат бўлсин!»*

Кейингисида эса инсоннинг мутлақ озодлиги ҳақида гапирилмоқда эди. Одам озод туғилган, дунёнинг истаган ерида яшасин, истаган ишини қилсин, дейилмоқда, қайсидир мамлакатда, қайсидир бир тўда ана шуни талаб қилиб шовқин солмоқда эди.

\* \* \*

Шу маҳал ҳовлида кимдир томоқ қирди. Ота ишдан қайтган эди.

Бола телевизорни ўчириб, шошиб Ота қаршисига чиқди ва дона-дона қилиб салом берди. Ота кулимсираб, алик олди, шунда кўзларига мамнуният ва шукр ифодалари балқди. Ўғлон отасининг қўлига сув қўйди, чопиб бориб, сочиқ олиб келди. Ота уни эркалаб, «умрингдан барака топ, болам» деб қўйди.

Кеч кира бошлади. Шабада ёмғир исини олиб келди. Она овқатни сузиб келтирди.

Ҳовлидан райҳон бўйлари анқир эди. Узоқларда, жуда ҳам юксакда юлдузлар живирлардилар.

— Отамнинг қошига бордим, — деди Ота, Онага. — Жами ўтганларимизнинг ҳақларига дуо қилиб келдим.

— Худо рози бўлсин, савоб қилибсиз, — деди Она.

— Овқатга қаранглар, болаларим, — деди Ота, лекин болалар қўл узатмай, Отани кутишарди. «Бисмиллоҳ» деб ота таомга қўл узатди, болалар эса Онанинг ҳам қўл узатишини кутдилар. Онадан сўнг Ака, Опа, сўнггида у қўл узатди.

Буни кузатиб турган ота яна бир марта «Баракалла, болам» деб қўйди.

Таом ейилди.



Таомдан сўнг фотиҳа ўқилди. Ота, шомга эсон-омон етказгани учун Яратганга ҳамд айтди, умрларини узоқ ва хайрли қилишини, баракат тўла ризқ ато этишини сўраб дуо қилди, кейин кичкина ўғилга қараб: «Дастурхонни сен қоқиб келақол, болам, савоб кичкиналарга бўлсин» деди. Бола ўрнидан турганида Она шундай деб ўргатди: «Райҳонлар орасига қоққин, болам, шояд қушлар еб кетса. Савоб бўлади, савобини пайгамбаримизга, барча авлиёларга, дунёдан ўтган барча аждодларимизга бағишладим деб айтгин, хўпми?».

Бола шундай қилди.

Теваракка шом кўнди. Ҳар кунгидай, бошқаларидан фарқ қилмайдиган оддийгина бир шом.

*2010 йил*

## **TODD**

Қайдам, бундан икки йил бурунмиди, фалсафага қизиққан пайтларим эди. Бу ғаройиб фан ақлу ҳушимни шу қадар эгаллаб олган эдики, ҳар бир нарсадан фалсафий хулоса чиқараверардим. Фалсафа эса, асли Олмонияда роса ривожланган эмасми, қай бир китобда ўқиганим «Der Todd immer gewinnt» деган немисча сўз шууримга ёпишиб қолди.

Гапнинг лўндаси, ҳозир ҳам ўйласам, ўша вақтлардаги каби, ҳар ҳолда ҳаётни фақат фалсафадан иборат, деб ўйлаш хато эканлигини тушуниб етгандайман. Чунки, ҳаётнинг ўзи уни рад қилар экан. Ҳар ким ўзининг кўрган-кечирганларига мослаб, ўзича фалсафа тўқир экан.

Аммо мен ҳозир булар ҳақида гапни чўзиб ўтирмақчи эмасман. Зотан замон тез, вақту умр шовуллаб ўтиб кетаётир, айтар гапингизни айтиб ё улгурасиз, ё йўқ... Боз устига, бугунга қадар яшаб ўтган барча файласуфлар бу ҳақда жилд-жилд китоблар ёзиб улгуришганки, ҳатто уларни ўқишга-да умрнинг етиши даргумон. Шу боис ҳам менинг айтар сўзим бошқа.

Тасодифан «Todd» сўзининг маъносини англадиму бундан етти йил аввал кечган бир воқеа хаёлимга урилди. Шунга айтиб бермоқчиман, холос. Аминманки, бу сўзнинг маъноси бошқаларни ҳам ўйлантириб қўяди.

\* \* \*

Болалик чоғларимизда Мамасиддиқ пишиқ деган бир чол бўларди. У қотмагина, жиккак, иягида чандиғи бор одам эди. Кечалари бекинмачоқ ўйнаганимизда унинг аллақанақа юмушлар билан куйманиб юрганини кўрардик: ё маккапоярларни боғ-боғ қилиб боғлаган, ё замбилғалтакда уйига ун ташиган, ё кўчадаги хазонларни тўплаб қоплаётган бўлар эди. Мен унинг дам олиб ўтирганини ёки чойхонада ошхўрлик қилганини ҳеч кўрмаганман. Хаёлимда-да у индамас, тиним билмас бир киши сифатида қолган.

Пишиқнинг болалари ҳам ўзига ўхшаган пишиққина, тиним билишмас эди. Буғдой ўрилса, кечалари далага чиқиб сомонини тўплашарди-да, эртасига бозорга опчиқиб сотар эдилар. Ўтин сотардилар. Ундан бўшаган қопларни сотардилар... Одамлар «Мамасиддиқ пишиқ жуда бой, кечалари ухлмаслиги ҳам рост гап: йиққан пуллари сандиғидан олиб, моғор босиб кетмаслиги учун шабадага ёйиб шамоллатади», деб гапириб юришарди.

Қишлоқда одам кўп, хотирамда ҳар бири ўзига хос бир қилиқ-қиёфада қолган. Бироқ, Мамасиддиқ пишиқ билан алоқадор хотиралар юракни ғашлантирадиган даражада ғуборлидир.

... Йиллар ўтди. Болалик худди шамолдаги сомон парчаси каби учди-кетди. Улғайдик. Болалигимизда таниган-билган одамларимиз — оплоқ соқолли нуроний чоллару сочларига чўлпи таққан, сандиқчаларида доимо биз каби болақайлар учун бир-иккита попуққанд топиладиган эртақчи кампирлар ўзларининг ҳақиқий манзилларига — худонинг раҳмати томонга унсизгина, ҳилвирабгина жўнаб кетдилар. Кишилар

айтмоқчи, бу дунёнинг елиб-югуришларидан, ташвишларидан абадиян қутулдилар, тинчлигу осоишига етишдилар, жонлари ором ва роҳат топди.

Вақт-соати етиб, Пишиқ ҳам оламдан ўтди. Унинг дунёдан кўз юмиши ҳам недир ғуборли ва аламангиз бир тарзда кечибди. У икки-уч дафъа ошқозони оғриб, ётиб қолди. Аммо дўхтирга бормади, биронтасини чақриб қаратмади. Ўзининг суйган таъбирича, иссиқ-иссиқ чой ичиб, кўрпага ўраниб ётаверди. Ўзи-ку азалдан озгин эди, янаям озиб, ранги алланечук, сомон каби бўлиб қолди. Аммо ҳафталаб ётгани йўқ: Пишиқнинг мазаси қочибди, деган гап тарқалганидан уч-тўрт кун ўтар-ўтмай, яна кўчаларда пайдо бўлди. Яна ўша-ўша куймаланган, ҳар нарсани уйига ташиган Пишиқ... У ёқ-бу ёқда «Мамасиддиқ ака ошқозонраки бўлган экан, барибир тузалмайман, деб дўхтиргаям бормабди», деган гапларни биз ҳам эшитдик. Бу гапнинг нақадар ростлигини билмаймизу, аммо орадан бир йил ўтар-ўтмас, уйдан йиғи чиқди. Билдикки, Пишиқ ҳам оламдан ўтибди.

Пишиқнинг фарзандлари кўп, неваралари ундан ҳам кўп эди, шуларнинг ўзи кўчани тўлдирган, бари кўк тўн кийиб, белини боғлаб туришипти.

Менинг илк англаган нарсам — бу хонадондаги ғарибонлик бўлди. Айвонга эски бир шолча тўшалган, устида пўстак... Эшик-деразаларнинг бўёқлари кўчган. Бироқ, мевали дарахтларнинг бари ораста, тартиб берилган, кузги ҳусайнилар олтиндай товланиб турипти. Дарахтларнинг тўкилган барглари бир четга уйилган, кўрадаги қўйлар олдида-да бир уюм хазон: қўйлар уни талашиб-тортишиб ейишаётир...

Пишиқни тупроққа топширишда одатдагидек «Мамасиддиқ ака қандай одам эди», деб сўралди. Ҳамма чин кўнгиладан: «Яхши одам эди, худо раҳмат қилсин», деб жавоб берди. Пишиқнинг вафоти мени у қадар ўйлантиргани йўқ, ҳамма қатори ўлимнинг ҳақлигини, оламдаги жамики инсон зоти ўша тарафга қараб кетиб бораётганлигини яна бир бора тасдиқлади, холос.

*(Мамасиддиқ пишиқнинг катта ўғлининг ҳикояси)*

«... Отам йигирма икки ёшида урушга кетган. Биз уч жўжиқ онамиз билан қолганмиз. Отам қирқ учинчи йилда немисларга асир тушган. Немислар уни бошқалар билан қўшиб Польшага опкетишган.

Концлагер ҳаётини ҳаммаям озми-кўпми эшитган, кинода кўрган, китобда ўқиган. Аммо ҳеч биримиз кўзимиз билан кўрмаганмиз. Концлагерга тушганлар қандай кунларни кўрганликларини ўзларигина биладилар.

Лагерда Вильгельм Тодд деган бир малъун зобит бор экан. У, урушга қадар аскарлар ўртасида узоқ масофага югуриш бўйича устозлик қилган, бир шогирди Олмония чемпиони бўлган, уруш бошлангач, зобит сифатида бу ёқларга юборилган экан.

Шу баттол, лагердагиларга қўшиб отамниям ҳар куни қирқ чақиримга югуртираркан.

Бунақа югуришнинг тартиб-қоидасини марафончилар биладилар. Отамнинг айтишича, саҳар ёришиб-ёришмай маҳбусларни сафга тизиб опчиқар экану югуришни бошларкан. Ортда, машинада Тодднинг ўзи. Соат еттигача маррага етиб боришлари шарт экан. Марра дегани ҳам тош кони бўлиб, борганлар кечгача ишлар эканлар.

Тодд йўлда йиқилганларни отиб ташларкан.

Маррага келганларида эса айтар эканки: «Сенлар мени ёмон кўрасанлар, биламан. Аммо, ҳаёт мендан кўра бешафқатроқ, сенларнинг бу югуришингдан кўра миллион марта мураккаброқ. У сенга марра қайдалигини айтмайди, қай тарафга қараб чопишни, қанча чақирим югуришинг кераклигини кўрсатмайди, дам бермайди. Барини ўзинг топасан, ўзинг ҳал қиласан... Бугун сенлар маррага йиқилмай етиб келиб, кечгача яшаш ҳуқуқини қўлга киритдинглар, холос. Кейинги ҳаётингни эса, кечқурунги югуриш ҳал қилади...»

Отам далада ўсиб пишган эмасми, ишқилиб, чидар экан. Годд баттол уни яхши кўраркан. «Сендан чемпион чиқиши мумкин эди, афсуски, немис эмассан» дер экан. Гоҳо бир бўлак нон ё шўрвасига бир бўлак гўшт ҳам қўштирар экан.

Буларнинг барини менга отам ўгай онамга уйланиб, биринчи фарзанди туғилганида айтиб берган эди. У маҳаллар мен ҳам йигирма иккида эдим. Ўшанда «Отам роса қийналган экан-да» деб қўяқолганман. Нима учун менга буларни айтганини англамаганман.

Майли, энди гапнинг буёғини эшит.

Қирқ тўртинчи йилда, Польша озод этилганидан кейин ҳам отам дарров уйига қайтмаган. Энди уни «Немисларга хизмат қилгансан» деб ўзимизникилар қийнашган. Фақат орадан тўққиз йил ўтгач, Сталин ўлганидан кейингина қишлоққа — она юртига қайтиб келиш насиб қилган.

Келганида қараса, онамиз оламдан ўтиб, биз уч жўжиқ аммамизнинг қўлида қолган эканмиз. Уйимиз бузилиб кетган, ўтинлари сандалга қаланган. Отамнинг қилган биринчи иши — еримизнинг ёқасига бир чайла қуриб, бизни олиб келиш бўлган. Кейин ёз бўйи ишлаб, пахса уй тиклаган. У маҳаллар менинг ғирашира эсимда: ёш бола эдик, биз учун ҳаёт ранг-баранг эди. Қора меҳнат вужудимизни эзмас эди: сувлар зилол эди, сувларда чўмилиб ўйнар эдик.

Кейин отам уйланди. Ўшанда аммамга айтган сўзлари эсимда: «Сен мени уйланволди, дема, опа. Болаларга ким қарайди? Келсам, учала болам ҳам сенинг қўлинг-да экан... Бошингда эринг йўқ, ўзингнинг болаларингни зўрға эплайсан. Бошқа уруғимиз қолмаган бўлса... Худо умр берса, ўнта-ўн бешта болали бўларман. Ўлсам, орқамдан йиғлаб қоладиганлар кўп бўлар, биздан кейин ҳам бир-бирини суяб кетарки, биттаси «Оҳ» деса, ўнта-си «Воҳ» деб етиб келар...»

Отамнинг айтгани бўлди. Ўн бир фарзанд бўлдик. Ўгай укаларимнинг бари меҳрибон, меҳнатсевар, бир-биримизга ўз қондошларимиздан-да оқибатлироқмиз.

Эсимни таниганимдан бери отам тинмасдан ишлади. Мен-ку майли, укаларим отамни деярли кўрмас эдилар. Уйга ярим кечаси келар, азонлаб яна ишига кетар эди. Ойлиги кўпроқ, деб заҳарли жойларда тер тўкди, етмаганига мол олиб семиртириб сотди, томорқага экин экиб бозорга опчиқди, хуллас, ўн бир фарзандни ҳам уйли-жойли қилди. Бир ўзи! Ёрдам берадиган кимса топилмади.

Ўн бир боланинг бештаси қиз эди. Ҳозир «Хув» десам, ўн бир томондан бир дунё одам етиб келади.

Худойим мениям фарзанддан қисмади — ҳозир болаларим етгита бўлди. Каттамни яқинда уйлантирдим. Насиб этса, яқинда неварали бўламан.

Катта ўғлимни уйлантирмасимдан бир йил аввал отам вафот қилди. Биз ишдан вақтлироқ келиб, энди сўрига ўтирган эдик. Отам соат саккизларда кириб келди. Касалдан турганига кўп бўлгани йўқ, аммо меҳнат қилмасдан ўтиролмасди: иш одамни ўлдирмаган, танингда жонинг бор экан, қимирла, юмушга унна, деб насиҳат қиларди бизга...

Хотиним овқатни сузиб келтирди. «Олинглар-олинглар» билан қўл узатдик. Отам шўрлик... овқатни қошиқда оғзига обордию ютолмади, қошиқ тарақлаб лаганга тушди, ўзи орқага кетиб берди. Шошиб дастурхондан ҳатлаб ўтиб, бошини қўлимга олдим. Биласанми, нигоҳи мендаю кўзи тепага қараб олайиб боряпти. Бир маҳал икки кўзидан икки томчи сариқ ёш оқди. Бир нима демоқчи бўлиб уриниб қийналди, кейин лабидан заиф бир «пуф» чиқди...

Чиққан нафас қайтиб кирмади...

Найлайинки, ўлим ҳақ экан. Аммо, шундан кейин кўзим очилгандек бўлди. Ётсам ҳам, турсам ҳам отамни ўйлайверадиган бўлдим.

Ҳеч нарсага ҳафсалам келмай қолди. Уйга кирману бағримни захга бериб ётиб оламан. Отам... Таянчим, қувватим, суянчигим кўзимнинг олдидан кетмайди. «Воҳ, отам-а!» дейману юрагим ўртанавради.

Ўйлаб қарасам, отам лагердагина эмас, бутун умри давомида шунақа югуриб яшабди. Кечани кеча, кундузни кундуз демабди. Ўзига қарамабди. Болам, дебди. Рўзгорим дебди...

Кўряпсанми, укажон, отам умр бўйи югуриб ўтибди. Лаънати немис — Тодд уни умр бўйи таъқиб этибди.

Кейин ўз ҳаётимга разм соламан. Разм соламану яна ўша манзарани кўраман: укаларимнинг бари рўзгорим деб елиб-югурипти. Ўзим ҳам болам-чақам, деб тинмайман. Мен ҳам, укажон, отам каби, ишдан жуда кеч келаман — кичик қизим мени гоҳ таниб талпинса, гоҳ бегонасираб нари қочади. «Майли, катта бўлса, таниб олар...», — дейману кўяман.

Отам у ёқда маррага етиб келиб, ўз ҳаётини сақлаб қолган эди. Кейин-чи? Ўша елиб-югуришлари билан кўзлаган ерига етиб келолдимми? Етиб келолган бўлса, оқибати нима бўлиб чиқди? Етиб келгани учун хушбахт бўлдимми?

Мен-чи? Мен ҳам эртани, индинни ўйлаб югураман-еламан. Биламанки, бугун бир дақиқа тин олсам, эртага бошқа бир муаммо йўлимдан чиқади. Ташвишим бошимдан ошиб ётипти. Бу ёқда бўлса, умр шовуллаб ўтиб кетяпти...

Назаримда, бу маҳв этувчи ёзуқ барчамизнинг пешонамизга ёзилгандай. Худди улғайгач, ҳаётнинг ўзи Тодд қиёфасида ортимизга туриб олиб, таъқиб қилаётгандай, таҳдид этаётгандай...

Ҳеч ўйлаб охирига етолмайман: қайда у, марра? Етганлар неларга соҳиб чиқадилару етмаганлар нелардан маҳрум бўладилар? Гапнинг очиги, менинг ақлим бунақа нарсаларга етмайди.

Агар билсанг, сен менга тушунтир, биродар...»

\* \* \*

Менинг бу воқеани эшитганимдан сўнг етти йил кечди. Етти йил ичида кўп сувлар оқиб ўтди. Кўп нарсалар унут бўлди.

Айтганимдай, ўша маҳаллари мен ҳам фалсафага қизиқиб юрар эдим. Орасида «Todd» деган таниш сўз бўлган «Der Todd immer gewinnt» калимасининг мазмуни нима экан, деб немисчага қизиқиб юрадиган бир оғайнимдан сўрадим. Жавобдан эса тонг қолдим: «Todd»нинг маъноси «Ўлим» бўлиб, бу калиманинг мазмуни, не ажабки, «Ўлим ҳақдир» дегани экан.

Ўша маҳаллар ўзим чиқарган фалсафий умумлашмадан ўзим даҳшатга тушганман. Пишиқнинг ўгли айтган содда ҳикоядан мен ҳам бир нарсалар уққанман.

Аммо, бошқаларни қўятурайлигу бу воқеадаги бир жиҳат мени ҳаяжонга солади.

Немис зобитининг исми бўлмиш «Todd» сўзининг ўзбекчадаги маъноси «Ўлим» бўлиб чиққанини нима деб изоҳласа бўлади? Тасодиф дейинми? Ё бир ҳикмат дейинми?

...Фалсафаниям шу билан йиғиштирдим. Билдимки, ҳеч бир фалсафа ҳаёт ҳикматини изоҳлаб бера олмас экан. Чунки, ҳаёт ҳамиша ҳақ ва ранг-баранг, товланувчи, фалсафа эса, унинг фақатгина сояси, бошқа ҳеч нарса эмас экан.

Шу воқеа бўлдию Мамасиддиқ буванинг кўз олдидида индамас, тунд, хасис, тиним билмас қиёфаси ғойиб бўлиб, ўрнида бошқа бир инсоннинг — бор туйғуларини ҳиссиётларини ҳаёт деган пойгага қурбон берган бир одамнинг озғин, иягида соқоли ўсган тиришли юзи, жавдираган кўзлари хаёлимда жонланади.

Жонланадию сира кетмайди.

Бошқаларнинг қиёфасида-да мана, мен дея кўришиш бераверади.

Ҳозир ҳам Мамасиддиқ пишиқнинг сўнгги манзилида тинч ором олиб ётганига ишонгим келмайди. Гоҳо қишли-қировли кунларда, куз мезонлари учган, рутубатли ҳавода, кимсасиз далаларда, баргсиз-хазонсиз сўппайган тутлар тагида эски тўн кийган, озғин бир кишининг ўтин кўтариб кетаётганини кўриб қоламан. Бу одам сира тинмайди, совуқ бўлишига қарамасдан, зовурлар ичида сув кечиби, сабзиўтларни ўради, қопга



солиб, қайгадир ташийди. Куз шамоли қаҳ-қаҳ отиб кулаётган пайтларда тўкилган хазонларни тўплайди. Шамол унинг тўплаганларини ҳар тарафга сочиб ўйнасада, у қунт ва матонат, сабр ва бардош билан яна абдийдек туюлган шу ишида давом этади...

Бироқ, бу одамнинг ким эканлигини айтишга истиҳола қиламан. Очиги, уни ҳали-ҳануз яқиндан кўролганим йўқ. Унга яқин келишдан гоҳо ҳайиқаман ҳам. Гоҳо эса менинг-да ташвишим мўл бўлади: кўпинча эътибор бермасдан ўтаман-кетаман...

1999 йил

## АЙВОН

*«Отага чўп отсанг, кун ўтиб бир кун  
Фарзандинг сенга тош отмоғи мумкин...»*

### Кичик ўғил

Айвон.

Устунлар вақт ўтиши билан тўқ жигарранг-қорамтир тус олиб, узунасига ёрилган. Баъзи ёриқларида майда чумолилар ўрмалашади. Каттароқ бир ёриққа сариқ арилар ин қурган. Улар кўп эмас, саккизта ёки тўққизта. Эрталаб ҳали ҳавода нам кўп маҳали ғуж бўлиб турадилар, қанотлари қуригач, учиб кетадилар. Қаноти нам арининг ғўнғиллаши бўғиқ ва паст бўлади. Қаноти қуруқ ари зириллаган овоз чиқариб учади.

Буларнинг чақиши эрта баҳорда кучли бўлмайди. Ёз бўйи куч тўплайди. Заҳри кузда ўткирлашади. Чумолилар билан арилар бир-бирларига тегмайдилар. Гўё ҳар бири ўзининг ташвиши билан овора.

Ҳовли шўрлашган, оқариб қолган. Ҳар ер-ҳар еридан шўралар ўсиб чиққан. Битта-иккита ажриқ ҳам кўзга ташланади, лекин улар заиф, сарғайиб илвираб қолган. Тошни суриб-ёриб, дуч келган ерда ўсиб кетаверадиган бу безбет ўт шўрни нимагадир ёқтирмайди, сув

сепса ҳам ўсмайди, илдизларини йиғиштириб олиб, қуёшда товланиб ётади. Шабада қуриб-енгил бўлиб қолган илдизни сургалаб, бошқа жойга олиб кўчиради, шунда намни сезган илдиз дарров томир отади — тўрт-беш кунда маҳкам ўрнашволиб, урчиб кетаверади.

Айвонда чўпсават. Чўпсаватда нон. Жуда ширин, суви қочгани ундан ҳам ширин. Лекин энам тўйиб егани қўймайди. Нон сўрасак, бир бурдагина беради. Баъзан нонпалов пиширади. Нонпаловга сабзи ҳам қўшади, сабзили нонпаловни мен ёмон кўраман, фақат нонларини териб ейман.

Умуман, нонни жуда қизғанади энам. Овқат еб бўлинганида, ушоқларни қунт билан тўплайди, кейин акамга, баъзан менга беради. «Ол, полвон бўласан», — дейди. Менинг ушоқ егим келмайди.

Иккинчи чўпсаватда қурулгар. Ҳар ер-ҳар ерига тупроқ ёпишган, аммо ёғли ва мазали.

Уйнинг орқаси томорқа. Томорқа жуда ораста, тартибли. У ерда ўйнашга рухсат йўқ. Эгатлар тўппа-тўғри, нишаби қияроқ олинган, суғорилганида кўллаб ҳам қолмайди, оқиб ҳам кетмайди, балки эгатларни бир маромда тўлдиради. Томорқа адоғи айланасига мевали дарахтлар. Катта қизил олма, олмурут, нок, ёнғоқ бор. Ёнғоқ билан ўрикнинг тагида ўт ўсмайди.

Кейин қатор ораста тераклар бўй чўзган. Улар катта бўлганида кесиб олинади, кесилганида ёғоч ширасининг бошни айлантирадиган иси анқиб кетади, пўсти шилинганида ҳам шунақа бўлади. Шох-шаббалар тандирга ишлатилади, ёғочлари уйга синч ёки хари бўлади. Шу боис терак кўп, саноғи элликдан ошиқ. Япроқлари сал шабадага ҳам шилдирайди.

Ундан кейин қўшнининг томорқаси. Кейин яна аллакимнинг. Кейин дала, даланинг адоғида зовур бор. Зовурнинг суви баҳорда лойқа тус олади, ёзда шаффоф, кузда эса зангор-мовий тусга киради, сокинлашади.

Гап ана шу зовур ҳақида. Тўғрироғи, зовурда мен кўрган ажойибот ҳақида.

У ерда тилла балиқ бор.

Бу балиқдан бир Худо, бир мен хабардорман.

Зовурга у қандай келиб қолди экан? Ўтган кунни жуда қаттиқ момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чаққан, овозидан худди осмон ёрилиб кетгудек бўлган, кейин эса шаррос жала қуйган эди. Айтишларича, ўшанда шу ердан кўриниб турадиган тоғларнинг чўққиларидаги қору музлар кўчиб, йўлидаги қишлоқларни вайронага айлантириб шиддатли сел келган, мана шу зовурлар ҳам лойқа сувга лиммо-лим тўлиб оққан экан — балки ўшанда келиб қолгандир?

У туш маҳали, қуёш қаттиқ қиздирганида сув бетига чиқади. Қинғайиб қуёшга қарайди, кейин думи билан сувни қаттиқ уради, шунда қарсиллаган овоз чиқади.

Қамишлар ҳам қарсиллаган овоз чиқаради. Чунки танаси ғовак бўлади, шабадада эгилганида қарсиллайди.

Мен унинг рангини яхши кўраман.

У — товланувчан. Сувда роса чиройли кўринади, аммо сув бетига чиқса, унча товланмай кўяди. Нозик ранглари думдан бошга қараб билинар-билинемас ўзгариб боради. Куюқ қирмизидан оч қизғимтирга ўтади, кейин эса сариққа алмашади. Сузгичлари оч қизил, қора нуқтали-сариқ ҳошияли, ёмғирда қолган капалакнинг ҳўл қанотига ўхшайди.

У менинг гапларимга қулоқ солишини ҳам биламан. Гапирсам, индамай қараб туради. Сабру тоқат билан гапимнинг адоғини кутади. *У чиққанида қушларнинг овози ўчади, ҳашаротлар чирилламай кўяди.* Қамиш пояларидаги ниначилар жим чайқаладилар. Шабаданинг овози эса кучаяди, ниманидир шивирлаётганга ўхшайди.

Балиқ шабадани ёқтиради. Майда мавжлар метин танасига тегиб синиши хуш ёқса керак. Қуёш нури унинг йилтироқ танасида сув билан қўшилиб жилоланади. Томчилар йилтирайди. Оқимтир-саргиш ойқулоқлари сокин-осойишта қимирлайди. Кўзининг атрофидаги ҳошияси-гача нури туюлади.

Қоқ туш маҳалида энам катта акам билан сувни кўйворгани кетади, чунки туш маҳали экинни суғориб бўлмайди. Экинни эрталаб ёки кечаси суғоради.

Шунда мен уларнинг кўзини шамғалат қилиб кўшнинг ерига ўтаман. Кўшнимиз томорқасини айлантриб маккажўхори эккан, девордай бўлиб шитирлаб туради. Пояси билакларимни ачиштиради.

Зовур ёқасига бораман, дўннга ўтириб, сувга қараб кутаман.

Балиқ менинг келганимни сезади, лекин дарров чиқа қолмайди. Унгача ғумбалдоқ ўтига тегишаман. Гулкосаси оч яшил, кўпол, ичида кичкина нуқтачалари бор, бармоғимни тегизсам дарров гулкосасини юмиб олади. Худди кўзини юмганга ўхшайди, кўрқоқ, хуркак ўт у.

Гоҳо хунук, ваҳший ниначи қурти сув остидан юзага — қамиш ёки ўт поясига ўрмалаб чиқади. У жуда очофат, кўрган нарсасини паққос туширади, баъзан ўзининг наслдошларини ҳам еб кўяди. Пояда соатлаб қимир этмай туради, кейин елка қисми тўсатдан ёрилади, ёрилган қисмидан қанотлари ҳарир, боши катта ўзга бир жонзот — ниначи чиқиб келади. Дўннга кўниб, куёш ҳароратида қанотларини қуритгач, пирпираб учади-кетади... Милтиллаб сузиб юрган итбалиқлар ҳам ўзгариб, бақаларга айланадилар. Илдизнинг пўк қисмида истиқомат қиладиган яна бир жонзот — семизқуртнинг ҳаёти ҳам тўсатдан барҳам топади, бир-икки кун қимир этмай ётади-да, бузоқбошига айланади, яна бир оз вақт ўтгач, қанот чиқариб, дириллаб учишга тушади... Нарироқдаги эски тол кундасининг сувга ботган илдизлари орасида бир қари илон бор. У туш маҳали салқиндан чиқиб келади. Лекин куёш тифига дош беролмайди, тўнка соясида, эски илдизга ўралиб тураверади, соатлаб қимир этмайди, баъзан пўст ташлайди...

Аммо менинг балигим сув бетига чиққанида ҳамма жонзотларининг овози ўчиб кетади. Ҳатто капалаклар ҳам жим қоладилар.

Билганим — теварақда бунақа рангу тусдаги балиқ йўқ. Бировнинг кўрганинию айтганиниям эслолмайман...

## Ўрганча ўғил

У балиқни Худо юборганини мендан бошқа биров билмади!

Укам уни борлигини айтганидан кейин зовур бўйига бекитиқча бир неча марта бордим. Ҳар гал борганимда уни кўрдим.

У сирли балиқ эди. Сув бетига чиққанида теваракдаги қурту қушларнинг овози ўчиб кетарди.

... Кичкиналимимда энамдан, одамлар ўлганидан сўнг нима бўлади деб кўп сўрардим. Энам «мени қабрга кўясан, кейин ҳар замонда бориб хабар олиб турасан» — деб айтарди. «Сиз ўлганингиздан кейин чиқолмай-сизми», — дер эдим. «Агар Худо хоҳласа, чиқаман», — дерди. «Худо хоҳламаса-чи?» «Унда қандай қилиб чиқай, болам?» Бир гал айтган эдики, одамнинг руҳи бошқа нарсаларнинг ичига, кўпинча капалакка ёки кичкинароқ жонзотларга, баъзан катталарига ҳам кира олади. Капалак учиб келиб жим ўтиради, унинг ичидаги марҳумнинг руҳи эса теваракни томоша қилади.

Буни энам бир-икки йил аввал айтган эди. Ҳозир у касал, кўзлари деярли кўрмай қолган. Қўлидан етаклаб олиб юрамиз.

Ўтган ҳафтадаги гулдуросли сел қабристонни отамнинг қабри билан кўшиб бузиб ўтиб келганида, отам шу балиқнинг ичига кириб келдимикин, деб ўйладим.

Чунки, эртасига бир чол тушимга кирди. Зовур ёнида эмиш. Сиз улғайдингиз, лекин энангиз қийналди, дермиш. Отанг балиқ бўлиб олдингга келади, акангга айт, пишириб энангга берсин, тузалади, дермиш.

Отам қандай одам эди-я!

Отамдай вазмин, оғир... отамдай камгап... юрганида ер зирилларди, ҳовлига кирганида ҳайбатидан ҳамма жимиб кетарди... балиқ ҳам шунақа эди...

Кўрган тушим ҳақида кўп ўйладим, ниҳоят, отам бошқа бирор нарсанинг ичига кириб яна келар... шу балиқни ростдан ҳам энамга пишириб берақолайлик, шояд тузалса деб, акамга балиқ сирини айтдим.

Акам отамнинг милтиғини олиб, шошиб чиқиб кетди. Ярим соатлар ўтар-ўтмас, тутиб келтирди. Ўзини кўрмадим, балиқ қопда эди. Мен томорқадан бери келмадим. Ота, жон ота... сен ўлиб кетдинг, аммо энам касал-ку... у ҳам ўлиб кетсинми... биз сени емаяпмиз-ку, сен бошқа балиқнинг ичига кириб олаверасан, деб йиғладим.

Акам катта пичоқни олиб, ўчоқ ёнига кетди, тангаларини шила бошлади.

Шунда... укам келиб қолди... У ниманиям биларди... Сирни очиб қўйганим учун роса хафа бўлди, келиб сочларимдан тортиб ура бошлади...

### Кичик ўғил

Кириб келганимда энам айвонда, олдида бир товоқда гўшт, қушдайгина бўлиб ўтирган эди. Менинг овозимни эшитиб, тириш юзлари ёйилиб кулимсираганча, фавқуллода ўктам овоз билан:

— Кел, той болам, кел! Камбағалга кун чиқди, аканг балиқ опкелди, кел, сен ҳам еб ол! — деди.

Айвондан нарида ерга гувалақдан ўчоқ қилинган, ўчоққа қозон осилган... ўтинлар ёниб бўлган, чўғи оқаринқираб кўринар... чирсилламоқда эди.

«Балиқ?!»

Ўчоқ ёнида шилиб ташланган балиқ тангалари, думи ва боши ётарди. Шу маҳал қайдандир кўшнинг мушуги пайдо бўлди, у бир сапчиди-да, бошни олиб қочди. Мовий кўзларини мендан узмай, шошапиша ғажий бошлади.

— Бу муборак балиқ-да, — энамнинг овози қулоғимга кирди. — Ҳазрати Юнус пайғамбарни ютиб юборган балиқни авлоди-да бу.

Катта акам балиқ гўштини узоқ вақтлардан бери емаганини айтиб, тилда эриб кетадиган бундай мазанинг қайдан келганига ҳайратланар ва мазани узоқроқ ҳис қилиш учун кўпроқ чайнашга уринар эди.

— Худои таоло балиқни ҳалол қилиб яратган, — деб ҳамон сўзланар эди энам. — Ўлганиям ҳалол, тиригим. Ўшанчун ойқулоғидан сўйиб ҳам қўйган..

Балиқ?!

Бир Худонинг, бир менинг балиғим!?

Кичик акам тут тагида бошини эгиб ўтирарди.

— Сен нимага буларга айтиб қўйдинг? — деб бақирдим унга ташланиб, овозим хириллаган, бўғиқ эди. — Булар балиқни ейишяпти-ку?

Ажабо, кичик акам менинг муштларимга жавоб қайтармай, иккала қўли билан бошини бекитиб, ерга ўтириб олди. Мен унинг йиғлашини қўрқувдан деб ўйладим, шундай ажойиб балиқни ем қилганига йиғлаяпти деб, яна ура бошладим:

— У қанақа балиқ эканини билардингми? У тилло балиқ эди!! Яна салгина каттарса, тилло балиқ бўларди!!!

Кичик акам ҳамон инграниб йиғлар, муштларимни сезмас эди. Кейин эса нима деяётгани қулоғимга кирди:

— Ота... Отажон.... — деб йиғларди у.

Олов сўнган, чўғларининг чирсиллашлари пасая-пасая, ахийри эшитилмай қолган эди.

### Катта ўғил

Укамнинг тушига бир чол кирипти, айтибдики, энанг балиқ гўшти еса тузалади, кўзларига нур киради. Жума куни зовур бўйига борсанг, отанг балиқ бўлиб келади, сенлар уни тутиб, энангга пишириб беринглар, дебди.

Отамдан қолган қўшотарни олиб борганимда, балиқ ростдан ҳам сув бетиде экан. Шимимни шимариб сувга тушдим, сувнинг ости балчиқ экан, эски шох-шаббалар оёғимга қадалди. Сочма билан ўқлаб, тепкини босдим, балиқ питирлаб, тўнкарилиб қолди.

Кириб келганимда, югуриб укам қаршимга келди.

Қўрқиб кетгани афт-ангоридан сезилар эди.

— Калланг жойидами? — дедим ўдагайлаб. — Бу бир емиш-ку. Бор, ўчоққа ўтин қала!

Балиқнинг тангаларини шилдим, қорнини ёрдим, ичакларини олиб ташлаб, оппоқ қат-қат гўшти жойини сариқ ёғи билан қўшиб кесиб олдим. Ўчоққа ўзим ўт қаладим, қозон тағи жизиллай бошлаганида ёғли жойларини пастга қаратиб, гўштни босдим.

Ана, дедим қониқиш билан. Ана, энди бўлди!

«...Ана энди қозонда жизиллаб куйяпсан, ота. Дўзахда шунақа куйишингни орзу қилган эдим. Худои таоло шунга белги қилиб сени жўнатди, жўнатгандаям оловда қовуриладиган қилиб жўнатди.

Энамни урганларингда қўлингга ёпишганларим эсингдами? Мана сенга! Жизилла, жизиллайвер!

Ичиб келиб, ҳаммани тумтарақай қилганларингда-чи? Менга кетмон отганингда елкамни ўпириб юборувдинг, изи ҳалиям бор, ҳалиям қони силқиб турипти, елкамда эмас, ичкарида, юрагимда!

Умр бўйи ота деб ёнингга яқинлашолмадим, бир бола бўлиб бағрингда эркалангим келса-да, ҳайбатингдану ўшқиришингдан чўчидим, токи ўн икки ёшимга етгунча мени кўтариб томга отиб юборишингдан қўрқардим, бир марта укамни шунақа қилиб отиб юборувдинг, чириллаб йиғлаётган бечора болани овози чиқмай қолувди, гўза-пояларнинг устига бориб тушганида ҳам йиғлолмаган эди... Уйдан милтиқни опчиқиб, энамга «отиб ташлайман!» деб бақирган эдинг, энам шўрлик «отсанг от, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим» деб ўзини ерга уриб йиғлаган эди...

### **Яна айтайми?**

Отингга миниб кетардинг, шу кетганингда қайтиб кунлаб кўрмасдим. Бир неча кундан кейин келардинг, эгарда иккитами-учтами қашқалдоқ, кўкқарға бўларди, ма, пишириб е ҳамманг заҳарингда, дердинг... Кейин улфатларинг келарди, энам овингни пишириб ўзларингга опкириб берарди, бизга қолган-қутган қанотлар тегарди...

Мана энди қовурил, оловда!



Бола бўлиб ота нималигини билмаганим етмади. Катта бўлиб томорқадан бери келмадим. Эсимни танибманки меҳнат қилдим, ҳайбатингдан кўрқиб уйдан кўчага чиқолмадим.

Мана, ҳалиям тупроққа ўралашиб юрипман.  
Жизилла, жизилла!..»

## Ота

Бир қамишзор эмиш. Оч-сарик, бўйлари узун-узун, поялари куруқ...

Қамишзорнинг ниҳояси йўқ, шовуллайди. Осмон эса кўм-кўк.

Ана шу қамишзорда минг йиллардан бери қамиш ўраман.

Бу қамишзор тугамайди. Зах кўлмакларда сувчаёнлар оёғимни чақади, баъзан бир нима шалоплейди, нималигини билишга қизиқаману ҳеч тополмайман.

Минг йиллардан бери адоғи йўқ қамишзор... майин учган оқ попилтириқлар...

Шу қамишзорни ўриб тугатсам, нимадир рўй беради. Ишқилиб, ўриб тугатолсам бас.

Ҳар куни тепамга бир куш келиб бошимдан чўқийди. «Сен кимсан, нимага менга бунча азоб берасан?» деб сўрайман.

«Оқпадар, оқпадар!!!» — деб сайрайди куш.

Отанинг юзи гира-шира эсимда қолган.

Бир қишлоқда, қашшоқ яшар эдик, егани нонимиз, ичгани сувимиз бўлмас эди. Отамга ўшқирганларим... елкасидан тутиб силтаганларим эсимда...

... Бир куни бу қамишзор тугайди. Ўша куни куш ҳам келмай кўяди. Шунда бу укубатдан қутуламан.

Қамиш... қамиш...

... Қамишзорнинг охирида нима борлигини билишга улгурмадим.

Ўзгариш тўсатдан рўй берди. Осмон ёрилди... йўқ, аввал шамол эди, попилтириқлар ҳамма ёқни тутди,

кейин қамишлар синди, илдизидан суғурилиб учиб кета бошлади. Ва еру кўкдан, ўнгу чапдан, осту устдан «Балиқ бўл!» деган қаттиқ бир садо келиб, ўзимни гулдурос солиб оқаётган бир пўртана ичида кўрдим.

Пўртана оққандан оқди, қўшилиб оқиб кетавердим. Ахийри, бир зовурга келиб тўхтадим.

Зовурда қанча вақт қолдим, билмайман. Назаримда тева-рак сокин, ҳаддан ташқари сокин, бегона, боз устига, хавотирли ҳам эди, балки сув остидан қараганим учун шунақа туюлдимикин?

Кунларнинг бирида яна сув бетига чиқдим, *тева-ракдаги ҳамма нарсанинг овози яна ўчиб-жим бўлиб кетди*. Сўнг зовур ёқасида эса юз-кўзи ўзимга ўхшаб кетадиган бир боланинг қўлидаги милтиғини менга ўқталиб турганини кўрдим...

## Кампир

Кўзим кўрмай қолган кундан бери раҳматлик отаси тушимга киради.

«Кўрмаяпсанми, мен келдим. Балиқ е, балиқ!» — дейди ўшқириб.

Тушимда уни бинойидек кўраман.

Раҳматли бераҳм одам эди. Ҳеч кимни, ҳеч нарса-ни аяб ўтирмасди. Йўлидан биров чиқса яксон қилиб-янчиб ўтиб кетадиган шиддатию ҳайбати бор эди.

Экин-тикин экаман, деҳқончилик қиламан деб кўп уринди, бироқ, эккан кўчатлари унмасди, кўкариб чиқардию жойида қуриб қолаверарди.

Сабаби, отасига қўл кўтарган эди-да. Энди, бир пайтлар... катталарнинг оталари намоз ўқимасин деган буйруқ бўлганида, ота ундан бекитиқча мачитга чиққан экан. Аксига олиб, ўша кунни қанақадир байрам эди, ичиб олган эди, келиб отасига «мен қамалиб кетайми» деб ўшқирган, силтаб-итариб ташлаган, ота йиқилганида қамиш бўйранинг чўпи кўзига кириб кетган, шунда «қамишдай қуригин илоё» деб қарғаган эди...

Экин-тикин бўлмагач, қайдандир битта милтиқ топиб, уззукун қамишзорга жўнаб қоларди, кечгача юриб-юриб, гоҳо биронта қашқалдоқми, кўкқарғами отиб келарди.

Қаҳрига яраша меҳриям борийди раҳматликнинг, аммо нимаики қилса терси бўпчиқаверарди-да, тавба! Йўқса, кўзим кўрмай қолганини қайдан билардию қайдан меҳрибонлик қилиб «балиқ есанг тузаласан» деб айтарди?

Мана, болам пишириб берган балиқнинг эти ҳил-ҳил, бирам мазали. Кўзим равшанлашаётгандай. Балки бугун-эрта басирлик барҳам топар?... Жойи жаннатда бўлсин раҳматлининг, мен ундан минг-минг розиман.

Шоядки, у ҳам мендан рози бўлса...

### Кичик ўғил

У тилла балиқ эди. Бошида тожи ҳам борийди.

Агар кичик акам сирни очиб қўймаганида, катта акам уни энамга пишириб бермаганида... ўсиб-ўсиб, бир куни росмана тилла балиққа айланарди. Ушанда ҳаммамиз бориб, тутиб олардик, балиқ «Тила тилагингни» дерди, бизлар ҳам тилагимизни айтардик.

Энди мен нима қилай? Тилакларим, истакларим мўл эди, кимга айтай?

Фақат Худогами?.. Ёлғиз Худогами?

2010 йил

«БОҒИ ЭРАМ  
ҲИКОЯЛАРИ»  
туркумидан



*«... Аслида Боғи Эрам — афсонавий Бобил шахрида барпо этилган ва Парвардигори оламнинг қудрати ва иродаси билан инсонлар кўзидан яширинган фирдавсмонанд боғ, дейдилар.*

*Ер юзидаги жуда кўп ҳодисалар аслида мажозий маъно ташийти, борлиқлари ва мавжудиятлари билан яширин бир маънога ишора қилади, ўша маънони таъкидлаб келади.*

*Лекин, ҳар бир кишининг ўз Боғи Эрами бор. Ким учундир у — туғилиб ўсган хонадони, ота уйи, макони, ким учундир эса — Ватанидир...»*

---

## ОРИФ

Саксон иккига кирган Ориф ота очик дераза ёнида, киприклари титраб ётарди. Бир неча кундирки, нафас олишга қийналар, кўзларининг остида қорамтир ҳалқачалар пайдо бўлган, оғиз атрофлари кўкимтир тус олган, лекин юзи нурли, қараган кишига сокин ором олаётгандай туюлар эди.

Кекса кишининг нафаси заиф бўлади. Тоби қочса, ўзидан кўра фарзандлари кўпроқ безовталанадилар. Теваракда кишиларнинг хилма-хил шаклда жон таслим қилишлари фарзандларни ҳадиксиратади, тунлари тиқ этган товушдан хавотирланиб ётадилар. Узатилиб кетган қизлар бола-чақаларини олиб етиб келадилар.

Чунки, Ота қартайди! Сўнг сўзини айта оладими-йўқми? Рози-ризолик сўраб улгурадими-йўқми? Қуруқшаб-қовжираган лабга бир томчи сув тутиш фарзанднинг бурчи — бу бурчни ўтай оладими-йўқми?

Хуллас, фарзандлару неваралар, яқинлару тенгтўшнинг қолган-қутгани шу ерда, мачитнинг имоми ҳам иссиқ бўлишига қарамасдан, чопонининг қатларини икки қўли билан тавозе ила тутганча етиб келган, боз устига, катта ўғилга «Ҳазрати Ибн Сино айтиб кетганлар, кўзларнинг остида қорамтир ҳалқачалар пайдо бўлиши, бурун сўррайиб қолиши жон чиқар вақтнинг далолати... ҳар эҳтимолга қарши тайёргарликларини кўраверсинлар, воллоҳи аълам» деб ҳам улгурган, шунингдек, чолнинг комил мусулмон эканини, ҳар доим бировнинг ҳақидан ҳазар қилганини, намоз-

ниёзини доимо вақтида бажарганини, бундай бандаларини Аллоҳ таоло суйишинию чолнинг балки орифлик мақомига етишганини ҳам таъкидлаб бўлган эди.

Имом гапирганида, соқолининг қимирлашиданоқ гап нимадалигини пайқаб олган хотин-халаж пиқиллаб йиғлар эдилар. Бундан ўн йил аввал ота «Қизим, томоғим қуруқшаб кетди, бир пиёла сув берсанг-чи», деганида катта қиз боласига чалғиб бермаган экан, ҳозир синглисига шуни айтиб йиғларди. Қачонлардир кичик қизнинг беҳи егиси келган экан, шунда ота ярим кечаси дарахтга тирмашиб беҳи олиб берган экан, «меҳрибоним отам... сизга бир нима бўпқолса, мен нима қиламан», деб пиқилларди сингил.

Булардан отанинг хабари бормиди? Пайқаш қийин... Ота бир текис нафас олиб ётар, лекин нафаси заиф, ранги ҳам оқарган эди.

... Бирданига у кулимсиради. Теградагиларнинг юзлари ёришди, англамсиз бир қувонч дилларига кириб келди.

«Сенмисан?» — деди ота тўсатдан, паст овозда, ҳануз кулимсираганча. — *Бу ерларда нима қилиб юрисан?»*

«Онамизни айтяптилар», — тўлиқиб пиқиллаб юборди кичик сингил. — Онам бечора тинч ётолмай отамни кўргани кепти. Отам фақат онамизнигина сенсирардилар!..»

Ажабо, ота ўша маҳалда шу ерда эдими? Ростдан ҳам жуфти ҳалолининг сиймоси намоён бўлдимикин?

\* \* \*

Йўқ, у шу маҳалда болалигининг қадрдон дўстига — Чимчиловчи ялтироқ махлуққа гапирмоқда эди.

Болаларнинг ўз кўркувлари, ўзлари ўйлаб топган даҳшатлари бўлади. Ҳар бир бола ўз тасаввурига қараб ўзича бир кўрқув тўқийди. Кичкина Орифни кўрқитадиган нарса — баҳайбат, ялтироқ, кўзлари филдиракдай айланиб турадиган бир махлуқ эди. Кечалари,

хамма ухлаб, ой ҳаволаб кетганида ёки булутлар ортида кўздан ғойиб бўлганида... қайдадир ҳу-ҳу қушлар кичқирганида... йўқликдан чиқиб келарди.

Ориф ундан жуда кўрқар эди. Тасаввури кўркувини янада ошириб шуурига рўпара қилар эди. Махлуқ ялтироқ бармоқларини унга чўзишини, ҳозир чимчилаб-ўйиб олишини ўйлаб, аъзойи-бадани дағ-дағ қалтирарди.

Махлуқ гапирмас эди. Балки гапиришни билмас ҳам? Жуда секин, имиллаб ҳаракат қиларди у. Аста ётоққа яқинлашиб, ялтироқ бармоқларини чўзарди.

Унинг энг яқин келган маҳали ҳам шу. Лекин, бирон марта озор бермаган эди. Нарироқда баҳайбат шарпа каби пайдо бўлардию кўзларини ғилдиратганича аста-секин сурилиб кела бошларди. Ориф жудаям кўрқиб кетганида кўрпани бошига тортиб, маҳкам бурканиб оларди, лекин кўзлари катта-катта очик, чит кўрпанинг ва қуруқ пахтанинг иси димоғига кирганича, ўз нафасинию юрак уришини ўзи эшитиб, унинг қадам товушига қулоқ соларди, шундоққина тепасида турганини, унинг ҳам нафас олаётганини пайқагандай бўларди.

Бу махлуқ Орифни икки йилгача ана шундай кўрқитиб келди — ҳозир ўйлаб қараса, икки йилгача содиқ бир дўст каби, ёнидан кетмабди.

Кейин қаердан келган бўлса, ўша томонга — тасаввурининг йўқликларига кетиб, ғойиб бўлди.

\* \* \*

Орадан бир-икки йил ўтгач, Ориф тулкидан кўрқа бошлади.

Айёр, эгилувчан, сариқ-малла тулки одамни қитиқлаб ўлдириши мумкин эди. Теварақда ҳеч ерда биров тулки кўрганини айтмаган бўлса-да, ёлғиз қолган кезларида, айниқса, кечалари тулкининг келишидан, қитиқлашидан кўрқар эди. Айтишларича, у ёш болаларни қитиқлаб, кулдира-кулдира ўлдирад экан. Ле-



кин бу қўрқув узоқ давом этмади, булутлар орасидан ой кўрингани каби, уч-тўрт ойгача шуурини забт этиб турди, сўнг бадар кетди.

\* \* \*

Болалик тасаввурининг кейинги ҳосиласи — сариқ қизча бўлиб чиқди.

Бошқаларидан фарқ қилиб, у кундузлари ҳам пайдо бўлиши мумкин эди. Дарахтлару буталар қаровсиз ўсган кимсасиз жойларда учрарди у. Сап-сариқ, кичкина эди. Хусусияти — ё адаштириб олиб кетарди, ё оғиз-бурунни қийшайтириб, жинни қилиб қўярди. Қалампирдан ва пичоқдан қўрқишини айтишарди катталар. Жингуллар қалин ўсган ерларда, буталар тагида ёки шохларда ўтирарди.

Ажабо... мабодо адаштира... қайларга олиб кетган бўларди? Орифнинг тасавурида — зовурларнинг ортига, назарида бепоёндай туюлган, дайди итлар гала-гала изғиган далалар томонга эди. У ёқда... катталарнинг қўрқувлари ҳам яшар эдилар. Назарида, отасини қувлаган катта илон, амакисини қўрқитган улкан қора шарпа... ўша ёқда эди. Бола тасавури билан уларнинг нима еб-нима ичишларигача, жазирамаю қаҳратонларда қандай кун кечиришигача ўйлар эди. Сариқ қизча ер остида юмронқозиққа ўхшаб яшар эди. Уйи саранжом-саришта, бир чеккасида, кичкина қозончада нимадир қайнарди. У кичкина болаларни ўша қозонга солиб қайнатарди. Катта илоннинг эса уйи йўқ, ўз соясига ўзи ўралиб-чирмалиб, судралиб юргани юрган эди...

Кейинчалик қўрқувларнинг янгилари пайдо бўлди. Буларнинг бири — гала бўлиб юрадиган дайдилар эди. Ёлғиз қолганингда опқочиб, уннинг устига ётқизишади, кейин тўрт томондан бигиз тиқиб, қонингни оқизишади, қон томган ундан нон ёпиб ейишади, дердилар.

... Ўтган асрларнинг ана шундай кўркувларидан даг-даг титраганча, кечалари ҳовлига чиққани кўрқар эди у. Бу маҳалга келиб, ялтироқ махлуқ ва кулдирувчи тулки кўзига беозор, ҳатто кулгили бўлиб туюла бошлаган эди. Энди ялтироқ махлуқнинг тамоман йўқ эканини, тулки эса ҳеч ким йўқлигида товукларни ёки тухумларни ўғирлаб кетувчи заиф, аммо эпчил ҳайвон эканини билиб олган эди. Жуда кўрққан маҳалларида югуриб келиб бувисининг пинжига кириб оларди, у ғалати кўркувлар бувисининг бағридан юлқаб ололмастлигини биларди, мушк иси анқиган бу қадрдон кучоқ унинг мустаҳкам паноҳи, ҳимоя кўргони эди.

«Той болам, илоё, соғ-омон униб-ўсгин», — деб дуо қиларди буви.

\* \* \*

Балогатга етганида, бундай кўркувлар уни тарк этди, вужудини сурурга ва шиддатга тўлдириб оққан ўсмирлик қони суриб юборди уларни. Ўсмирлигида ҳеч нарсадан кўрқмайдиган бўлиб қолганини ҳис этди.

Ҳа, ҳеч нарса кўркув уйғотмас эди. Ўсмир баъзан бешафқат бўлади. Курту қушларни бераҳмлиқ билан ўлдирардилар, қўшнининг мушугини ёқиб юборардилар, кузда, иш бермай қўйган маҳалда ҳайдаб юборилган, емиш илинжида зовурга тушиб чиқолмай қолган озгин дайди кучукни тошлар билан уриб ўлдирганлари ҳануз эсида.

Югурса шамол етолмасди. Қичқирса — теварак, бир мушт урса — ер зириллаб кетарди.

Ҳамма нарса осон, у қилолмайдиган иш йўқдай эди. «Болам йигит бўлди», — деб қувонарди онаси.

\* \* \*

То ўттиз ёшига қадар у отасидан ёки онасидан айрилиб қолиш кўркуви билан яшади. Мункиллаб, бир тутам бўлиб қолган икки муборак зотнинг кўзлари тобора хиралашиб, гавдаси кичрайиб-заифлашиб бор-

моқда эди, одам қартайганида ёш боладай бўлиб қолади деган гапнинг ҳикматини шунда англаб етгандай бўлди Ориф: дунё ҳаваслари бир ёнда қолиб, арзимаган нарсалардан — битта жамбил шохчасидан ёки бир дона гилосдан севиниб кетишар, шу билан бирга, ҳаётнинг ўзгаришларига мутеъ ва қўрқинч бир итоат билан бўйсунмоқда эдилар улар.

Она эрта кетди, ота ҳозирча ҳаётда бўлса-да, қариб, саксонга яқинлашган, тамоман мадордан кетган, тобора илвираб бормоқда эди. Олтмишдан кейин эт суюқдан ажралар экан. Отанинг қоқсуяк билагининг эти шалвираб осилиб қолганини кўрганида, ич-ичидан эзилди. Ажаб, қартайганда қулоқлар чўзилиб, теграси ажин билан қопланаркан, бурун сўррайиб, ияк учли бўлиб қоларкан. Ажин босган юзнинг, тиришган кўлларнинг ҳарорати кетар, совир экан. ...

Отасига ҳадик билан қараганларини раҳматли сезганига ҳозир ақли етади. Лекин бирон сўз демаган экан.

Нафсиламрини айтганда, сўз деганида ҳам... тушуниб етадиган ёшда эмасди Ориф...

\* \* \*

Ўлим ғоят узоқдай, агар ажал тўсатдан келиб қолганида ҳам, бошқа дунёга енгилгина ўтиб кетаверадигандай туюларди. Отани йўқотиш кўрқуви кейинчалик болани йўқотиш кўрқуви билан алмашди. Ота узоқ яшади. Ориф қирққа яқинлашганида, отасининг ўлими ҳақида сокин-осойишта ўйлайдиган бўлди. Бироқ, фарзандига бир нима бўлишини тасаввур эта олмасди, ўттизнинг нарёғидаги отани йўқотиш кўрқувидан кучлироқ ва ёмонроқ эди бу кўрқув. Болалар улғайгани сайин ҳадиксирашлар камаяр, деб ўйлади, аммо аксинча бўлиб чиқди — олтмишга кирганида ҳам болам деб юраги зириллайдиган, ўгли кеч қолса, айвонда дарвозага кўз тикиб ўтирадиган бўлди.

\* \* \*

Ўйлаб қараса, ҳақиқий қўрқув нималигини то қирқ ёшига қадар билмабди. Тўғрироғи, дилида қирққа қадар ўрмалаган ҳадиклар дунёвий экан, қирқдан кейин бошқа тур, бошқа табиатли қўрқувлар бино бўла бошлади.

Қирқдан кейин... баъзан тушларида ёки хаёлида осмон бўйи келадиган ингичка деворнинг энг тепасида кўра бошлади ўзини. Деворнинг эни ярим қулочгина, аммо бирданига янада кичрая бошлайди. Шу қадар баланддаки, ернинг қаердалиги кўринмайди.

Юксакларнинг кучли шамоли сочини юлади, танасини совқоттиради, шамол эпкинисида тушиб кетмай деб бу силлиқ, ғалати метин деворга калтакесакдай ёпишади, ёпишгани сайин деворнинг эни торайиб-кичраяди.

Қайдадир яна бир девор бор, у мана шу девор билан кесишади. Кесишган жойига етиб олай, у ерда маҳкамроқ тирмашиб оларман деган илинжда тирноқлари кўчиб-кўчиб, мушаклари чирсиллаб-узилиб, жуда эҳтиёткорлик билан имиллаб ҳарчанд уринса-да, етиб боролмайди... Бу деворнинг тепасига қандай келиб қолганини ҳам билмайди. Баъзан пастга қулаб кетаётгандай бўлади, шунда аъзойи бадани, шуури тош қотади — қўрққанидан уйғониб кетади.

\* \* \*

Элликдан ошганида эса орзуларининг камайганини, қўрқувларининг кўпайганини кўрди.

Орзу... деярли қолмаган эди, ўрнини илинжлар ва умидлар эгаллаган эди. Тенгдошлар бир-бирларига соғлик-саломатлик ва узоқ умр тилардилар, аммо кўзларида бир маҳалларнинг ёлқини, шаҳди кўринмас эди, тилак билдирганларида нигоҳларида илинж жавдирарди...шояд бир хасталик илашмаса...шояд қувват танани тарк этмаса...шояд узоқ умр насиб этса... баҳор дилни

маъюсликка тўлдирад, куз қалбни эзарди... қор остидан чиқиб турган қорамтир шохчалар... чирий бошлаган хазонлар... руҳни эзиб чирқиллайдиган қора зағчалар... ингичка шохларни эгиб-зириллатадиган изғирин шамоллар...

«Болам катта бўлди», деб қувонадиган на ота бор эди, на она.

\* \* \*

Ориф энди кўрқинчли-ташвишли тушлар кўрмас эди. Хобида нималардир рўй берарди, аммо ҳарчанд уринса-да, эслай олмасди. Баъзан ўша уйқунингми, тушнингми нимасидир онгида йилт этардию ғойиб бўлар, руҳи бирданига енгил тортарди, бироқ бу енгиллик ҳам ўша йилт этган нарса сингари ғойиб бўлиб кетарди.

Бу қишлоқдан кетиш фурсати яқинлашганини ичичида ўйлар эди. Болаларининг кўзида ҳам ўша таниш ҳадикни, ўша хавфсирашни пайқарди. Ўзи отасига айтолмагани каби, улар ҳам оталарига сўз қотишга ҳадиксирашларини Ориф тушунмай, ким тушунсин? Аммо қай тил билан айтсин? Қандай тушунтирсин?

Уларнинг дилларда ҳам бир маҳаллар ўзидаги каби синоатлар рўй бераётганини сезиб-пайқаб турса-да, сўз демасди, истиҳола қиларди, кун келиб ўзлари тушуниб олишар, дерди.

Баъзан эса...

Кечалари...ойсиз тунларда... ўтган хатолару адашишларнинг қуюнида тафаккури чирпирак бўлиб ётаркан, ўша қуюннинг шовқинини эшитгандай... деярли унутилган ҳиссиётларнинг дарахт сингари озорланиб ингранишларини... синишларини... ҳою ҳавас қушларининг ҳавога потирлаб саросима ичра кўтарилишларинию эпкинда гир айланиб қулашларини... сезаётгандек, кўраётгандек бўлар, гоҳ эса ана шу шовқин-сурон ичидан, балки жудаям узоқлардан элас-элас келаётган «Ёрдам берингла-а-а-а-а р!!!» деган, одамнинг этини жунжик-

тириб, сочларини тиккайтириб юборадиган ғалати бир садони эшитгандай бўларди...

Бу зухуротларни бировга айтгани, маслаҳату имдод сўрагани тили айланмасди, сўйлаш не экан, эслагани он вужудидан мадору куч кетиб, кекса юраги шув этар, қўл-оёқларига муз ўрмалагандек бўларди, бироқ, вақти соати етиб уларнинг сирининг бир кун очилажагини, сирлар ортидан бутунлай бошқа, улкан бир ҳикмат юз кўрсатажагини ҳам пайқар эди Ориф чол...

\* \* \*

Ҳозир у энсиз, ғалати ўт-ўланлар ўсган майин тупроқли сўқмоқ қошида турарди.

— *Алвидо!* — деди *Чимчиловчи махлуқ, маъюсланиб.*

(*Алвидо???*)

Сўқмоқ тор, ойдин, аммо ой кўринмас эди. Теварақда ёғдуга кўмилган оқиш дарахтлар жим шовулларди. Ориф сўқмоққа қадам қўйди, илгарилаб бораркан, теварақдаги дарахтларнинг бирининг шохида оёғини осилтириб ўтирган сариқ қизчага кўзи тушди.

— *Ия, сенмисан?* — деди у, *боладай қувониб.* — *Эсингдами, мени қўрқитганларинг?*

(Аммо қачон?)

— *Алвидо,* — деди қизча, *маъюс мўлтираб.*

Ориф ҳайрат ва ҳадик ичра янада илгариларкан, дарахтларнинг буталари орасида бир шарпа кўринди. У болалигининг қадрони — малла тулки эди.

— *Сен ҳам шу ердამисан?* — деди ҳайрон бўлиб. — *Бу қанақа дарахтзор ўзи?*

— *Алвидо,* — деди тулки ҳам.

Яна бир нималарни сўрагиси келди, лекин олдинга юриши керак эди, тўхташнинг иложи йўқ эди — тупроқ оёғига майин илашаётганини ҳис қила-қила кетаверди.

Дарахтзор тугади. Каршисида ингичка, узундан-узоқ девор намоён бўлди. Ориф шу деворга оёқ қўйди.

Бу деворнинг на охири, на туби бор эди. Шу қадар юксақда эдики, пастда сузиб юрган булутлар ҳам элас-элас кўзга ташланарди. Қайдандир жуда кучли, совуқ шамол эпкин урарди. Девор устида тик юриб ё эмак-лаб бўлмасди, Ориф ётиб, маҳкам тирмашиб олди.

Энди дарахтзор йўқ, аллақачон қайдадир ортда қолиб-ғойиб бўлиб кетган эди. Ўнгу сўлда кўзга кўринмайдиган шамол ғувилларди, сочларидан юлқи-лар, кўзини очиргани кўймасди.

«Ёрдам берингла-а-а-а р!!!» — деган элас-элас сас-садо келмоқдайди бу сурон орасидан!

Ориф қўл-оёғи билан бу силлиқ ва ғалати сатҳга ёпишганича, тирноқлари кўчиб-кўчиб, имиллаб су-рилмоқда эди.

Қайдадир яна битта девор бор эди.

Бир амаллаб шу иккаласининг кесишган ерига етиб олсам, бир оз тин оламан деган илинжда сургалмоқда эди у.

... Етиб олсайди!

Бир оз тин олса...

.. бир оз тин олсайди...

*2010 йил*

## **БОҒИ ЭРАМ**

Уйимизнинг орқа томонидаги бедазорда иссиқда ўт-ўланлар орасига тушиб қолган асаларилар бўғиқ гўнғиллар эди. Бедазорнинг ниҳоясидан зилол сувли ариқ оқиб ўтган эди. Ўртоғим иккаламиз онам ёпган нонлардан бирини олиб қочиб, ариққа оқизаётган эдик. Шундоққина ёнимиздаги томорқа девори бир маҳаллар ағанаб тушган, ҳосил бўлган каттакон дарвозадан тупроғи ўйнаб кетган кўчамиз кўриниб турар, кўча четидан оқ ятакли, оппоқ соқолли бир чол ҳассасига таяна-таяна, шу ёққа қараб имиллаб қадам ташлаб келаётган эди.

Адашмасам, ўшанда мен саккизми-тўққизми яшар эдим. Ёки етти яшармикинман... хуллас, эсимда йўқ. Аммо чолнинг кимлиги аниқ эсимда — кўчанинг бошида, лойсувоқ уйининг олдида доим кўёшда исиниб ўтирадиган Холмуҳаммад бува эди у. Бизлар ўйинга овора бўлиб, унинг яқинлашганини сезмабмиз ҳам. Чол ёнимизга келиб, ўйинимизга пича термулиб турди. Салдан кейин эса унинг кўзларининг ёшланганлигини кўрдик.

— Нимага йиғлаяпсиз, бува? — деб сўрадим мен.

Чол, соқоли титраб:

— Бир маҳаллар мен ҳам онам ёлган нонни шунақа оқизиб ер эдим, ўшани эслаб йиғлаяпман, болам. Эвоҳ, ўзим ҳам шу ариқдаги нондай оқдим-кетдим... — деди. Нон егиси келяпти, деб ўйладимми, ҳар ҳолда ўзимнинг сувга бўккан нонимни олиб, унга узатганим эсимда. Чол бўлса нонни олдию ҳеч уялиб-нетмасдан, хўнграб йиғлаб юборди.

Бизлар анграйиб қолдик.

Чол, қўлида бир бурда нон, кўзида ёш, яна имиллаб йўлида давом этди.

Унинг ортидан қарайман деб ариқдан ҳатладиму чол ҳам эсимдан чиқиб, кўзларим бақрайганча қотиб қолдим. Нимани кўрдинг денг? Қопқалари тилладан, тутқичлари биллурдан бўлган бир боғнинг қаршисида кўрдим ўзимни! Қопқа ёнида, биллур ҳалқани тутиб турган мен қатори бир болакай менга қараб кулар ва ичкарига имлар эди.

Олдинга икки қадам босиб, боққа мўраладим. У ерда нималарни кўрганимни айтолмайман, айтганим билан қанақадир заминий нарсаларга ўхшаб қолаверади. У ердаги дарахтлар, бизнинг кўрганимиз одатдаги дарахтларга ўхшаб кетгани билан, мутлақо бошқача эди. У ердаги қушлар, сувлар... Бу боғ самовий эди! Фоятда гўзал эди! Бу гўзалликка мос таъриф тополмай ўртанаман.

Боғ мени ўзига шу қадар мафтун этдики, олдинга беихтиёр яна бир қадам қўйдим. Тагин бир қадам қўйсам, боғ ичкарисидаман. Ҳилпираб учаётган олтин



ниначиларни тутиб олишим, хув анави зар қанотли Семурғ билан суҳбатлашим ҳеч гап эмас...

Қопқанинг шундоқ ёнгинасида жудаям улкан бир яшил дарахт бор экан. Шохлари булутлар орасида кўзга кўринмай кетган. Ҳар замон-ҳар замонда япроқлар узилиб тушаётир. Мана, шундоққина оёғим остига сарғайган бир барг келиб қўнди. Мен эгилиб қараб, баргда ёзув борлигини кўрдим. Сарғиш томирчалари бўртиб турган япроқ сиртига «Холмуҳаммад Зиё ўғли» деб битилган эди.

— Ия? — дедим ҳайрон бўлиб. Дарбон болакай кулиб бош чайқади. Ундан бир нимани сўрамоқчи бўлиб турганимда ортимдан, негадир узоқ-узоқлардан онамнинг мени чақирган ташвишли овози эшитилдию худди уйқудан уйғонгандек бўлдим. Кўзимни очсам, ранги оппоқ оқариб кетган онамнинг тиззасидаман. Тепамда ўртоғим ҳам ҳиқиллаб турипти. Онам йиғлаганича мени бағрига босди:

— Вой болажоним, нима бўлди сенга? Кўрқитиб юбординг-ку, жоним болам!?

— Кўрдингизми, сиз ҳам кўрдингизми? — дедим ҳаяжонда, тилим зўрға айланиб. — Боғни кўрдингларми?

— Қанақа боғ? — деди онам, ранги яна ўзгариб. — Қанақа боғ, ўғлим?

Кўрганларимнинг барини онамга айтиб бердим. Онам ҳеч нима демади, лекин ўша куни кечга яқин оппоқ соқолли бир қария уйимизга келиб, менга дам солди.

Мен ҳайрон эдим — ўша ажойиб боғ ва баҳайбат дарахт ҳақида гапиришим билан наинки ота-онам, балки бошқа катта ёшли кишилар ҳам кўрқишар, ёқаларига туфлаб тавба қилишар, баъзилари йиғлар эдилар. Онам-ку жуда ҳам кўрқоқ бўлиб қолди: ҳадеб «Сени ўша боққа ҳеч ким чақирмадими? Кўрганинга боғнинг ичкарисига кирдингми-йўқми?» деб сўрагани сўраган эди.

Кейин билишимча, ўшанда мен ариқдан ҳатлабману турган жойимда анграйиб қотиб қолибман. Ўртоғим келиб турткиласа ҳам, чақирса ҳам қимир этмасмишман. Шунда у жонҳолатда югуриб онамни чақириб келипти. Шундаям ҳолатим ўзгармай, ўша жойимда турганмишман... Онамнинг ортидан отам ҳам етиб келипти, улар мени кўтаришиб айвонга обориб ётқизишипти. Анчадан кейин ўзимга келибман...

\* \* \*

Йиллар ўтди, улғайдим. Аллоҳ насиб этиб, ўғилли бўлдим. Ўғлимнинг чулдирашларини, алпанг-талпанг юришларини кўриб, ўзимни еттинчи осмонда юргандай сезаман. Гўё оламда мендан бошқа бахтиёр ота йўқдай. Онам-ку боламни мендан баттар авайлайди. Бир нималар деб қалдирғочдай чуғиллаганида, яшнаб кетади.

Уйимиз ортидаги бедазор ҳалиям бор. Аммо у кичкинагина бўлиб қолган. Бедазор ниҳоясидаги ариқ эса кўмилаёзган.

Баҳор келиб, гилослар қоп-қорайиб пишди. Ўғлимнинг ҳали тили чиққани йўқ, аммо гилосхўр бўлиб қолди. Қишлоғимизнинг кунботар тарафида катта бир боғ бор, у ерда гилослар кўп эди. Ўғлимни елкамга миндириб, ўша боққа бордим. Бир гилоснинг шохини эгиб, дўпписига тўлдириб солиб бердим. Тепароқдаги шохчадаги гилослар янаям шира боғлаб пишгандай кўринди кўзимга. Интилиб ўша шохчани ушлаганимни биламан...

Гилос шохлари орасидан яна ўша сирли боғ намоеън бўлган эди. Ўша-ўша! Қопқалари тилладан, тутқичлари марвариддан... Эшик олдида қоп-қора соқолмўйловли ёшгина дарбон менга кулиб қараб турар эди. У мени таниган эди, мен ҳам уни танидим. У имо қилиб, ичкарига чорлар эди.

Боғ қопқасининг иккала тавақаси ҳам ланг очик! Ичкарида ўша мен кўрган манзара барқ уриб туриб-

ди. Кўз ўнгимда гуллар ғунчалаб, ўша заҳоти очилаётир, бу гуллар аслми ёки тилладанми — фарқлаш кийин. Дарвоза ёнида баҳайбат бир дарахт юксалиб турибди, япроқлари чирт-чирт узилаётир. Кўнглимдаги бир сас «бу Тубо дарахти эмасмикин», дея шивирлаётир. Узоқ-узоқларда бир нима кўзни олгудай бўлиб ярақлаб-жилваланяпти. Жилваси шу қадар ғўзал ва нафиски, унга бир боққан одам умр бўйи кўз узолмай қолиши аниқ.

Шундоққина оёғим остига узилиб тушган япроққа қарадим... унинг сиртида падари бузрукворимнинг исми битилганини кўрдим!

Шу маҳал қулоғимга ўғлимнинг чириллаб йиғлаган товуши урилди.

Хушим дарров ўзимга келди. Жонҳолатда ўтирилдим, қарасам, эмақлаб бориб сал наридаги саёзгина ариқчага тушиб кетипти, сувнинг муздайлигидан кўрқиб йиғлаётган экан. Уни қўлимга олдим у маҳкам бағримга босдим.

Сезганимдек, қайтиб қараганимда боғ яна ғойиб бўлган эди. Ўғилчам жажжи қўлчалари билан боғ ғойиб бўлган томонни кўрсатиб, ўзининг тилида алланималар деб чуғурлар эди.

*«Уни сен ҳам кўрдингми, зурриёдим?»*

Кейин ёдимга боғдаги дарахт, ундан узилиб тушган япроқ келди. Шоша-пиша уйга югурдим. Юрагим бир нимани сезгандай потирлаб урарди. Муюлишдан кўчамизга бурилдим тиззаларим бўшашиб кетди. Дарвозамиз олдида маҳалламиз кишилари тўпланган эдилар.

Отам... Белининг қувватини, умрининг энг масъуд дамларини, ёшлигини бизларга бахш этган, бизларнинг соғлом ва хушбахт бўлиб улғайишимиз учун ўзини ўтдан-чўққа урган отам... оламдан ўтипти!

Шундан кейин бу боғдан чўчийдиган бўлиб қолдим. Тушларимга кириб чиқарди бу синоат боғи! Эшик олдидаги дарбон мулойим нигоҳини менга тикиб, жим турарди. «Яна нима керак сенга?» — деб қичқирардим

мен унга тушимда. «Мендан нима истайсан ўзи? Тинч кўй мени, истамайман сенинг боғингга киришни!» Алаҳсираб уйғонганимда ҳам тушимдаги манзаралар кўз ўнгимдан сира кетмас эди.

Умр эса бир маромда ўтар, аста-секин бу боғ қўркуви дилдан чекиниб борар эди.

\* \* \*

Боғни учинчи дафъа кўрганимда ёш анчага борган, соч-соқол оқарган эди. Унинг бу галги зухуротидан галати бир ҳикмат туйдимки, бу ҳикматнинг тубига ҳали-ҳали етолмайман.

Ахир, умр.... умр ўтиб бормоқда эди.

Осмонга булут чиқса суякларим симиллаб оғрийди. Кўзим ёшланади. Кўпинча, дарвозам олдидаги супада қуёшда исиниб ўтираман. Олтин куз офтоби вужудимга хуш ёқади. Қалбим ҳам куз сувлари каби тиниқ, сокин...

Бу сафар ҳам супага чиқаётган эдим, пастак девордан қўшнимнинг томорқасига кўзим тушиб қолди. Қўшним бу йил томорқасига беда экибди.

Бедазорнинг адоғида эса яна ўша манзара.

Бу сафар эшикдаги дарбоннинг ҳам сочларига оқ оралаган эди. Боғ ичи куз эди, эрта куз. Кузнинг бунақа гўзаллигини ҳеч қачон кўрмаганман. Дарвоза қаршисидаги дарахтдан олтин япроқлар мунгли бир жаранг билан бандидан узилиб, ерга соллана-соллана қўнар эдилар. Узилиб тушаётганлари сонсиз-саноксиз эди, ернинг бети кўз етгунича қадар япроқлар билан қопланган эди.

Ахир, ҳар бир япроқда бир исм ёзилган эмасмиди?

Бу сафар оёғим остига келиб тушган япроқда дўстимнинг исми ёзилган эди. Бизлар тенгдош эдик, болаликдан бирга ўйнаб катта бўлган эдик. Бир вақтда уйланган эдик, кўп жиҳатдан тақдиримиз ҳам бир-биримизникига ўхшаб кетар эди.

Бу саодат боғини тўртинчи дафъа кўрганимда....

Бедазор. Сал нарида иккита болакай ариқда нон оқизишяпти. Шу икки болакайга қараб турипману кўз ўнгимдан болалигим... отам... онам... қайноқ нонлар лип-лип ўтаёттир... Кўздан эса милт-милт ёш оқаёттир... Қандайин қайноқ, ҳовурли эди у нонлар. Онагинамнинг бағридай тафтли эди-я... Қандай эдим-а... Қандай эдик-а, биродарлар...

Қараб турибману ҳеч нари кетолмайман. Болакайларнинг бири мени кўриб қолди. Бу чол нега йиғлаяпти, деб ҳайрон бўлгандек кўзларини пирпиратиб қараб турди-да:

— Нимага йиғлаяпсиз, бува? — деб сўради.

Воҳ болам-а! Нега йиғламайин, кўнглимдан ўтганини қандай қилиб айтийин? Ахир, мен ҳам бир маҳаллар онам ёпган нонларни сизлар каби ариқда оқизиб ер эдим... Эвоҳ, ўзим ҳам шу ариқдаги нондай оқдим-кетдим-ку!

Шууримда ўша — болалигим, бизларга қараб йиғлаган Холмуҳаммад буванинг қиёфаси... тилимда эса ўша жавоб... дилимда эса бу ғалати чархпалакнинг ҳайбатидан қўрқув...

Болакай узатган нонни олдим у ҳеч ўзимни тўхта-толмайман. Кўзимдан тинмай ёш оқади, умримнинг нурли ва армонли лаҳзалари лип-лип ўтади.

Ана шунда...

Ана шунда... мен у боғни яна кўрдим. Эшик олдидаги дарбон ҳам мен каби қартайибди. Асосига суяниб, ҳорғин термулиб турипти. Боғнинг қопқалари ланг очиқ. Ичкарида эса ўша — шохлари булутлар орасида кўзга кўринмай кетган баҳайбат дарахт. Шохларидан ҳануз япроқлар узилиб тушаёттирлар...

Ажабо, бу сафар узилиб тушадиган япроқда кимнинг исми ёзилган экан?

Дарбон иккимиз бир-биримизга узоқ термилиб қолдик. Ниҳоят, у ҳассасига таянган кўйи, ҳорғин овозда:

— Энди кирақол, етар... — деди.

Ортимга қарадим. Аммо ҳеч нарсани кўрмадим — ёш пардаси кўзларимни тўсиб қўйган эди. Қадам қўярканман, кафтимда бир нарсанинг тафтли ҳароратини ҳис қилдим. Қарадим — боягина бедазордаги раҳмдил болакай кўлимга тутқазган, сувга бўккан бўлса-да, тафтини йўқотмаган бир бурда нон...

1999 йил

## АВЛИЁ

Ёғиб ўтган ёмғир ортидан эсган шамол бултурги хазонларни учириб олиб келиб, лойга қориштирган эди. Бу шамол кеча кечқурун тинган, энди эса Авлиёота тоғининг чўққилари томондан совуқ шабада эсаётган эди. У одамнинг этини жунжиктирса-да, *бироқ қайдадир музлаган тошларни ёриб чиққан бойчечак ифори*ни олиб келиб *димоққа тутар*, кишининг кўнглига тоза ҳисларни солар эди.

Тоғ йўлидан кетаётган, сочларига оқ оралаган кишининг исми Абдулқодир эди. Олтмиш учга кирган бу одам Авлиёота ғоридаги авлиёнинг ёнига бораётган эди.

Авлиё салкам юз йилдан буён шу ғорда яшар эди. Унинг ёнига зиёратга келганлар Авлиё ота кулбасининг ёзда салқин, қишда илиқ бўлишини айтиб, буни авлиёнинг зоти мубораклигига, комил ва худонинг суйган бандаси эканлигига йўяр эдилар. Қишда бу ер яланг бўлганлиги учун аксарият изғирин шамол хуштак чалиб, совуқда муз қотган оппоқ, тоза қор зарраларини учириб, кулба девори ҳамда арчаларнинг тагига уйиб ўйнар эди.

Қишда одамлар Авлиё отанинг ёнига деярли бормас эдилар. Йўл хатарли, совуқ, музлаган эди. Қаҳратонда Авлиё ота кузда ўриб олгани бугдойдан ун қилиб, хамир қориб, нон ёпади, шу йўл билан тирикчилик қилади, дер эдилар.

Авлиё отанинг кўйлари ҳам бор бўлиб, бу кўйларда-да бир ҳикмат борлиги аён: уларга касаллик ҳеч яқин йўламасди, ҳар йили бехато эгиз туғарди, ўтлаб арчазорлар орасига кириб кетсаям биронта йиртқич даф қилмас эди. Ҳар совлиқ бир кўза тўла серқаймоқ сут берар эди-буям худонинг суйган бандасига кўрсатган бир марҳамати эканига барча ишонар эди.

Авлиё ота салкам юз йилдан бери бу горда ибодат билан машғул эди. Қалбида заррача дунёвий губор йўқ, ойнадай тоза ва тиниқ, нурафшон эди. Теварак-атрофдаги қишлоқлар ўрамида жами юз минг киши яшаса-да, аммо ҳеч бири авлиё отачалик бўлолмаган эдилар. Уларнинг орасида ибодат йўлига кирганлари қанча, доимо ҳақ хизматида бўламан, деганлари қанча? — бироқ, барининг дилини дунёнинг қандайдир бир ташвиши хира тортирган эдики, иймон нурининг бор бўйича аксланишига айнан шу гардлар монелик қилаётган бўлса не ажаб?

Кишилар бошларига бир ташвиш тушганида, асосан хасталикка йўлиққанларида Авлиё ота қошига келар эдилар. Отанинг дуоסי билан хасталик чекинар эди. Шу маҳалда балки кўпчилик ҳақиқий ибодат йўлидаги бу одамнинг яшаш тарзидаги, ибодатидаги улуғворлик ва соддалик ҳикматини ҳис этиб, бундан буёғига охиратни ҳам ўйлашни дилига тугса, мен ҳам энди ибодат билан машғул бўламан, Худонинг айтган йўригидан чиқмайман, деб кўз ёшлари ила ният қилса ҳам эҳтимол. Аммо, рўзғор деган ёв нақадар қудратли! Нақадар улуғ шахсларни, балки янада тақводорликка эришиши мумкин бўлган кишиларни, балки улуғ лашкарбошилару, олимларни синдирмаган у! Одамлар уйларига қайтиб, яна ўзлари билан ўзлари овора бўлиб кетардилар: бола-чақа, тирикчилик ташвишлари яна ўз домига тортиб кетар эди...

Фақат, Авлиё отагина эътиқодда собит эди. Фақат, Авлиё отагина илоҳий муборакликка муяссар бўла олган эди!

Ёши олтмиш учга қараб кетган Абдулқодир ака ана шу Авлиё отанинг қошига бормоқда эди. Бу бежиз эмасди уч-тўрт кун аввал у ваҳимали бир туш кўрган, бу тушни у ёруғ дунёдан кетишнинг ишорати деб англаган эди. Боз устига, йиллар давомида орттирган хасталиклари ҳам бот-бот хуруж қилаётган эди. Аммо Абдулқодир ака Авлиё отадан хасталикларига шифо сўрамоқчи эмас эди. Зотан, тузалмас хасталик — кексалик аллақачон етиб келгач, соғ аъзойи баданга не ҳожат? Кийилавергани сайин кийим ҳам эскиради. Вужуд деб аталган бу либос ҳам кун келиб жулдурлашгач, албатта ечиб отилади.

Авлиё ота ёнига асосан кекса одамлар кўпроқ келар эдилар. Булар турли-туман нафсоний ишлар билан имонларини хиралаштирган, умрларини зое кетказган кишилар бўлиб, мана энди қачондир кимгадир ноҳақ айтилган сўзнинг жазосидан, бировнинг ҳақнинг гуноҳидан кўрқиб, Авлиё отанинг худодан бу гуноҳларни афв этишини сўраб дуо этишини илтимос қилиш учун келардилар. Бироқ, эҳтимолки, зиёратдан сўнг ҳам уларнинг қалблари тинчланмас эди — зотан, адолатли ажр яқинлашаётганини руҳлари сезиб, титраб-қақшар, бир имдод, бир илинж истагида ҳаётда сўнгги кунларини яшаётган эгасини ҳар тарафга йўллар эди!

Аммо, Авлиё отанинг қошига бораётган олтмиш уч ёшли бу одамнинг истаги содир этган гуноҳларининг мағфирати ҳам эмас эди.

Ҳозир, теваракдаги ҳар бир тошга, ҳар бир харсангга термилиб, унинг кўзларидан ёш оқар эди. У йиғлар эди! Бу йўллардан кўп йиллар аввал, бобоси билан ўтган, ўша маҳаллар у ёш бир болакай эди. Теваракка боқаркан, бу йўл умр йўлига айлангандек, умр йўлини қайта босиб ўтаётгандек эди.

Хув анави, пастда қолиб кетган қишлоқ чеккасидаги тоғтерақлар остидаги булоқ ёнида у ўн саккиз ёшида севгилисини ҳар оқшом ҳаяжонланиб кутган эди. Қиз



қурмағур ҳам шумгина эди — шом маҳалидагина сувга чиқар эди. Уч-тўрт дақиқалик висол эди бу. Абдулқодирнинг қишлоғи бу ердан уч чақирим узоқда эди, аммо қурмағур қизгинанинг кўйлагига тақилган қалампирмунчоқ исидан боши айланиб, зумда уйига етиб келганини ҳам сезмай қоларди у. Кейин эса ҳовлидаги сўрига чалқанча ётиб олиб, юлдузларга термулганча ширин ўйлар сурарди. Наздида, ҳатто гуллаган жийда ҳам қалампирмунчоқ исини таратаётгандай туюлар эди.

Бироқ, ё алҳазар, исми нима эди у илк муҳаббат санамининг?!

Нақадар узоқ ўтмиш... Бироқ, қирқ беш йил олицдан-да ҳануз ўша таниш бўй анқиётгандай...

Хув узоқдаги тошдан эса, Абдулқодир қиз кўрган уни, сурувдаги қора кўчқорни тутаман деб йиқилиб, оёғини синдирган, аммо оталик шавқи билан нақ бир чақиримгача судралиб борган, кейин уни одамлар кўриб қолиб, олиб кетишган эди. Ўшанда севгидан-да улугроқ, нажиброқ ва юксакроқ туйғу — оталик туйғуси Абдулқодирнинг кўксини тўлдирган эди.

Ўша вақтлар, бир-икки ой юраги санчиб оғриганида, қизчасини бағрига олиб, шундоққина қалбига босар эди — не ажабки, кучоғидаги мурғак, фариштамонанд, ишонувчан ва пок вужуднинг ҳароратидан юракдаги санчиқ ҳам босилгандай бўлар эди.

Хотиралар... хотиралар шамол каби ёпирилар, узоқ-узоқлардан, *йилларнинг музлаган қатламлари орасидан бойчечак ифори каби уфураётган ёқимли ва армонли кечинмаларнинг ёдини олиб келиб шуурига тақар эди...*

Агар шу топда ёнида бир қадрдони бўлганида, балки Абдулқодир уни кучоқлаб, елкасига бошини кўйиб «Воҳ, биродар, умр ўтиб кетипти-ку!» дея йиғлаган бўлармиди? Аммо ҳозир у Авлиё ота қошига ёлғиз кетиб бормоқда эди, шунга қарамай, *кўздан оққан ёшни баҳорий чечак ифорини таратган шабада сийпалаб-қури-тиб, гўё бу одамни юпатар эди. Гўё дер эдики: «Мен қадимдан бери бу кўҳна олам узра эсиб ўйнайман. Сулаймон пайғамбарнинг суякларидан бино бўлган қум-*

ларни атрофга сочаман, Одам Ато билан Момо Ҳаво ер юзида илк бир-бирларини топган жойга олиб бориб сепаман... Оламга сенинг каби қанча одамлар келиб-кетмадилар. Бари ўзининг орзу-ниятлари, ташвишлари, қувончлари билан яшаб ўтди-кетди... Тангрининг ўзи пешонангга туғилиб-қартайиш ёзуғини ёзганидан кейин кимга шикоят этасану бу тақдирдан қутулиб қайга бора оласан...»

\* \* \*

Абдулқодир ака Авлиё отанинг зиёратига бир маҳаллар, болалигида бобоси билан келган эди. Ичкарига кирганларида, авлиё дарча олдида, бўйрада чордана қуриб ўтирар, олдида катта бир китоб очиқ турар эди.

Ўшанда... бобоси авлиёнинг қаршисига ўтириб, ёнига Абдулқодирни чақирди. Абдулқодир бобосининг Авлиё ота билан нималарни гаплашганини эслай олмайди.

Аммо, қолганлари ёдида.

Бобоси Абдулқодирнинг елкасидан тутиб, титраган ва бўғиқ товушда:

— Пирим, шу боламнинг ҳаққига ҳам бир дуо қилинг! — деб ўтинди.

Авлиё ота Абдулқодирга кулимсираб қараган эди, тегра мулойим бир ёғдуга тўлгандек бўлди. Абдулқодир беихтиёр ўрнидан туриб, Авлиё отанинг ёнига борди. Авлиё ота кафтини Абдулқодирнинг бошига кўйди-да:

— Ўғлим, кўзларингизни юмиб-очинг, — деди.

Абдулқодир кўзларини юмиб-очиб, ўзини қадимий ва нақшли бир эшик олдида кўрди.

— Эшикни очиб, ичкарига кириг, ўғлим, — қаердандир Авлиё отанинг далда берувчи овози келди.

Абдулқодир эшикни итарган эди, у осонгина очилиб кетди. Болакай ичкарига қадам босди ва ўзини бир боғда кўрди.

Не боғки, гўзаллигига ва фаровонлигига таъриф йўқ эди. Бунақа гўзал дарахтларни, қушларни Абдулқодир

ҳеч ерда кўрмаган эди. Боғнинг ҳар ер-ҳар ерида одамлар ҳам кўзга ташланар, улар нур билан ўралган эдилар. Нарироқда эса ҳавода ҳилпираганча парилар учиб юрардилар.

... Кўзларини очганида, у яна Авлиё отанинг нуруний чехрасини кўрди. Авлиё ота дуога қўлларини очиб турар, бобоси эса «пирим, пирим» дея йиғлар эди.

— Неварангиз хозир Фирдавс жаннатини кўрди, — деди шунда Авлиё ота...

Кейинчалик жуда кўп мартаба бобоси Абдулқодирдан у боғда нималарни кўрганини сўради. Аммо, Абдулқодир боғда кўрганларини баён қилиб бера олмас эди. Бобоси одамларга «Менинг неварам жаннати» дея гапириб юрди. Бир сафар ҳатто «ўша боғдаги одамлар орасида мениям кўрдингизми, ўғлим?» деб сўради. Абдулқодир кўрмаганини айтгач эса, хомушланиб қолди. Шу куни кечаси эса болакай ғалати овоздан уйғониб кетиб, бобосининг жойнамоз устида мук тушганча «Жаннатингдан маҳрум этмагин, Парвардигор» дея юм-юм йиғлаётганини кўрди.

Бобоси бир йил сўнгра жонини Ҳаққа топширди. Хаста ётганида Абдулқодирни ёнига чақириб, дедики:

— Ўғлим, худойимнинг марҳаматидан айланай, сиз жаннатисиз. Қочмай туринг, мен сизни тавоф қилиб олай, — дея, эмаклаб ўрнидан туриб, болакайнинг оёқларини қучоқлашга уринди. Табиийки, Абдулқодир қочиб кетди. Чол эса, «Воҳ, художоним-а!» дея нола қилганича қолаверди.

Бобосининг нима учун йиғлаганини Абдулқодир кейин, эсини танигач тушунди. Аммо, одамзод қизиқ экан; йигирма ёшингда ўйлаган нарсанга қирқ ёшингда бошқача қараркансан.

Бобоси, унинг ортидан ота-онаси ҳам йўқликка қараб кетдилар. Ота-онасидан айрилганида, Абдулқодир ўзини ёруғ оламда танҳо қолиб кетгандай ҳис қилган эди. Аммо, ҳикматни кўрингки, бунақа пайтларда одамга фарзанд таянч бўлар экан. Ота-она меҳри ўрнини фарзанд меҳри эгаллади.

Кейинчалик эса буларнинг бари унут бўлди. Замонлар алмашди. Бошдан ҳар хил кунлар кечди. Гоҳо қийналдилар, гоҳо севиндилар. Аммо, Абдулқодир ҳалол яшади, бировнинг ҳақини емади, ўзганинг дилини оғритмади. Куч-қувватга тўлганида, болалигида кечган ўша воқеани эслаб кулгиси қистаган пайтлар ҳам бўлди. Вақтида улфатчилик ҳам қилди, аммо булар ҳар бир одамнинг ҳаётида бўладиган нарсалар — муҳими, у ҳалол яшади.

Болаликдаги ҳодисалар ёдда барибир қолаверар эканми, ўшанда кўргани боғ уч-тўрт марта тушига кирди. Ҳар сафар тўрт тарафи қоронғилик бўлган тушунарсиз бир макон ичида, яшил нур оғушида товланиб кўринаверди. Боғ тарафга ип каби ингичка ва ёруғ нур толаси бир йўл монанд чўзилиб кетган эди.

Бироқ, одамзод қанақанги тушларни кўрмайди дейсиз? Бир куни Абдулқодир бозорда «Қизим туш кўрипти, мен бошимдан-оёғимгача ахлатга булганган эмишман. Худо хоҳласа, бундан буёғига ишим юришиб, бойиб кетсам ажабмас», деб гапираётган бир одамни кўрган эди. Аммо Абдулқодир ака ўз тушининг раҳмоний туш эканлигига ишонар, кунлар ўтиб, ёши улғайиб боргани сайин ўша жаннат боғи қалбининг туб-тубида худди тушидаги сингари жилваланиб, руҳига ором бахш этар ва «Балки, худойим менга жаннатини насиб этар?» деган илинж гоҳо ишончга ҳам айланар эди.

Кеча эса, Абдулқодир бобо ўзининг кўрган тушидан ростакамига кўрқиб кетди.

Қоп-қоронғи бир жой эмиш. Бу қоронғиликнинг на остию на усти, на чапи, на ўнги бор эмиш. Шу қоронғилик ичра у ўзининг юзини кўриб турган эмиш. Юзи нимагадир тишланган, тиш изларидан қон оқармиш. Ортида бир қутурган туя турганмиш, у оғзидан кўпиги оққанча, ҳадеб Абдулқодирнинг юзини тишлар эмиш...

Вақт шомга яқинлашиб қолган, Абдулқодир бобо ана шу тушидан ваҳимага тушиб, Авлиё отанинг ёнига бормоқда эди. Мақсади — Авлиё отадан яна бир бор

Ўзининг борадиган манзилини кўрсатишини сўраш эди. Ёши олтмишдан ошганидан сўнг, у бот-бот шу ҳақда ўйлайдиган бўлди. Чунки, тенгдош биродарлар ҳам бирин-кетин йўқлик сари кетмоқда эдилар. Нима қилганида ҳам, навбат яқин, фурсат оз қолган эди. Аммо, Абдулқодир бобонинг кўнглига бир нарса — ёшлигидаги Авлиё бобонинг кароматию кейинчалик кўрган тушлари доимо таскин берар эди. Шундай бўлса-да, сафар вақти яқинлашаётганини идрок этган руҳи нима учундир ваҳимага тушаётган эди. Балки... балки билиб-билмай айтилган бир сўз... бир нигоҳ... бир ҳаракат уни абадий ҳалокат сари етаклаб кетса-чи?

Фурсат бой берилди, энди ортга қайтиб бўлармиди? Олтмиш уч йиллик умр ҳам худди бир лаҳзадай — ёруғ, шитоб билан кечган бир лаҳзадай ўтди-кетди.

Ана шунинг учун ҳам Авлиё отанинг қошига бораётган бу одам, ёнида бир дўсту қадрдони бўлганида, «Воҳ, дўсти азиз, умр ўтиб кетипти-ку» дея ўксиниб-ўксиниб йиғлаган бўлур эди. Аммо азиз дўстларнинг бир қисми ҳозир дунёда йўқ, қолганлари ҳам ёнида эмас, фақат, *баҳор чечагининг билинар-билинмас исини димоққа тутганча шабада эсар*, у шарқ томондан қорамтир булутларни тоғ бошига ҳайдаб олиб келар эди.

\* \* \*

Абдулқодир бобо Авлиё ота ёнига етиб келганида, шом кўнган эди. Арчазорда авлиёнинг қўйлари бултурги хазонларни титиб ўтлаб юрар эдилар. Шамол қишда қор зарраларига қўшиб хазонларни ҳам арчалар остига уйган экан, ҳозир булар қорайиб кўринар, кузнинг намчил исини таратар эди. Кеч бўлгани учунми, зиёратчилар йўқ эди.

Абдулқодир бобо йўталиб олиб, бир оз ҳаяжонланиб, кулба эшигини очди ва бўғиқ овоз билан чақирди:  
— Авлиё ота?!

Жавоб бўлмагач, у ичкарига қадам босди ва Авлиё отани кўрди.

Авлиё ҳануз дарча ёнида, бўйрада ўтирар, олдида ҳануз очиқ китоб турар эди.

*Кулба ҳавоси ёқимли, илқ, қизиги шундаки, бу ердан ҳам бойчечак иси анқирди.*

Абдулқодир бобо салом берди. Авлиё алик олганида, Абдулқодир бобо унинг ҳам жуда кексайганини, вужуди пардай бўлиб қолганини, нигоҳининг янада тиниқлашганини кўрди. Гўё авлиёнинг теграсини қуршаб турган нур эрта-индин бир ҳукми илоҳий ила бу ҳафиф вужудни кўкларга учуриб олиб кетадигандай кўринар эди.

Абдулқодир бобо бўйрага тиз чўкди-да, зиёратдан мақсадини баён қилди. Болалигида бу ерга келганини, Авлиё ота унинг бошига муборак қўлларини қўйганини, жаннати олийни кўрсатганини айтди. Кейин иккилана-иккилана сўрадики, кўп қатори, қўлдан келганича умр кечирдим, ажабо, у макон ростдан ҳам менга насиб қилармикин?..

Авлиё ота жим, балки янада чуқурроқ ўйга чўмган эди. Бу сукунатда Абдулқодир бобо бир нарсанинг гурсурс этиб ураётганини эшитди. Бу — унинг олтмиш уч йил давомида садоқат билан хизмат қилган кекса юраги эди.

Ниҳоят, авлиё «Яқинроқ келинг, ўғлим» дегач, бобо энтикиб, зоти муборакнинг ёнига яқинлашди. Авлиё унинг бошига қўлларини қўйди.

— Кўзингизни юмиб-очинг, ўғлим!

Абдулқодир бобо дилида «ё худо, марҳаматингни аяма», — дея илтижо қилганча, кўзларини юмиб-очди.

Алҳазар, у яна ўзини ўша эшик ёнида кўрди. Бу ердан ҳам юрагининг гурсиллиб уриши эшитилиб турар эди.

Узоқ-узоқлардан:

— Эшикни очинг, ўғлим! — деган таниш овоз келди.

Абдулқодир бобо титраётган қўллари билан эшик тавақасини оҳиста итарди.

Эшик очилди...

Аммо, ё алҳазар, ичкари... қаҳратон қиш эди! Шамол қор зарраларини учириб ўйнар эди. Баргсиз дарахтлар қоп-қора, яланғоч шоҳларини тунд самога чўзган эдилар. Ҳар тараф муз, жаҳаннамий совуқ чор тарафни ях каби қотирган эди. Қор узра бир қабр кўринар, қабр тупроқлари ҳам музлаган, тош қотган эди.

Фақат шугина! Қиш...Совуқ... Изғиринда ёлғиз бир қабр!.. Бошқа ҳеч нима йўқ эди.

\* \* \*

Авлиё ота рўпарасидаги эзилиб-букчайиб қолган бандага ачиниб қараганида, хаёлидан кечган фикрлар нигоҳида нурланиб кетди.

Шу тариқа, икки қария бир-бирларининг қарши-сида жим қолдилар. Иккиси ҳам бир-бирларига сўз қотмас эдилар.

Зотан, сўз қотишга ҳожат ҳам йўқ эди: фақат кеч куз шамолигина кулба эшигига гувиллаб ўзини уриб ўйнар, бу икки кишини гўё узоқ-узоқларга — балки Одам Ато билан Момо Ҳаво ер юзида илк бор топишган жойларига олиб кетмоқчидай эпкин урар, *бирок*, *энди у бойчечак ифорини таратмас эди...*

1999 йил

## ОЙДИНБУЛОҚ

*Йўлдош СУЛАЙМОН хотирасига*

Қишлоқ четидан уйга қайтаётган эдим. Сўқмоқдан юриб, пастликка тушдим атрофини жингулларнинг қалин девори ўраган, қари, бужур тол барглари шитирлаб турган Ойдинбулоқ ёнидан ўтдим.

Бу булоқ болалигимдан бери бор. Суви кумушдай. Милтиллаб оқиб ётади. Болалик чоғларимда иссиқ нонни шу булоқ сувига ботириб ер эдим. Бу бужур тол у маҳаллар жуда улкан эди. Шохларида дунёнинг жами қушлари чуғурлаб ётишар эди. Қирғоғида оламда йўқ майсалар ўсар, улар таратган бўй ҳам жаннат бўйи монанд эди.

Бугун шу булоқ ёнидан ҳеч ўтиб кета олмадим. Бир нима ўша томонга тортаверди. Буталар оралаб ўтиб, булоқ ёнига келдим.

Ўша-ўша бужур тол. Шохчаларида ҳануз қушлар чуғурлашяпти.

Ойдинбулоқ ҳануз милтирайди.

*Булоқ кўзчасига битта япроқ тушиб қолибди, гирдобдан чиқиб кетолмай, чириллаб айланяпти.*

Толнинг очилиб қолган ғадир-будур, қизғиш, яланғоч илдизи орасига шамол хазонларни тўплаб, уйиб қўйипти. Юрагим жизиллаб, бир япроқни қўлимга олдим. Қарангки, шамол унга хат битиб кетган экан.

*«Бу кун заволлидир»,* деб битибди шамол япроқ сиртига.

Ойдинбулоқ эса сокин жимирлайди. Булоққа энгашиб, сув сиртида аксимни кўрдим — ундан чаккаларига қиров оралаган, юзларига ажинлар тушган бир киши менга жим қараб турар эди.

Хаёлим тўзғиб кетди.

Бир маҳаллар... бир маҳаллар шамол худди шу ерга, худди шу япроқларга ўшандаям хат битиб кетмасмиди?

*«Бу кун шарафлидир»,* — деб битмасмиди ўшанда?!

У маҳаллар мен ўн етти-ўн саккиз ёшли ўспирин эдим!

\* \* \*

У маҳаллар олам беҳад кенг, Ойдинбулоқ беҳад катта, бу бужур тол сояси дунёни энлагудек эди.

Ўшанда...



Ўшанда... бу булоқ ёнида мен Паризодни учратган эдим!

Эслаяпману... ўзимни худди ўн етти яшар бўз йигитдай сезяпман...

Ахир, ўшанда... олам бошқача эди, биродарлар!

Паризодни тўсатдан кўрдим. Сигирга ўт ўриб келаётган эдим. Кўёш бота бошлади. Адашиб қолган асаларилар ўтлар орасида бўғиқ гўнғилларди.

Қайдандир янги ўрилган беда ҳиди, янги соғилган сут иси анқирди.

Ойдинбулоқ ёнига бурилдим... ўша ерга бир нур тушиб турганини кўриб қолдим. Нур самодан ёғилмас, Ойдинбулоқдан таралар эди.

Ойдинбулоқ ёнида бир пари турар эди. Унинг либоси... Нимасини айтай, ер қизлари бундай либосни тушларидаям кўрмайдилар.

Кўзлари юлдуз эди. Бундай фусункор кўзларни оламда фақат мен кўрганман. Бошқалар ҳам кўрганларида, худди мен каби девона бўлар эдилар.

Ў, бу оламда унинг ўхшаши бормикин? У ер қизи эмас, кўк қизи эди. Балки, пари дугоналари билан чўмилгани тушгану мен кўриб қолиб, қочишга улгуролмагандир? Қайдам... Ўша маҳалда жойимда тўхтаб қолдимми ё олдинга қараб юрдимми — эслолмайман. Фақат, угина ёдимда.

Сув томчилари ой ёғдусида қандай товланса, у ҳам булоқ ёнида шундай товланиб турар эди. Ҳа, эсладим — ахир, у бошяланг эди-ку? Нега ҳуркиб, учиб кетолмай турганини энди англадим: унинг рўмоли менинг ёнгинамдаги бута шохчасига илиғлиқ эди. Аниқ-таниқ эслайман: ҳарир, нурдан тўқилгандай рўмол эди.

Бир нима дейишга тилим ожиз, вужудим бу самовий малак олдида тош қотган, фақат кўнглим англамсиз бир бахт ҳисси билан тобора тўлиб борар эди. Балки, мени шу ҳис чалғитиб-алдаб қўйгандир? Мен уни кўриб қолганимдан нақадар бахтиёр бўлсам, унинг кўзларида шу қадар хавотир, ҳуркиш бор эди. Дам рўмолига, дам менга қарар эдию аммо қимир этишга журъат қилолмасди.

Париларнинг тилсими рўмолида бўлади. Рўмоли қўлга олинса, улар ҳеч қабққа учиб кетишолмайди! Бир қадам қўйдиму рўмолини қўлимга олдим.

Шунда унинг нигоҳидаги ўзгаришларни кўрсангиз эди! Оху кўзлардаги хуркаклик кўрқув ва гусса билан алмашди. Бошчасини қуйи эгди, шўрлик. Узун киприкларга икки томчи ёш маржондай бўлиб сизиб чиқди.

Титраб кетди, титраб!

Ўшанда қалбимни қоплаб келган бахту саодатни умримда яна туярмикинман? Юрагим тоза ва тиниқ туйғулар билан лиммо-лим тўлди, худди самоларда учиб юргандай бўлдим.

Ўн етти яшар йигитча мард келади. У маҳаллар ғайратим осмонга сиғмасди. Бу кўк қизининг гуссаси бир раҳмимни келтирса, бир қонимни қиздирар эди. Парининг жодусимиди ё қалбимдаги туғёнларнинг натижасими, билмадим, бироқ шу хилқат қошида тиз чўкким, унга жонимни фидо қилгим келди. Ҳа, унга фақат жонни фидо қилиш керак эди. Унинг қошида фақат тиз чўкиш керак эди. Унинг пойида хушбахтликдан жон таслим қилишнинг ўзи ҳам бемисл бир саодатдай туюларди.

Ҳисларнинг мана шу бўрони ичра, юзим мисдай қизиб, рўмолини унга узатдим. Ана энди бу гўзал чеҳрадаги ўзгаришни кўринг! Ҳозиргина ёш инган киприклари пирпиради, катта, қоп-қора кўзлари бола-ларча қувонч билан боқди, қалдирғоч қанотидай қошлари ҳайронлик билан чимирилди. Рўмолини ола, қилпираб нари борди, менга яна бир бора миннатдорчилик билан боқди... Сўнг, кўкка парвоз қилди.

Ойдинда чўмилган булоқ, бужур тол ёнида — заминда бир ўзим қолавердим.

Кўнглимни ёмон бир ғашлик қоплаб олди. Теграмни қуршаган афсонавий манзара оддий бўлиб қолди, қайдадир қурбақа қуриллади. Бзовта зағчалар чуғур-чуғур қилишди.

Шом кўнган эди. Азиз бир нимасидан айрилган каби, ортимга қарай-қарай, кўнглимда бениҳоя ёлғизликни туйганча ўз йўлимга кетдим.

Ахир, мен уни ўн етти ёшимда учратган эдим! Ўн етти ёшли ўспиринга баҳорда оппоқ гуллаган буталар ҳам қиз боланинг кўйлагидай бўлиб кўринмайдими?!

Воҳ, дил ёмон эзилди. Томоқдан овқат ўтмай қолди. Бағримни ерга бериб индамай ётаман. Кўз олдимдан Паризод сира кетмайди. Нимага рўмолини бердим-а? Ер юзида уни учратган фақат мен эдим-ку? Ахир, у кўкдан фақат мен учун тушган эди-ку? У фақат менинг, менинг Паризодим эмасмиди?

Кейин...

Кейин ҳарбий хизматга кетдим. Хизматдан қайтгач, уйландим. Қолгани ўз-ўзидан кетаверди: аввал ўғлим, сўнг қизим туғилди, бу ёқда ота-она кексайди, кунлар, ойлар, йиллар шу тариқа зувиллаб ўтиб кетди.

Йигирма-йигирма беш ёшимдаям Паризодни кўп кўмсадим. Баъзан бировга билдирмай Ойдинбулоққа бораман, бужур тол остида жим ўтираман.

*Қайнаб чиқаётган сув ой нурида живирлайди, шабада бултурги хазонларни шилдиратиб ўйнайди, булоқ кўзига тушиб қолган бир япроқ чириллаб айланади.*

Мўъжиза инсон умрида бир мартагина рўй беришини билсам-да, ортга қайтишни ҳеч истамайман.

Ўша сурур, ўша хушбахтликни кўмсайман.

Ниҳоят, ноилож ўрнимдан қўзгаламан. Уйга қайтаману кўнглим ўша ерда — Ойдинбулоқ ёнида қолиб кетади.

Аввал-бошда бундай ҳолатлар тез-тез такрорланиб турса-да, йиллар ўтгани сайин Ойдинбулоқ ҳам кичрайиб, бужур тол кексайди, бари ўсмирлик даврининг ширин афсонасига айланиб қолди. Чамамда, ўттиз ёшимдан сўнг Ойдинбулоққа сира бормадим.



Қирқнинг остонасида туриб, энди-энди ўйлайман: йўқ, мен ўшанда айнан Паризодни учратган эдим. У менинг, фақат менинг Паризодим эди. Кўкдан мени деб тушиб келган эди. Ва диёрига қайтиб кетолмай, кимнингдир асираси бўлиб ер юзида қолиб кетган эди. Иккинчи бор учратганимда эса, у тамомила ер қизига айланиб бўлган, учгали қанотлари йўқ — қирқилган эди.

Балки, ўшанда, Ойдинбулоқда кўришганимизда у ҳам мени кўкдан тушиб келган бир малак деб ўйлагандир? Шу туфайли ҳам дугоналари билан учиб кетмай, булоқ ёнида қолгандир? Кейин, қирқнинг остонасида учрашганимизда эса, рўпарасида чаккаларига барвақт қиров кўнган, боқишида чарчоқ ва ҳаёт ташвишлари қотиб қолган одамни кўриб, унинг ҳам юраги шув этгандир? Нигоҳида лип этиб ўтган ифодаларнинг боиси, балки, шудир?

Билмадим. Дилда афсусгами, армонгами ўхшаган туйғу бош кўтариб келяпти. Ахир, ўн етти ёшида кўк юзида ўзига аталган Паризод борлигига шубҳасиз ишонмаган одам топилармикин бу кўҳна оламда?

Ойдинбулоқ ҳазонлари менга энди умрнинг заволидан дарак бераётирлар. Кўнгилда эса ўша армон, ўша бахту саодатнинг заиф хотиралари милтираётир. Дил ёмон тўлиқиб, ёмон орзиқаётир.

*Сезяпсизми, Ойдинбулоқда бир япроқ чириллаб айланаётир...*

*1995 йил*

## МАНЗИЛ

Бу йўлимизнинг чек-чегараси кўринмайди. Мўъжазгина карвонимиз гоҳ тарам-тарам тоғлар силсиласига дуч келади, гоҳ булоқларидан кўз ёши сингари тиниқ сувлари оқиб ётган гўзал боғли воҳаларга кириб борамиз. Гоҳ эса қаршимизда ястаниб ётган бепоён саҳро

намоён бўлади. Уловларимиз толиққан, ўзимиз ҳам озиб-тўзиб, бир аҳволга тушиб қолганмиз. Шунга қарамай, тунлари омонат чодир тикиб тунаймизу тонг отар-отмас тагин йўлга отланамиз. Гоҳо эса кундузлари дам олиб, кечалари йўл босамиз.

Ҳамроҳимиз — дайди шабада, йўл кўрсатувчимиз — юлдузлар.

Ҳар доимгидек, олдинда оғамиз бораётир. Унинг бир маҳаллар алпдай бўлган гавдаси эндиликда олдга эгилган, қувватсизланган. Нигоҳини уфқдан узмайди.

Унинг ортидаги Муслим ўз ўй-хаёлларига берилиб от устида чайқалади. Ватанимизда унинг ўн беш кунлик ойдаин тўлин маҳбубаси қолган. Хаёлчанлиги шундан.

Ундан кейин Муҳаммад бораётир.

Энг кичик ҳамроҳимиз — Абдулла эса от устида ўтирганича мудрайди. Йўлга чиққанимизда у ёш бола эди. Сафар давомида кўзларидаги болаларга хос ифода қатъият ва ўйчанлик билан алмашди. Юзи чўзилиб, пешанасига илк чизиқлар тушди.

Бу манзил томон бизлар кўп йиллар аввал йўлга чиққан эдик. Сафардошларимиз ҳам кўп эди. Сафаримизнинг иккинчи йили, йўлимизда гуллаб-яшнаган бир воҳага дуч келганимизда, одамлар бизнинг қай манзил сари йўлга отланганимиздан воқиф бўлишиб, ўз подшоҳларига рўпара қилишди. Подшоҳ бизлар билан тахтидан тушиб кўришди, кейин: «Сизлар бораётган манзил сари бу ердан кўп одамлар ўтишди, аммо на манзилга етганликларини эшитдик, на қайтганларини кўрдик. Яхшиси, менинг мулкимда қолингиз, обрўли мансабларга тайин этайин, фаровон ҳаёт кечирингиз», деб кўп қистади. Охир-оқибат, бир неча сафдошимиз бу таклифга кўниб, ўша воҳада қолиб кетишди.

Бизлар эса олға интилдик.

Сафаримизнинг бешинчи йили улкан бир сахрога дуч келдик. У ернинг одамлари бу сахронинг оти Ҳаз-

рамавт эканлигини, ўлим саҳросилигини айтишди. Дарҳақиқат, саҳронинг қумлари қоп-қора, ўз-ўзидан гўзон кўтарилиб турар эди. Унинг ваҳми чўчитган икки-уч ҳамроҳимиз ортга қайтишга аҳд қилишди. Бизлар эса йўлимиздан қайтмадик. Буни қарангки, очлик, ташналигу толиқишни ҳисобга олмаганда, бу биёбонда ҳеч қандай бало бизларга даф қилмади. Эсон-омон илгарилаб боравердик.

Яна анча йўл босганимиздан кейин тоғлар билан ўралган бир водийга кириб бордик. Кўллари шишадай тиниқ, одамлари ғоят гўзал эди. Кейин билсак, бу юртнинг оти Кўҳи Қоф, булар эса, одамзод эмас, парилар эканлар. Аёллари шу қадар фусункор эдиларки, бошқа жойда бундай ҳусни кўрмаганмиз. Улар ҳам қай манзил томон бораётганимизни эшитишиб, йўлдан қайтаришга роса уринишди, «қолинглар, Гулиқаҳқаҳ билан Гулианбар энг малоҳатли жорияларини ихтиёрларингизга беришсин, умрингизнинг сўнгигача роҳатда яшанглар,» — деб тавалло қилишди. Анча-мунча ҳамроҳларимиз у гўзалларга ошиқ бўлиб, ўша ерда қолиб кетишди.

Бизлар эса олға, фақат олға интилавердик.

Кейинчалик йўлимизда бундай воҳалар, водийлар учрамай қўйди. Ҳаммаёқ бир хил тусдаги янтоқлару шўралар яккам-дуккам ўсиб ётган тақир ер. Пастак-пастак буталар оралаб ўтиб бораётирмиз.

Дийдамиз қотиб, кўнгилларимиз ҳам тош бўлиб кетган. Теварақдаги манзаралар дилни тўлқинлантирмай қўйганига анча бўлди. Авваллари олис-олисларда қолиб кетган диёримизни кўп қўмсар эдик. Энди эса, бу туйғу заифлашиб, деярли унутилган. Муслим ҳам энди маҳбубасини эслаб, хаёлларга берилмайди, нигоҳи қаттиқлашган, иягида қайсарлик чуқурчаси пайдо бўлган. Кундузлари тинимсиз йўл босамиз. Тунаш учун одан тушганимизда эса, юраверганимиздан ер ҳам тинимсиз чайқалиб тургандай туюлади. Апил-тапил овқатланамизу қоқ ерга чўзилиб, шу заҳоти тошдай қотиб ухлаб қоламиз.

Кичкина Абдулламизгина бундан мустасно. Ёшлигига бориб, гоҳо-гоҳо қуёш ботаётганида сахро адоғидаги шафақ ёғдусининг ўйинига ҳардамхаёл термилиб қолади. Ранги ўзгараётган осмон, нурларнинг жилвалари унинг ёдида қандайдир азиз хотираларни уйғотади шекилли. Авваллари бундай манзараларга термулганида, қора кўзлари жиққа ёшга тўлар эди. Ҳозир ундай эмас. Ўйчан тортиб қолади, холос.

Олға, фақат олға! Туйғулар ўткинчидирлар. Бойликлар бебақо, гўзаллар бевафодирлар. Интилаётган манзилимизда бизларни исми кўрилмаган мўъжизалар кутмоқда! У ерда...

У ерда ҳар биримизнинг исмига зарб этилган хазиналар бор. Қопқаларнинг ҳалқасидан тутиб, исмига айтсак бас: тилсим очилади. Хазина эгасининг ҳар қандай истаги ўша ондан бошлаб, айтилган заҳоти амалга ошади. У манзилга яқин қолди. Юрак сезаётир — жуда яқин қолди...

\* \* \*

Ниҳоят, бизлар оралаб бораётган бу ғалати сахро тугаб, уммонга қўшилиб кетган жойида тилсим тоғини топдик. У улкан, улуғвор, гоят гўзал эди. Биллурдан бўлиб, тунги юлдузларнинг ёғдусида қорамтир тусда хиёл жилоланар, бағрида турли ранглар товланиб, гоҳо сиртида ҳам аксланиб ўйнар эди.

Деярли умр бўйи излаганимиз — Тилсим водийси, Тилсим тоғи мана шу эди. Бу тоғнинг қопқаларида ҳар биримизнинг исмига битилган ҳалқачалар ҳам хиёл нур таратиб, ўзига чорларди. Увишиб қолган оёқларимизни базўр босиб, тоғ сари юрдик. Тошчаларни шикирлатиб, кичкина Абдулла биринчи бўлиб чопганича қопқалар ёнига етиб борди-да, бир нималар деб қичқирди. Унинг нималар деганини англамадик, англайдиган алпозда ҳам эмасдик.

Тоғ бағрида қопқалар кўп эди. Улар вақт ўтиши билан қорайган, қадимий битиклари ва Сулаймон пай-



гамбарнинг муҳри ўча бошлаган, ҳалқалари ҳам эскирган, аммо метин-мустаҳкам турарди. Исмлар ҳам бисёр эди, аммо ҳалқаларда мен йўлда қолиб кетган дўстларимизнинг исмларини кўрмадим. Шунда бу тилсимнинг бир ҳикмати ялт этиб миямда чақнади: демак, исмлари бу ерда ёзилмагани учун ҳам улар йўлларда қолиб кетишган экан-да?

Ҳаммамиз ҳар ёнга тарқалиб кетдик. Мен ўз исмим ёзилган ҳалқани топдиму қаршисида ҳаракатсиз, жим туриб қолдим. Самода олис юлдузлар милтирайди. Вужуддан мадор кетган, кўнгилнинг ўтлари сўнган, ғайрат сусайган... Аммо тилсим тоғи азим, буюк, улуғвор, сиртида бутун олам акс этаётир.

Юрак гуп-гуп ура бошлади. Ҳозир ҳалқани тутаману исмимни айтаман. Момақалди роқ гумбирлаб, чақмоқ чақнайди, қадимий тилсим занжирлари уваланиб тўкилади, қопқа очилиб, бир йўлак намоён бўлади. Йўлак тўридаги йиллар чанги қоплаган тоқчада эски бир чироқ бор. У қўлга олинса бас — ҳар қандай истак айтилган заҳоти рўёбга чиқади.

Бунинг исботи сифатида қопқага шундай битиклар битилган:

*«Ушбу хазина Тангримнинг қулларидан бирининг исмига тилсимлангандир. Яратганнинг сифатларига қасамки, бу тилсимнинг эгаси, яъни мен — Палбос отлиғ жин, соҳибимни буюрган ерига кўз очиб юмгунча етказиб бораман. Олам бойликларини оёғи остига тўкаман. Истаган юртига подшо этаман. Курту қушлар ва ҳайвонлар тилини билдираман. Оламнинг барча гўзалларини соҳибимнинг измига бўйсундираман. Мен фақат Тангримнинг олдида ва у белгилаган қазою қадар қаршисидагина ожиздирман...»*

Тоғнинг чуқур бағрида бир шуъла йилт этди, нурлар ўйнаб, ҳалқанинг сиртида ўз аксимни кўрдим. Ундан йиллар юзига ажин бўлиб муҳрланган, қадди эгилган, нигоҳи хиралашиб, руҳи заифлашган бир одам жим боқиб турар эди.

Дайди шамол оҳиста эсар, юлдузлар беҳис жимирлар эдилар. Қопқадаги битикларнинг маънисини онгимга аста-секин ўйилиб кира бошладию афсус ва пушаймондан қичқириб юборай дедим.

Нега? Нега бундай бўлиб чиқди?

Бу афсонавий тилсимнинг каромати шугина холосми?

Йиллар давомида тош-метин бўлиб кетган қалбимдан кучли бир бўрон кўтарилиб келмоқда эди.

Ахир, бу тилсим ҳадя этажак мўъжизаларни бизлар йўлларимизда қолдириб келмадикми?

Ахир, бу сафарга отланганимизда ҳар қандай истакни амалга оширишга етарли ғайратимиз бор эмасмиди?

У изнимизга берадиган гўзалларнинг афзалларини Кўҳи Қофда эканимиздаёқ рад этиб, шу томон ошиқмаганмидик?

У бахш этадиган луғат — қурту қушлар тили менга болалигимдаёқ тушунарли эмасмиди? Ялпизга қўниб турган олтин ниначилар билан соатлаб суҳбатлашмасмидим?

Йўқ, кўзимга ёш келмади. Аммо жон-жаҳдим билан, ҳалқани маҳкам қисимлаб туриб, шундай деб қичқирдим:

«Тагин, тагин нималарни ҳадя эта оласан, эй Сулаймон пайғамбарнинг муҳри остидаги маҳбус зот? Сени деб кечган умримга — осмони феруза, қуёши нафис, сувлари қумуш, ёқут қушлари шодон сайраган болалигимга қайтара оласанми ҳеч йўқса? Сенга интилган йўлларимда сочилиб кетган, эндиликда мен абадий йўқотган туйғуларимни кўнглимда яна қайта бино эта оласанми? Қадимий тилсим деган номингга муносиб нималарни бахш эта оласан, эй сукунат диёрининг тутқун подшоси?»

Биллур тоғ сукутда, сассиз-садосиз, ойсиз осмонга бўй чўзганича юксалиб турарди...

Дил ҳувиллаб, бўм-бўш бўлиб қолди.

Йўқотган нарсаларимиздан кўра буюкроқ, улуғроқ, ажиброқ мукофотларни кутган эдик бу тилсимдан. Энди эса... у ваъда этаётган нарсаларнинг бари биз учун кераксиз, ҳатто ортиқча. У нарсалар бизни ёшлик чоғларимизда ўзига чорлаб, мафтун этар эди. Энди ундай эмас. Энди...

Халқадан қўлимни аста тортдим. Шуълалар сўнг бор ўйнади, силлиқ сиртдан менга умидсиз боқиб турган аксим қорамтир сатҳга сингиб кетди.

Ортимга ўгирилиб, беихтиёр қадам ташладим. Энди қаёққа юрсам ҳам аҳамиятсиз эди. Фақат сафар чоғида ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ҳаракатдан тўхтамаганимиз боис, ўз-ўзимча отлар томонга юрдим. Нарироқда тагин тошчалар шиқирлади. Исмлари битилган тилсимлар томон кетган сафдошларим ҳам бошларини қуйи эгганларича, ортга қайтмоқда эдилар. Ўз дафиналарига киришга уларнинг ҳам юраклари дов бермаган эди.

Наҳотки, бу манзилга етолмаганлар хушбахт бўлсалар?

Бу саволга ким жавоб бера олади? Тилсим тоғи ҳамон жим... Янги меҳмонларини кутиб, кўкка беун бўй чўзган...

Энди қайга йўл олайлик? Бу ергача босиб келган йўлимиз гоят узун, мабодо ортга қайтсак ҳам, ватанимизга етиб боргунимизча, ортимиздан учқурроқ от минган бошқа бир суворий — ажал албатта қувиб етади.

Олдга кетиш ҳам маънисиз. Тақдирнинг пешанамизга битган манзили шу. Бошқа манзил йўқ.

Ғалати бу водийнинг ойсиз осмони остида бир-биримизга сассиз термулдик.

Оғамиз от бошини ортга бурди.

\* \* \*

Энди тамомила ноумид, фақат тўхтаб қолмаслик учунгина йўл босмоқдамиз. Қайда отдан қулаймизу қайда сўнг бор ором уйқусига чўмамиз — ноаниқ.

Фақат...

Фақат Абдуллагина бизлардан анча тийрак, нигоҳи ўткир, билаги бақувват, эгарда шамшоддай ўтирибди.

Ягона умидимиз сендан, Абдулла. Бизлар энди бу йўлларда бирин-кетин қолаверамиз. Фақат сенгина етиб боришинг мумкин ватанимизга. Етиб боришинг шарт ҳам. Бизларга нима бўлсаям ҳаяллама, отингга қамчи ур. Бу йўлларда отдан қуласак, суяйман деб вақтингни зое кеткизма. Тилсим томон йўлга чиққанлар кўп. Унинг мудҳиш ҳақиқатини йўлчиларга сенгина етказа оласан.

Отингни қаттиқроқ қамчила, укажон. Ҳозирнинг ўзида бизлардан ўзиб, уфқ ортида кўздан йўқолсанг ҳам майли. Бизлар кўзда ёш билан отдан йиқиларканмиз, ортингдан термулиб қоламиз. Токи сен кўздан ғойиб бўлар экансан, бегона бу юртларнинг тупроғига бош қўяётиб, осмони феруза, сувлари кумуш, тупроғи олтин, кишилари хушбахт ватанимизга етиб борганингни, йўлчиларга бу тилсимнинг ҳақиқатини етказганингни тасаввур қиламизу шу билан бу йўлларга сўнгни бор тикиламиз ва ҳеч қандай тилсим бахш этолмайдиган оромга — абадий уйқуга мангуга чўмамиз...

*1995 йил*

## МЕНИНГ ГУЛИМ

Эрта баҳор эди.

Кўнгил боғимдан бир ниҳол униб чиқди.

Намхуш, қорамтир тупроқдан ипдайгина бўлиб осмонга — булутлар диёрига бўй чўзмоққа чоғланган бу жажжи жонга аввал-бошда кўп эътибор қилганим йўқ. Боғ катта, гуллар кўп, шу ожиз вужуднинг ёнгинасида қарнайгул тарвақайлаган, унинг нарёғида ёшли кўзчаларини гулбарглари ила пана қилганча намозшомгуллар ястанишган, сўнгроқда эса қизил, сариқ, кўк, пушти рангларнинг тўфонини ҳосил қилиб беоргуллар барқ урган эди, уёғида эса печакгуллару атир-

гуллар бори тароватини кўз-кўз қилиб безанган, ястанган, ўрлаган, чирмашган, хуллас — яшар эдилар.

Бу жажжи ниҳолча катта бир кесак ёнидан униб чиқипти. Шу қадар қўпол, ғадир-будир маконни танлаганига ҳайрон қоласиз. Ипдай гавдаси билан ҳатто кесактоғни хиёл ўрнидан жилдирипти ҳам — қайсаргина, ўжаргина, ўзбилармонгина экан бу ниҳолча.

Бир-икки кундан кейин ёмғир ёғиб, кесакларни ивитиб юборди, улар лойқа-бўтана бўлиб, гулча пойига ястандилар. Осмон жудаям баланд, кўм-кўк.. ғалати эди, бу навниҳол осмонга маҳлиё бўлгани боисми, шундан кейин бирам гуркираб ўсдики, асти қўяверасиз. Ўсгани сайин ўз тароватидан ўзи маст бўлади: гоҳ нозик нимяшил япроқларини ёйиб юборади, гоҳ бир ҳимраниб, бешбаттар ўжар бўлволади. Ўзи миттигинаю тикончалариям бор. Бу тикончалар ҳали қотмаган, санчилиш уёқда турсин, қадалсаям қайрилиб кетади, аммо бу боғ қайсари яқинлашган жон зотиға тиканларини кўз-кўз қилишини қўймайди.

Шу қадар ажойиб, хуш бир гул. Бир ой ўтар-ўтмай, иккита гунча тугди — гунчасиям ажиб: яшил тўн кийган, тўнининг остидан пушти қабоси хиёл кўриниб турипти, қабонинг четлари нозик нақшлар билан мунаққаш бўлган. Бундай либос оламдаги ҳеч бир гулда йўқ.

— Эртага қушчага айланиб учиб кетиб қолмайсизми? — деб сўраб қўяман эркалаб.

У мағрур, ўзига жуда бино қўйган — жавобни-да раво кўрмайди.

Тарвақайлаган карнайгулларни, жой танламас бергулларни ёмон кўрдим. Иккитасини таг-туғи билан кесиб ташладим. Натижада қайсарим теграси анча кенгайди. Эртасига атиргулларнинг нарироққа сурилиб олишганини кўрдим — улар ҳамма нарсадан ҳам ўз жонларини асраб-авайлашларини мен билмасам экан?!

Ўжарим атрофида ҳур-ҳур еллар айланиша бошлади. У эса буларга парво ҳам қилгани йўқ — гунчалари озод, гулбарглари тик, қомати адл — ҳамон ўзига-ўзи маҳлиё.

Шу гулни яхши кўриб қолдим.

Бирам кизганаман денг. Ҳали очилмаган ғунчалари исидан маст бўлиб ғунғиллаётган асалариларни кўрсам ҳам тела сочим тикка бўлиб кетади. Гоҳ-гоҳ нарироқдаги карнайгул баргига потмачумчуқми, тўрғайми келиб, ўзининг саҳройи қўшиғини куйлаб қолади. Бундан баттар аччиқланаман. Яна кулиб ҳам қўяман: ҳўв нодонлар, бунинг қанақа қайсар, қанақа ўжарлигини билсаларинг, юз чақирим наридан қочардинглар, дейман.

Ўзи-ку бир гул, бир ширин хаёл, аммо мусиқани ҳам ёқтиради! Буни тасодифан пайқаб қолдим. Айвонда эски бир радио бор эди. Шунинг қулогини бурасам, қитир-қитир этиб турди-да, бирданига овози тиниқлашиб, «Чўли Ироқ»ни куйлаб юборди. Боғни шу куй тутди. Саҳнни айланиб, қайсарим ёнига келдим у лол қолдим: мунғайиб олипти! Нозик бандларида митти-митти томчилар... ўксинибгина турипти...

— Бу қандай куй?! — деб шивирлайдию баттар ўксинади.

— Бир озгина дунё гами... — деб шарҳлаб қўяман мен.

«Чўли Ироқ» баттар фарёд уради, гиря қилади, гулим эса мотамсаро, ғамзада, япроқларию очила бошлаган ғунчалари, бутун вужуди дир-дир титрайди.

Нақадар мунис, нақадар маъюс... Ғам чекиб турган чоғидаям шунчалар масъума, латиф кўриндики, ўзимни тутолмадим, энгашдим-да:

— Мен сизни севаман! — деб пичирладим.

Пичирлаб не зарил эди? Титраб турган вужуд яна адл бўлди, ғунчалар яна баланд кўтарилди, япроқлар ростланди, бечораликдану ўксинишдан асар ҳам қолмади. Аммо лом-мим демади — сўз қотишни-да ўзига раво кўрмади. Мен-да индамадим, изҳори дилимдан пушаймон бўлиб, айвончага қайтдим.

Гулга дил бериб не маломат истаб эдинг? Одамсан, одамга кўнгил қўйсанг бўлмасмиди, дейману қалб чирқирайди: «Оламда бундай гул тагин борми? Бундай дил тагин борми? Бир дафъагина менинг раъйимга боқсанг-чи, соҳибим?!»

Бу надоматларнинг сабабчиси эса ҳануз мағрур, ҳануз кибор! «Чўли Ироқ» ғамидан минг тўлғанадию ёнгинасида шу куйни ортда қолдирадиган дил дардидан гўё беҳабар!

\* \* \*

Баҳор адоқлаб, ёз келди. Карнайгуллар баттар тарвақайлаб, ёнларидан икки-уч бачки шохчалар чиқариб юбордилар. Намозшомгуллар қартайди, беоргулларгина ҳануз ранглари айниган гулбаргларини беорларча ёйиб туравердилар. Менинг гулим ўзгармади! Менинг гулимнинг таровати янада ортди! Менинг гулим ҳануз киборлигича қолди!

Шундагина разм солсам, бир пайтлар атрофида гирдиқапалак бўлган асаларилар аллақачон атиргулларга ёпишиб олишипти, потмачумчуғу турғайтўралар карнайгулларга ошиқ бўпти — ўзлариям семирган, баргларнинг улкан гулварақлари орасидан туриб, таҳдидли сайраб қўйишади.

Менинг гулимнинг эса янги ошиқлари пайдо бўпти. Тонг пайти қарасам, субҳ ўзининг нозик қизғиш шафағини ёйиб, бир нималар деб сирли пичирлаётир. Пешин маҳали қарасам, қайнаб-тошган қуёш ўзининг ҳароратига ўзи чидаёлмай, ишқ оташидан сўзлаётир. Шом маҳали қарасам — занживачча оқшом ўзининг изтиробларга тўла дил дафтарини саҳифа-саҳифа очиб қўйипти. Хуфтон маҳали қарасам, юлдузларнинг бири олиб, бири қўйиб, гулим теварагида живирлашаётир.

Аммо менинг гулим кибор-ку! Бировигаям парво қилгани йўқ!

— Сиз яғонасиз! — деб шивирладим унга. — Агар қўйингизда жон берсам, таним хоки пойингизга ёйилса, хушбахтликдан тагин тириларми эдим?

Гулим ғунчасини мен томон хиёлгина эгиб, миннатдорлигини англашиб қўйди. Бу бахт, бу саодатни қай тил бирла баён айлай?

Кўнгил обод бўлди...

\* \* \*

Ёз жуда иссиқ келди.

Менинг гулим ҳиссиётларга жуда таъсирчан, банд-бандигача покизалик билан тўлуғ эди. Бу не саодатки, боғдан бир лаҳзага бўлса-да, ташқарига чиқишни ис-тамасдим. Ойлаб-йиллаб шу маъсума қошида ўтиргим келаверарди.

Оламни шу қадар тиниқ, соф деб билар эдики, бундайин тиниқликдан менинг одамий кўнглим лол қолар эди. Шунинг баробарида ундаги киборлик уят би-лан, мағрурлик тортинчоқлик билан қоришиқ эди — қаршисида соатлаб тиз чўкиб кўнгил шарҳидан сўзла-ганимда, оч қизғиш гуляпроқлари янаям қизарарди, гулкосаси қуйи эгиларди, шунда теваракка анвойи гул бўйлари таралиб кетарди. Бу илоҳий ишқнинг ўзгина-си эди — ахир, гулни фақат севиш, севиш мумкин, холос. Аҳён-аҳёнда тентираб ўтиб қолгувчи беқарор саболардан-да тортинар эди у. Саболарнинг гийбатчи эканини эса мен ҳам яхши билар эдим.

Карнайгуллар баттар хунуклашиб, тарвақайлаб-сўлиб борар, менинг гулим эса кўз ўнгимда очилгани сайин тароватга фарқ бўлар эди.

Бу хушбахтлик таърифини ифода этишга ҳаддим йўқ. Фароғат ичра эканимни ҳар онимда сезиб турар-дим; бу туйғуларнинг юксаклиги, нажиблигидан чўчирдим, гулимга термулиб, негадир андуҳга-да чўмар эдим. Ақлим койирдики: «Нечук фароғатдан ғам, хушбахтликдан мусибат истаюрсан, нодон? Бўйлаким, мусибатдан хушбахтлик беҳроқ турмасми?» Кўнгил эса эзилиб шивирлар эди: «Ҳар қувончнинг ортида андуҳ, ҳар саодатнинг ортида ғам яшириғлик эмасми?»

\* \* \*

Ёз-да адоқ бўлди. Куз келди.

Бу кузнинг оти Сайёд эди.

Сайёд ўз ортидан хазон сипоҳини эргаштириб келди.



Бу лашкарнинг нафаси сезилгани ҳамоно карнай-улар таслим бўлдилар — уларнинг семиз таналари қорайди, барглари палахса-палахса бўлиб узилиб тушди, гулбандлари тупроққа қоришди. Беоргуллар ҳам маҳв бўлдилар, атиргуллар япроқларини тўкиб, шумцайиб қолишди, печакгулларнинг озгин, узун таналари сарғайиб, чўзилиб ётди.

Видо онлари юз кўрсатмакда эканини иккимиз ҳам сезар эдик. Энди оламнинг энг кўҳна куйини бошқа чолғувчи — Сайёд чалмакда эди, бу куйнинг-да оти «Чўли Ироқ» эди.

Атрофдаги бор гуллару майсаларни совуқ урди, курмаклар аллақачон хазонга юз тутди, ажриқ поляри қора-йиб, ҳилвираб қолди. Менинг гулимгина Сайёд лашкарининг тўфони аро ҳамон адл, ҳамон мағрур, ифор сочиб очилиб тураверди. Совуқдан қунишганимча гулим олдида тиз чўкиб, чашмимдан ашким потраб отилаверар эди: мен уни жонимдан-да ортиқ суйиб қолган эдим! Мен усиз яшолмасдим! Гулим эса мени шивирлаб юпатар эди...

Ҳадемай қировлару булдуруқлар тушди. Мезонлар ҳам ортиқ учмай қўйди.

Бир куни кеч маҳали.... гулимнинг мени чорлаётганини эшитдим. Оҳ, бу овоз!.. Ундаги илтижо, умид, илинж, муҳаббат!.. Фаму хавотир ичра чақноқ бир зарра каби бўлиб, отилиб қошига бордим. Сайёд, бу маккор, доғули Сайёд ўзининг азалий ишини адо этган, нигорим бу баттол қўшинининг қутқусига дош бера олмаган эди.

Сайёднинг гумаштаси — қирғияк шамоли бошим узра гувиллаб қаҳқаҳа отар, сочимдан юлқилар эди. Дунёнинг ўзи-да энг сўнгги куйни чалмакда, бутун борлиқ алвидо айтиб, шу завол гирдобига чўммоқда эди. Нечун мен одам бўлиб яралдим? Нечун бир майса бўлиб яралмадим, масъумам билан бирга шу музлаган заминга бош қўймадим?

Шамолда гулимнинг нозик банди синган эди. Шу ҳолча, тупроққа қоришган ҳолича ҳам суйимли, азиз, дилбар эди.

Видо! Видо! Олам ҳамон видо марсиясини айтар эди.

Бу мозористон бошида қанча ўтирдим экан? Чунон беҳудлигимдан субҳу шомимни билмасдим. Кетиб ақл вужудимдан, пухтаю хомимни билмасдим. Бу йўлда мисли Мажнундек саранжомимни билмасдим, ажалми-оби ҳаёт — сипқарган жомимни билмасдим... Кўзимнинг ёшлари гулим бандининг синган ерига томар, ҳар томганида масъумамнинг хазон вужуди бир титрар эди...

Алҳол, ғамдан кўзларим очилди. Сарвдан тобут ясаб, гулдан кафан бичдиму қайсаримни боғим тўрига дафн этдим. Бир мрамартош топиб, унга юрагимнинг қони билан шундай битикларни битдим:

*«Бу лавҳа бир дилпорадан ҳусн санамига ёдгордир.  
Аё чарх, эттинг ортиқ сабр бунёд,  
Кўзим ёшлиғ, дилимда қолди фарёд,  
Ҳаётим лозазоридин аюрдинг,  
Ёқиб эконим, кулим кўкка совурдинг...»*

Остига эса шундай деб ёздим:

*«Бунда мадфун Кумушбиби бинти Марғиноний, тарихи таваллуди 1248, вафоти 1269 ҳижрий, жумодул-аввал»*

\* \* \*

*Дил бўм-бўш бўлиб қолди.  
Энди мен не айлай? Бу дил билан қайга борай?  
Бу не боғки, ишқи бору санамни йўқ?  
Бу не салтанатки, фуқароси бор — подшоҳи йўқ?*

Боғ энди шип-шийдам, хувиллаган, мағлуб хазонлар узра фақат Сайёд, баттолу қаттол Сайёд шумшайиб кезар эди, холос.

Алҳол, кўнглимни шунда қолдирдимۇ ўзим Отабекка кўшилиб, Кўқон хонининг амирлашқари, кўрбоши Қаноатшоҳ кўшини билан шаҳид бўлмоқ учун кетдим...

*1994 йил*

ТАРИХИЙ  
ҲИКОЯЛАР  
«Хун» туркумидан



«... Ҳоқон жим қолди. У, бадани жароҳатларга тўла бу Ватан ўғлини қандай тақдирлашни билмай иккиланаётган эди. Сўнг эгилиб, худди она бағрида ётгандай сокинлик ва ором оғушидаги бу аскарнинг пешонасидан ўнди ҳамда қиличини чиқариб, унинг кўксига қўйди. Шу ердаги бахши хунларнинг энг қадим марсиясини айтиб турди, довуллар ғалаба қозонилган маҳалдагидай гумбурлади, аскар ана шу кўҳна садо остида кўмилди тупроққа. Унинг қабрининг устига қўшин байроғини тикиб қўйдилар. Байроқ кўп йиллар давомида, қишнинг совуқларию баҳорий ёмғирларда, ёзнинг саратонларидаю кузнинг изғиринларида ҳам Ватан учун жонини фидо этган бу ўғлоннинг қабри узра ҳилпираб турди...»

---

## ХУН

Тангригоғнинг этагидағи кўкаламзор яйловда Эрхон чол элликларни қоралаб қолган Ойтўлди отлиғ аёли билан фақирона ҳаёт кечирардилар. Улар бир вақтлар тиклаб олган кўримсизгина гўшадан анча нарида хушхўр мевалару турфа ҳайвонотга мўл ўрмон бошланарди. У икки қарияни беминнат боқарди. Кўш ўрмон тепасига кўтарилган паллада Эрхон чол қора пўлатдан қуйилган кескир болтасини белига қистириб, қўйган тузоқларини кўздан кечириш учун жўнар, орадан хийла вақт ўтгач, елкасида бир боғ қуруқ қарағай ўтиннию типирчилаётган қуённими, қирғовулними кўтариб, мамнун қиёфада қайтиб келарди. Уларни пишириш Ойтўлдининг зиммасида эди. Ўчоқда олов ёқиб, эри сўйиб-тозалаб берган этни оловга товлаган пайтида Эрхон ўт-ўлан устига ёнбошлаганча аёлининг ҳаракатларини кузатар, шамолларда қотган чандиқли, қорамағиз юзида Ойтўлдига жуда ёқадиган дағал бир табассум жилва қилиб турарди.

Бир маҳаллар қудратли бўлган Ялғунинг қавми ҳам шу ерларда умргузаронлик қиларди. Кейинчалик улар пастроққа — водийга кўчишли, сонсиз-саноқсиз музаффар юришлар натижасида кўпайиб кетган эчкию қўйлар, сигиру отларни боқиш учун бу яйлов торлик қилиб қолди. Эрхон ва Ойтўлдининг ўлжалари у қалар кўп эмасди. Яна, бунинг устига, йигирма йилча муқаддам Эрхон чол кўп уриниб ёғоч, лой ва кигиздан

чоққина бир қўналға тиклаган, умрларининг энг лаззатли дамлари шу қўналғада кечган эди. Энди уни ташлаб кетиб бўлармиди? Қишнинг — Кўк Тангри июятининг узун кечаларида, ланғиллаб олов ёнаётган уйда кечган эҳтиросли онлар ҳали ҳам Ойтўлдининг ёдига тушса, юрагини нечукдир жизиллатиб қўяди. Қондошлар, айниқса, Ядғу уларни кўп қистади, аммо ўжар қариялар кетишни ишташмади. «Сен ўзинг кетавер, Ядғухон, — дейишди улар. — Бизга шу ер қулай. Водийга — уч-тўрт йиғоч масофага етиб бо-роламинизми-йўқми? Бунинг устига, сен қуриб берадиган қўналғада яшай олишимиз, кўникиб кетишимиз ҳам даргумон. Ахир, бу ерларга жуда ўрганиб қолдик-да! Сен бемалол боравер, хотиринг жам бўлсин. Бир кунимизни кўрармиз, вақти келиб, Кўк Тангрининг олдига кетсак, унинг қаҳрини юмшатиш учун бирор жонлиқ атаб, бизни хотирларсан. Шунгайм жуда хурсандмиз, кўнглимизни роса кўтардинг, Ядғухон...» Ўшанда Ядғухон ҳеч кўнмаган эди, аммо барибир кетди. Сабаби, у айниқса, ханзуларга\* қарши юришда жуда кўп мол-дунё орттирган эди, шуларни кўзи қиймади. Мана ҳозир водийлар, бепоён яйловларда қўй-эчкиларини ёйиб юбориб, хун\*\* ўғлонларини жангга тайёрлаб юрибди.

Қабила пастга кўчгач, теварак хувиллаб қолди. Албатта, қабиладошлари, айниқса, уруғлари Эрхон чол оиласининг қолишга қарор қилганини эшитиб жуда хафа бўлишса-да, ўзлари кўчиб кетишди. Анави чоққина ялангликда, бир вақтлар музаффар жангчиларнинг ўғиллари тиф уриц ва найза отиш санъатини, отда жанг қилишни ўрганишарди. Ядғухон ҳар доим «Жангчи эт ейди, бола туғдиради, жанг қилади — эр-

---

\* Ханзулар — Тиёншон этақларида яшаган ва хунлар билан узоқ йиллар давомида уруш қилиб келган қабила номи.

\*\* Хунлар — бугунги туркий халқларнинг қадимий аجدодлари, хун, кун — эл номи.

нинг бундан бошқа қилар иши йўқ, қолган барча юмушлар — хотинларники!» дегани-деган эди. Бироқ, ўзининг болалари бундай бўлишмади. Улар нимжону сояпарвар, қилич чопишдан ҳам кўра уйда ўтириб, овқат пиширишга, ҳар хил майда-чуйда ўйинлар билан вақт ўтказишга ишқибозроқ чиқишди. Эрхон чол уларни ёмон кўрар ва шу сабабдан, қачон кўрса бўралаб сўкарди. Унинг ўзи бир вақтлар доврўғи Тангри-тоғни тутган жангчи бўлган ва бунинг исботи сифатида уйида унча-мунча йиғит ердан узиб ололмайдиган олти тишли, зил-замбил чўқмори турарди. Қабила пастга кўчгач, Эрхон чол ҳатто Ядғухоннинг ўша нозикниҳол ўғилларини ҳам қўмсаб қолди. Бора-бора ҳаммаси ўз изига тушди. Энди уларга кишиларнинг кетгани қайтанга яхши бўлгандек туюла бошлади. Тан қартайиб, жоннинг Кўк Тангри олдига кетар мудлати яқинлашар, уларнинг кўнгиллари тинчлик-осойишталик истар эди. Уларни Ядғухон йўқлаб турар ва ҳар йўқлаганида бир дунё сиҳовсин, айиқ, яна алланималарнинг гўштини келтириб берарди. Чолу кампир билан бунчалик кўп этни ҳаққа қўйишни ҳам билмай қолишарди.

Ойтўлди Эрхондан наҳ ўттиз ёш кичик эди. У навлар Эрхон бақувват бўлиш буюгани билан иштинин бардаст бир қанча эди-да, бундан унинг ҳам иштинин ров кўнгли сўст кетган шунга келишни, шунининг эркакка хотин бўладиган ўзи қилган эди ўшанин ки ўн олтида эдики, бу олтида ўшанин келишни мин ман деган йилга қадар келтиришди. Ушунининг қўниш тошган эди. Шунинг кўйи ўшаниннинг бундан ўшанин бемалол кўтараётган эди. Шунининг қўнишнинг ҳам эди: отасининг қўниш қўниш қўнишнинг бундан бир майишди, кетган эди. Шунининг қўнишнинг бундан хон уни ҳаққа қўниш, қўниш, қўниш қўнишнинг бундан солди, шунинг қўниш қўнишнинг қўнишнинг бундан эди. «Худай қўниш қўнишнинг бундан»



ланди ўшанда қиз ички бир мамнуният билан. — Довруғи бутун Тангри тоғни тутган баҳодир... Мен шунинг хотини бўламан...»

Ҳозир Эрхонга қарасангиз, кулгингиз қистайди: қадди камалакдай эгилган, юзи Тангри тоғ ирмоқларидай эгри-бугри ажинларга тўла, қўли тинмай қалтирайди. Фақат кўзларигина ўша-ўша, ўткирлигича қолган, нигоҳи қаттиқ эди. Эрхон ҳақиқий жангчи эди — хотинини ҳам қандайдир қўпол эркалар, баъзан қўлига ҳам эрк берар, аммо буларнинг бари Ойтўлдига қайтага хуш ёқарди. Ҳақиқий эркак шундай бўлиши керак, деб ҳисобларди у, ҳадеб суюлаверса, от мингандан, ёй кўтаргандан кўра эчки соғани афзал.

Эндиликда Эрхон қилиши керак бўлган юмушларни ҳам Ойтўлди бажаради: ўрмондан ўтин орқалаб келади, жонлиқ сўяди, бир қисмини Кўк Тангри учун қолдириб, терисини шилади, оловда пиширади, отга қарайди... Отни парваришлаш ва жонлиқ сўйиш аёлларнинг иши эмас, бироқ Эрхон ярамаганидан кейин, на илож? Кекса жангчининг кескин тўқнашувларда орттирган жароҳатлари бугунга келиб уни нота-вон қилиб кўйди. У туни билан мишжа қоқмайди, ихраб-сиҳраб, чўқмор урган ханзуни лаънатлаб чиқади. Ойтўлди унинг учун ҳамма ишга тайёр. Чунки эри кучи борида барча қилар ишини қилиб бўлган. Фақат ўгилларининг тоғда ҳалок бўлгани чакки бўлди-да. Кўк Тангри улар устига қор кўчкиси юборди. Тангри шуни раво кўрибдими, унга қарши бориб бўлмайди. Тез кунда улар ҳам Кўк Тангрининг ҳузурида, Тангри тоғ чўққиларидаги мангу осойишталик масканида ўгиллари билан учрашадилар. Шу сабаб, ҳадеб оҳ чекаверишнинг фойдаси йўқ.

Тангри тоғ этагини паноҳ тутган қудратли қабила-нинг икки кекса вакили ана шу тарзда, сокин-осойишта умргузаронлик қилар эди.

Бир куни фалокат рўй берди.

Куёш Кўк Тангри ётоғи томонга ёнбошлаганда ёмгир ёғди. Унинг саховатли сувлари дарахтзорлару яйловларни чунон яшнатди. Бир соатлар ўтиб-ўтмай, ёгингарчилик тўхтади. Теварак-атроф селгиб, ҳаво мусаффолашди.

Эрхон йўлбарстери пўстакни ташқарига — пичан устига ёйишни буюриб, ўзи елкасини сийпалаганча ихраб, оти ёнида турарди. Бундан ўн йилча муқаддам юз берган сўқишда бир сўйлоқ ханзу унинг бошини мўлжаллаб чўқмор отганда, у чап бериб қолди, аммо анча ёши қайтгани сабаб ўз вақтида отини буриб ололмади — кескир тишли чўқмор унинг елкасига келиб урилди. Мана, асорати энди билинаётир. Ҳозир кекса жангчининг томирларида қон секин-аста оқар, оёқ-қўлининг жароҳатланган ерлари ҳам симиллаб оғрирди. Эрхон шу кеч айиқ ёғи суришни ният қилди ва бу ниятини пўстакни кўтариб чиқаётган Ойтўлдига айтиб қўйиш мақсадида ёнига ўгирилди, ўгирилдию Тангритоғнинг сўл ёнбошидан шу ёққа қараб елиб келаётган бир тўда отлиқни кўриб, ҳайратдан эси оғиб қолаёзди.

— Ойтўлди! — деб бақирди у беихтиёр, ҳали ҳам елкасини чангаллаганча. — Ойтўлди, анавиларга қара-чи? Танияпсанми, кимлар экан?

Ойтўлди пўстакни ерга ташлаб, қўлини пешонасига соябон қилиб ўша ёққа узоқ термулди-да:

— Ҳечам ажратолмаяпман-а! Аммо Ядғунинг йигитлари эмас, уларнинг туғи бўри каллалик-ку. Ханзулар бўлмасин тагин? — деди хавотир билан.

Кекса жангчининг томирларида қон жўшди. У тасуф билан: «Эссиз, Ядғуга хабар беришнинг иложи йўқ-да», деди ўзига-ўзи. Агар келаётганлар ростдан ҳам ханзулар қўшини бўлиб чиқса, у ҳолда чол-камбирнинг умри поёнига етибди деяверинг. Бу ёвуз қавмининг қўлидан ҳар иш келади.

Эрхон Ойтўлдига қараб:

— Тўқмоқни олиб чиқ! — деб буюрди.

— Кўтаролмайсан! — дея ачиниш билан жавоб қилди Ойтўлди. — Қўй, ўзингни бекорга уринтирма! Кўк Тангри истаса, эҳтимол омон қолармиз. Йўқса, ўғилларимизнинг ёнига жўнаймиз. Икковимизнинг ҳам ёшимиз бир жойга борган бўлса, яшашнинг нима қизиғи бор?..

— Опчиқ дедим! — деб ўшқирди жангчи. У ёғийни ҳеч қачон қуролсиз кутиб олмаган эди, бундай бўлишини хаёлига ҳам келтиролмасди. Ойтўлди чор-ночор, эрининг улкан гурзисини бир амаллаб олиб чиқди. Жангчи уни зўрға кўтарди, оғирлигидан юзи тиришиб кетди, аммо яна тезда ўзини қўлга олди, ёвнинг етиб келишини кута бошлади.

Энди унинг учун бу чоққина яйлов жанг майдони-га айланган эди. Ёғий яқинлашиб келар, фақат сўқишга чорловчи бурғу садолари етишмасди, холос.

Ниҳоят, улар етиб келишди. Ханзуларнинг қийик кўзларида газаб ўти чақнарди. Улар дарров талашга тушиб, қўй-қўзиларни отларига ўнгаришди, биттаси эса Эрхоннинг ҳозирда анча қартайиб, кучдан қолган, не-не жангу жадаллардан эгасини омон олиб чиққан отини етаклашга тушди, уч-тўрттаси эса кулба ичига кириб кетди. Ойтўлди чолининг ёнида туриб, бу беадабгарчиликларни кузатарди. У ханзуларни ҳеч қачон кўрмаган эди. Тўғри, бирда Ядғухон ўнтача қўли боғлиқ, афти-башараси қон бандиларни уриб-сўкиб ҳайдаб келган эди. Аммо ўша пайтда бирам но-чор, эзгин кўринишган эдики, ҳатто Ойтўлдининг раҳми келган эди. Ҳозир эса буларнинг важоҳатини кўриб ўтакаси ёрилаёзди. Улар тинмай бақаришади, узун сочларини селкилатиб, у ёқдан-буёққа юришади... Юзида узун чандиғи бори, отини Эрхон томон бурди-да, синовчан тикилганча, сўйлоқ тишларини кўрсатиб ҳайқирди:

— А-ҳа, бу Эрхон-ку! Мана ўша енгилмас Эрхон! Аҳволига қаранглар, қалтираб туришини кўринглар!..

— Эрхон? Наҳотки Эрхон бўлса?! — деб, қолганлари ҳам шоша-пиша шу ёққа ёпирилишди. — Ия, қани унинг аввалги важоҳати? Қани унинг ўлим келтирувчи гурзиси? Нега у гурзисини кўтармаяпти, баримизни қириб ташламаяпти? Ахир, юзта ханзу аскарлари Эрхон учун чўт эмасди-ку?

Ойтўлди хотиржам турар, фақат эрининг ғазаби кўзғашидангина чўчирди. Аммо ундай бўлмади.

— Эрхон! — деб бўқирди сўйлоқ тишли қари ханзу. — Менинг неча-неча уруғимнинг кулини кўкка совурдинг-а, қари бўри! Мана, ўзингнинг ҳам кунинг битди!

Шундай деб у энгашди-да, Эрхоннинг нақ томоғини мўлжаллаб найза санчди. Кекса жангчи шу заҳоти ихраб, ерга икки букланиб йиқилиб тушди, томоғидан иссиқ қон ҳовур таратиб, тизиллаб оқа бошлади. Ханзулар қий-чув кўтардилар.

— Хотинга тегманг! — деб бақирди қари босқинчи шерикларига. — Унга тегманг! Хотинни ўлдириш ханзунинг иши эмас. Қани, кетдик Ядғунинг устига!..

Ханзулар қий-чув кўтарганча жўнаб кетишди. Қуёш, Тангритоғ ортига қондай қизариб, баайни ярадор жангчи мисоли ёнбошлади. Энди Эрхоннинг қони оқиб тугаган, қорайиб, қота бошлаган, жангчи ҳаёт билан видолашган эди.

\* \* \*

Тунда, яйловдан унча узоқ бўлмаган сайхонликда босқинчилар ва Ядғу йигитлари ўртасида мисли кўрилмаган жанг бўлди. Теварак-атрофни ўлаётганларнинг ва ўлдираётганларнинг бақирғи тутиб кетди. Унинг сурони ҳатто Тангритоғни ҳам титратиб юборди.

Ойтўлди туни билан мижжа қоқмай чиқди. Мабодо ханзулар қайтиб келгудай бўлса, биринчи кирганининг бошига тушириш мақсадида эри жангда ишлатадиган болтани пойгакка суяб қўйди.

Тонгга яқин жанг тугади. Отлар дупури ва қийқириклар Тангриитоғнинг сўл ёнбағридан узоқлашиб кетганидан Ойтўлди босқинчиларнинг енгилганини, шавкатли Ядғунинг ботирлари уларни қувиб солганини пайқади. Атрофга мудҳиш сукунат чўкди. Тинмай чуғурлашадиган қушлар ҳам бу сафар жим бўлиб қолган эдилар.

Аёл ташқарига чиқди.

Ҳаводан қон ва тер иси анқир, пастда, бир йиғочча масофада ўликларнинг қалашиб ётгани кўришиб турарди. Ойтўлди уйига кириб ўткир тиг олиб чиқди ва жанг майдонига қараб йўл солди. Эрининг бошига етган сўйлоқ тишли ханзуни топмоқчи ва бошини танасидан» жудо қилмоқчи эди. Ана шундай қилса, ханзунинг руҳи мангу тентираб, бошини излаб юради, бу ҳолати ҳатто авлодларига ҳам ўтади. Интиқомнинг ўзига хос усули эди бу. Жанг майдонига етиб келгунча у анча чарчади, аммо биринчи ханзунинг ўлигини яқиндан кўриши билан жисмида янги куч-қувват пайдо бўлди ва мурдани ағдариб қаради: найза зарбидан унинг бир бети ўпирилган, оппоқ суяги очилиб, қийиқликка мойил кўзлари косасидан чиқиб кетгудай бўлиб олайган эди. Ойтўлди уни танимади, шу сабаб тегмасдан ўтиб кетаверди.

Ўликларни бир-бир кўздан кечириб: «Э, бадфеъл махлуқлар, — дея хаёлидан ўтказиб борарди бу жасур аёл. — Нималарни изладингизу нималарга эришдингиз? Келдингиз, топганингиз ўлим бўлди... Ақалли битта ҳам тирик жон қолмабди. Ядғунинг қудратини билмасмидингиз, кунингиз битганига наҳотки ақлингиз етмовди? Мана энди кўзларингизни қузғунлар чўқийди, танангизни қонхўр каламушлар талашиб-тортишиб ғажишади. Кимга жафо, кимга жазо...»

У навбатдаги ўликка яқинлашаркан, унинг елкасидаги бир нарсага кўзи тушди. Қизиқсиниб, яхшироқ қаради ва ҳайратдан кўлидаги тигни тушириб юбораёзди. Ханзу аскарлари елкасига икки-уч ёшлар чама-сидаги бир болани боғлаб олган эди. Афтидан, у жангчи эмас, афти-ангорининг ўзи буни ошкор этиб турарди; деҳқон бўлса керак, озиб-тўзиган, кийимлари бир аҳволда, қашшоқ, тиришиб ўлиб ётарди. Бола отасининг ўлимини сезганми-йўқми, кўзлари юмуқ, худди ухлаётгандай эди. Ойтўлди уларнинг тепасига келиб, диққат билан разм солди ва боланинг оқиш чаккасидаги ингичка, қизғиш қон томирлари билинар-билимас уриб турганини кўрди.

Ойтўлдининг бирдан кўнгли бузилди. Кўк Тангри-си уни разолатдан қайтармоқда эди. Мана исботи: аёл ўлдирмоқни, ўликнинг танини бошидан жудо қилмоқни ва унинг авлодларини бемисл кулфатга дучор этмоқни кўзлаган эди, ҳозир эса акси бўлиб чиқаётир. Боланинг шундай қирғиндан омон қолгани-чи, бу ҳам Кўк Тангри иноятининг исботи эмасмикин? «Бошқа кишиси йўқ шекилли, боласини ўзи билан олиб юрган экан», деган ўй ўтди унинг кўнглидан ва молу дунё йўлида кулфатга рўбарў келган жангчини қарғади. Унинг тепасига чўкка тушиб, болани ечиб олди ва тигни ҳам унутиб, ортига қайтди.

Бола чиройлиқкина, дўмбоққина, сочлари қизғиш ва майин, тўгарак юзи нимаси биландир ҳалок бўлган ўғилларини эслатарди. Ойтўлди тезда ҳолдан тойди. Шунда хаёлига: «Уни жарликка ташлаб кетсам-чи, бўри-мўри еб кетгани маъқулмиди», деган ўй ўтди. Шу ишни қилса, дилидаги интиқом ўти бир оз сусайиши мумкин эди, аммо Ойтўлдининг кўнгли бундай қабиҳликни қабул қилолмади. «Ёш боладан ўч олиб бўлмайдими, — деб ўйлади аёл, йўлида давом этаркан. — Агар вояга етган бўлса, бошқа гап эди. Гўдакни ўлдирмоқ бизнинг қавмга ярашмайди. Бундан Кўк Тангри ҳам ғазабланади».

Ойтўлди қўналғасига етиб келганида, Ядғухон ўттиз чоғли йигити билан уни кутиб турар, жангчиларнинг бари қаттиқ ҳолдан тойган, кийимлари қонга беланган, аммо ўзлари хурсанд эдилар.

— Улуғ жангчи Эрхон бизни тарк этиб, бу ёруғ дунёдан кўз юмибди. Унинг қондоши мен — Ядғу энди бу ерларда қандай қилиб юраман? — деди Ядғухон, сийрак сочли бошини қуйи эгиб. — Улуғ жангчи Эрхон ҳаммамизнинг отамиз эди. Уни душманимиз — манфур ханзу ўлдирибдию бизлар беҳабар қолибмиз...

Ядғухоннинг изтироблари жангчиларга ҳам ўтди. Улар ҳалок бўлган қабиладошларининг ҳурмати учун бошларини қуйи эгиб, тек туришарди.

— Эрхоннинг ҳар бир томчи қони учун ўнлаб ханзудан ўч оламан! — деб давом этди Ядғухон. — Хоҳ гўдаги бўлсин, хоҳ чоли — аямайман! Буни мен — Чингизнинг ўғли Ядғу айтаётирман! Агар шундай қилмасам, Кўк Тангри мени оқ шақалларга дуч қилсин, илонлар чақиб ўлдирсин, кўзимни кузгун чўқисин! Уларнинг қонини Тангри тоғ сувлари каби оқизмасам, номим мангуга ўчсин!

Шундай деб Ядғухон қаттиқ ҳайқирди. Унинг кўзларидан йирик-йирик ёш томчилари думалаб, соқолига тушарди.

— Ойтўлди, сен бу ерда қолмайсан! Ёнимизга борасан, бас, отга мингаш, — деди Ядғухон ва аёлнинг қўлидаги болани эндигина пайқаб, ранг-туси бирдан ўзгарди:

— Ханзу боласи-ку! — деб хитоб қилди у. — Ойтўлди, нари тур, мен унинг бошини танидан жудо қилай! Ойтўлди ортига тисарилди ва:

— Сен ҳеч қачон унга тиғ кўтармайсан. Агар унга қўлингни теккизгудай бўлсанг, ўла-ўлгунимча сени қарғайман, Ядғу. Мендан хавотир олма, ханзуларки ўлдирмадимми, энди ўз ажалим билан ўламан, — деб жавоб қилди.

Ядғу ўйланиб қолди. Ойтўлди болакайни кўм-кўк майсалар устига қўйди. У осмондаги ойдай бўлиб ётарди. Хунлар соҳибқирони бу душман зурриёдига қараб, кин ва қаҳр билан: «Илоннинг боласи ҳам илон. Унинг бошини янчмоқ керак», деб ўйлади. Бироқ Ойтўлдининг — ҳалок бўлган шавкатли жангчи хотинининг сўзига қарши боролмади. «Бу хотин нелар қилаётганини яхши англамаяпти чоғи. Наҳотки, у ҳимоя қилаётган гўдакнинг томиридаги ханзу қони бир кун кўзғалиб, мана шу қўлчаларда ўлим топишини тушунмаётган бўлса?..» Улуғ Ядғухоннинг темирдай қизғиш юзида бир ифода лип этиб ўтди — у, агар йўлини қилса, бу болани барибир жонидан жудо қилади. Майли, ҳозирча ўсиб-улғаяверсин, қачонки кўлига тиф тутиб, ўқ-ёй ота оладиган бўлганда, Ядғу ёйининг кескир ўқи унинг юрагини албатта излаб топади.

Ядғухон шу тариқа боланинг тақдирига ҳукм ўқиди ва яна бир бор:

— Ойтўлди, биз билан юр... У ерда эт мўл, эл хотиржам, хотинлар кўп, — деб мурожаат қилди.

Ойтўлди рад этди. Бу ўжар хотин билан талашиб-тортишиб барака топмаслигини яхши сезган Ядғу кўпам қистаб ўтирмади, ўзинг биласан, қабилида елка қисиб, ўлжаларнинг бир қисмини шу ерда қолдиришни амр этди-да, ўзи пастга томон от чоптириб кетди.

\* \* \*

Орадан йиллар ўтди. Тангритоғ этаклари кўп маротаба қор билан қопланиб, кўп маротаба баҳорий яшилликларга бурканди. Ядғу сўзининг устидан чиқди — атрофга ёйилиб кетган хун қабилаларининг бир нечтаси билан иттифоқ тузиб, то Катта Дарёгача борган барча ханзуларнинг устига юриш қилди, натижада уларнинг қонини худди Тангритоғ ирмоқлари каби оқизди. Бу орада Ойтўлди ҳам қариди. Қомати марҳум



эри, жангчи Эрхоннинг кўхна ёйи каби эгилди, хан-жардек киприклари тўкилди, жисмидан қувват кетди. Унинг жонига энди асранди ўғил оро кираётган эди. Қуш овлаш, сув келтириш, қўналғани тартибга солиш, таом пишириш, хуллас, ҳамма-ҳамма юмушлар шу боланинг зиммасида эди. Унга, хун ўғлонларидан фарқли ўлароқ, ҳеч ким жанг хунарини ўргатмади, бироқ бола яйловда чиниқди, ўрмонда дарахтдан-дарахтга сакраб чаққон ва эпчил бўлиб ўсди. Ойтўлди кампирдан бобоси Эрхон ҳақида кўп сўраб-суриштирар, унингдек шавкатли жангчи бўлишни орзу қиларди.

— Мен хун авлодиданман! — деб ҳайқирарди у, хунларникига ўхшамаган қийиқ кўзларида ифтихор алангаланиб. — Менинг аждодларим мулки то Катта Дарёгачадир! Дарё ортини эса мен бўйсундираман. Худди бобом Эрхондай, оғам Ялғухондай баҳодир жангчи бўламан!

Қари Ойтўлди унинг бу гапларини таассуф билан тингларди. Бола ўзини хун деб ҳис қилса-да, юз-кўзлари, гавда тузилиши, сержаҳдлиги билан барибир аждодларига тортмоқда эди. Эри Эрхоннинг ўлими ёдига тушганда, ҳар сафар Ойтўлдининг дилида ғазаб ва интиқом олови гуриллар ҳамда боланинг тезроқ катта бўлишини Кўк Тангридан тилар эди. У ҳали жудаям ёш, ҳозирча қасос олиш мумкин эмас, аммо катта бўлсин, шунда барча чекловлар барҳам топади. Ўшанда Эрхоннинг нотинч руҳи Ойтўлдидан мамнун бўлади. Ханзулар шўрлик Эрхонни заифлигига ҳам қарамай ўлдирдилар. Шусиз ҳам унинг жони қилтиллаб, эрта-индин ўлиши муқаррар бўлиб турган эди. Улар ёвузлик қилдилар, бироқ хунлардаги тартиб-қоидалар Ойтўлдига ҳозир ўч олишни таъқиқлаб турарди. Баъзида у болани ўрмонда йиртқич ҳайвонлар еб кетса ёки дарахтдан қулаб ўлса кошкийди, деб ҳам кўяр, аммо дарҳол бу ўйини нари қуварди: унда, ўч олмоқ-чи? Ойтўлди дилидаги интиқом ўтини ўчирмасдан бу оламдан кета олармикин?

Ханзу ўғлони келишимли йигит бўлиб вояга етаётган эди. Унинг ҳаракатларини кузатиб, кампир икки ўт юрасида қийналарди: душман боласининг нимасидир ўша, тоғ кўчкиси остида қолиб ҳалок бўлган ўғилларининг тўнғичига ўхшаб кетарди. Йиллар ўтиб, ҳатто душман авлодидан бўлса-да, у кампирга ёқиб қолган, қани эди ҳозир шу бола менинг ўғлим бўлиб қолса, деб баъзан турли хаёлларга ҳам берилар эди. Лекин шу заҳоти яна ўзига келарди: ахир, Эрхон мана шу яйловлар узра капалак бўлиб учиб, қавмлари, қутлуғ жангчи боболарининг хуни учун нима ишлар қилаётганини кўриб турибди-ку? Ойтўлди нима қилса шавкатли Эрхон хурсанд бўларкин? Кўк Тангрини-чи, қандай рози қилиш мумкин? Ойтўлди кампир ўйлаб ўйига етолмас, аммо шу ҳолатида ўғлонга қарши тиг кўтаролмаслигини пайқаб турарди. Қачондир, ҳамма нарсани хотималайдиган ва ё Ойтўлдининг, ё боланинг умрига нуқта қўядиган кун етиб келиши керак эди.

Ботир Ядғухон ҳам Ойтўлдининг ёнига тез-тез ташриф буюриб турар, ҳар сафар турфа ўлжалардан совғалар олиб келарди. У кампир билан суҳбатлашар экан, адоват тўла нигоҳини ханзу ўғлидан узмасди. Ойтўлди унинг ниятини жуда яхши сезарди, албатта. Сезардию ўғлонни Ядғу ёйидан қутқариш йўллариини ўзича чамаларди. Хуллас, ҳар иккови ҳам ўч олмоқ истагида ёнишар, аммо бу истаklarини бир-бирларидан яширдилар.

Ниҳоят, ханзу ўғлон балоғатга етди — у хун қизларига узоқ-узоқ кўз тикадиган, негадир қизарадиган, тунлари уйқуси ўчиб, безовталанадиган одат чиқарди. Ойтўлди кампир фурсат етиб келганини туйди — қасос вақти, ниҳоят, юз кўрсатган эди. Кампирнинг ҳам ҳаёти поёнига етаётган бўлиб, унда ортиқ сабр қилмоққа ҳеч тоқат йўқ эди.

Ўша куни, қуёш ботиши олдидан Кўк Тангри вақт етганини англади — бу маҳалда Ойтўлди болани қандай қилиб ўлдирсам экан, деб майсалар устига ўти-

риб олиб бош қотирарди. Тангри тоғ устида туйкуздан момақалди роқ гумбурлади, кампир ўша ёққа қараб, чўққилар устида қора булутдан асар ҳам йўқлигини, кечки шафақ яллиғи энлаган осмоннинг тип-тиниклигини кўрди. Ҳа, фурсат етган эди. Кўк Тангри кампирнинг ниятларини билгани боис ҳам интиқомга розилик берган эди.

Кампир ўрнидан қўзғалди ва ичкарига кириб, яшириб қўйган жойидан эри Эрхон янги танишган кезларида совға қилган кичкинагина тигни олиб, қўйлагига қатига яширди-да, қайтиб чиқди. Ханзу ўғлони ялангликда Эрхоннинг камонини кўтариб, ёй отишни машқ қилаётган эди. Кампир ўзиникига ўхшамаган овоз билан уни чақирди. Ўғлон дарров Ойтўлдиннинг қошига келди, унинг қийиқ кўзларида қувонч чақнарди.

— Мен хунларнинг энг баҳодир йигити бўламан! — деди у мағрур. — Бобом қутлуғ жангчи Эрхоннинг ёйи энди меники. Уни ҳеч кимга бермайман ва ҳеч қачон қўлимдан қўймайман!

— Бас қил! — деб бақирди кампир, қўйнидаги тигни чиқарар экан. Уни кўриб, ўғлон таажжубланди. Кампирнинг қўллари титрар, ияклари қалтирар, ажабки қандайдир бир куч унинг заиф жисмига қувват бахш этган эди. — Сен бу ёйни тутишга у дунёю бу дунё ҳақли эмассан! Ташла уни!

— Нега? — деб сўради ханзу ўғли, тўғарак юзида кампирдан ранжиганликни ифодаловчи белги акс этди. — Ҳалиям эр бўлиб етмадимми? Қаранг, билакларимда куч тўлиб оқиб, ғайратим тошиб боряпти... ҳали мен Эрхон авлодининг...

— Сен Эрхон авлодидан эмассан! — деди кампир, беалад қаҳру адоват билан. Ўғлон уни бундай аҳволда ҳеч кўрмаган эди, важоҳатидан ҳайиқиб, ортига тисарилди. — Сен хун ҳам эмассан! — деб ҳайқирди у, кўзларидан дув-дув ёш оқиб. — Сенинг томирингда

манфур ханзу қони оқаётир. Улуғ Эрхонни сенинг қондошларинг ўлдирган эди. Мен сени саноқсиз ўликлар ичидан топиб олиб, эр етилгунингча сабр қилдим. Мана, вояга етдинг, сендан ўч олмоқ истайман! Кунинг битди сенинг, эй манфур ёғий боласи!..

Ўғлон қулоқларига ишонмай турарди. Кампир го-йибдан келган шиддат ила унинг кўксига тиф урди, аммо қўллари мўлжални тўгри ололмади, тиф ўғлоннинг бақувват билагига санчилар-санчилмас, ерга тушди.

Кампир ҳолсизланиб ўтириб қолди, унинг кўзларидан ҳали ҳам ғазаб ва надомат ёшлари дувиллаб тўкиларди. Ханзу ўғлон эса қулоқларига ишонмай, тош қотиб турар, ранги бўздай оқариб кетган, тиф етказган жароҳатдан аста-секин қон сизиб чиқиб, ерга — қадимий хунлар тупроғига, Эрхоннинг мулкига томчиларди. Эрхон учун қасос олиниб бўлинган эди — мана, ёғий ўғлининг қони унинг ери узра тўкилаётир, бунини шавкатли жангчининг руҳи ҳам, Кўк Тангри ҳам кўриб турибди. Эй хунларнинг қутлуғ жангчиси Эрхон, энди Кўк Тангри сенга абадий ором ва роҳат иноят этсин!..

— Мен ростдан ҳам ханзуманми? — бир замон тош қотиб турган ўғлоннинг бўғзидан даҳшатли нидо отилиб чиқди. — Ойтўлди, айт, раҳминг келсин, менинг отам ханзуми?

Ойтўлди унга жавоб қилмади. У бошини куйи эганча йиғлашдан тўхтамас, шундай эса-да, дилининг бир четида ўғлоннинг тирик қолганидан хурсанд ҳам эди. Ахир, ўч олинди, душман қони тўкилди, бас, Эрхон учун шунинг ўзи етарли. У улуғ жангчи эди, кечиримли эди, бу иши учун кампирдан ҳеч қачон дили ранжмайди...

Аммо Тангри тоғ тепасида яна момақалди роқ гумбурлади. Ханзу ўғлони ортига чекинди.

— Йўқ! Йў-ўқ, мен ханзу эмасман! — деб ҳайқирди у титраб-қақшаб. Аммо товушини момақалди роқнинг

навбатдаги гумбурлаши босиб кетди. — Мен хунман!  
Хун бўлиб туғилганман, хун бўлиб ўламан!..

Ва у Эрхондан хотира бўлиб қолган ўткир учли ёй ўқини олиб, нақ юрагига ботирди. Негаки, ўғлоннинг томирларида ханзу қони оқаётган эса-да, номусли хунларнинг тарбиясини олган эди.

\* \* \*

Орадан бир қанча вақт ўтиб, ўрмон оралаб етиб келган Ядғухон ёғий ўғлонининг ўлимидан хабар топгач, Ойтўлдига таассуф билан деди:

— Эсиз! Ўч олмаганим битта шу ханзу қолувди. Сен жангчи хотини эканлигингни кўрсатдинг. Энди Эрхон абадий тинч бўлсин!

Кампир унга жавоб бермади. Судрала-судрала кулбаси томон йўл олди. Шўрликнинг дили энди батамом таскин топган эди. Кўзидан эса ўкинч ёшлари тўкиларди. Нима қилсин, ханзу ўғлонини у салкам ўн олти йил тарбия қилди, едирди-ичирди. Ханзу боласи шу кечган вақт ичида, гарчи душман бўлса ҳам, ўз фарзандидай бўлиб қолган эди. Ҳозир кампирнинг кўз ўнгидан ўғлоннинг кулишлари, сўзлашишлари, ёқимтой одатлари бирма-бир ўтаётган эди. Қомати янада букилган, вужуди мадорсизликдан худди шамолда қолган тол новдасидай чайқаларди...

Тангритоғ узра қоронғилик чўка бошлади... Ядғухон кампирнинг дилидан нелар кечаётганини фахмлагани боис, бошқа сўз қотмади. Аммо уруғдошлари ёнига қайтиб кетмади ҳам, отини боғлаб, шу ерда қолди. Негаки, кампирнинг ҳам умр дақиқалари тугаган, қазоси етишига бир ёки икки кунгина қолган эди, холос. Бор-йўғи бир ёки икки кун...

1992 йил

## ИСМСИЗ ҚАҲРАМОН ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Бу ҳикоя тарихда аждодларимиз саналмиш кўҳна хун халқининг бир исмсиз бир қаҳрамони ҳақида.

Тўртинчи асрнинг бошида, от йилида ханзу сулоласининг аскарлари ва хунлар яна тўқнашдилар. Бунга ханзуларнинг хун ерларига ўқтин-ўқтин хужум қилганлари ва чўпонларнинг баъзиларини ўлдириб, мол-қолини талон қилганлари сабаб бўлди. Бу маҳалда хун ҳоқонлиги қийинчиликларни бошдан ўтказмоқда эди. Аскар заиф, отлар оч эди. Боиси — қишнинг ғоятда совуқ ва ёғинли келгани, тўпланган озиқнинг баҳорга етмай тугагани эди. Шимолий чегарада нотинчликларнинг зўрайгани боис, хунлар ҳоқони у ерга кўшин юборди, ортидан ўзи ҳам етиб борди.

Олти кун давом этган жанг натижа бермади, лой ва балчиқ жангни оғирлаштирди. Устига устак, ханзулар сон жиҳатдан хунлардан анчагина кўп эди, аскаррий тайёргарликда ҳам хунлардан қолишмасди. Фақат, хунларда жанг ҳисси кучли эди, бир хун аскари ҳайқирганида ўнлаб ханзунинг юрагида кўрқув уйғотар, саросимага соларди. Ханзулар билан бир уруғдан бўлган Чин ҳоқонлиги савдо ва тижоратни тобора кенгайтириб, кучайиб бормоқда, ханзулар ўзларига кўра кам сонли хунлардан ана шу жанговарликлари туфайлигина ҳайиқиб туришарди.

Жангнинг олтинчи куни эрталабдан яна ёмғир қуйди. Шусиз ҳам балчиққа айланган теварак бешбаттар сувга бўқди. Аскарнинг чодирларидан чакка ўтган, ётар пўстаклари ҳўл эди.

Намгарчилик туфайли ханзу кўшини томонда ҳаракат сезилмаётган эди. Бир неча хун аскари от чоптириб ханзулар кўшинининг олдинги сафигача бориб қайтиб келишди, лекин ханзулар бунга жавобан ҳеч нима қилишмади.

Буни кўрган хун аскари кулар ва «Ёмғирни ўқ деб ўйладингизми, ҳали ҳақиқий ёмғирни энди кўрасиз»

деб қичқирар эди. Ханзулар бунга жавобан ҳам жим эдилар.

Тушдан сўнг сийрак туман орасидан сарғимтир доғдай бўлиб қуёш кўринди. Аскар тушлик қилиб бўлган эди. Яйловда бир неча ханзу аскарлари кўринди. Улар ялтир-юлтир матолардан кийим кийган, ўзларига шу қадар оро берган эдиларки, хун аскарлари ўртасида яна кулги кўтарилди.

Ханзулар аскарга яқинроқ келишга юраклари бетламай, ўқ етадиган масофадан бир оз узоқроқда туриб қолишди. Бир нималар деб бақирдишар, аммо нималар дейишаётганини тушуниб бўлмасди. Қўшиннинг ичкари қисмидан уларнинг тилини биладиган бирини топиб келишди. У жимиб қолган ханзуларга қараб бир нима деб қичқирди, ханзулар ҳам унга жавоб қайтаришди.

— Бугун уришмаймиз дейишяпти, — деди тилмоч.

— Ол-а! Оналари қоринларини тўйдириб, яхшилаб ухлаб олганларидан кейин ёзда, салқингина бир жойда уришишга кўнишармикин? — деб кулишди хунлар.

— Бу намгарчиликда уришишдан наф йўқ, сиз бир паҳлавонингизни, биз бир паҳлавонимизни ўртага чиқарайлик, шулар уришишсин. Қайси томон енгса, ўша томон жангни қозонган ҳисобланади, дейишяпти.

— Оббо, айёрлигини қара-я! Шунақа йўлга ўтишишяпти энди? Ўзи, неча баҳодири бор экан уларни? — дейишди хунлар. — Айт, биздан энг ушоқ аскар чиқади, улар бўлса энг ишонган баҳодирларини олиб келишсин.

Тилмоч бу гапларни ханзуларга уларнинг тилида етказди, улар ўзаро бижир бижир қилишиб бир оз туришди-да, ортга қайтиб кетишди, кейин ўттиз чоғли бўлиб қайтиб келишди. Ораларида баланд бўйли семиз бир ханзу ҳам бор эди. Ана ўша баҳайбат ханзу чопонини ечиб, олдинга чиқди-да, бир нималар деб бақирди.

— Шу ошқовоқ уларнинг энг ишонган баҳодири-  
микин? — деб кулишди хунлар. — Қани, ким чиқади  
ханзуга?

Ҳамма гув этиб ўрнидан туриб кетди. Ҳамманинг  
ханзу паҳлавонини енггиси келарди.

— Мен чиқаман! — деган қичқириқ эшитилди. Қич-  
қирган — қотма жуссали, аскар орасида Митти деб ла-  
қаб олган йигит эди. Унинг исмини биров билмас, ҳамма  
Митти деб чақирар, айтишларича, ҳеч кими йўқ, яқин-  
ларининг сурувини ханзулар талаб ўлдириб кетгач, ас-  
карга ўз ихтиёри билан қўшилган бир бўзбола эди.

— Йўқ, сен ҳали кичкинасан, — дейишди аскар-  
лар унга. — Яхшиси, Метин баҳодир борақолсин.

Кўплаб жангларда чиниққан, пешонасида ва ияги-  
да чандиғи бор Метин баҳодир ўрнидан қўзғалиб,  
«мен уни бир қўлим билан ер тишлатаман» — деди  
илжайиб.

Лекин Митти сакраб отига минди-да, ханзу баҳо-  
дири кутиб турган томонга қараб ниқтади. Миттининг  
оти бақувват эмас эди, лойда тойғониб-тойғониб йўр-  
тиб борарди.

— Тўхта, орқангга қайт! — деб бақиришди қолган-  
лар, аммо бўлар иш бўлган, агар Митти ортга қайтса,  
бутун қўшин шарманда бўларди.

Мана, ханзу баҳодири билан Митти одан тушдилар.  
Майдон ўртасида бир-бирларига бақамти келдилар.

Жанг бошланди.

Ханзу сермаб қилич солар, лекин Митти эпчил-  
лик билан чап берар, жавобан пайдар-пай ҳамла қи-  
ларди. Ҳозирча ханзунинг совути Миттининг енгил қи-  
личининг зарбаларини ўтказмаётган эди. Баҳайбат ханзу  
ярашмаган ва бесўнақай ҳаракатлар билан уни жаро-  
ҳатлашга уринарди.

Кейинги галдаги кучли зарба Миттининг елкасини  
кесиб ўтди. Митти букчайиб қолди-да, ортига тиса-  
рилди. Хун аскарари гувиллаб бир чайқалиб олди, хан-  
зулар шодланиб қий-чув қилдилар.



Ерга эгилиб қолган Митти бирданига жонланди. Қаддини ростлади-да, шиддат билан рақибига ташланди. Кутилмаганда у олдингидан ҳам кучлироқ хужум қила бошлади.

Аллақандай тушунарсиз бир ҳодиса рўй бермоқда эди. Яраланган аскар ҳолсизланиб йиқилишнинг ўрнига баттар кучга тўлиб кетган эди. Бундан эсанкираган ханзу ортига тисарилди, кетма-кет яна зарб еди. Кейинги зарба унинг бўғзига санчилди, семиз ханзу ерга, балчиққа гурсиллаб ағанаб тушди.

Кейин эса яна кутилмаган ҳодиса содир бўлди. Митти сал наридаги ханзунинг учқур отига сакраб минди-да, ханзулар томонга елиб кетди. Ҳаш-паш дегунча етиб бориб, биринчи ханзуга қилич солди, қолганлари шоша-пиша чекиниб, камондан мўлжалсиз ўқ уза бошладилар, уларнинг бир нечтаси Миттининг елкасига, белига санчилиб қолди, лекин бу ўқлар Миттига ари чаққанчалик таъсир қилмаганга ўхшарди, у қуюндек бўлиб ханзу аскарларининг бир нечасини ағдарди, қолганлари эса пала-партиш қоча бошладилар.

Хун аскарари гувиллаб ўрнидан қўзғалди, худди Аму каби шиддат билан, селдай бўлиб ханзу устига оқди.

Миттининг бу ботирлиги хунларнинг қонини жўштириб юборган эди. Улар ханзулар устига довул каби бостириб бордилар. Арава ва чодирларда озик-овқат ва қурулларини қолдириб, ханзу аскарари ортига қочди. Қизишиб кетган хун аскарари уларни то йигирма чақирим масофагача қувиб борди. Ундан у ёғи ўнгири эди, баъзи ханзулар қўрққанларидан ва балки омон қолармиз деган умид билан жарликка сакрадилар ва парча-парча бўлдилар. Қолганларини хунлар қириб ташладилар, баъзиларини асир олдилар.

Шу тариқа, ҳеч кутилмаганда хун аскарари ханзу устидан ғалаба қозонди. Ханзу шармандаларча енгилди.

Ғолиб аскар қароргоҳга қайтганида, ҳоқоннинг авзойи бузук эди. Унинг ёнидан чиққан Лашкарбоши хунларни сафга тизди-да, шундай деди:

— Эшит, эй Хун ўғиллари! Буйруқсиз ҳамлага ўтганинг ва қароргоҳни ташлаб кетганинг учун ҳар бирингга ўн қамчидан жазо! Лекин ғалаба билан қайтганинг учун ҳар бирингга ўлжангдан ташқари, ўн олтин ва биттадан от мукофот!

Аскар бош эгди. Бу халқда ҳоқоннинг сўзи сўз эди. Мазкур жазонинг адолатли эканига эса ҳеч шубҳа йўқ эди.

— Энди қаҳрамоннинг жасадини қароргоҳга олиб келинг! — деб буйруқ берди Лашкарбоши.

Унинг зарблардан ва ўқлардан соғ жойи қолмаган жасадини тўрт киши кўтариб келди. Янги униб чиқаётган майсалар лой-балчиққа қоришган, эрта баҳорда кўпчиган ерга — она юрт тупроғига қўшин байроғини ёйдилар ва унинг устига авайлаб ётқиздилар.

Беклар билан етиб келган ҳоқон байроқ устида ётган аскарни кўриб, отидан тушди.

Теваракдагилар жим, аскар ўз ҳоқонидан кўз узмас эди.

— Бу қаҳрамон аскарнинг оиласидан, бола-чақасидан хабар олинг ва уларни саройга келтиринг, — деди ҳоқон.

— Унинг оиласи ҳам, бола-чақаси ҳам йўқ, ҳоқоним, — деди хунларнинг лашкарбошиси. — Ҳали уйланмаган бўз йигит эди.

— Унда ота-онасидан хабар олинг, хазинадан улуш тайин қилинг.

— Унинг ота-онаси ҳам йўқ, ҳоқоним, — деди Лашкарбоши. — У етим эди.

— Исми нима экан бу мард ўғлоннинг? — деди ҳоқон, ҳайрон бўлиб.

— Унинг исми ҳам йўқ, ҳоқоним, — деди Лашкарбоши. — Аскарлар уни Митти деб чақиришарди. Унинг уй-жойи ҳам йўқ. Ханзу босқин қилди деган гапни эшитиб, мол-ҳолини сотиб, яроғ ва от олиб қўшинга қўшилган экан. Бу дунёда унинг ҳеч кими йўқ, ҳоқоним. На уй-жойи, на мол-жони, на оиласи, на яқинлари.

Ҳоқон жим қолди. У, бадани жароҳатларга тўла бу Ватан ўғлини қандай тақдирлашни билмай иккиланаётган эди. Сўнг эгилиб, худди она бағрида ётгандай сокин ва ором оғушидаги бу аскарнинг пешонасидан ўпди ҳамда қиличини чиқариб, унинг кўксига кўйди.

Шу ердаги бахши хунларнинг энг қадим марсиясини айтиб турди, довуллар ғалаба қозонилган маҳалдагидай гумбурлади, аскар ана шу кўҳна садо остида тупроққа кўмилди.

Унинг қабрининг устига қўшин байроғини тикиб кўйдилар. Байроқ кўп йиллар давомида, қишнинг совуқларию баҳорий ёмғирларда, ёзнинг саратонларидаю кузнинг изғиринларида ҳам Ватан учун жонини фидо этган бу ўғлоннинг қабри узра ҳилпираб турди.

*2010 йил*

## **ТИЛСИМ ЛАШКАРИ**

Кеч кира бошлади. Тобора кучайиб бораётган шамол кунботар ёқдан хас-чўпларни учириб олиб келаверди, само майдонига булутларни қатма-қат тўдалаштириб уяверди. Кўп ўтмай, олам рутубат ва таҳлика ичида қолди.

Кўчада ўйнаб юрган болалар бирин-кетин тарқалишди. Ҳамма ёқни чанг-тўзон тутиб кетган эди. Кўзига қум кирган бир болакай чириллаб йиғлаб қолди. Хавотирланиб кўчага чиққан бобоси:

— Тез-тез юр, яна жоду шамоли эсяпти. Энди эрта-лабгача тинмайди. Бўлақол, тойчоғим, гапимга кирсанг, сандиқдан ҳалвоқанд олиб бераман, — дея уни юпатишга тушди.

Шамол роса авжига чиққан эди. У дорга ёйиб кўйилган кимнингдир белбоғини бир юлқиб олди-да, учириб кетди. Зангори белбоғ уча-уча наридаги тут новдасига илинди ва худди музаффар лашкарларнинг туғи сингари ҳилпирайверди. Болакай йиғлашни ҳам унутиб, кўзлари чақнаганча:

— Қанақа жоду, бобо? Нимага ҳамма шунақа дейди? — деб сўради.

Бу аснода шамол яна эпкин урди, болакайнинг сочини тўзғитиб, кийимларини юлқилай бошлади. Бобоси эса:

— Ҳамма нарсани ҳам сўрайвермайди бола деган, бетаъсир! Юр уйга, нимагалигини кечкурун айтиб бераман, — дея қулоғидан чўзиб, диконглатганича ҳовлилардан бирига олиб кириб кетди.

Кўп ўтмай, қоронғи тушди. Шимол томондаги кўҳна тоғлар силсиласи устида момақалдироқ теваракни титратиб, гумбирлади. Гўё қоялар ёрилиб-уваланиб, тутдай тўкилаётган эди. Чақмоқ чақнаб, ҳаммаёқни оний ёғду билан сийпалаб ўтди. Кейин олам яна зулмат қаърига чўмди.

\* \* \*

Бу шамол йилига бир марта, дов-дарахтлар куз либосини кийиб, теварак-жавониб ловиллаб ёнаётган қизғиш-заъфар япроқлар ёғини остида қолган маҳалда кўзгалар, туни билан оламнинг тўс-тўполонини чиқариб, тонғ вақтидагина тинар эди. Унинг ғалати ном билан аталиши ҳақида эл оғзида ажойиб ва қадимий бир ривоят юрар эди.

Бир вақтлар бу ерда Ҳаким исмли деҳқон яшаган эди. У даштдан кўриқ очган, ёзи билан тинмай ишлаб, мазаси тилни ёрадиган қовунлар етиштирарди. Сўнг уларни сотгани Нахшабга жўнар, ўн-ўн беш кундан сўнг мамнун ҳолда, қўйни-қўнжи тўлиб қишлоққа қайтиб келар эди. Шу кундан эътиборан кўрасидан кўйларнинг баъраши, товукларнинг қақолаши эшитила бошлар, Ҳакимнинг ўзи ҳам эт кўйиб-тўлишиб, юзига қон югуриб қолар эди.

Фалокат ва тасодифларга бой от йилида ҳам унинг ҳосили мўл бўлди. Тўрлаган қовунларни қамиш тўрхалталарга солиб, ертўлага осиб қўйди, энди булар то қиш оёқлагунига қадар худди янги узилгандай бўлиб тураверади. Ҳаким тагин шаҳарга отланганида тонг сажар эди. Кунботарда, тоғлар устида булутлар жуда ҳам қуюқлашган ва момақалди роқ тинмай гумбурларди. Ҳаким қовунларини похол солинган аравага яхшилаб, заха емайдиган қилиб жойлади, қўй терисидан тикилган пўстинига ўраниб, ўрнашиб ўтирди-да, отга қамчи уришга чоғланаркан, хотинига қараб:

— Бўпти... Ўра тўла савзи, омборхонада гўшт-ёғ етарли. Насиб қилса, ўн кундаёқ қайтаман, — деди.

Аммо хотиннинг кўнгли алланечук безовта, агар эрини ҳозир жўнатиб юборса, қайтиб кўролмайдигандай туюларди. Дарвоқе, теварак ҳам бугун ўзгачароқ эди: табиат худди ниманидир кутаётгандай безовта, қушлар зўр бериб чирқиллашар, тоғлар устида ҳануз момақалди роқ гумбирларди.

— Нега йиғлайсан? — деди Ҳаким, хуноби ошиб. — Бир-иккида бормай юрган бўлсам ҳам майлийди. Бас қил энди кўзёшни!

— Ахир, эртага кетсангиз бўлмайдимми? — деб зорланди хотини. — Худди бир нима бўладиганга ўхшайди. Кўнглим жуда шаш.

— Ҳеч нима бўлмайди, — деб унга таскин берди Ҳаким. Сўнг отга қамчи урди. — Худо хоҳласа, бир ҳафтадаёқ қайтаман. Хуш қолинглар...

От кишнади, арава гирчиллаб йўлга тушди. Ҳаял ўтмай, қишлоқ тераклари ортида кўздан ғойиб бўлди.

Кечга бориб, кунботардан кучли шамол кўзғалди. У йўлида учраган неки бор — барини учириб-пайҳон қилиб, янчиб ўтди. Шамол тунни бўйи тинмади, ўкириб-даҳшат солиб эсаверди.

Кунлар бир зайлда, осуда кечар, аммо хотиннинг кўнгли ҳануз тинчланмас эди. Тунлари уйқуси буткул ўчганича қоронғиликка термилиб, эрини ўз паноҳида сақлашини Худодан илтижо қиларди. Орадан ўн кун ўтди, Ҳаким қайтмади. Йигирма кун, бир ой... уч ой ўтди ҳамки, ундан дарак йўқ. Кўп ўтмай савдо-сотик учун кетганларнинг бари қайтиб келишди, улар йўлда Ҳакимни кўрмаганликларини айтишди. Шўрлик хотин кўк кийиб, эрига аза очди. Йил ўтгач, дарду ғамга кўникди, рўзғорини амал-тақал қилиб тебрата бошлади..

Ҳаким кетган кунга роппа-роса бир йил тўлганида яна ўша ҳол такрорланди. Кечга яқин кучли шамол кўзғалди. Эрининг сирли равишда бедарак кетиши билан мана шу ғалати шамол ўртасида қандайдир бир боғлиқлик борлигини сезар эди шўрлик бева. Қоронғи тушди. Болалар ухлагани ётдилар. Аммо аёл ухлай олмади, деразадан кўзини узмай, аъзойи бадани жимирлаганча, ниманидир рўй беришини кутар эди. Ҳа, бугун нимадир рўй бериши керак эди! Дарча орти қоп-қора тун, шамол гоҳ қаҳ-қаҳ уриб, гоҳ зорланиб, гоҳ ёлғиз бевани масхаралаб эсмоқда эди. Кўп ўтмай тун ярим бўлди. Шамолнинг шовқини аро заиф бир шарпа сезилди. Бева ирғиб туриб, ташқарига назар ташлади. Шу лаҳзада ярқ этиб чақмоқ чақнади ва ҳовлида турган, жанговар яроғ-аслаҳалар билан қуролланган ниқобли бир отлиқнинг шамдай қоматини ёритиб юборди.

Ким у? Ярим тунда бу ҳовлида нени истар у?

Чақмоқ яна чақнаганида, сирли отлиқнинг отдан тушиб, эшик томон юргани кўринди. Жувоннинг юраги бўғзига тикилиб келиб, дукурлаб ура кетди. Шу лаҳзада эшикнинг зулфини тақиллади, кейин таниш овоз эшитилди:

— Оқ!

Келган эри эди!

— Сизмисиз? — қалтироқ бармоқлар занжирни мажолсиз тутди.

— Мен, мен, кўрқма. Оч энди.

Эшик очилди. Ичкарига бир шарпа каби, ғалати кийимларга ўранган эри кириб келди. Жувон ўзини унга отди, аммо Ҳаким ўзини четга олди.

— Қайларда эдингиз? Болаларингизни ўйламайсизми? Мени ўйламайсизми? Хавотир ола-ола, куйиб кетдик-ку ҳаммамиз?!

— Хўп, хўп, бас қил, — деди Ҳаким. — Менинг вақтим жуда кам. Ўтир, гапларимни эшит.

Жувон ҳануз йиғлар эди.

— Жим, шовқин солма, — деди Ҳаким, ҳадиксираб. — Ўтир. Айтдим-ку, вақт жуда зиқ.

Жувон чор-ночор эрининг рўпарасига чўкди. Йиллар давомида кўриб юрган қадрдон чеҳра ўрнида оппоқ ниқобни кўрди.

— Бу нимаси? — деб нидо қилиб юборди.

«Меҳмон» бош чайқади.

— Нега ундай қиласиз? Нега мени кўрқитасиз?

— Гапимни бўлма, диққат билан эшит, — деди Ҳаким, овози ўзгариб. — Аза очиб тўғри қилгансан — ҳозир мени сўнги марта кўришинг. Тез орада муҳлат тамом бўлади, кетганимдан сўнг мени ҳеч қачон кўрмайсан. Фақат бир сирни сенга ошкор қилиб кетай, деб келдим. Билгинки, бу шамол бекорга эсмайди, момақалдироқ бекорга гумбирламайди, балки бу паллада қоялар сурилади, минг йил аввал зарб этилган жоду қопқалари очилади... бир лашкар чиқиб келади. Бу лашкар на ўтда ёнади, на сувда чўкади, уни на чопиб бўлади, на осиб. Туни билан ер юзини кезади, шамол унга увиллаб-ўкириб ҳамроҳ бўлади, шамол тиниши билан лашкар яна тилсим ғорига кириб беркинади...

Худди шу лаҳзани кутиб тургандай, «меҳмон»нинг сирли гапини бўлмоқчи бўлгандай, дарчадан шамол тагин кириб келди, шам алангаси кескин липиллаб кетди.

Ҳаким шошиб гапида давом этди:

— Ўшанда, олдинроқ шаҳарга кетганларга ета олмай, даштда тунаб қолдим. Уст-устига, шамол зўрайиб, отлар ҳам юролмай қолди. Пўстинимга ўраниб, иккала отнинг ўртасига ётиб олдим. Биладан, бунақа шамолда бўрию шоғоллар ҳам ин-инига уриб кетади, шунинг учун бежавотир ухладим. Бир маҳал отимнинг кишнашидан уйғониб кетдим. Бошимни кўтариб қарасам, шамол ҳалиям ғувиллаб эсаётир, аммо осмон топ-тоза, ой нур сочиб турибди. Сал наридан эса боши-охири кўринмайдиган маҳобатли бир лашкар ўтиб бораётир. Дубулғалари ой нурида йилтиллайди, найзалар ярақлайди, аслаҳалар жангларга жараблайди. Бошимни кўтарганимни кўрдию тўп олдида бораётган оқ туғли бир отлиқ елдай бўлиб ёнимга келди, найзасининг ёни билан бир урди... йиқилдим. Ғалати туш кўряпманми, деб ўйладим, аммо оғриқ кучли эди. Типирчилаб ётарканман, отлиқ арқон ташлади-да, мени судраб кетди. Қўрққанимдан оғриқниям сезмадим. Ўзим судралиб кетяпман-у, лашкарга қарайман, сонсиз-саноксиз, бундай қўшин Бухородаям, Хивадаям йўқ, шунақа улкан. Бари ёш, жанговар, барининг кўзидан ўт чақнайди, отлар осмонга учаман дейди. Бир маҳал отлиқ тўхтади, бошдан-оёғи оққа ўранган, оқ от минган бир одамга рўпара қилди. Мени туртиб олдинга ўтқаздию биқинимга найзасини тираб турипти.

— Кимсан? — деб сўради оқ отдаги одам.

Айтдим. Тирикчилик деб кетаётганимни, болаларим уйда зор бўлиб йўл қараб турганини айтиб ёлвордим, ер ўлиб қўйиб юборишларини тиладим.

Оқ отдаги одам индамай гапларимни эшитиб турди, аммо сўз демади. «Ҳоқоним, ҳоконим»лаб ерга



Йиқилдим, мени банди қилган суворий силтаб турғизди:

— Қуллуқ қил! — деб ҳайқирди у, кўзларидан ғазаб сочилиб. — Сенга Унинг Ўзи билан гаплашиш насиб қилди, эй бадбахт! Ҳозир осмондан чақмоқ тушиб куйдирмасидан ё ер ёрилиб ютиб кетмасидан аввал қуллуқ қил, бефаҳм!

Бу бешафқат суворий найзасини суқиб-нетиб олмасин, деб яна ерга йиқилдим-да, «Нурли жамол соҳибига ҳамду санолар бўлсин», деб унинг айтганларини такрорладим. Шундан сўнг суворийнинг имоси билан дарров бир от келтиришди, бошимга оқ ёпинчиқ ташлашди, елкамга садоқ осиб, белимга шамшир боғлашди-да, узун найзани қўлимга тутқазиб, отга миндиришди. Бир қарасам, ўша қўшинга қўшилиб мен ҳам қаёққадир кетиб боряпман.

Қўшин жуда тез бораётган эди. Кейин илғаганим — отларнинг туёқлари ерга тегмас, ўтлар устида муаллақ турар эди. Кўраётганларим туш эканлигига энди ишондим. Бир-икки соатга қолмай бутун Туронни кезиб чиқдик, кейин шамол бизни Ҳисор тоғлари томонга сурди. Қоялар сурилиб, ичкарига кирганимиздан кейингина тушундим — бу тилсимланган лашкар экан. Шўрим қуриб, энди мен ҳам шу лашкарнинг аскарига айланган эканман.

Нурли Жамол соҳибига — улуғ қудрат эгаси. Шамол чақирадиган ҳам, момақалди роқ уйғотадиган ҳам, чақмоқ чақнатадиган ҳам унинг ўзи... Йил ўтгач, қоялар яна сурилди, лашкар яна ёруғ дунёга чиқди. Билиб ол: бу шамолнинг сири ана шу лашкарда. Мана шу шамол эганида ҳеч ким ташқарида ёлғиз қолмасин. Қишлоқлардан, кентлардан чиқмасин. Болаларингга, авлодларингга эҳтиёт бўлгин...

Ҳикоя поёнига етгани сайин дилида шубҳаси зўрайиб бораётган хотин ваҳимадан титраганича унинг сўзларини тингларди. Эри бу воқеаларни ҳарчанд ишо-

нарли қилиб гапиришга уринмасин, унинг гумони ортаверди ва охир-оқибат:

— Йўқ-йўқ... Айтинг, кимсиз? Сиз менинг эрим эмассиз?! — деб қичқириб юборди.

— Мен ростдан ҳам эрингман, нега ишонмайсан? — деди кимса, унинг сўзларидан саросимага тушиб. — Овозимдан, ҳаракатларимдан танимаяпсанми?

— Агар... эрим бўлсангиз, ниқобингизни олинг, кўрай, — деб талаб қилди жувон, ортига тисарилиб. Ниқобли одам шошиб нари сурилди:

— Нималар деяпсан? Ололмайман. Ҳалок бўламан ахир?! Эсингни йиғ, ҳой нодон. Мениям, ўзингниям ҳароб қилма.... Эсингни йиғ!

Аммо жувон кўрқувни енгиб, ғайриоддий жасорат билан олдга ташланди ва эрининг юзидаги ниқобни юлиб олди. Юлиб олди-ю...

Бу не синоатки, ниқоб орти қора ўрадай бўм-бўш эди.

Шамол олам бўйлаб эсарди. Чақмоқнинг навбатдаги чақини кимсасиз йўлдан от чоптириб кетаётган сирли отликни ва эшиги ланг очиқ қолган беванинг уйини ёритиб юборди.

\* \* \*

Бухоро ва Самарқанд оқчопонлари мағлубиятга учраб, уларга кўмаклашиш учун келган кўчманчилар тарқалиб кетгач, халифа Маҳдий бутун кучини Муқаннани қўлга киритишга сафарбар этди. Халифаликка бўйсунган барча мўминлар бу дажжолнинг ўлдирилишини талаб этар эдилар. Ривоятга кўра, дажжол ғоят бадбашара, бир кўзи узум донасидай бўртиб чиққан махлуқ бўлиб, қиёмат яқин қолганида худолик даъвосини қилиб ер юзига чиқиши аниқ эди. Ҳошим бинни Ҳакимда ҳам шу хусусиятлар мавжуд бўлиб, у доимо ниқобда юрар эди.

Муқанна Марв бозорининг майдонида пайдо бўлганида қоқ туш маҳали эди. Жоду соҳибининг Бағдод зиндонидида ётганини билган марвликлар унинг бу зухуротидан саросимага тушиб, қоча бошладилар. Охирида довьоракроқ кишилардан иборат бир гуруҳ қолди. Муқанна бу кишилардан сўради:

— Биласизларми, мен кимман?

Йиғилганлар жавоб бердилар:

— Ҳа, биламиз, сен сипоҳсолор Ҳакимнинг ўғли Ҳошимсан.

— Йўқ, — деди Муқанна. — Мен сизларнинг нажоткорингиздирман. Билингни, нажот сизга Исодан етса, Исо менман, Мусодан етса, Мусо ҳам менман, Муҳаммаддан етса, Муҳаммад менман ва нажот Парвардигорингиздан етса, Парвардигорингиз ҳам мендирман!

Йиғилганлар даҳшатдан қотиб қолдилар. Шу маҳал бир йигит — Убайд бинни Заҳаб жасурлик қилди. Майдонда сотиш учун келтирилган бир арслон бор эди. Арслон бир неча кундан бери емиш емаган, қафасни бузишга уриниб, тинмай бўкирар эди. Убайд югуриб бориб, қафас эшигини очиб юборди. Барча шерюраклар тўрт томонга қочдилар. Майдонда Муқаннагина қолди. Чанг-тўзонда аввалига ҳеч нарсани англаб бўлмади, тўзон босилганида эса, Муқанна ғойиб бўлган эди. Арслон эса мушукдай миёвлаганча гир-гир айланиб, ер тимдаларди. Яқин келганлар унинг икки кўзи оқиб тушганини кўрдилар.

Шундан сўнг Марв тинчиб қолди. Айтишларича, Муқанна икки-уч йил Ҳисор этагида яшаган экан. Уни маҳв этиш учун кетган лашкар муҳаррам ойининг бошларида афсун соҳибининг истиқоматгоҳини ўраб олди. Аммо ташландиқ ҳужрада бир неча саҳифа қоғоздан бошқа нарс топмадилар ва бу қоғозларни Бағдодга келтирдилар. Қоғозда мана булар ёзилган эди:

«Мен, Ҳошим бинни Ҳаким, аввал таралган югни, кейин таралмаган югни қизил бўёққа ботирдим. Натижада уларнинг ранглари ўзгарди. Фаришта айтдики, нарсаларнинг рангларининг ўзгариши Яратган Эгамга маъқул ишдир. Иблис айтдики, арслон қўйдан фақат ранги билангина фарқланур. Шу тариқа, мен нарсаларнинг рангларини ўзгартириб қаттиқ янглишдим...»

«Мен, Ҳошим бинни Ҳаким, кечқурун ҳужрамда ўтирганимда ҳузуримга бир киши кириб келди. Таҳорат олиб намоз ўқиди ҳамда бошимни кесиб, самога олиб чиқиб кетди. У кўкда менга бир луғатни баён қилди. Шу тариқа, мен ана шу луғатни кишиларга етказиш учун масъул қилиндим...»

Орадан бир қанча вақт ўтгач, у Нахшаб яқинида пайдо бўлди. Одамларга айтдики:

— Менга иймон келтиринглар, мен сизларнинг халоскорингиздирман.

Кишилар айтдилар:

— Ўтмишда барча пайғамбарлар ўзларининг далолат-мўъжизалари билан келган эдилар. Сенинг далолатинг борми?

Муқанна сўради:

— Агар осмонга янги бир ой чиқарсам, шаҳодат келтирурмисизлар?

Одамлар рози бўлиб, шунга байъат қилдилар. Ва Муқаннанинг сеҳри билан Нахшаб яқинидаги қудуқдан осмонга яна бир ой кўтарилиб чиқди. Айтадиларки, бу ой ичига симоб ва маъдан аралашмаси тўлдирилган шиша эди. Яна айтдиларки, йўқ, бу жоду эди. Қалбаки ой бир қанча фасл самода ҳақиқий ойдан кўра ёруғроқ нур сочиб турди.

Аҳли ислом Муқаннани тамоман маҳв этишга қаттиқ қарор қилди. Жанглар кўп давом этмади. Муқанна ўз тарафдорлари билан бирга ҳисор пучмоқларида ўзи бино этган Сиём қалъасига чекинди.

Ҳирот волийси Саиднинг тадбирлари туфайли Муқанна қўшинининг сипоҳсолари ўлдирилгач, жоду соҳиби қаттиқ қайғуга чўмди. Сўнг Саржом деган бир кишини сипоҳсолар этиб тайинлади. Бироқ, янги сипоҳсолар ҳам имон келтирганлар томонига ўтиб, тавба қилди. Шу билан Сиём жанги тугади, ташқи қалъа Саиднинг қўлига ўтди.

Ҳошим бинни Ҳаким шундан сўнг хобгоҳига кириб кетганича бир кечаю бир кундуз қорасини кўрсатмади. Хос навкарлар унинг безовта оёқ товушларининг эшитардилар. Эртасига кечга яқин у кўриқчиларини чорлади ҳамда тез орада бу ерга Қаф деган афсунгар келишини, уни зинҳор тутиб қолмасликларини амр этди.

Афсунгарнинг қандай пайдо бўлганини навкарлар пайқамай қолдилар. У гўё қоронғилик пардаси ортидан чиқиб келди. Кўриқчилар уни ичкарига киритиб юбордилар. Пастда, ташқи қалъа атрофида безовталиқ бошланди.

Тонгга яқин Муқанна қароргоҳидан аччиқ фарёд овози эшитилди. Хос навкарлар ичкарига киргани журъат этолмадилар. Кўп ўтмай парда сурилиб, ниқобдаги жоду соҳибининг ўзи чиқиб келди, унинг қўлида мўъжаз бир кўза бор эди. У сўз демай юқорига — мажлислар бўладиган саҳнга қараб йўналди. Хос хонага қадам босган йигитлар ҳангу манг бўлиб қолдилар: афсунгар меҳмон оёқ-қўллари чангак бўлиб, оғзидан қони келганича ўлиб ётар эди.

Шу куни Муқанна ўзига содиқ одамларни атрофига тўплади ва тунни бўйи афсунгар билан қилган суҳбатининг мазмунини баён қилди. У шундай деди:

— Сизу бизнинг жангимиз боқий эрур. Туронзаминга тўплади то қиёмат қадар ёғийлар кўз тикаберадилар. Бас, бугундан бошлаб бизлар боқий жангчиларга айланурмиз. Бизлар ҳар дақиқа, ҳар лаҳзада ёғийлар дилига кўрқув солурмиз. Бизлар ҳеч қачон ўлмагаймиз! Бизнинг лашкаримизни чопиш, ёндириш, сувга чўкти-

риш мумкин эмас; у даҳшатлидир. Мен сизларга на-  
жот ваъда этган эдим, энди ҳар бирингизга боқийлик  
ва тўқсон тўққиз жаннатни ҳады қилурман. Нажот мубо-  
рак бўлсин!..

Теварак-атрофдаги қоялар унинг сўзларини юз карра  
кучайтириб такрорлади. Алқисса, кишилар кўзагадаги  
тилсимланган шаробдан ичдилар ва ерга йиқилиб жон  
бердилар. Сўнгида Муқаннагина қолди. Унинг амрига  
кўра, бир тандирга уч кундан бери тинмай ўт ёқил-  
моқда эди. Муқанна тандирга яқинлашиб чопонини  
ечиб ташладию ўзини оловга отди. Орадан анча вақт  
ўтгач, тандир ёнига борганлар ундан асар ҳам топма-  
дилар.

Турон тупроғи тинчликка юз бурди.

Шундан сўнг, асрлар оралиғида, ҳар замон-ҳар за-  
монда баъзи кишиларнинг шамолли кечада юртни кеза-  
ётган ғалати лашкарни кўрганликлари ҳақидаги бир-  
биридан кўрқинчли ва ҳайратомуз афсоналар пайдо  
бўла бошлади.

Айтишардики, бу қадимий кўшин — Муқанна бош-  
лиқ Сиём аскарлари эмиш.

Яна айтар эдиларки, бу — тилсимланган лашкар  
экан.

\* \* \*

Ўша тунда ҳам шамол то тонггача тиним билмади.  
Ўз қанотларида қурол-яроғларнинг элас-элас жаран-  
гини, отларнинг кишнашини, чорлов садоларини олиб  
келди у. Кўзига қум тиқилган болакай эса бу вақтда  
донг қотиб ухлаб қолган эди. Унинг хобида қулай фур-  
сат кутаётган тилсим лашкари намоён бўларди. Қай-  
дандир, хаёл етмас юксаклардан улуғвор садолар та-  
ралар, жоду лашкари бўлса, тоғлар бағридаги макони  
сари тобора чекинар, балки қиёматга яқин қолган эди.

1995 йил

---

## Сўнгсўз ўрнида

### «МУНОЖОТ»ДАН «БОҚИЙ ДАРБАДАР»ГАЧА

Бундан йигирма йиллар илгари ўзбек адабиётида Ғариб исмли адабий персонаж пайдо бўлган эди. Жуда кам ўқувчи сезганди ўшанда маънисиз ва қўпол товушларга тўлиб кетган борлиқнинг росаям ичкари-сидан элас-элас «Муножот» куйи таралаётганини. Янги униб чиққан гиёҳ, ҳали япроқларига ғубор инмаган. Унинг кичик япроғини астагина юлиб, кафтингизда эзғиласангиз, ҳаддан зиёд ширин, жон бахш этувчи ҳид таралади. Қарайсиз: февраль ойи, қишнинг қиличи синиб, қолган-қутган изғирин лашкарлари билан йироқларда қорайиб турган тоғларнинг ёрларига чекинишни бошлаган. Лекин баҳор қани: қалдирғоч қайтгани йўқ, бодом ҳам куртак чиқаришга шошилмайди, дала-даштарда ўтган йилги майса-гиёҳлар сарғайиб ётибди. Бироқ, кўнглингиз сезиб турибди: баҳор аллақачон келиб улгурган. Шунда сиз сарғайган, қиш бўйи қор остида қолиб чирий бошлаган гиёҳларнинг орасини титкиласангиз, ердан бўртиб чиқаётган кўм-кўк майсага кўзингиз тушади...

Исажоннинг «Муножот» қиссасини талабалик даврларимда ўқигандим. Ўшанда хаёлимга февраль ойи охирида сарғайган ўт-ўланлар орасидан бўй чўзиб келаётган майса келганди... Қиссани ўқиб бўлгач, Исажон билан кўришганимда унга «Кўлингиз дард кўрмасин» деганим ёдимда. Чунки қиссадаги табиат манзараларининг ҳаддан зиёд гўзал тасвири, уларга юкланган маъно-мазмун мени қойил қолдирганди. Гўё табиат

манзарасини чизаётганда ёзувчи кўзи ўрнида нарсаларни катталаштириб кўрсатадиган ойина пайдо бўлар, кўнглида эса қадим донишмандларнинг руҳи уйғонарди. Мисол учун мана бу тасвир:

— «*Ернинг шўри бор-ку, шуям юради. У айёр, ёмон, нуқул одамларни пойлайди.*

— *Балки девор ҳам юрар? — деди она, аччиғи чиқиб.*

— *Йўқ, у юрмайди. Шўр юради. Кеча Улфат холанинг уйининг орқасидаги шўр бор-ку, ўша ерда ўтирсам, югуриб келиб деворга чиқиб олди. Шўралар ҳам унинг орқасидан етиб келишибди. Ҳадемай Улфат холанинг уйига ҳам кириб олишса керак...»*

Шу биргина эпизодданок Улфат холанинг кексайганда ёлғиз, бир меҳрибонсиз қолганлиги ва тез орада вафот этишини англаш мумкин.

Фарибнинг туғилишидаги ноодатийлик ва фавкуллода қобилиятининг тез намоён бўлиши ҳам қадимги дostonларимизни ёдга солади. Алпомиш олти ёшида ҳеч ким кўтаролмаган камонни кўтаради. Мажнун, ҳали эмаклаб юрган пайтидаёқ, қаерда олов кўрса ишқ оташимикан деб унга томон интилади. Фариб эса табиат билан диллашишни хуш кўради. Фариб — табиат манзаралари, ҳодисалари, улардаги ўзгаришлар замирида улкан соҳир қудрат нафасини ҳис этиб туради. Фарибнинг истеъдоди — табиат бағридан, гўзал манзаралардан ҳикмат топа олади.

Худонинг ўзи Фарибни истеъдод деган неъмат билан сийлапти: Адол опа эллик ёшдан ўтгандан кейин Фарибга кўзи ёриши, унгача Фарибнинг дадаси тракторда каналга ағдарилиб вафот этган... Фариб туғилган лаҳзада ташқарида Оллоҳнинг раҳмати — ёмғир шаррос қуя кетди. Ҳаммасидан қизиги шуки, Фариб дунёга келмасиданок онасининг қорнида йиғлаган эди. Болага исмни бир юзу етти ёшга етган Фотима кампир кўяди.

Юқорида айтдикки, Мажнун эмаклаб юра бошлаган ёшиданок қаерда олов кўрса ишқ оташимикан



деб унга ўзини урмоқчи бўлади. Ғариб эса табиат гўзаллиги мажнуни. Водийни жаннатга қиёс қилишади. У ернинг табиати, боғлари, адирлари ростдан ҳам жаннатни эслатади. Масалан, Фарғона қишлоқларида деярли ҳамма ёш болалар тол-тутларнинг таги, ўрикзор ва олмазор боғлар, ўт-ўланлар орасида, лойқа сув ариқларининг қирғоғида катта бўлади. Ёш болага майсани босма деб бўлмайди, чунки унинг ўзи ҳам майса... Фарғоналикларнинг томорқаси жуда обод. Томорқанинг орқасида эса кўм-кўк дала бошланади. Агар борсангиз ариқларнинг лабида, бедазорларнинг қирғоқларида уймаллашиб юрган болаларни кўрасиз. Ёш болаларнинг ярим куни мевалию мевасиз дарахтларнинг тепасида ўтади. Исажон ҳам Фарғонанинг хушманзара Риштон туманидаги Авазбой қишлоғида туғилган. Балки шундандир, Исажоннинг асарларида ҳаддан зиёд гўзал, бетакрор табиат манзараларига дуч келамиз. Унинг асарларидаги табиат манзаралари — ҳозирги ўзбек адабиёти учун ноёб ҳодиса.

Бешикда ётган чақалоқлар фаришталарни кўради дейишади. Тобутда, одамнинг елкасида кетаётган мурда ҳам фаришталарни кўради, одамларнинг йиғлаши, ғўнғир-ғўнғир овозини эшитишади. Бешикда фаришталар парвозини томоша қилиб ётган чақалоқ озгина улғайиб бешикдан тушиб, росмана юришни ўргангандан кейин табиат бағридаги ғаройиботларни кўради. Ёш бола дарёда сув париси яшашига, қари дарахтларнинг ковагини ажина макон этганига чиппа-чин ишонади. Нозик жиҳати шуки, болалар ўсимлик ва дарахтлар, ой ва юлдузлар, қўйингки бутун табиатни ўзига тенг кўради, уларни ўзи каби жонли, тилли-забонли деб ўйлайди. Чумчуқнинг боласи ёки кучукча билан гаплашаётган болаларни ҳаммамиз кўрганмиз.

«Муножот»ни, умуман, Исажоннинг барча асарларини бошдан-оёқ диққат билан ўқишни тавсия қилардим. Чунки ёзувчи ҳар бир жумлага, жумлада акс эт-

ган у ёки бу табиат ҳодисасига қандайдир рамз-маъно жойлагандай бўлади.

Исажоннинг ижодий дунёси гўзалликлари, нафосатидан баҳра олмақчи бўлган ўқувчи биринчи бўлиб «Муножот»ни ўқиши ва чуқур ҳис қилиши лозим. Унинг қолган асарларида дунёқараши, тафаккур кўлами кенгайиб, бутун олам миқёсида тириклик сир-синоатини тушунмоқчи бўлаётган Ғарибнинг турли ном ва кўринишдаги қиёфаси намоён бўлади. Айтмоқчиманки, Исажоннинг барча асарларининг бош қаҳрамони «Муножот»даги Ғарибдир. Фақат ном ва муҳит ўзга. Балки Исажон китобини Ғариб деб номлаганда ҳам бўларди.

Исажоннинг «Муножот» асарини қайта ҳикоя қилиб бериш ниятим йўқ. Асар мазмуни жўнгина ҳикоя қилинадиган адабий мақолаларни ёқтирмайман. Билъакс, Исажоннинг насри моҳиятан поэзияга жуда яқин туради, асарни ҳикоя қилиб бериш мумкин эмас. Шунингдек, бу ёзаётганларим ўқувчини маълум томонга йўналтирадиган йўл чиптаси ҳам эмас. Мен ўқувчига босим ўтказиб, Исажон асарларидан тугиладиган мулоҳазаларини кишанбанд қилмоқчи эмасман. Ҳар бир одамнинг ҳам юрагининг тубида ўз ғариби бор, шояд Исажон уларнинг шовқин ва майда истаклар остида қолиб кетган ғарибини уйғотиб берса.

\* \* \*

«Бир ҳикмат ўқийман хазонлардан мен», — дейди Абдулла Орипов.

«Балоғат ёшига етганимизда болалик хотираларимизнинг аксари ўчиб кетади, — дейди машҳур олим Зигмунд Фрейд. — Улғайган пайтимиз бизда нафс уйғонади ва болалик деган сирли донишмандлик туйғуси ҳам тугайди. Токи мункиллаб қолган чолга айла-

ниб, нафсимиз ҳеч нарса тиламай қўйганида, яна болалик оламига қайтиб, атрофдагиларга томоша бўла-  
ламиз».

«Ёз охирлаб бормоқда эди, теварак-атроф сездирмасдан таназзул фаслига тайёргарлик кўрар, ялпизнинг сарғая бошлаган банди, сувнинг эндиликда тўқ зангор тусга кириши, жийда баргларининг бирма-бир тўкилиши ва ниҳоят, ҳаддан ташқари тиниқ, зангори осмондан кузнинг сокин нафаси уфуриб турарди. Болакай бир зумга чумолидан нигоҳини узиб, ялпизнинг ҳам жуда қарилигини кўрди, шўрликнинг танаси йўғонлашиб-семириб, кўпдан-кўп бачки шохчалар чиқариб юборган ва иси ҳам аввалги сингари нозик-нафис эмас, қуюқ ҳамда ачқимтирроқ эди. Ҳатто салом-алик ўтининг уруғида ўсимликнинг қариганини, шунинг учун ҳам уруғини ерга сочиб юборганини таъкидлаб турарди. Чумоли тинмай чиранаверди ва пировардида, туйқусдан сип-силлиқ орқаси ёрилди, ёриқларидан оқиш-сарғиш суюқлик отилиб чиқа бошлади, ҳавони чумоли заҳрининг ўткир иси тутиб кетди. Шунда ҳам уруғни тортиб олмоққа тиришар эди. Бирдан боланинг онгида нимадир ярқиллаб очилиб кетгандай бўлди, томирлари бўйлаб алланима оқа бошлади. Теварак-атроф жуда кекса, ҳаддан ташқари кекса эди, олам худди мункиллаб, қариб қолган чолга ўхшарди. Баҳорда ердан униб чиққан майса ҳам аслида миллионлаб йиллар аввал туғилиб бўлган эди. Унда... унда нима боқий? Азал-абад ёш ва навқирон нима бор бу гардуни дунда? Абад ёшлик худди абад қарилик сингари мазмунсиз эмасми? Боланинг дилини аввалгисидан ҳам кучлироқ бўлган даҳшат эгаллаб олди ва тура солиб, ҳўнграб йиғлаганча онасининг ёнига чопиб кетди...»

Иқтибосда Фариб дунёнинг ҳаддан зиёд кекса ва ўткинчилигини туйқус англаб етиб, ўкраб йиғлаб юборади. Психологлар айтадики, ёш бола ўтган кунни ва келажакни ўйламайди, шунинг учун яшаб турган кундан катталардан кўра кўпроқ завқланади. Биз катталар эса ўтган кунни эслаб эзиламиз, келажакни ўйлаб ташвишга тушамиз. Лекин психологларнинг айт-

ганини мутлоқ ҳақиқат деб ҳисобламаслик керак. Айтмоқчиманки, ҳарф таниб улгурмаган бола «Нега худо одамга оз умр берган» деб девор тепиниб йиғлайди. Ёш боланинг қалбини Карл Густав Юнг зиддиятлар ўчоғи деб атайди. Ушбу ёзганларимни тоқат қилиб охиригача ўқийдиганлар учун шу олимнинг яна бир фикрини эслатиб ўтмоқчиман. Олим дейдики, ёш бола келгусида шахс бўлиб етишиши учун доимий равишда тирик табиат билан мулоқот қилиши лозим. Пластмассадан ясалган ниначи яхшимас, бола тирик ниначининг орқасидан ушлайман деб қувлаб ўйнасин. Бола тарбиясидаги ҳақиқат шу ерда. Зоопарк — тирик табиат эмас. Зоопаркдаги ҳайвонларни болаларимиз зеркиб томоша қилишини кузатганмисиз. «Ўғлим, юринг, зоопаркка олиб бораман», дейман. «Йўқ» дейди болам. Хуллас, Исажоннинг Ғариби мисолида ҳам айтиш мумкинки, ёш бола кўпроқ ниначи, чумоли, дарахтлар, майсаларга яқинроқ бир мавжудот. Кейинчалик бир томонимизда йиртқичлик, иккинчи томонимизда инсонлик улғайиб боради.

Гап мана бундай: нафақат ўзбек адабиётида, балки жаҳон адабиётида ҳам ёш боланинг қалби азалий ва абадий ҳақиқат-маъноларни ҳис этишини чиройли қаламга олинган бадиий асарни топиш қийин.

Машҳур рассомлардан бири болалигида қармоққа илинган балиқчанинг оғзи четдаги жиндек қонни кўриб ёмон аҳволга тушган экан. Исажоннинг Ғариби эса саломалик уругини тортиб бораётган чумолининг орқаси ёрилиб кетганини кўриб хўнграб йиғлаб юборяпти. Шу Ғариб баҳонасида ёш бола қалбининг мўъжизалари ҳақида соатлаб ғаройиб гапларни гапириш мумкин. Кун бўйи бедапоянинг серўт қирғоғига молни боғлаб қўйиб, кун боткунича толлар ва тутларнинг тепасида, пасти ўтлар ўсган тутларнинг тагида ўйнаб, майсаларда юма-олдидан кўрпага бошингизгача ўралиб, кундузи ўйнаган жойларингизни ўйлайсиз, ҳозир у ерларда жин-ажиналар базм қиляпти деб қаттиқ ишонасиз.

Айнан мана шу ёғдуни зукко профессор Абдуғафур Расулов «Шафоат ёғдусидан баҳрамандлик» деб атаган ва «Муножот»га катта баҳо берган эди<sup>1</sup>.

\* \* \*

«Муножот» қиссасидан келтирган иқтибосимда мана бу фикр ҳам бор эди: *Абад ёшлик худди абад қарилик сингари мазмунсиз эмасми?*

Бу фикр Исажоннинг ижод дунёсидаги илдизи чуқур бир майса эди, бу майса эсон-омон каттариб, улкан дарахтга айланди. Ёзувчи кейинчалик ёзган катта асарлари, хусусан, «**Боқий дарбадар**» романида абадий ёшлик, абадий қарилик мавзусига кенг кўламда тўхталган. Исажоннинг назарида абадий ёшлик аслида абадий қарилиқдир.

Исажон «Боқий дарбадар» романини юрагида жуда узоқ олиб юриб, ниҳоят ўтган йили ёзиб тугатди. Романнинг қўлёзма нусхасини илк ўқиган ўқувчилардан бири мен эдим. Ва ижодкор психологиясига оид бир ҳақиқатни чуқур англаб етдим. Талабалар ётоқхонасида йиғилиб олиб алламаҳалгача адабиёт ҳақида гурунглашардик. Ўша суҳбатлар Исажон «Боқий дарбадар» романида тилга олган мавзуларини кўп гапирар эди. Масалан, тақдири азал, инсоннинг боқий умрга интилиши, авлиёлар ҳаётидан ҳикмат излаш, мусулмон дини фалсафаси каби масалаларни қарийб ўн беш йил юрагида асраб юрди.

«Муножот»дан «Боқий дарбадар»гача бўлган вақт оралиғида Исажон «**Ойдинбулоқ**», «**Менинг гулим**», «**Боғи Эрам ҳикоялари**» каби гўзал лирик ҳикоялар билан бир қаторда маҳдудлик даврининг умум-ижтимоий кайфиятини акс эттирувчи «**Todd**», «**Айвон**»

---

<sup>1</sup> А. Расулов. «Шафоат ёғдусидан баҳрамандлик», «Шарқ юлдузи», 1991 йил, №10.

(«Қисмат»), инсоннинг маънавий умрининг моҳиятидан баҳс этувчи «Авлиё», «Манзил», «Ориф» ҳикояларини ёзди. «Ойдинбулоқ»даги инсон умрига монанд булоқдаги ҳис-туйғулар, армонлар ва орзулар гирдобидан айланаётган бир япроқ образига эътибор қилинг — биз ҳам ҳаётнинг кутилмаган, гирдобга тушиб қолган япроғи каби айланмаяпмизми? Бу айланиш чархпалакка айланиб, «Боги Эрам» ҳикоясига кўчиб ўтади, унда эса кўзга кўринмас умр чархпалагини илғаб қоламиз. Ҳикоя қаҳрамони — онаси ёпган иссиқ нонларни ариқнинг зилол сувига ботириб ўйнаётган болакайга кексалик уфқига етиб борган Холмуҳаммад бува рўпара келади. «Э воҳ, ўзим ҳам ариқдаги сувдай оқдим-кетдим» деди чол ва ўксиниб хўнграб йиғлаб юборди». Ҳикоя сўнггида яна ўша чархпалакка дуч келамиз — энди қаҳрамонимизнинг ўзи қартайди, қартайганигача кўрган-кечирган турмуш икир-чикирларига ёзувчи тўхталмайди, улар кундалик майда-чуйда ташвишлар қаторида эътиборни тортмайди, ҳозир эса, қаҳрамоннинг ўзи қария, гавдаси эгик, мадори кетган... куншувокда офтобда исиниб ўтирадиган ҳолда. Ва тупроққўчадан ҳассасига таяниб бораётганида, ариқда ўйнаётган икки болага — келажак авлодга дуч келади. «Ахир, мен ҳам бир маҳаллар онам ёпган нонларни сизлар каби ариқда оқизиб ер эдим... Эвоҳ, ўзим ҳам шу ариқдаги нондай оқдим-кетдим-ку!» деган ўша гапнинг хаёлда ҳосил бўлиш сабабига етиб келяпмиз: «Дилимда эса бу ғалати чархпалакнинг ҳайбатидан бино бўлган кўркув...»

\* \* \*

Бадий асар бўш идишга қиёс қилинади. Уни ўқувчи ўз кўнглидаги маъно билан тўлдиради. Агар ўқувчи кўнглида маъно бўлмаса, «идиш» бўш қолаверади. Шуниси борки, чинакам бадий асар ҳеч қачон тўлмай-диган бир идишдир...

Руҳий жиҳатдан росмана азобни ҳис этиб ёзилган асарни ўшандай дардга дучор бўлмаган ўқувчи чин маънода ҳис қилмайди. Бу каби асарни ҳар бир ўқувчи ўз кўнглидаги дард-машаққатга яраша ҳис этади. Ҳар жиҳатдан савиясиз ёзилган асарни одатда бўш асар деб атаймиз. Дунёни биздан кўра чуқурроқ англаган ва биздан кўра кўпроқ дард чеккан одамнинг асарини эса зўр асар деб тан оламиз.

Бадиий асар мутолаа қилаётган ҳақиқий китобхон ақлим ва руҳимни бойитаман деб мақсад қилмайди. Балки ўша асар билан чинакамига баҳсга, жангга киришади: ким- кимни енгади? Қачонки бадиий асардаги маъно сиздаги маънодан ҳайбатлироқ бўлса, ўшандагина бу асардан маънавий озуқа олишингиз мумкин.

\* \* \*

Демак, «Боқий дарбадар» билан муқобил келдик. Асарни ўқий бошлаймиз, озгина ўқигач, муаллиф ўқувчи қизиқиб кўрмаган, ҳатто эшитмаган нарсаларни қаламга олганлигини, бу асарни тушуниш учун бизлардан анчайин тайёргарлик, чуқур билим зарурлигини сезиб қоламиз.

Австриялик ёзувчи Франц Кафка одам саломатлигини йўқотиши эвазига, уйқусидан кечиб ёзган асарларидан ҳеч қандай моддий фойда кўрмаган. Испан файласуфи айтадики, чинакам бадиий асар ўқувчиларни иккига бўлиб ташлайди: асарни тушунадиганлар ва тушунмайдиганлар. Ҳақиқий бадиий асарни тушунадиганларни, файласуф туғма аристократлар деб атайди.

Исажоннинг асарларидаги руҳ шундай: кўзнинг атрофларида изтироб излари, кўзнинг ўзида эса дард акс этган, кўз тубида эса юлдуз каби умид нурланиб туради.

Табиат ҳодисалари, манзараларига Исажон рамзий маъно юклайди. Табиат тасвири унинг асарларида шун-

чаки қаҳрамон руҳиятини аск эттирадиган қўшимча бир восита эмас, балки мақсаддир. У табиат ҳодисалари тилида бу оламнинг инсон хаёллари етадиган жойигача бўлган ҳикматини акс эттиришга ҳаракат қилади. Тўғрироғи, ёзувчи табиат ҳодисаларини шундай маъноли ва таъсирли усулда тасвирлай оладики, биз бу манзараларни ўқиб бутун борлиқни бошқариб турган Оллоҳнинг иродасини росмана ҳис қиламиз.

\* \* \*

«Боқий дарбадар»нинг жанри тўғрисида тўхталмоқчи эмасман. Чунки ҳозирга келиб роман жанри шу даражада такомиллашиб кетганки, «Ўткан кунлар» ёки «Уруш ва тинчлик» каби воқеа ва персонажларга бой, мантиқли ва ўзаро боғланган воқеалар тизимидан иборат асарларни роман деб ўйловчи ўқувчи, масалан, Кафканинг деярли ҳеч қандай воқеа содир бўлмайдиган ва айтарли аниқроқ персонажи бўлмаган «Жараён» асарини роман дейилишини тушунмаслиги мумкин. Айниқса, роман жанри кейинги юз йил ичида тезликда ўзгариб, такомиллашиб бораётир. Бу жанрда содир бўлаётган эврилишларни кузатиб бормайдиган ўқувчи ёки мутахассис «Боқий дарбадар» каби бир-бирига зоҳиран боғланмайдиган воқеалар жамланган асарни ўқиганда фикр айтишдан иккиланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Иккинчидан, «Боқий дарбадар»нинг бош қаҳрамони ким? Бир қарашда асарда қаҳрамон йўқдек кўринадди. Жам ичидаги ҳар бир воқеанинг ўз қаҳрамони бор. Бу жамланган воқеалар учун умумий қаҳрамон ким? Яна ҳам аниқроқ айтсак, асар деб аталган бу руҳий портлаш кимнинг қалбида содир бўлди? Асар муаллифи билан ҳам бу ҳақда гаплашиб кўрдик. Лекин муаллиф ўз ишини қилиб бўлган, яъни у романни ёзиб бўлди, энди уни таҳлил қилиш, ёзувчи айтмоқчи бўлган бош гапни топиш ўқувчи, танқидчи, мутахассис-



нинг иши. Шу боис «Боқий дарбадар» деган кулфнинг калитини беринг деб Исажонни безовта қилиб ўтирмадик. Шунингдек, яна бир гап борки, айрим ҳолларда яхши асар ёзган ёзувчи ўз асари мазмун-моҳияти ҳақида жўн гап айтиб қўйиши ҳам мумкин. Шу маънода Исажонни аядик...

Асарни диққат билан ўқиган айрим адабиётчи дўстларимиз унинг бош қаҳрамони дарбадар, яъни муборак киши томонидан қарғалган этикдўз, у турли даврларда турли халқларда, турли кўринишда намоеън бўлмоқда дейиши мумкин. Балки бу гапда ҳам жон бордир, албатта. Дейлик, Гоби саҳросидаги Инсон такомилли марказида ҳар турли генетик комбинациялар ёрдамида мукаммал, боқий одамни яратишни мақсад қилиб олганларнинг бари минг йиллар илгари қарғалган этикдўзнинг авлодлари дейиш мумкин...

Қизиқ-да, деворига суянгани учун муборак зотни туртиб юборган этикдўзни ул зот дуоибад қилди:

*«...Тургин ва бадар кетгин!*

*...Энди сен то қиёматга қадар бетиним дайдишга маҳжум этилдинг», — дейилди унга.*

*«Ҳамда энди сенинг қиладиган ишинг — ҳеч нарса, ҳеч нарса, фақат ҳеч нарса», — дейилди унга.*

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, камтаргина қилиб «муборак зот» дейилган киши учун «яратилган дарахт» мева туккан, денгиз тубида чучук сувли булоқлар пайдо бўлган бўлса, маҳжумнинг боши узра энди ўша чучук сувли булоқлар устида пайдо бўлган булутлар мутгасил соя ташлаб бормоқда... Муборак киши Тангри таолонинг пайғамбарларидан бири бўлса ҳам ажабмас, чунки фақат пайғамбарларнинггина дуоסי ёки қарғиши бутун инсониятга тааллуқли бўла олади. Хуллас, ўша маҳалда айтилган биргина сўз битта этикдўзнинг қисматини ўзгартирибгина қолмаяпти, замонлар ўтиши билан дунёда бошқа дарбадарлар пайдо бўляпти. Этикдўзнинг қиёматгача ўлмай, дайдиб

юриш қисмати инсониятнинг идеалига айланяпти, улар бу дунёдаги умрбоқийлик аслида яратганнинг даҳшатли жазоси эканлигини, бу дунёдан ўз вақтида кетиш тенгсиз бахтлигини бутунлай унутиб, миллион-миллион пулларни сарфлаб умрбоқийлик генини топиб, қиёматгача ўлмайдиган одам яратишга боши билан шўнғиб кетяпти. Дарбадарлик дегани — яратган кўрсатиб қўйган йўлдан озиш, унинг азалий қонунларини бузишга уриниш, қисқаси, яратганга эҳтиёжим йўқ дейишлик деб тушунсак роман мазмунини тўғри англаб етамиз.

Асарда лўлилар қавми ҳақида ҳам гап боради. Айтилишига, лўлилар бир маҳаллар катта мақсадни кўзлаб йўлга чиқишган. Сафар давомида пайдо бўлган озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш учун осонгина тиланчилик йўлига ўтишган. Кейинчалик тиланчиликни бош мақсад қилиб, катта мақсадларини унутиб юборишган. Лўлилар — аждодлари васият қилиб кетган улуғ мақсадни унутиб, дарбадарлик йўлига кириб кетганлар рамзи. Асар якунида дарбадарлик йўлига кирган инсонларни қум остига кўмиб ташлаган улкан бўрон Гоби йўлидаги Инсон такомилли марказига қўшиб, лўлилар қавминини ҳам ҳалок қиляпти. «Боқий дарбадар»ни ўқиётганда бир қатор афсона-ривоятлар ёдга тушади. Бобил минораси ҳақидаги ривоятни эслайлик. Ўшанда бутун дунё кишилари бир тилда гаплашишарди. Улар ўзаро келишиб, худонинг даргоҳига етиш учун баланд минора қуришади. Бундан худонинг қаҳри келиб, минорани бузиб ташлайди ва халқларнинг тилларини аралаштириб, ҳаммасига алоҳида-алоҳида тил беради. Бу ривоятда ҳам муҳим бир жиҳат бор, яъни муайян шароитда кишилар Тангрига тенглашмоқчи бўлишяпти ва ўзларида куч-қудрат сезиб яратганга эҳтиёж сезмай қолишмоқда. Аслида «Боқий дарбадар»да тилга олинган боқий инсон яратиш ғояси, бу йўлдаги ҳаракатлар ҳам Худога тенглашмоқчи бўлишга уриниш, унинг

азалий қонунларини ўзгартираман деб осийлик қилиш-дир. Бунинг учун Худо инсонларни қум бўрони билан жазолаяпти.

**Инсон — махлуқдир!**

Генетика илмининг даҳолари, яъни махлуқлар йиғилишиб худоликни даъво қилишяпти — янги турдаги мукамал инсон яратишга уринишяпти...

Узоқ йиллик тажрибалар натижасида нурланишларга чидамли генома дунёга келтирилди. Лекин унинг энг катта камчилиги — у кўр, қуёш нурлари унга ҳалокатли таъсир кўрсатади. Яна бир генома, ҳаддан зиёд эгилувчан, лекин бу эгилувчанликни таъминлаш учун организм бўғимларга керакли суюқликни етказиб беролмайди. Яна бир ҳаддан зиёд узоқ яшайдиганида эса ақл нишонлари йўқ. Ниҳоят, ҳар жиҳатдан тўқис, мукамал, олий тафаккурга эга генома яратилди. Лекин энг катта камчилик шунда кўринди: «Мен кимман?», «Нега туғилдим» деб боши гангиб, боши берк кўчага кириб нима мақсадда дунёга келтирилганлигини билиш учун Худони излаб йўлга чиқади. Шу ўринда муҳим ҳақиқат юзага чиқади: Худонинг бандаси эканлигимизни англаш, бу оламдаги ҳаётимиз Оллоҳнинг синови эканлигини чуқур ҳис қилиш бизларни ҳайвондан ажратиб турадиган энг олий белгидир. Яна айтмоқчимизки, имонни бой бериш ҳисобига эришилган катта ғалабаларнинг бари пировардида ҳалокатга маҳкумдир. Ўн тўққизинчи аср охирида замондошлари қалбидаги муҳим ҳолат — кайфиятни илғай олган рус ва европа файласуф-ёзувчилари «Худо ўлди» деб эълон қилиб юборишди. Орадан ҳеч қанча ўтмай қисқа фурсат ичида рус ва европа халқи инсоният тарихидаги энг катта иккита жаҳон урушини бошдан кечирди; коммунистлар эса худосизлар империясини барпо қилишди. Умуман, Худони унутиш, унинг азалий қонунларини ўзгартирмоқчи бўлиш ҳамма замонларда инсониятни балога гирифтормоқчи этиб келган.

Назаримда кучли драматизм билан йўғрилган асар воқеалари Профессор Зиёнинг ген технологияси ёрдамида энг мукамал, жуда узоқ яшайдиган ва тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган жонзот яратиш олимнинг қалбида кечаётир. Ўғли ёзган мактуб тимсолида профессорнинг қалбида имон кучи уйғониб, яратганнинг қудрати ва мўъжизаси чексиз эканлигини, инсон дарбадарликка йўлиқмаслик учун ўз эгасини таниб олиши кераклигини эслатиб садолана бошлайди. Шаҳри Хайбарни кўз билан кўриб, у ердаги боқийликка эришган одамларнинг яшашдан тўйиб, ҳаётдан безиб улгурганликларини эсдалиқлар қилиб ёзган сайёҳ ҳам профессор Зиёдир. Биз асарнинг тубига тобора чуқурроқ тушганимиз сайин, бундаги ҳамма воқеалар, адашишлар, дарбадарликлар, инсоний меҳр-муҳаббатни улуғлашлар битта одамнинг юрагида содир бўлган руҳий портлаш эканлигини тушуна борамиз. Юзаки қаралганда эса профессор Зиё асардаги оддий бир персонаж, холос. Профессор Зиёни асар қахрамони дейишим Исажоннинг ўзига ҳам андак эриш туюлиши мумкин дир. Лекин бир гапни ҳам айтиб қўяй, қоғозга тушиб, ўқувчи қўлига етиб борган асар бундан буёғига ёзувчидан ташқаридаги мавжудлик, энди у ўз эгасига боғлиқ бўлмаган ўз умрини ўтказди. Ҳеч қайси ёзувчи дунёга келтирган асарининг қанча умр кўришини ва қанақанги қобилиятларга эга эканлигини доим ҳам билавермайди. Ва ниҳоят яна бир гап. Нима учун ёзувчи Яратганнинг ҳар бир жонзот табиатига жойлаган мукамал низомини бузиб, гўё энг мукамал жонзот яратиш формуласини топган олимнинг исмини Зиё деб атапти... Бу тўғрида ҳам ўйлаб кўрса бўлади. Асарда яратганнинг азалий қонунларини бузиш дарбадарликка йўл очишини, бу каби бузилишлар охир-оқибат инсониятга фожиа келтиришини ва инсон ҳеч қачон мукамал жонзот ярата олмаслигини англаш, яъни имоннинг кучланиб, исён кўтариши ҳам Зиёнинг юра-

гида содир бўляпти. Профессор дунёга келтирган умрбоқий ва кучли тафаккур эгаси бўлган жонзот нима мақсадда яртилганлигини англай олмай, мияси гаранг бўлиб дуч келган томонга қочиб кетяпти.

\* \* \*

XX асрда роман-метафора деган атама пайдо бўлди. Масалан, Франс Кафканинг «Жараён», Албер Камюнинг «Вабо» каби асарлари роман-метафорага мисол бўла олади. Бу каби асарлардан ўқувчи асар воқеаларига боғлиқ бўлмаган ўзгача бир маъно кашф этиши мумкин. Камюнинг «Вабо» асарида ёзишча шаҳарда ўлат тарқалади. Камю ўлат билан боғлиқ реалистик ҳодисаларни маҳорат билан тасвирлайди. Кейин, ўлат шаҳардаги ҳар бир одамнинг имони-эътиқодини имтиҳон қилаётган бир қудратли куч эканлигини ҳам баён қилади. Касаллик имтиҳон, синов сифатида ўзининг фожиавий жиҳатларини йўқотади, яъни Худо бу шаҳарга одамларни машаққат ва фожага гирифтор қилиш учун эмас, балки уларнинг маънавий оламини синовдан ўтказиш учун бу дардни юборган. Демак, учинчи маъно қатламга келямиз. Бу маъно қатламининг кашфиётчиси эса ўқувчининг ўзи бўлади. Узоқ тузалмаётган хасталиқдан қийналиб юрган киши Камюнинг «Ўлат» асарини ўқиб ўзгачароқ таъсирланиши мумкин. Асардаги воқелик эмас, балки персонажлар руҳиятидаги азоб унга жуда таниш. Умидсиз ва висолсиз севги азобига дучор бўлган ўқувчи ҳам «Ўлат»ни севиб мутолаа қилар эҳтимол. Камю ҳаётнинг ўлатлик сифатини таъсирли акс эттирган.

\* \* \*

Инсон кўнглида шамдай заиф милтиллаб турадиган қиёмат кунининг содир бўлишини доим сезиб юрадиган бир ҳис тўсатдан алангаланиб, кишининг бутун ички оламини қамраб олади. Гўё ёниб турган шамдан

аланга чиқиб бутун бошли уй ёниб кетгандек. Инсоннинг кўнгили уйига ўт кетган. Инсон кўнгилида фавкуллода бир вазиятларда ана шундай ёнғин содир бўлиб туради. Буни «апокалипсис» дейишади ғарбликлар. Яъни киши назарида ростдан ҳам қиёмат содир бўлиб, оламнинг Оллоҳ яратган азалий мувозанати, уйғунлиги тартибсиз равишда парчалана бошлайди. Бу ҳолат руҳий хаста кишиларда паталогик кўринишда намоён бўлади. Ақл ўлимни ўйлаб, руҳни даҳшатга солади. Паталогик ўлим туйғусига асир бўлган киши кўнгилида дунёвий қадриятларнинг барчаси яксон бўлиб, унинг учун муқаддас нарса қолмайди. Яъни кутилмаганда ақл назоратидан чиқиб кетган ўлим ҳақидаги даҳшатли ўй бу дунёда инсон учун азиз ва мукаррам ҳисобланган барча қадриятларнинг маъносини емириб ташлайди. Шундай бир ўта зиддиятли ҳолатда инсон ўз жонига қасд қилганини билмай қолади. Худди саратон касали ҳужайрасига ўхшайди фаоллашган ўлим ҳақидаги ўй, иммун тизим назоратидан бутунлай чиқиб кетган саратон ҳужайралари ўз ҳолича, тана муҳофаза кучларига заррача бўйсунмай ўса бошлайди. Ўлим ҳақидаги ўй ҳам баъзан тафаккурнинг темир мантигини парчалаб, тўғонини бузиб ташлаган оқим каби ҳамма нарса яксон қилиб ташлайди.

Илҳом ҳам кўнгилдаги у ёки бу туйғунинг бир муддат ақл муҳофазасидан четга чиқишидир.

\* \* \*

Исажоннинг «Боқий дарбадар» асарини ёзишига туртки берган туйғу айнан қиёматни фавкуллода кучли сезиш, бу дунё қадриятларини қиёмат деган улкан тегиримонда янчилишини равон ва жонли ҳис этишидир. Худди мана шу туйғу «Боқий дарбадар» асарининг дастлабки асосидир. Инсон чалаётган ҳаёт деган кўйда дарбадарлик оҳанглари устун эканлигини илғайди ёзувчи.

Асарда икки муҳим йўналиш мавжуд. Биринчиси, ҳазрат этикдўзни қарғаяпти: «Тургин ва бадар кетгин!» Этикдўз ўз вақтида ўлмаслик азобига дучор этилади. Асар давомида этикдўз ўзгача замон ва маконда турли кўринишларда яшаб юраверади. Бугунга келиб эса инсоният этикдўзнинг қарғалган қисматини ўзи учун идеал қилиб танлаяпти. Этикдўз муборақ зотга қўполлик қилгани учун боқийлик балосига дучор бўлган эди. Хўш, бугунги инсониятни ким қарғишга дучор этяпти. Нега, нима учун инсоният Худо яратган азалий қонунларни бузгани ҳолда боқий ҳаётга интиляпти. Исажоннинг асаридаги муҳим бир хулоса шуки, инсоннинг биологик ва ижтимоий табиатига зид қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муқаррар равишда ҳалокатга дучор этади. Сиёҳлар қуриди, қаламлар кўтарилди. Инсонга қиёмат ваъда қилинди. Яна қандай савол бўлиши мумкин? Ер юзидаги ҳаёт бир кун келиб бутунлай тамом бўлади. Нафақат ер шари, балки бутун коинот ҳалокатга маҳкум. Хўш, бу ўринда қизиқ нарса бор. Худо тўсатдан қиёматни юбормайди, балки инсоннинг ўзи яратганнинг азалий қонунларини бузгани ҳолда қиёматни ўзи чақиради, яқинлаштиради.

\* \* \*

Исажон тарихий ривоятлар ва ҳозирча кенг жамоатчилик онгига етиб бормаган энг замонавий илмий кашфиётлар кўмагида инсоннинг ер юзидаги ҳаётини бадиий идрок этиб, инсониятнинг пешонасига «дарбадар» деган муҳр босмоқда. Дарбадар — йўлдан адашган, борар манзилини йўқотган кимса. Борар манзилини йўқотиш — Худони, ўз яратувчисини унутиш. Классик адабиётимизда инсоният тақдирига нисбатан ғариб деган таъриф берилади. «Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш», — дейди Ҳазрат Навоий. Ғариб — ер юзига қаердан ва нима сабабдан келиб қолганини, ўзининг

яратувчиси борлигини билади. Фақат ҳозирча асл яратувчиси ва асл манзили — жаннатдан йироқда юрибди. Фариблик — азоби камроқ қисмат. Фариб боқий дунё бу дунёда эмас, Оллоҳ ҳузурида, у дунёда эканлигини билади. Дарбадар эса асл ватани ва яратувчисини бутунлай унутган ва шунинг учун ўз табиати ва Худонинг ўзгармас қонунларини ўзгартирмоқчи бўлади. Фариб ўлимни, қиёматни сабр билан кутади. Дарбадар эса, келган ва борар йўлини йўқотгани учун ўзи сезмаган ҳолда қиёматни тезлатиб юборади, ўлимни инкор этиш даҳшатли ўлим эканлигини билмайди. Ахир ҳозирги кунда замонавий илм ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонларнинг гени — жавҳарини ўзартиришга бошлади, зарраларнинг алоҳида сифатларидаги қобилият (нанотехнология) ёрдамида бутун инсониятнинг мияси, тафакқурига эгалик қилишга уринапти. Яъни шайтон бош бўлган илм инсоният тафакқурига ҳоким бўлиш орқали худоликни даъво қиляпти. Бу беҳуда уринишларнинг мантиқий якуни, «Боқий дарбадар»да бадий инкишоф этилишича, ер юзидаги ҳаётнинг кум остида қолишидир. Ривоятларда тилга олиндики, инсоният риоя қилиниши амр этилган қонунлардан чекинган пайти Оллоҳ ер юзига улкан бало юборади. Лут қавмининг осмондан ёғилган тошдан қирилиб кетиши, Нуҳ номи билан боғлиқ тўфон.

\* \* \*

Ҳозирги кунда ривожланган, бадавлат мамлакатларнинг илмий даргоҳларида олиб борилаётган турли йўналишдаги илмий тажрибалар, изланишлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлган одам ёзувчи Исажон Султоннинг «Боқий дарбадар» романини осмондан олиб ёзмаганини дарров тушуниб етади. Олимларнинг эътироф этишлари-ча, ҳозирги кунда инсон DNАси жуда фаол, тез суръатда ўзгариб, икки бурмалидан ўн икки бурмали кўринишга ўтаётир. Келажакда ер юзида икки бурмали DNАга эга



инсон қолмайди, — дейишмоқда олимлар. Бу дегани — Худо томонидан яратилган ҳозирги инсон бутунлай йўқолиб, бошқа бир жонзот пайдо бўлади.

Бугунги кунда ген технологияси ҳаётимизга кенг кўламда кириб келаётир ёки бошқача айтсак, асоратларини кўрсатиб улгурди. Билиш керакки, оддий қадоқланган таомлар, ичимликлар, кимёвий кир ювиш воситалари, дезодорантлар, хушбўёқ моддалар, парфюмерия маҳсулотлари инсон DNАсида чуқур ўзгаришлар ясайди ва уни инсонликдан чиқариб, бошқа бир жонзотга айлантиради. Келажақда гени ўзгарган маҳсулотлар истеъмол қилаётган инсоннинг анатомияси қанақа шаклга кириб қолиши олимлар томонидан етарлича ўрганилмаган ҳали...

\* \* \*

Шу кунларда яратилаётган хорижий кинофильмлар, бадий адабиётларда индигоид ва кристалл болалар ҳақида гап боряпти. Улар — DNАларидаги азалий низом бузилган болалардир. Уларнинг DNАлари икки бурмали эмас, кўп бурмалидир, шунингдек, тери, кўз, қулоқ, мия, асаб ва ҳазм тизимида ўзгачалик бор. Қизиғи шундаки, бу болалар ўта заковатли, ўзларига ҳаддан зиёд ишонадилар, ҳеч ким уларга сўзини ўтказолмайди, аммо улар бошқаларни осонгина бўйсундиришади; уялиш ва кўрқув ҳиссини туймайдилар; мақсад йўлида жуда собитқадам, кичик ёшданоқ катталар билмайдиган нарсаларни билиб олишади, кўзингизга қараб фикрингизни ўқий олишади. Бу каби болаларни моддиюнчи олимлар «олтинчи ирқ кашшофлари» деб аташяпти. Ген ўзгариши тезлашгани туфайли катталар орасида ҳам кристалл ва индигоид инсонлар пайдо бўлаётганини гапиришяпти. Бундай эврилишлар уларда ўлим, тақдири азал ва охираат ишончининг секин-секин йўқ бўлишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда етакчи давлатларда нанотехнология бўйича махсус илмий изланишлар олиб бориляпти. Агар бу изланишлар ниҳоясига етса, бутун дунё аҳолисини марказлашган битта компьютер ёрдамида бошқариш, хоҳлаган кўйга солиш мумкин бўлиб қолади бизнингча. Яъни организмга озиқ-овқат, сув, ҳаво, дори-дармон ва бошқа йўллар билан кириб олган нанопарчалар сунъий йўл-дошга уланган компьютердан юборилаётган маълумот-буйруқларни қабул қилиб, уни инсон онгига ўтказди. Бу ҳолатда инсон Худо яратган иродали, мустақил фикрли, маънавий-руҳий кучга эга бўлган, қазои қадарга, охират кунига ишонадиган, душмандан наф-ратланадиган, дўстга меҳрибон, ота-онасига оқибатли, ватанини севувчи инсон бўлмай, тайёр биороботга айланади ва аллақандай шайтоний кучларнинг қулига, хизматкорига айланади. Демак, ҳозирги кунда инсон тараққиётига хизмат қилиши кўзланган илм одам генига бостириб кириб, ундаги Худо яратган сифат ва хусусиятларни эзиб-янчиб, ўрнига ўзининг хатарли, инсон зотини ер юзидан қирилиб кетишига олиб келадиган, маънавий-руҳий қадриятларни остин-устун қилиб ташлайдиган ёвузлик уруғини эка олиш каби хатарли хусусиятини ҳам намоён қилмоқда.

«Боқий дарбадар» романининг яралишида ҳозирги замон илмида юқорида тилга олганимиз ҳалокатли ўзгаришларнинг ҳам ўрни бор, албатта. Ёзувчи дўстимиз бир зиёли ўлароқ нанотехнология ва ген технологиясида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг салбий оқибати ҳақида айтилаётган гаплардан яхши хабардор. Хўш, азалий қонунларни бузиб, инсон зотини ўзга бир мавжудотга айлантираётган, инсон тақдирининг яратувчиси бўламан деб худоликни даъво қилаётган, кишилар қалбидан меҳр-муҳаббат, ҳамдардлик туйғуларини супуриб ташлаб, ўрнига чексиз худбинлик уруғини экаётганларга қарши ёзувчи қандай қурол билан жанг қилишга уриниб кўрди?

Демак, олий ҳақиқатга қўл кўтарганлар, Худо яратган тартиб–низомлارни бузмоқчи бўлганларни «Боқий дарбадар»да Яратган улкан бўрон юбориб қум остига кўмиб йўқ қилиб ташлаяпти. Бу — жисмоний усулда иблис йўлига кирганларни жазолаш. Ғояни ғоя билан енгиш лозим деймиз. «Боқий дарбадар»да маънавий–руҳий қадриятларни инкор этгувчиларга нисбатан яратганнинг қудратини англаш, унга шукроналик, ота-онага эҳтиром, ватан ва миллатга муҳаббат инсон учун энг олий қадриятлар эканлиги муқобил келяпти.

\* \* \*

Профессорнинг ўғли мактубини онасининг номи-ни тилга олиш билан бошлаяпти:

*... Бугун онамнинг хокисор ва азиз қадамларининг изи қолган ҳовлимизда эканман, Парвардигори оламга имон келтирган барча кишиларнинг, аввало сизнинг ва онаимнинг ҳаққига кўзларимда ёш билан дуо қилгач, ушбу мактубни битмоқдаман...*

Ўғил мактубида бежиз миллат ва ватан кадр–қимматини бу даражада юксакка кўтараётгани йўқ. Янги инсон яратишга уринаётганларнинг айтишича, уларнинг илмий изланишлари ниҳоясига етиб, ўзлари хоҳлагандек умрбоқий ва гўё олий тафаккурга эга бўлган инсон яралгач, ота-она, ватан, миллат каби боқий маънавий қадриятлар ўз-ўзидан нурсизланиб, ер юзидан супурилиб йўқ бўлиб кетади. Қаерда тўкинчилик, бемалолчилик бўлса, дунёнинг қай бурчагида иқтисодий юксаклик бўлса, моддий бойлик ва роҳат–фароҳатни илоҳга айлантирган янги тур одамлар ўша томонга сувдай оқа бошлайди. Инсонни инсон қилиб турган тушунчалар — Яратганга итоат этиш, унинг чексиз қудратини англаш, ватан ва миллатга муҳаббат, ота-онага эҳтиром туйғулари барбод бўлгач, инсон ростдан дарбадарга айланади.

Инсоннинг қалбидаги барча олий қадриятлар эса ватан деган юксак тушунча атрофида бирлашиб туради. Айтиш лозим бўлса, ватан деганлари инсон руҳий оламининг устунидир. Ватандан айрилиш — иймондан айрилиш эканлигини бошқа миллатлардан кўра бизлар, узоқ йиллар қизил империядан зулм кўрганлар чуқурроқ ҳис қиламиз. Шу боис Исажон ўз асарида ватан ва миллат деган тушунчаларни олий қадрият сифатида мадҳ этиши шунчаки баландпарвоз гап эмас. Ватанни бой бериш барча кулфатларнинг бошланишидир. Ота-боболардан қолган Ватан тупроғи остида улкан тилло конлари бор, лекин сиз улардан турмушингизни яхшилаш учун фойдалана олмайсиз, тиллоларни босқинчи олиб кетади. Экин экасиз, ҳосили босқинчиники. Сизнинг юртингизда босқинчининг егани олдида, емагани кетида, муҳташам уйда яшайди, аёли ва қизлари башанг кийинади, ўғли бўлса шаҳар марказида гердайиб юради, сиз эса кун бўйи меҳнат қилиб қуруқ нон ғажийсиз, бошингиз сифса, кетингиз сифмайдиган каталакдек уйда яшайсиз, қизингиз доим юпун ва касалванд, ўғлингиз эса турмуш ташвишлари сабаб орзу-ҳавасни бир четга суриб кетмонни кўтариб далага чиқиб кетади... Шундай эмасми кечагина бошдан кечирганимиз маҳдудликнинг манзараси? Ватан инсон учун энг олий неъмат эканлигини озгина англантиш учун ёздик бу гапларни. Босқинчи сизни ота-боболарингиздан мерос бўлиб келаётган олий маънавий қадриятлардан жудо қилиб ташлайдики, бундан кейин сиз ўз юртида бек эмас, балки умри тубанлик ва ҳақоратлардан боши чиқмайдиган одамсимон махлуққа айланасиз. Билиш керакки, тарихий-миллий анъаналари йўқотиб ташланган миллат белига арқон боғлаб, босқинчининг хизматини қилишдан бошқа ишга ярамай қолади.

Мана, нима учун профессорнинг ўғли юксак ва салимий эҳтирос билан Ватан ва Имон фақат биргаликда мавжуд бўлишини мадҳ этипти.

*«Менга юрт шу имонимни ҳимоя қилишим, уни ёт таъсирлардан сақлай олишим, шоядки Тангри фарзанд ато этса, уни айнан шу руҳда, айнан шу ҳақиқатлар билан тарбиялашим учун керак. Шу жойда Имон билан Ватан деган нарсаларнинг бирлашганини кўраман. Зотан, руҳ танасиз бу дунёда мавжуд бўла олмаганидай, имон ҳам Ватансиз мавжуд бўла олмаслигини кўраман...»*

Бугунги кунда дунёнинг боши бузуқ дарбадарлар тўпланган аллақайси бурчакларида Яратувчиси ким эканлигини бутунлай унутган, ота-она, ватан, миллат каби олий қадриятларни оёқ ости қилиб, моддий тўкинчиликни ўзларининг саждагоҳига айлантирганлар иблисона ғояларини оламга ёйишга уринишяпти. Шундай бир шароитда ёшларимизга Ватан, миллат, ота-она инсон учун тенгсиз бойлик эканлигини эслатиб қўйиш ҳар бир зиёлининг Ватан ва миллат олдидаги буюк вазифасидир. Шу маънода Исажоннинг тилга олаётганимиз асарини ҳар хил ривоятлар ва кундалик турмушимизга алоқаси бўлмаган илмий лабораториялар тўғрисида ёзилган оддий бир асар дейиш нотўғридир.

Айтдикки, профессор Зиё асарнинг бош қаҳрамони деб. Мана, ўғилнинг мактуби ҳам профессорга юборилди ва шу баҳонада биз ҳам унинг мазмунидан воқиф бўлдик. Профессорнинг кўнглида яна бир имон ҳайқириғи борки, бу — саратон касалига чалиниб, ўлим тўшагида ётган буюк ёзувчи Гарсиа Маркеснинг видо мактубидир. Барчамиз биламизки, дор остида, яъни ўлимга рўбарў турган пайтда қалбининг тубида асраб юрилган гаплар айтилади. Хўш, ҳаёт ҳикматини англаб етган мутафаккир бу ёруғ дунёни тарк этиш арафасида қандай инсоний қадриятларни муҳим деб ҳисоблаб, инсониятга хитоб қиляпти.

*«...Эй қодир Эгам! Агар яна бир парчагина ҳаёт бўлган танимда қолсайди, бир кунимни ҳам теварагимдаги ўзим суйган инсонларга уларни севишимни айтмасдан ўтказмасдим. Мен учун қимматли бўлган ҳар бир кишини*

*муҳаббатимга ишонтирган, муҳаббатни севиб яшаган бўлардим... Эшикдан қандай чиқаётганингни охирги бор кўраётганимни билсам, бағримга қаттиқ босиб ўпган ва янада кўпроқ меҳримни бериш учун яна қайтадан ўзимга чорлаган бўлардим. Овозингни сўнгги бор эшитаётганимни билсам, мен ҳамма гапирган гапларингни қайта-қайта, бениҳоя эшитиш учун ёзиб олган бўлардим. Агар сени кўриб турганимнинг сўнгги дақиқалари эканини билсам, шундай деган бўлардим: «Мен сени яхши кўраман, аммо буни шусиз ҳам билишинг мен аҳмоқнинг хаёлимга ҳам келмабди».*

Во ажаб, ҳаёт ҳақиқатини, инсон умри мазмунини англаб етган мутафаккир ўлими олдидан ҳаммамизга таниш туйғулар тўғрисида гапиряпти, меҳр-муҳаббат инсон ҳаёти учун тенгсиз қимматга эга эканлигини айтиб бонг уряпти.

Мен шундай дердим: Исажон Султоннинг «Боқий дарбадар» асарида илк бор кейинги давр ўзбек адабиётида Оллоҳнинг қиёматини жонли ҳис этиш тамойили яққол сезилиб туради. Қиёматни жонли ҳис этиш – инсон руҳидаги энг оғир ва фавқулудда ҳолат. Биргина мисол. Бир авлиёнинг ўсмир ўғли Қуръондаги битта оят мазмунини чуқур ҳис этиб, ундаги маъно ҳайбатидан юраги ларзага тушади ва бир кечада сочлари оқариб ўлиб қолади... «Боқий дарбадар»ни хатодан бошланган инсон ҳаётининг ибтидо ва интиҳосининг мўъжазгина бадиий тарихи десак ҳам маъқул бўларди.

Асарни ўқиб тугатган айрим ўқувчиларда романнинг бош қаҳрамони ким, деган савол пайдо бўлиши шубҳасиз. Биз юқорида романнинг бош қаҳрамони профессор Зиё эканлигини, асардаги гўё ўзаро боғланмагандек кўринган ҳодисалар Зиёнинг қалбидаги кечинмалар эканлигини гапирдик.

«Боқий дарбадар»да профессор Зиё мукаммал генома формуласини яратиб бўлганидан кейин унинг юрагида эврилишлар бошланди. Олимнинг онгида кўнглидаги ҳолатнинг таржимаси ўлароқ воқеа-ҳодисалар уйғона бошлайди. Яъни у бир бошдан ичидаги ғалаёнга

мос ҳодисаларни эслайпти. Ва бу ходисаларнинг бари кетма-кет профессорнинг миясига тошдек урилиб, илмий кашфиёти Худонинг азалий низомларини бузиш эканлигини таъкидлаяпти. Балки пайғамбарлардан бири томонидан қарғалиб, дарбадарликка дучор этилган этикдўз, шаҳри ҳайбар, ғордаги авлиё, ғаройиб тошбақа, саҳродаги карвон, мутафаккир мактуби, ўғлидан келган хат — буларнинг бари профессорнинг онг-шуури, қалбидаги фавкулудда жараёнлардир. Эсланаётган ҳар бир ходиса замирида эса ёзувчи ўқувчига етказмоқчи бўлган катта ҳақиқатнинг алоҳида бир бўлаги пинҳон. Ёзувчи ўқувчига осон бўлсин учун асар сюжетидаги ҳодисаларни атай бир-бирига мантиқий боғлаши мумкин эди, лекин бу ҳолда роман озгина ўз қимматини ва сирлилигини йўқотган бўларди. Ҳар бир асарнинг ўз ўқувчиси бўлишини ҳам унутмайлик. Сизга маъқул келган асарни бошқа биров бир тийинга олмаслиги бор гап-ку. Яна бир гап: шундай асарлар борки, улар осонликча кўнглини очмайди, ўз ўқувчисини жуда инжиқлик билан танлайди.

\* \* \*

*...асарда Оллоҳнинг аршига-да сиғмайман деб нола чеккан шоир Машраб ҳам худди қор одам каби ўқтин-ўқтин кўриниб юрганлигини пайқадингизми?*

**Раҳимжон РАҲМАТ,**  
**адабий танқидчи**

## МУНДАРИЖА

Боқий дарбадар (роман).....	3
-----------------------------	---

### ҚИССА

#### «МУНОЖОТ» ТУРКУМИДАН

Муножот (қисса) .....	95
-----------------------	----

### ҲИКОЯЛАР

#### «ҚАЙДАСАН, ЖАННАТ?» ТУРКУМИДАН

Йигирма биринчи асрнинг саккиз яшар боласи.....	145
TODD.....	152
Айвон.....	160

#### «БОҒИ ЭРАМ ҲИКОЯЛАРИ» ТУРКУМИДАН

Ориф.....	173
Боғи Эрам.....	182
Авлиё.....	189
Ойдинбулоқ.....	198
Манзил.....	204
Менинг гулим.....	211

#### ТАРИХИЙ ҲИКОЯЛАР («ХУН» ТУРКУМИДАН)

Хун.....	221
Исмсиз қаҳрамон ҳақида ҳикоя.....	237
Тилсим лашкари.....	242

#### СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

«Муножот»дан «Боқий дарбадар»гача.....	254
--	-----



Адабий-бадий нашр

**Исажон Султон**

**БОҚИЙ ДАРБАДАР**

*Роман, қисса, ҳикоялар*

Рассом *Ю. Габзалилов*

Муҳаррир *О.Т. Қанаев*

Бадий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусахҳиҳ *М. Исҳоқов*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АИ №158, 14.08.09. Босишга рухсат  
этилди 26.04.2011. Офсет қоғози. Бичими 84×108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
Таймс гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма  
табоғи 14,7. Нашр табоғи 13,82. Нухаси 5000.  
Буюртма №11-27.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [iptduzbekistan@mail.uz](mailto:iptduzbekistan@mail.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

Исажон Султон

**БОҚИЙ ДАРБАДАР**



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-654-5



9 789943 016545